



ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ



ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ
КАСАБА УЮШМАСИ RESPУБЛИКА КЕНГАШИ

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИГА ОИД МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

Тошкент – 2017 йил
Ташкент – 2017 год




O'zbekiston
kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ



**ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ
КАСАБА УЮШМАСИ**

**МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИГА ОИД
МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР
ТЎПЛАМИ**



ТОШКЕНТ 2017 ЙИЛ

Мазкур тўпلامда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича Қонунлар ва қонуности ҳужжатлари берилмоқда.

Тўпلام соғлиқни сақлаш соҳасида меҳнат қилиб келаётган иш берувчилар ва уларнинг вакиллари, меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандислар ва тармоқ касаба уюшмаси фаоллари учун мўлжалланган.

*Ушбу тўпلام Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари
касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Ф.Ханатияев,
Республика Кенгаши бош мутахассислари
З.Алиев, С. Иноятуллаевлар томонидан тайёрланди.*

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.05.1994 йилдаги “Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” 250-сонли Қарори.....5

“Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини қўллаш тартиби тўғрисида” Йўриқнома 14

Зарегистрированным Министерством Юстиции Республики Узбекистан № 865 от 05.01.2000 года “Список работ с неблагоприятными условиями труда, на которых полностью или частично запрещается использование женского труда”39

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 25 августда 1998-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 10 августдаги 49-Б-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Соғлиқни сақлаш ва тиббиёт ишлаб чиқаришлари ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа яқка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрлари”74

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 12 майда 1954-сон билан рўйхатга олинган Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 21 апрелдаги 17/ҚҚ, 8-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисида Низом”106

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.06.2009 йилдаги ““Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 177-сонли қарори 109

Адлия вазирлиги томонидан 29.08.2012 йилда 2387-сонли рақам билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 10.07.2012 йилдаги 200-сонли буйруғи165

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.09.2014 йилдаги “Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш тўғрисида” 263-сонли Қарори262

Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 22.09.2016 йилдаги ЎРҚ-410-сонли Қонуни343

Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” янги таҳрирдаги Қонуни ижроси юзасидан қасаба уюшмалари тизимидаги қайта ишлаб чиқилган норматив ҳужжатлар тўғрисидаги Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 14.04.2017 йилдаги № 6-44“с” сонли Қарори.....371

Ўзбекистон қасаба уюшмаларининг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги хизмати тўғрисида Низом373

Қасаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссияси тўғрисидаги Низом395

Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш бўйича тавсиялар402

“Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи.....415

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида Низом.....417

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитишни ташкил қилиш ва билимларни текшириш тўғрисида Низом448

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ
12.05.1994 й.
N 250**

**ИМТИЁЗЛИ ШАРТЛАРДА ПЕНСИЯГА ЧИҚИШ
ҲУҚУҚИНИ БЕРУВЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШЛАР,
МУАССАСАЛАР, ИШЛАР, КАСБЛАР, ЛАВОЗИМЛАР ВА
КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ РЎЙХАТИНИ
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Мазкур Қарорга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган

ЎзР ВМ 01.03.2001 й. 103-сон Қарори,

ЎзР ВМ 06.04.2001 й. 162-сон Қарори,

ЎзР ВМ 24.03.2010 й. 52-сон Қарори

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини жорий этиш тартиби ҳақида" 1993 йил 3 сентябрдаги қарорини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидаги илова қилинаётган рўйхатлар тасдиқлансин:

талаб қилинадиган умумий ва махсус иш стажи бўлганда ёшдан қатъи назар, пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг 1-рўйхати*;

талаб қилинадиган умумий ва махсус иш стажи бўлганда умумий белгиланган ёшдан 10 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 2-рўйхати*;

талаб қилинадиган умумий ва махсус иш стажи бўлганда умумий белгиланган ёшдан 5 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 3-рўйхати*.

2. Белгилаб қўйилсинки:

2-рўйхатнинг* 1-қисми ва 3-рўйхатнинг* 1-қисми иш ўрнини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказишни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаган тартибда татбиқ этилади;

мулкчилик шакллари ва қайси идорага қарашлиликларидан қатъи назар, корхоналарда имтиёзли пенсия таъминоти бўйича рўйхатларнинг тўғри қўлланилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги амалга оширадилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига ҳамда Молия вазирлигига ёши бўйича имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар Рўйхатини татбиқ қилиш тартиби тўғрисида тушунтиришлар бериш, шунингдек, келишган ҳолда ушбу Рўйхатга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг буюртманомаси бўйича 1994 йилнинг 1 июнигача имтиёзли пенсия таъминоти ҳақидаги норматив ҳужжатлар тўпламининг нашр этилишини таъминласин. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўпламнинг нашр қилиниши учун керакли маблағларни излаб топсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий масалалар, фан ва маданият бўлими зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. Муталов

**) 1, 2 ва 3-рўйхатлар рус тилидаги матнда берилган.*

СПИСОК N 2

производств, учреждений, работ, профессий, должностей, и показателей, дающих право на пенсию с уменьшением общеустановленного возраста на 10 лет

В настоящий Список внесены изменения в соответствии с Постановлением Минтруда и Минсоцобеспечения от 23.03.1995 г. N 3/1-2/5,

Распоряжением Минтруда от 26.05.1995 г. N 2,

Минсоцобеспечения от 25.05.1995 г. N 63 и Фонда социального страхования при КМ РУз от 23.05.1995 г. N 5,

Постановлением Минтруда и Минсоцобеспечения от 12.06.1995 г. N 1005/3,

Постановлением Минтруда и Минсоцобеспечения от 12.12.1995 г. N 7/05-2142/6,

Постановлением МТСЗН, зарегистрированным МЮ 14.01.2010 г. N 2066,

Постановлением МТСЗН и МФ, зарегистрированным МЮ 03.01.2013 г. N 2409

ЧАСТЬ I. РАБОТНИКИ, ЗАНЯТЫЕ ПОЛНЫЙ РАБОЧИЙ ДЕНЬ НА ПОДЗЕМНЫХ РАБОТАХ, НА РАБОТАХ С ОСОБО ВРЕДНЫМИ И ОСОБО ТЯЖЕЛЫМИ УСЛОВИЯМИ ТРУДА

ХІХ. УЧРЕЖДЕНИЯ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ

17541 Работники учреждений здравоохранения, постоянно и непосредственно работающие с радиоактивными веществами с активностью на рабочем месте свыше 10 милликюри радия 226 или эквивалентного по радиотоксичности количества радиоактивных веществ, а также на гамма-терапевтических аппаратах

20426 Врачи-рентгенологи, а также врачи, постоянно занятые в рентгенооперационных и ангиографических кабинетах

24577 Рентгенолаборанты, в том числе в рентгенооперационных, ангиографических и флюорографических кабинетах

24713 Средний медицинский персонал рентгеновских отделений (кабинетов), а также средний медицинский персонал, постоянно занятый в рентгенооперационных и ангиографических кабинетах

XXIII. ОБЩИЕ ПРОФЕССИИ

11465 Водолазы и другие работники, занятые работой под водой, в том числе в условиях повышенного атмосферного давления, не менее 275 часов в год (25 часов в месяц) либо время пребывания которых под водой с начала водолазной практики составляет 2750 часов и более

11618 Газорезчики, занятые на работах внутри резервуаров, баков, цистерн и отсеков судов

11620 Газосварщики, занятые на работах внутри резервуаров, баков, цистерн и отсеков судов

12736 Кессонщики-аппаратчики

12738 Кессонщики-проходчики

12740 Кессонщики-слесари

12741 Кессонщики-электромонтажники

16265 Освинцевальщики

16456 Паяльщики и лудильщики горячим способом, занятые пайкой и лужением изделий припоями, содержащими свинец, а также припоями, содержащими вредные вещества 1-2 классов

опасности или канцерогены

16462 Паяльщики по свинцу (свинцовопаяльщики)

1753а Рабочие, занятые на внутренней очистке резервуаров, баков, цистерн, отсеков танков судов и внутри дробеструйных камер при работе в скафандрах или противогазах

1753б Рабочие, занятые на внутренней очистке резервуаров, баков, цистерн, отсеков танков судов от нефтепродуктов и химических веществ

1754а Рабочие и мастера, занятые в производствах приборов и изделий, содержащих ртуть (непосредственно на работах с металлической ртутью), а также на ремонте и обслуживании приборов и аппаратов на работах с открытой металлической ртутью

1754б Работники, непосредственно занятые на работах с микроорганизмами 1 группы, против которых не разработано эффективных средств профилактики и лечения

19182 Травильщики, занятые на травлении металла в растворах, содержащих вредные вещества 1-2 классов опасности или канцерогены

19568 Чистильщики металла, отливок, изделий и деталей, занятые на очистке металла, металлических деталей и изделий сухим кварцевым песком

19905 Электросварщики на автоматических и полуавтоматических машинах, занятые на полуавтоматических машинах работами внутри резервуаров, баков, цистерн и отсеков судов

19906 Электросварщики на ручной сварке, занятые на работах внутри резервуаров, баков, цистерн и отсеков судов

СПИСОК N 3

**производств, учреждений, работ, профессий, должностей и
показателей, дающих право на пенсию с уменьшением
общеустановленного
возраста на 5 лет**

В настоящий Список внесены изменения в соответствии с
Постановлением Минтруда и Минсоцобеспечения от
12.06.1995 г.
N 1006/4,
Постановлением Минтруда и Минсоцобеспечения от
11.07.1995 г.
N 6/5-4/5,
Постановлением Минтруда и Минсоцобеспечения от
11.07.1998 г.
N 6/04-2/4-6,
Постановлением КМ РУз от 30.04.1999 г. N 202,
Постановлением КМ РУз от 06.04.2001 г. N 162,
Постановлением КМ РУз от 24.03.2010 г. N 52,
Постановлением МТЗН и МФ, зарегистрированным МЮ
07.10.2011 г. N 2276,
Постановлением МТСЗН и МФ, зарегистрированным МЮ
03.01.2013 г. N 2409

ЧАСТЬ I. РАБОТНИКИ, ЗАНЯТЫЕ НА РАБОТАХ С ВРЕДНЫМИ И ТЯЖЕЛЫМИ УСЛОВИЯМИ ТРУДА

XXV. УЧРЕЖДЕНИЯ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ, ТРУДА И СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ НАСЕЛЕНИЯ

(Наименование в редакции Постановления КМ РУз от 06.04.2001 г. N 162)

1754а Работники, занятые в противочумных учреждениях
1754б Работники, непосредственно обслуживающие больных:

а) в туберкулезных и инфекционных учреждениях, отделениях, кабинетах:

Средний медицинский персонал

Младший медицинский персонал

б) в лепрозориях:

Средний медицинский персонал

Младший медицинский персонал

в) в психиатрических (психоневрологических) лечебно-профилактических учреждениях и отделениях домов ребенка:

Младший медицинский персонал

Средний медицинский персонал

г) в домах-интернатах для психических больных, детских домах-интернатах для умственно отсталых детей системы труда и социальной защиты населения: Средний медицинский персонал

Младший медицинский персонал

д) в подземных больницах, расположенных в отработанных соляных шахтах:

Врачи, средний и младший медицинский персонал

Рабочие, постоянно работающие под землей для поддержания в нормальном состоянии шахтных выработок больниц

е) в ожоговых и гнойных отделениях

Врачи, средний и младший медицинский персонал

ж) в отделениях и кабинетах химиотерапии онкологических учреждений (подразделений)

Врачи, средний и младший медицинский персонал

Младший медицинский персонал в детских онкологических отделениях

1754в Работники учреждений здравоохранения, постоянно и

непосредственно работающие с радиоактивными веществами с активностью на рабочем месте не менее 0,1 милликюри радия 226 или эквивалентного по радиотоксичности количества радиоактивных веществ

14467 Младшие медицинские сестры (санитарки) патолого-анатомических отделений, прозекторских, моргов

14467 Младшие медицинские сестры (санитарки) по уходу за больными, занятые в рентгеновских отделениях (кабинетах)

1754г Медицинские и фармацевтические работники, заразившиеся при исполнении служебных обязанностей вирусом иммунодефицита человека

XXXIV. ОБЩИЕ ПРОФЕССИИ

14257 Машинисты технологических компрессоров, занятые на обслуживании газовых компрессоров (кроме воздушных)

1754б Работники, непосредственно выполняющие работы с микроорганизмами 1-2 групп опасности

23395 Мастера и старшие мастера производственного обучения, занятые обучением на подземных работах в угольной и горнорудной промышленности, на горячих участках работ металлургического производства, в химической промышленности и находящиеся 50% рабочего времени и более под землей и в производственных цехах

ЧАСТЬ VII. УЧИТЕЛЯ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ ДЛЯ ДЕТЕЙ- ИНВАЛИДОВ, ДОМОВ "МЕХРИБОНЛИК", ВОЕННЫХ АКАДЕМИЧЕСКИХ ЛИЦЕЕВ, ВОСПИТАТЕЛЬНЫХ КОЛОНИЙ

Учителя специализированных образовательных учреждений (школ, школ-интернатов) для детей с отклонениями в физическом или психическом развитии, специализированных образовательных учреждений (школ-интернатов) санаторного типа, специализированных профессиональных колледжей для лиц с ограниченными возможностями, домов "Мехрибонлик" и военных академических лицеев, воспитательных колоний.

ЧАСТЬ VIII. ВРАЧИ И СРЕДНИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ПЕРСОНАЛ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫХ МЕДИЦИНСКИХ УЧРЕЖДЕНИЙ

Специализированные медицинские учреждения с особо опасными для здоровья и особо тяжелыми условиями труда

а) Туберкулезные и инфекционные учреждения (отделения, кабинеты); психиатрические (психоневрологические) лечебно-профилактические учреждения (включая детские); лепрозории; дома-интернаты для психически больных, детские дома интернаты для умственно отсталых детей системы Министерства труда и социальной защиты населения Республики Узбекистан (дома "Мурувват")

Врачи - независимо от наименования должности

б) Республиканский центр по борьбе со СПИДом и его региональные центры, учреждения и специализированные отделения учреждений здравоохранения, предназначенные для лечения больных СПИДом и ВИЧ-инфицированных; отделения (палаты) реанимации и интенсивной терапии; патологоанатомические, прозекторские отделения и морги; отделы (отделения) и лаборатории особо опасных инфекций, бактериологические, вирусологические, радиологические и токсикологические лаборатории

Врачи - независимо от наименования должности

Средний медицинский персонал

Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлигида 2012 йил 12 мартда
2337-сон билан рўйхатга олинган
Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва
аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш
вазирлиги ва Молия вазирлигининг
2012 йил 25 январдаги 2-Қ, 5-сонли
қарорига ИЛОВА

**Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб
чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва
кўрсаткичлар рўйхатларини қўллаш тартиби тўғрисида
ЙЎРИҚНОМА**

Муқаддима.

I боб. Умумий қоидалар.

II боб. Рўйхатларнинг қўлланилиши.

III боб. Яқунловчи қоида.

1-илова. Аниқ бир меҳнат шароитларида махсус стажни тасдиқловчи Хужжатлар.

2-илова. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни 41-моддасига асосан имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинлашда махсус стажнинг йигиндисини чиқариш (ўзаро ҳисобга олиш) Жадвали.

3-илова. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунининг 11- ва 12-моддаларига асосан талаб қилинган махсус стаж мавжуд бўлмаганда имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия Шартлари.

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 338-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон "Имтиёзли

шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги ва 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 37-сон, 377-модда) қарорларига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган имтиёзли шартларда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларининг қўлланилиш тартибини белгилайди.

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган имтиёзли шартларда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1, 2 ва 3-сон Рўйхатларига (кейинги ўринларда - Рўйхатлар деб юритилади) мувофиқ айрим тоифадаги фуқаролар эга.

2. Мазкур Йўриқнома барча ташкилотларда қўлланилиши мажбурийдир.

II БОБ. РЎЙХАТЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

3. 1-сон Рўйхатнинг I ва II қисмлари, 2-сон Рўйхатнинг I қисми ва 3-сон Рўйхатнинг I қисмида ишлаб чиқаришлар рўйхати кўзда тутилган. Мазкур ҳолатда ишлаб чиқариш деганда, Рўйхатларда кўзда тутилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш тушунилиб, ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан ташкилот тўлалигича ёки унинг бир қисми (цех, участка, бўлим) (кейинги ўринларда - ташкилот деб юритилади) шуғулланиши аҳамият касб этмайди. Рўйхатларда келтирилган касб (лавозим) бўйича имтиёзли шартларда ёшга доир пенсияларни фақатгина тегишли ишлаб чиқариш мавжуд бўлгандагина тайинлаш мумкин. У мавжуд бўлмаганда имтиёзли шартларда пенсиялар

тайинланмайди (масалан: 2-сон Рўйхатнинг I қисми "Металлни қайта ишлаш" XI бўлимининг "Темирчилик-прессли ишлаб чиқариш" 2-бандида "қўл меҳнатига асосланган темирчилар" мавжуд. Темирчилик-прессли ишлаб чиқариш цехи (участка ёки бўлим) мавжуд бўлмаган ташкилотларда ишловчи темирчи имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқига эга эмас).

4. 2-сон Рўйхатнинг I қисми ва 3-сон Рўйхатнинг I қисмидаги "Умумий касблар" бўлимлари, шунингдек 2-сон Рўйхатнинг I қисми "Металлни қайта ишлаш" XI бўлими "Металлни қайта ишлаш бўйича бошқа касблар" 5-банди ва 3-сон Рўйхатнинг I қисми "Металлни қайта ишлаш" XV бўлими "Металлни қайта ишлаш бўйича бошқа касблар" 12-банди, ушбу бўлим ва бандларда назарда тутилган ишлар қандай ташкилотларда амалга оширилишидан қатъи назар, қўлланилади (масалан: 3-сон Рўйхатнинг I қисми "Умумий касблар" XXXIV бўлимида кўрсатилган қўл меҳнатига асосланган электр ва газ пайвандчилар имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига улар қаерда ишлашларидан қатъи назар (машинасозлик заводида, темир йўл транспортида, текстиль фабрикасида, металлургия заводида, квартираларни таъмирлаш билан шуғулланувчи ташкилотда), агар улар тўлиқ иш куни давомида қўл меҳнатига асосланган пайвандлаш ишлари билан банд бўлгандагина, эга бўладилар. Мазкур ҳолат тегишли ҳужжатлар (ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш, меҳнат таътилини бериш тўғрисидаги буйруқлар ҳамда иш ҳақини ҳисоблаш китоблари, ишларни бажариш тўғрисидаги нарядлар, иш ўринларининг аттестацияси натижалари ва бошқалар) билан тасдиқланиши лозим.

5. 2-сон Рўйхатнинг I қисми ва 3-сон Рўйхатнинг I қисмида кўзда тутилган ишчилар, касблар ва лавозимлар имтиёзли шартларда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқидан, агар уларнинг меҳнат шароитлари Рўйхатларда кўрсатилган шартларга (кўрсаткичларга) мос бўлса фойдаланади. Ушбу мослик ташкилотларда иш ўринларининг аттестацияси натижалари билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқланиши лозим.

6. Имтиёзли шартларда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига Рўйхатларда, 1-сон Рўйхатнинг "Учувчи ва синовчи учувчи

таркибнинг ишчилари" III қисм ва "Спортчилар" VII қисм ҳамда 3-сон Рўйхатнинг "Ногирон болалар учун ихтисослаштирилган таълим бериш муассасалари, "Меҳрибонлик" уйлари, ҳарбий академик лицейлар, тарбиявий колониялар ўқитувчилари" VII қисм ва "Ихтисослашган тиббий муассасаларнинг шифокорлари ва ўрта тиббий ходимлари" VIII қисмлар бундан мустасно, кўзда тутилган ишларни бажаришда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ишчилар эга.

7. Тўлиқ иш куни давомида бандлик деганда Рўйхатларда кўзда тутилган ишларни тегишли ишлаб чиқариш тармоқларида, иш вақти аттестациясига мос келувчи шартларда, қонунчилик билан белгиланган иш вақтининг камида 80% билан банд бўлиш тушунилади.

Бунда, ўз меҳнат вазифаларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида тайёрлаш, ёрдамчи, жорий таъмирлаш ишларини бажариш, шунингдек ўз иш жойидан ташқарида бўлган ишларни бажариш, ишчини имтиёзли пенсия таъминоти ҳукукидан маҳрум қилмайди.

8. Ишларда доимий банд бўлмаган ишчиларга, махсус стаж ҳақиқатда ишланган иш даври бўйича ҳисобланади.

9. Ишчиларнинг касби (лавозими) бир вақтнинг ўзида турли Рўйхатларда кўзда тутилган бўлса, имтиёзли пенсиялар улар ишлаётган ташкилотнинг бажараётган ишлар характеридан келиб чиқиб тегишли Рўйхатларнинг тегишли бўлимилари бўйича тайинланади.

10. Мазкур Йўриқноманинг 8-бандида кўрсатиб ўтилган ишчиларга, шунингдек ишчиларга имтиёзли шартларда пенсия тайинланиши учун аниқ бир вақт ёки мавсум давомида Рўйхатларда кўзда тутилган ишларда банд бўлиш талаб қилинган ҳақдирда, уларнинг ушбу ишларда банд бўлганлиги тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланиши лозим (масалан: 2-сон Рўйхатнинг I қисми "Тоғ-кон ишлари" I бўлими 1-банди "г" кичик бандига нисосан маркшейдерларга имтиёзли шартларда пенсия тайинлаш учун улар ер ости ишларида бир йилда (ҳисобот даврида) иш вақтининг камида 50 фоизи билан банд бўлиши лозим. Ҳар қандай

ҳолатда кўрсатиб ўтилган ишларда банд бўлиш тегишли ҳужжатлар (ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш, меҳнат таътили бериш ҳақидаги буйруқлар, иш ҳақини ҳисоблаш китоблари, шахтага тушиш вақтини ҳисобга олиш журналлари ва бошқа ҳужжатлар) билан тасдиқланиши лозим.

11. Ишларнинг маълум бир шароитларидаги махсус стаж мазкур Йўриқноманинг 1-илоvasида келтирилган ҳужжатлар билан тасдиқланади.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (кейинги ўринларда - Низом деб юритилади) 70-бандига асосан, ходимларнинг айрим тоифалари учун белгиланган имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини тасдиқлаш учун (масалан: ишларнинг қизгин участкаларида ёки қизгин ишларда бандлик тўғрисида, муайян моддалар ёки хавфлиликнинг муайян даражаларига кирадиган зарарли моддалар билан ишлаш тўғрисида, ер ости ишларида бандлик тўғрисида, ишларни муайян усулда бажарганлик тўғрисида, муайян жойда ишларни бажарганлик тўғрисида ва шу қабилар) махсус стажни тасдиқлаш мақсадида фақат ташкилотнинг аниқлаштирувчи маълумот-номалари қабул қилинади.

13. 2-сон Рўйхатнинг I қисми ва 3-сон Рўйхатнинг I қисмида кўрсатилган, касблар ва лавозимларнинг рўйхатлари келтирилмаган ишлаб чиқаришлар бўйича имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқига, касблари ва эгаллаган лавозимдан қатъи назар, ушбу ишлаб чиқаришларнинг барча ишчилари фойдаланади (масалан: 2-сон Рўйхатнинг I қисми "Нефть, газ, газ конденсати, кўмир ва сланецни қайта ишлаш" X бўлимига техник углеродни ишлаб чиқаришда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ишчилар, раҳбарлар ва мутахассислар киритилган. Бинобарин, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқидан ушбу ишлаб чиқаришда банд бўлган, касби ва эгаллаган лавозимининг номланишидан қатъи назар, барча ишчилар фойдаланади).

14. 2-сон Рўйхатнинг I қисми ва 3-сон Рўйхатнинг I қисмида

ишчилар касби умумий номланиш асосида киритилган ҳолатларда, имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқига ушбу касбларнинг барча номланишидаги ишчилар эга бўлишади, шу жумладан бош, катта ва уларнинг ёрдамчилари.

15. 2 ва 3-сон Рўйхатларда слесарлар, электриклар, электрослесарлар ва электромонтёрлар, улар бажарадиган ишлар характери кўрсатилмаган ҳолда кўзда тутилган ҳолларда, ушбу касблар ишчилари имтиёзли пенсия ҳуқуқидан улар мазкур ишлаб чиқаришда ускунани таъмирлаш ёки унга хизмат кўрсатиш билан банд бўлганлигидан қатъи назар, фойдаланади.

16. Лавозими махсус маълумот ва малакани талаб қилмайдиган Рўйхатларда кўзда тутилган мутахассислар, имтиёзли шартларда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқидан маълумоти ва малакасидан қатъи назар, фойдаланади (масалан: 2-сон Рўйхатнинг I қисми "Тоғ-кон ишлари" 1-бўлими "Ер ости ишлари: фойдали казилмалар қазиб олиш бўйича шахталарда, рудникларда ва конларда; геологоразведкаларда; дренажли шахталарда; шахта, рудниклар ва конлар қурилиши" 1-банди "г" ва "д" кичик бандларида тоғ нормировшчиклари ва участка тоғ нормировшчиклари кўзда тутилган. Мазкур ҳолатда имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқидан тоғ инженер-нормировшчиклари, участка тоғ инженер-нормировшчиклари ва участка тоғ техник-нормировшчиклари ҳам фойдаланади).

17. Бригадирлар имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқидан ишчилар каби 2-сон Рўйхатнинг I қисми ва 3-сон Рўйхатнинг I қисмига мувофиқ фойдаланади, агар:

а) улар ўз касблари бўйича Рўйхатларда бевосита кўзда тутилган бўлса (масалан: доменли ишлаб чиқаришда қуйиш машиналари бригадирлари (2-сон Рўйхатнинг I қисми "Металл ишлаб чиқариш (қора металллар)" III бўлими "Доменли ишлаб чиқариш" 1-банди); ювиш-буғлаш станцияларида (поездлар, пунктлар) банд бўлган темир йўл транспорти ташкилотлари бригадирлари (озод қилинганлар) (3-сон Рўйхатнинг I қисми "Транспорт" XXIX-бўлими "Темир йўл транспорти" 1-банди ва х. к.);

б) Рўйхатларда кўзда тутилган ишчиларга раҳбарлик қилиб

ушбу ишчиларга белгиланган барча ишларни тўлик бажарганларида, яъни озод қилинмаган бригадирлар (масалан: конковловчилар бригадирлари, қолипловчи бригадирлар).

18. Агар 2-сон Рўйхатнинг I қисми ва 3-сон Рўйхатнинг I қисмида мастерлар ва раҳбар ўринбосарлари бажарадиган иш характери кўрсатилмаган ҳолда кўзда тутилган бўлса, унда улар имтиёзли пенсия ҳуқуқидан 2-сон Рўйхатнинг I қисми ва 3-сон Рўйхатнинг I қисмида кўрсатилган тегишли ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнида ёки усқунани таъмирлаш ва унга хизмат кўрсатишда бевосита банд бўлганда фойдаланади.

Катта мастерлар, ёрдамчилар ва раҳбарлар ўринбосарлари касбларининг барча номланишлари мастер ёрдамчиларидан ташқари, имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқидан фақатгина агар улар 2-сон Рўйхатнинг I қисми ва 3-сон Рўйхатнинг I қисмида тўғридан-тўғри кўзда тутилгандагина фойдаланади.

Мастер ёрдамчилари мастерларга берилган имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқидан фойдаланади.

19. Ишчиларга берилган касблар номи хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига мос бўлмаган ҳолда ўрнатилган ҳолатларда (яъни касбларнинг маҳаллий номланиши қўлланилганда), Рўйхатларда кўзда тутилган касблар номланишига мослиги тармоқ вазирлик ва муассасалар томонидан ишлар характеристикаси тўғрисидаги ҳужжатларнинг асл нусхаси асосида белгиланади.

Тармоқ вазирлиги (муассаса)нинг касблар мослигини белгилаш тўғрисидаги хулосаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигига тасдиқлаш учун тақдим этилади (тегишли хулоса қабул қилиш учун асос бўлган барча материалларни илова қилган ҳолда).

Раҳбарлар ва мутахассисларнинг лавозимлари мослиги белгиланмайди.

20. 2 ва 3-сон Рўйхатларнинг "Кимёвий ишлаб чиқариш" бўлимлари бўйича имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқи мазкур ишлаб чиқаришларда банд бўлган ишчиларга, ишлаб чиқарган маҳсулотлари саноат ва кишлок хўжалик маҳсулотлари классификаторларига асосан қуйидаги бўлимларга тегишли

бўлганда тақдим этилади: ноорганик кимё, органик синтез, нефткимёвий маҳсулот, резинотехник ва асбестли маҳсулот, ўғитлар, полимерлар, пластик массалар, каучуклар, лак бўёқ, фототехник, маиший кимё материаллари; синтетик бўёқ, кимёвий реактивлар ва юқори-соф моддалар.

2 ва 3-сон Рўйхатларнинг "Кимёвий ишлаб чиқариш" бўлимлари "А" ва "Б" бандларидан ташкил топган. "А" бандига саноатнинг кимёвий ва нефткимёвий ташкилотлари, "Б" бандига саноат ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари таркибида фаолият юритаётган алоҳида цехлар, участкалар, бўлимлар, қурилмалар киритилган.

21. Ташкилотларни саноатнинг кимёвий ва нефткимёвий тармоқларига киритиш халқ хўжалигининг умумдавлат тармоқ классификатори (ХХУТК)га асосан, уларнинг асосий фаолият тури характеридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

22. Саноатнинг машинасозлик ва металлни қайта ишлаш тармоғига киритилган ташкилот таркибида ишчилари пластик массадан буюмлар тайёрлаш билан банд бўлган цех (участка, бўлинма) мавжуд бўлганда, мазкур ишчиларга имтиёзли пенсия таъминоти "Кимёвий ишлаб чиқариш" бўлимининг "Б" банди бўйича тайинланиши лозим.

23. ХХУТКга асосан кимёвий ва нефткимёвий тармоғига киритилган ташкилотлар номланиши 2 ва 3-сон Рўйхатларнинг "Кимёвий ишлаб чиқариш" бўлими "А" бандида кўзда тутилмаган бўлганда, мазкур ташкилотлар таркибига кирувчи ишлаб чиқаришлар ишчиларининг имтиёзли пенсия таъминоти масаласи 2 ва 3-сон Рўйхатларнинг мазкур бўлим "Б" кичик бандига асосан ҳал этилиши лозим.

24. 3-сон Рўйхатнинг VII қисмида кўзда тутилган ногирон болалар учун ихтисослаштирилган таълим бериш муассасалари, "Меҳрибонлик" уйлари, ҳарбий академик лицейлар, тарбиявий колонияларда, ишлаш даврида амал қилган қонунчиликка асосан мазкур тоифадаги ишчиларга белгиланган иш вақтининг давомийлиги меъёрлари (педагогик юкланма) талабларига риоя этилган тақдирда, камида 25 йил ишлаган ўқитувчилар (шу

жумладан ўқитувчи-логопедлар, ўқитувчи-дефектологлар) имтиёзли шартларда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқидан фойдаланади.

25. Рўйхатларда кўзда тутилган врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқига, ишлаш даврида амал қилган қонунчиликка асосан мазкур тоифадаги ишчиларга белгиланган иш вақтининг давомийлиги меъёрлари талабларига риоя этилган тақдирда эга бўлади.

3-сон Рўйхатнинг VIII қисми бўйича пенсиялар, агар врачлар ва бошқа тиббиёт ходимлари меҳнат фаолиятларининг бир қисми қишлоқ жойлардаги ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларида, қолган қисми шаҳарда ўтган бўлса, камида 30 йил меҳнат стажига эга бўлганда тайинланади.

26. 3-сон Рўйхатнинг IX-қисмида қариялар, ногиронлар ва ёлғиз фуқароларга хизмат кўрсатишда бевосита банд бўлган бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказлари мутахассислари кўзда тутилган. Мазкур тоифага Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказлари мутахассислари киритилган.

Бунда имтиёзли шартларда пенсия таъминоти ҳуқуқидан факатгина ўзгалар парваришига муҳтож бўлган қариялар, ногиронлар ва ёлғиз фуқароларга уйда бевосита хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ишчилар фойдаланади.

27. Низомнинг 35-банди "ж" кичик банди иккинчи хатбошисига асосан, болани парваришлаш таътилида бўлиш даври (шу жумладан пули тўланадиган таътилда бўлиш) ёшга доир имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган махсус иш стажига қўшилмайди.

28. Имтиёзли пенсия таъминотига ҳуқуқ берувчи махсус стажга, ушбу имтиёзга ҳуқуқ берувчи ишдан ноқонуний бўшатирилганлиги учун тўланган ишга келинмаган вақт қўшилади.

29. Имтиёзли пенсия таъминотига ҳуқуқ берувчи махсус

стажга қуйидаги даврлар киритилмайди:

иш ҳақи сақланмаган ҳолдаги таътил;

академик (таълим) таътиллари, малака ошириш курсларида ўқиш даври, клиник ординатура (интернатура), ишлаб чиқариш амалиёти ёки таълимини ўташ даври.

Агар олий таълим муассасаси (аспирантура, докторантура ва клиник ординатура (интернатура)) талабаси имтиёзли пенсия таъминотига ҳуқуқ берувчи ишга қабул қилинган бўлса, ўқиш давридаги ишлаган вақти тўлиқ иш куни давомида ишлаган иш соатлари мавжуд бўлганда, махсус стажга киритилади.

30. Низомнинг 58-бандига асосан иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар ҳарбий ҳаракатлар, табиий офатлар, авариялар, ҳалокатлар ёки бошқа фавқулодда вазиятлар натижасида тўлиқ сақланмаган ёки қисман сақланган ҳолларда иш стажини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки вилоятлар, туманлар (шаҳарлар)нинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (ҳокимликлар) томонидан ташкил этиладиган иш стажини аниқлаш бўйича махсус комиссиялар томонидан амалга оширилади.

Қисман сақланиб қолган ҳужжатлар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида кўрсатиб ўтилган комиссиялар томонидан белгиланган меҳнат фаолияти даврлари иш стажига, шунингдек ҳужжатлар билан тасдиқланган иш вақти сифатида имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган махсус иш стажига киритилади.

31. Низомнинг 74-бандига асосан авариялар ва маҳаллий кўламдаги бошқа фавқулодда вазиятлар (ёнғин, сув босиши), ташкилотнинг тўлиқ тугатилиши ёхуд ушбу Йўриқноманинг 30-бандида назарда тутилгандан бошқа сабаблар бўйича архив маълумотларининг мавжуд эмаслиги муносабати билан мавжуд иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда ва уларни олиш имкони бўлмаганда иш стажи суд тартибида белгиланади.

32. Умумий меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берувчи ишнинг характери гувоҳларнинг кўрсатмалари билан белгиланмайди.

33. Рўйхатлар бўйича имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи махсус стажлар Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунининг (кейинги ўринларда - Қонун деб юритилади) 41-моддасига мувофиқ жамланади (ўзаро ҳисобга олинади). Махсус стаж йигиндисининг (ўзаро ҳисобга олиш) тартиби мазкур Йўриқномага 2-иловада келтирилган.

34. Қонуннинг 11-моддаси "а" кичик бандига асосан меҳнат стажи мавжуд бўлганда (эркакларга камида 20 йил ва аёлларга камида 15 йил), шундан:

ер ости ишларидаги меҳнат стажи эркакларда 10 йилдан кам ва аёлларда 7 йилу 6 ойдан кам бўлган ҳолларда ходимларга бу ишлардаги ҳар бир тўлиқ йил учун, Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши 1 йилга қисқартирилади.

меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда - эркаклар камида 5 йил, аёллар камида 3 йил 9 ой - ишлаган ходимларга пенсия ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши шундай ишда банд бўлинган ҳар бир тўлиқ йил учун 1 йилга қисқартирилган ҳолда тайинланади.

35. Қонуннинг 12-моддаси "б" кичик бандига асосан, меҳнат стажи мавжуд бўлганда (эркакларга камида 25 йил ва аёлларга камида 20 йил), меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда - эркаклар камида 6 йилу 3 ой, аёллар камида 5 йил - ишлаган ходимларга пенсия Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёшини эркакларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йилу 6 ойи учун ва аёлларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йили учун 1 йилга қисқартирилган ҳолда тайинланади.

36. Мазкур Йўриқноманинг 34 ва 35-бандларида кўзда тутилган имтиёзларнинг қўлланилиш шартлари ушбу Йўриқноманинг 3-иловасида келтирилган.

37. 2-сон Рўйхатнинг I қисми "Қутқарув ишлари" XXV бўлими бўйича имтиёзли пенсия таъминотига ҳуқуқ берувчи махсус стажга қутқарув хизмати қутқарувчилари, қутқарув хизматларига аниқ бир дастур бўйича тайёрланган ва ўрнатилган тартибда аттестациядан ўтказилган меҳнат шартномаси

(контракти) бўйича ишлаётган ишчиларнинг профессионал кутқарувчилари тузилмаларидаги иш стажлари киритилади.

Мазкур тоифа ишчиларнинг махсус стажини тасдиқлаш ва имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинлашда кутқарувчилар маъқсини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикасининг "Кутқарув хизмати ва кутқарувчи мақоми тўғрисида"ги Қонуни меъёрларига амал қилиш лозим (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 511-модда).

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Кутқарув хизмати ва кутқарувчи мақоми тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, кутқарувчи бўлиб муайян дастур бўйича кутқарув ишларига тайёрланган ва белгиланган тартибда аттестациядан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

Кутқарув хизматлари ва кутқарув тузилмалари ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига кутқарувчи мақоми берилганлиги тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин ваколатли аттестация органи уларга белгиланган намунадаги гувоҳнома, руҳсатнома, кутқарувчи дафтарчаси, кутқарувчининг рўйхатдан ўтказилганлик рақами ёзилган нишон беради.

38. 3-сон Рўйхатнинг I қисми "Геологоразведка ишлари" II бўлимида кўзда тутилган ишчиларга имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини берувчи махсус стаж, дала шароитида ишлаган ҳақиқий иш вақти бўйича ҳисобга олинади.

Геологоразведкада бевосита ер ости ишларини бажаришда банд ишчиларга имтиёзли шартларда ёшга доир пенсиялар 2-сон Рўйхатнинг I қисми I бўлими бўйича тайинланади.

39. Дала шароитида бевосита геологоразведка, қидирув, топографо-геодезик, геофизик, гидрографик, гидрологистик, ўрмон қурилиши ва тадқиқот ишларида банд бўлган экспедициялар, гуруҳлар, отрядлар, участкалар, бригадалар ишчилари ҳамда мутахассислари имтиёзли шартларда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқидан, қайси ташкилотда ишлашидан қатъи назар, фойдаланади.

40. 3-сон Рўйхатнинг I қисми "Бино, иншоот ва бошқа объектлар қурилиши, реконструкцияси, техник қайта

қуrolлантириш, реставрация қилиш ва таъмирлаш" XXVIII бўлимига асосан, ёшга доир имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқидан қурилиш ташкилотларида ишловчи бино, иншоот ва бошқа объектлар қурилиши, реконструкцияси, техник қайта қуrolлантириш, реставрация қилиш ва таъмирлаш ишларида банд бўлган ишчилар фойдаланади.

41. Қурилиш ташкилотларига қурилиш, монтаж ва бошқа ишларда пудрат ва хўжалик усули билан қурилиш, монтаж ва бошқа ишларни амалга оширадиган умумқурилиш ва ихтисослаштирилган ташкилотлар киритилади. Бундай ташкилотларга, шунингдек ишга тушириш-созлаш ва таъмирлаш-қурилиш пудрат ташкилотлари ҳамда қурилиш-монтаж ва бошқа ишларнинг бутун жараёнини амалга оширувчи ташкилотлар (қурилиш, таъмирлаш, монтаж бошқармалари, реставрация устахоналари) тааллуқлидир.

Кўрсатиб ўтилганлар алоҳида турдаги ишларни амалга оширувчи ташкилотларга ҳам тааллуқлидир (масалан: фақатгина бурғулаш ёки портлатиш, пардозлаш, санитар-техник ва ҳ. к. ишларни бажариш).

Мазкур ишларни бажарувчи ташкилотлар ихтисослаштирилган ташкилотлар деб номланади ва уларнинг ишчилари имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқидан 3-сон Рўйхатнинг I қисми "Бино, иншоот ва бошқа объектлар қурилиши, реконструкцияси, техник қайта қуrolлантириш, реставрация қилиш ва таъмирлаш" XXVIII бўлими "а" кичик бандида кўзда тутилган касблар ва лавозимлар рўйхатидан келиб чиққан ҳолда фойдаланади.

42. 3-сон Рўйхатнинг I қисми "Бино, иншоот ва бошқа объектлар қурилиши, реконструкцияси, техник қайта қуrolлантириш, реставрация қилиш ва таъмирлаш" XXVIII бўлими "а" кичик бандида касблар санаб ўтилган бўлиб, ишлар қайси объектларда амалга оширилиши кўрсатилмаган. Мазкур ҳолатда, объект деганда бино, иншоот ва бошқа объектлар қурилиши, реконструкцияси, техник қайта қуrolлантириш, реставрация қилиш ва таъмирлаш бўйича фаолият олиб бориш тушунилади. Мазкур тармоқ ишчилари учун имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини аниқлашда улар нима қуриши, тиклаши,

қайта қуриши, қайта қурулантириши ёки таъмирлаши (транспорт, шлюк, ер усти бинолари ва шахталар, рудниклар, коммуникациялар ва бошқа саноат, энергетика, гидротехник, йўл-кўприк, қишлоқ хўжалик, уй-жой, маданий-маиший объектлар) аҳамият касб этмайди.

43. Монтаж ишларини бажарувчи монтаж ташкилотлари ишчилари ҳам имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқидан 3-сон Рўйхатнинг I қисми "Бино, иншоот ва бошқа объектлар қурилиши, реконструкцияси, техник қайта қурулантириш, реставрация қилиш ва таъмирлаш" XXVIII бўлими "а" кичик бандида кўзда тутилган касблар ва лавозимлар рўйхатидан келиб чиққан ҳолда фойдаланади.

44. Капитал қурилиш, шунингдек бино ва ускуналарни таъмирлаш бўйича мустақил ҳамда капитал қурилиш ташкилотлари бўлимлари ва бошқармалари таркибидаги қурилиш ва таъмирлаш-қурилиш цехлари ва участкалари ишчиларига имтиёзли шартларда ёшга доир пенсиялар 3-сон Рўйхатнинг I қисми, "Бино, иншоот ва бошқа объектлар қурилиши, реконструкцияси, техник қайта қурулантириш, реставрация қилиш ва таъмирлаш" XXVIII бўлими "а" кичик бандига асосан, ушбу ишчилар қандай ишларни (янги қурилиш ёки таъмирлаш) бажаришидан қатъи назар, тайинланади.

45. 3-сон Рўйхатнинг I қисми "Бино, иншоот ва бошқа объектлар қурилиши, реконструкцияси, техник қайта қурулантириш, реставрация қилиш ва таъмирлаш" XXVIII бўлими "а" кичик бандида кўзда тутилган бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларни қуриш, таъмирлаш, техник қайта қурулантириш, реставрация қилишни амалга оширувчи, турли хил мақсаддаги ҳам ер ости ҳам ер усти иншоотларини қуриш ва таъмирлаш ишларида банд бўлган ишчилар, мазкур кичик бандга мувофиқ имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқига эга.

46. 3-сон Рўйхатнинг I қисми "Бино, иншоот ва бошқа объектлар қурилиши, реконструкцияси, техник қайта қурулантириш, реставрация қилиш ва таъмирлаш" XXVIII бўлими I-бандида кўзда тутилган сувоқчилари ва қурувчиларининг имтиёзли пенсия таъминотига ҳуқуқидан, агар улар метрополитен ва бошқа ер ости иншоотларини қуриш ва таъмирлаш бўйича ер ости ишларида банд бўлганда фойдаланади. Қурилиш ташкилотларининг бошқа барча сувоқчилари имтиёзли

пенсия таъминоти ҳуқуқига эга эмас.

47. 3-сон Рўйхатнинг I қисми "Бино, иншоот ва бошқа объектлар қурилиши, реконструкцияси, техник қайта қуrolлантириш, реставрация қилиш ва таъмирлаш" XXVIII бўлими "а" кичик бандида кўзда тутилган ғишт терувчи ишчиларга имтиёзли пенсия таъминоти, фақатгина ғишт терувчилар бригадаси ёки комплекс бригадаларнинг ихтисослаштирилган ғишт терувчилари звеносида доимий ишловчиларга қўлланилади.

Ғишт терувчилар бригадаси ёки комплекс бригадаларнинг ихтисослаштирилган ғишт терувчилари звеноси бўлмаган ташкилотларда, шунингдек, метрополитенлар, ер ости қурилмаларини қуриш ва таъмирлаш бўйича ишларни бажармайдиган ташкилотларда "ғишт терувчи" касби бўйича ишловчи ишчилар имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқидан фойдаланмайди.

48. Ғишт терувчи сифатида ишлаган шахсга имтиёзли пенсия тайинлаш учун асос бўлиб, унинг ғишт терувчилар бригадаси ёки ғишт терувчилар комплекс бригадасининг ихтисослаштирилган звеносида ёки метрополитенлар, ер ости қурилмаларини қуриш ва таъмирлаш бўйича ишларни бажарадиган ташкилот таркибида доимий бандлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади.

Қурилиш ташкилотларида бригада асосий таркибий звено ҳисобланади. Бригадалар тузилмаси қурилиш ташкилотлари томонидан ишларнинг ҳажми ва иш турига қараб аниқланади ва тасдиғи сифатида улар томонидан у ёки бу бригадани тузиш ҳақида қарорлар (буйруқлар ва ҳ. к) қабул қилинади. Бундай қарор асосий тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланиб, унда ишчиларнинг рўйхат таркиби уларнинг касблари бўйича кўрсатилади.

49. 3-сон Рўйхатнинг I қисми "Бино, иншоот ва бошқа объектлар қурилиши, реконструкцияси, техник қайта қуrolлантириш, реставрация қилиш ва таъмирлаш" XXVIII бўлими "а" кичик бандида автомобиль йўллари қурилиши ва таъмирлашда асфальтбетоншчиклар, битумшчиклар, автогудронатор машинистлари, асфальтбетон ётқизувчи машинистлари ва бошқа ишчилар кўзда тутилган. Йўлларни тартибга солиш ишлари мавсумий характерга эга бўлган ҳолатларда (масалан, қишки мавсум даврида) ва кўрсатиб ўтилган ишчилар Рўйхатларда кўзда тутилмаган бошқа ишга ўтказилганда, мазкур даврдаги ишлар имтиёзли пенсия таъминотига ҳуқуқ

берувчи махсус стажга киритилмайди.

50. Баъзи бир қурилиш ва таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари таркибида асфальт ва асфальтбетон заводлар мавжуд бўлганда, ушбу ташкилотлар ишчиларининг имтиёзли пенсия таъминотига ҳуқуқини аниқлашда шуни назарда тутиш лозимки, асфальтбетоншичлар, асфальтбетоншич-тайёрловчилар (асфальтбетоншичи-варильшичи), автогудронатор машинистлари 3-сон Рўйхатнинг I қисми "Бино, иншоот ва бошқа объектлар қурилиши, реконструкцияси, техник қайта қуроллантириш, реставрация қилиш ва таъмирлаш" XXVIII бўлими "а" кичик бандига асосан имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқидан, улар қайси ташкилотнинг таркибий тузилмасида банд бўлганидан қатъи назар, фойдаланадилар.

51. Тоштарош ва тошдан ясалган буюмларга сайқал берувчиларга имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқи 3-сон Рўйхатнинг I қисми "Бино, иншоот ва бошқа объектлар қурилиши, реконструкцияси, техник қайта қуроллантириш, реставрация қилиш ва таъмирлаш" XXVIII бўлими "а" кичик банди билан берилган.

Тоштарош ва тошдан ясалган буюмларга сайқал берувчиларга имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини қўллашда, улар тошни қайта ишлаш ташкилотлари (цехлар, участкалар) ва мемориал архитектура иншоотлари (обелисклар, устунлар, аркалар ва бошқа шахс ёки воқеани абайдийлаштириш билан боғлиқ жамият аҳамиятига эга иншоотлар) тайёрлаш билан банд бўлган, монумент ҳайкалтарошлик ташкилотларида тошни, шу жумладан мрамор ва гранитни қўл меҳнатида қайта ишлаш билан банд бўлишини ҳисобга олиб, ушбу ҳолат ўз навбатида тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланиши лозим.

52. 3-сон Рўйхатнинг I қисми "Бино, иншоот ва бошқа объектлар қурилиши, реконструкцияси, техник қайта қуроллантириш, реставрация қилиш ва таъмирлаш" XXVIII бўлими "а" кичик бандида пўлат ва темирбетон конструкцияси монтажи бўйича монтажчилар кўзда тутилган.

Пўлат ва темирбетон конструкцияси монтажи бўйича монтажчилар ўзларининг асосий вазифалари билан бир қаторда, ҳар хил турдаги мунтазам бўлмаган характерга эга бўлган қурилиш машиналари механизмлари (минорали кран, подъёмниклар, бетонаралаштиргичлар, тошни майдаловчи

ускуналар ва бошқалар) монтажи бўйича ишларни бажаришидан катъи назар, имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқига эгадирлар.

Фақатгина қурилиш машиналари ва механизмлар монтажи билан банд бўлган ушбу ишчилар имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқига эга эмаслар.

53. 3-сон Рўйхатнинг I қисми "Бино, иншоот ва бошқа объектлар қурилиши, реконструкцияси, техник қайта қуроллантириш, реставрация қилиш ва таъмирлаш" XXVIII бўлими "а" кичик бандида кўзда тутилган қурилиш ва монтаж ишлари мастерлари, шунингдек иш бошқарувчилари қурилиш ёки таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари штатида бевосита кўзда тутилгандагина имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқидан фойдаланади.

III БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДА

54. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон "Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига асосан, ташкилотларда имтиёзли пенсия таъминоти бўйича рўйхатларнинг тўғри қўлланилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги амалга оширадилар.

Аниқ бир меҳнат шароитларида махсус стажни тасдиқловчи ҲУЖЖАТЛАР

1. Иссиқлик ҳарорати юқори бўлган участкалар ёки ишларда банд бўлиш.

Ушбу омилни тасдиқлаш учун корхона ёки цехда (бўлинмада) иссиқлик ҳарорати юқори бўлган участкаларни ва қайси ишчилар ушбу ишларда доимий бандлигини аниқлаш лозим.

Ишларнинг иссиқлик ҳарорати юқори бўлган участкаларига қанча миқдорда очиқ иссиқлик чиқарилиши билан олиб бориладиган технологик жараёнлар натижасида атроф муҳит ҳарорати юқори бўлган ишлаб чиқариш участкалари тааллуқлидир.

Иссиқлик ҳарорати юқори бўлган участкаларда банд бўлиш - бу киздирилган ускуна ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳисобига ҳароратнинг юқори зонасида ишларни бажаришдир.

Иссиқлик ҳарорати юқори бўлган иш - бу ишчининг ишлаб чиқариш шароитида иссиқликнинг кенг тарқалган манбалари билан алоқа қилиш билан ишларни бажариш тушунилади.

Тасдиқловчи ҳужжатлар сифатида:

ишчининг ишларнинг аниқ бир участкасига бириктириб қўйиш тўғрисидаги буйруқ (фармойиш);

ишлаб чиқариш технологияси (регламентлар, карталар);

цехнинг технологик планировкаси;

иш вақтини ҳисобга олиш табели;

цех, лабораториянинг шахсий таркибини ҳисобга олиш цехи;

лавозим (меҳнат) йўриқномаси;

меҳнат ўрнида ҳароратни ўлчаш бўйича лаборатория таҳлиллари журнали.

Шуни назарда тутиш лозимки, иссиқлик ҳарорати юқори бўлган иш участкаларида совутиш ускуналарининг мавжудлиги имтиёзи пенсия тайинлашни рад этиш учун сабаб бўла олмайди.

2. Ер ости ишларида банд бўлиш.

Ер ости ишлари қуйидаги ҳужжатлар билан тасдиқланиши мумкин:

шахта ёки рудникка тушиш ва ер устига чиқиш журнали (табели);

маркшейдерлик хужжатлари билан;
ишчи номига (шахталарда, рудникларда) аккумуляторлик рақамларини бириктириш журналлари билан.

3. Аниқ бир таркибий бўлинмалардаги иш.

Имтиёзли пенсия таъминотига оид Рўйхатларда кўзда тутилган таркибий тузилмаларда банд бўлганликни тасдиқловчи хужжатлар бўлиб, қуйидагилар бўлиши мумкин:

IV. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси томонларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

V. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта ҳодисаларини кўриб чиқиш тартиби.

VI. Етказилган зарар миқдорини белгилаш ва мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товонини тўлаш тартиби.

VII. Аннуитетлар шартномасини тузиш тартиби.

VIII. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пули, суғурта мукофоти ва қоплов пули.

IX. Аннуитетлар шартномаси томонларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

X. Аннуитетлар шартномаси бўйича жорий тўловлар тарзида суғурта товонини тўлаш тартиби.

XI. Аннуитетлар шартномасини ўзгартириш ва муддатидан олдин тўхтатиш

XII. Суброгация.

XIII. Суғурталовчини ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчини алмаштириш.

XIV. Яқуний қоидалар.

1-илова. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш Шартномаси.

2-илова. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш тўғрисида Ариза.

3-илова. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта полиси бланкасининг Намунаси.

4-илова. Суғурта товонини тўлаш тўғрисида Ариза.

5-илова. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туфайли қўрилган зарарни тўлаш тўғрисида Буйруқ.

5-1-илова. Боқувчининг вафоти муносабати билан етказилган зарарни тўлаш тўғрисида Буйруқ.

6-илова. Аннуитетлар Шартномаси.

7-илова. Аннуитетлар шартномасини тузиш тўғрисида Ариза.

8-илова. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта полиси бланкасининг Намунаси.

9-илова. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифлари, уларнинг чекланган даражалари, тузилмаси ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти суммасини аниқлашда уларнинг суғурталовчи томонидан қўлланилиши Тартиби.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Қоидалар иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (кейинги ўринларда мажбурий суғурта қилиш деб аталади) тартибини белгилайди.

2. Ушбу Қоидаларда куйидаги тушунчалардан фойдаланилади:
аннуитент - ўзига нисбатан аннуитетлар шартномаси тузилган ва жорий тўловлар тарзида суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс;

наф олувчи - ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс;

коплов суммаси - аннуитетлар шартномаси муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига тўланадиган пул маблағлари суммаси;

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси (кейинги ўринларда мажбурий суғурта қилиш шартномаси деб аталади) - суғурталовчи унинг бўйича суғурта ходисаси вужудга келганда келишилган тўлов

(суғурта мукофоти) юзасидан иш берувчига ва (ёки) жабрланганга ёхуд наф олувчига меҳнатда майиб бўлганлиги, касб касаллигига чалиниши ёки унинг меҳнат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланганлиги муносабати билан ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини суғурта суммаси доирасида қоплаш мажбуриятини оладиган суғурта шартномаси;

аннуитетлар шартномаси - суғурталовчи унга кўра аннуитетлар шартномаси бўйича аннуитетлар шартномасида келишилган тўловни (суғурта мукофотини) бир йилдан кўп муддатга жорий тўловлар тарзида суғурта суммаси доирасида суғурта товонини тўлашни амалга ошириш мажбуриятини оладиган суғурта шартномаси;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса - ходимнинг у меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ўз вазифаларини иш берувчининг ҳудудида ҳам, ундан ташқарида ҳам бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруриятини келтириб чиқарган, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

касб касаллиги - ходимнинг унга ишлаб чиқаришнинг зарарли ёки хавфли омили таъсири натижаси бўлган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёхуд турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллиги;

жабрланувчи - ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан соғлиғига зарар етказилган, суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган ходим;

ходим - иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлаётган жисмоний шахс;

иш берувчи - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахс билан меҳнат шартномаси (контракт) тузган юридик ёки жисмоний шахс;

суғурта мукофоти - иш берувчининг мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилиш ёки аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига мажбурий суғурталаш шартномасига ёки аннуитетлар шартномасига мувофиқ тўлаши шарт бўлган пул

маблағлари суммаси;

мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта пули - суғурталовчи мажбурий суғурта қилиш шартномаси доирасида жабрланувчига (наф олувчига) етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини оладиган сумма;

аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пули - жабрланувчига (наф олувчига) бир йилдан кўп муддатга жорий тўловлар тарзида суғурта товонини тўлашни назарда тутадиган етказилган зарарнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган миқдори;

суғурта полиси - мажбурий суғурта қилишнинг амалга оширилганлигини тасдиқловчи белгиланган намунадаги ҳужжат;

мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси - иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши даврида ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги вужудга келганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган факт;

аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси - аннуитетнинг аннуитетлар шартномаси амал қиладиган даврда жорий тўлов тарзида суғурта товонини амалга ошириш санасигача яшashi;

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчи - умумий суғурта қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи - ҳаётни суғурта қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси - касбга оид меҳнат қобилиятининг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса юз бергунига қадар бўлган, фоизларда ифодаланган, тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси томонидан аниқланадиган пасайиши;

меҳнатда майиб бўлиш - ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида вақтинча ёки турғун йўқотиши.

3. Иш берувчи у давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ёки иш берувчилар - жисмоний шахслар учун меҳнат шартномаси (контракти) тузилган санадан бошлаб 15 иш кунидан кечикмай меҳнатда шикастланиш, касб касаллиги ёки унинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш бўйича ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиши шарт.

Иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мажбурияти ушбу Қоидаларга мувофиқ "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-банди иккинчи қисми қоидалари амалга киритилган кундан бошлаб кучга киради.

4. Меҳнатда шикастланиш, касб касаллиги ёки унинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш бўйича ўз фуқаролик жавобгарлиги пайдо бўлган тақдирдаги иш берувчининг мулкӣ манфаатлари мажбурий суғурта қилиш объекти ҳисобланади.

5. Иш берувчи, мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчи (кейинги ўринларда сугурталовчи деб аталади), аннуитетлар шартномаси бўйича сугурталовчи, жабрланувчи ва наф олувчи мажбурий суғурта қилиш субъектлари ҳисобланади.

6. Иш берувчи ушбу Қоидалар асосида суғурталовчи билан мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузади, унга мувофиқ суғурта ҳодисаси вужудга келган даврда иш берувчига ва (ёки) жабрланувчига ёхуд наф олувчига ходимнинг меҳнатда шикастланиши, касб касаллиги ёки унинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлайди.

Етказилган зарарни қоплаш бир йилдан кўп муддатга тўловни назарда тутган ҳолларда иш берувчи мазкур Қоидаларга мувофиқ аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи билан аннуитетлар

шартномасини тузади, унга кўра аннуитетга жорий тўловлар тарзида суғурта товонини тўлови амалга оширилади.

7. Суғурта ходисаси муносабати билан жабрланувчига (наф олувчига) етказилган маънавий зарар мажбурий суғурта қилиш бўйича қопланмайди.

8. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси ва мажбурий суғурта қилиш полиси, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда, аннуитетлар шартномаси ва аннуитетлар шартномаси бўйича полис мажбурий суғурта қилишнинг амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади.

II. МАЖБУРИЙ СУГУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ, ЎЗГАРТИРИШ ВА УНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

9. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси оммавий ҳисобланади ва иш берувчи ҳамда суғурта қилувчи ўртасида ушбу Қоидаларга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича бир йил муддатга тузилади. Агар иш берувчи ўз фаолиятини бир йилдан кам муддатда амалга оширса, у ҳолда мажбурий суғурта қилиш шартномаси иш берувчи фаолиятни амалга ошириш муддатига тузилади.

10. Иш берувчи мажбурий суғурта қилишни амалга оширадиган суғурталовчини ва аннуитет шартномаси бўйича суғурталовчини танлаш ҳуқуқига эга.

11. Суғурталовчи ўзига ёзма ариза билан мурожаат қилган ва ушбу Қоидаларга мувофиқ ҳужжатларни тақдим этган иш берувчига мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузишни рад этишга ҳақли эмас.

12. Мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш учун иш берувчи суғурталовчига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) ушбу Қоидаларга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш тўғрисидаги ариза;

б) иш берувчи - жисмоний шахс паспортининг ёки унинг шахсини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатининг нусхаси (фото-

сурати ва рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги охириги ёзув мавжуд бўлган бетлари);

в) иш берувчининг (юримдик шахслар учун) давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси.

Иш берувчи суғурталовчига тақдим этиладиган маълумотлар ва ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгар ҳисобланади.

13. Мажбурий суғурта қилиш полиси иш берувчига суғурталовчининг ҳисоб рақамларига мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти келиб тушган кундан кейинги уч иш кунидан кечикмай берилади.

Суғурта полиси бланкаси қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганликнинг камида 3 даражасига эга бўлиши керак. Суғурта полиси бланкаси суғурталовчининг (аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчининг) буюртмаси бўйича, босмаҳона усулида "Давлат белгиси" давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида ушбу Қоидаларга 3 ва 8-иловаларга биноан намуналарга мувофиқ тайёрланади.

14. Суғурта полиси йўқолган тақдирда иш берувчи унинг дубликати олиш ҳуқуқига эга.

Дубликат суғурталовчи томонидан иш берувчи мурожаат қилган ва у дубликатни тайёрлаш харажатларини иш берувчи мурожаат қилган санада қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг кўпи билан 10 фоизи миқдорида тўлаган кундан бошлаб икки кун муддатда берилади.

15. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси амал қиладиган даврда иш берувчи ёзма шаклда ва ушбу Қоидаларда назарда тутилган муддатларда суғурталовчига мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида хабар қилиш шарт.

16. Иш берувчидан мажбурий суғурта қилиш шартномасини тақдим этилган маълумотлардаги ўзгаришлар тўғрисида ариза олинганда суғурталовчи, зарурат бўлганда, мажбурий суғурта

қилиш шартномасига қўшимча битимни тузади ва суғурта полисини қайтадан расмийлаштиради.

17. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари у амал қилган даврда ўзгарган тақдирда суғурта мукофоти миқдорига ўзгарган шартларга мувофиқ ҳолда ўзгартириш киритилади. Бунда томонларнинг суғурта мукофотининг ўзаро ҳисоб-китобларига тааллуқли бўлган мажбуриятлари мажбурий суғурта қилиш шартномасига қўшимча битим тузилган санадан бошлаб 3 иш кунидан кечикмай бажарилиши керак.

18. Агар иш берувчи мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари ёки ушбу Қоидаларнинг 17-бандида назарда тутилган ҳолларда мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича қўшимча суғурта мукофоти тўлашга қарши бўлса, у ҳолда суғурталовчи мажбурий суғурта қилиш шартномасининг бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир. Бунда мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича тўланган суғурта мукофоти қайтариб берилмайди.

19. Мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин тўхтатилади:

а) иш берувчи - юридик шахс тугатилганда ёки қайта ташкил этилганда;

б) иш берувчи - жисмоний шахс вафот этганда;

в) мажбурий суғурта қилиш шартномаси суд қарорига кўра ҳақиқий эмас деб эътироф этилганда.

Мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда ҳам муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

20. Мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурта мукофотининг бир қисми тўланган суғурта товони суммасига ва мазкур шартнома амал қилишининг кунлар ҳисобидаги қолган муддатига мутаносиб равишда қайтариб берилади. Бунда мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши ушбу Қоидалар 19-бандининг "а", "б" ва "в" кичик бандларида кўрсатилганлардан бошқа асосларга кўра муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурталовчи

суғурта мукофотининг қайтариб берилаётган қисмидан ушбу шартнома бўйича исботланадиган харажатларнинг суғурта мукофотининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдордаги суммасини чегириб қолиши мумкин.

III. СУҒУРТА СУММАСИ, СУҒУРТА МУКОФОТИ ВА МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА СУҒУРТА МУКОФОТИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

21. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта суммаси қуйидаги миқдорда белгиланади:

мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган санадаги ҳолатга кўра фаолиятини бир йилдан ортиқ амалга ошириб келаётган иш берувчи учун - мажбурий шартнома тузилган ойдан олдинги ўн икки ой учун иш берувчи барча ходимларининг бир йиллик иш ҳақи миқдорида;

ўз фаолиятини янгитдан амалга ошираётган иш берувчи учун - мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган ойдан кейинги ўн икки ой учун иш берувчи барча ходимларининг бир йиллик иш ҳақи миқдорида. Бунда йиллик иш ҳақи биринчи ойдаги иш ҳақи миқдорини ўн иккига кўпайтириш орқали ҳисоблаб чиқарилади;

фаолиятини бир йилдан кам бўлган муддатга амалга оширувчи иш берувчи учун - иш берувчи барча ходимларининг иш берувчининг мазкур фаолияти амалга ошириладиган муддатдаги иш ҳақи миқдорида.

22. Мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиш муддати давомида йиллик иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда, суғурта пули ва суғурта мукофоти қисмига ушбу шартномага ёзма равишда қўшимча келишув тузиш орқали ўзгартиришлар киритилади. Бунда мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини қайта ҳисоб-китоб қилиш мазкур шартнома тузилган санада амалда бўлган суғурта тарифи бўйича, қолган суғурта даври ва суғурта пулига мутаносиб равишда амалга оширилади.

23. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти миқдори ушбу Қоидаларга 9-иловага мувофиқ суғурта тарифларига биноан ҳисоблаб чиқарилади.

Суғурта тарифларининг мажбурий суғурта қилиш шартномаси

амал қиладиган муддат мобайнида ўзгариши иш берувчи томонидан тўлов вақтида амалда бўлган суғурта тарифлари бўйича тўланган суғурта мукофотининг ўзгаришига олиб келмайди.

24. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини ҳисоблаш суғурталовчи томонидан, мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузиш тўғрисидаги аризада иш берувчи кўрсатган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

25. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилгандан кейин мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузиш тўғрисидаги аризада иш берувчининг нотўғри ва (ёки) хато маълумотлар кўрсатганлиги аниқланган тақдирда суғурта мукофоти миқдори суғурта тарифларига ва мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган вақтда амалда бўлган иш берувчи фаолият турларининг хавфлилиқ даражаси тавсифига мувофиқлаштирилиши керак.

26. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти иш берувчи томонидан, мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган санадан бошлаб беш иш кун мобайнида бир йўла тўланади.

Суғурта мукофоти нақд пул билан тўланган тақдирда суғурталовчи (унинг филиали ёки суғурта агенти) томонидан пул маблағлари қабул қилиб олинган сана тўлов санаси ҳисобланади. Суғурта мукофоти нақд пулсиз тўланган тақдирда пул маблағларининг суғурталовчи (унинг филиали ёки суғурта агенти) ҳисоб рақамига тушган санаси суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

Иш берувчининг ҳисоб рақамидаги пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини тўлаш иш берувчининг ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларига мўлжалланган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

27. Агар суғурталовчи мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиш даврида суғурта товонини тўлаган бўлса, мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта пули

тўланган суғурта товони суммаси миқдорига камайтиради. Бунда иш берувчи тўланган суғурта товони суммасига ҳамда мажбурий суғурта қилиш шартномасининг қолган амал қилиш муддатига мутаносиб равишда суғурта мукофотини егти иш куни мобайнида қўшимча равишда тўлаши шарт.

IV. МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ ТОМОНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

28. Иш берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурталовчидан мажбурий суғурта қилиш шартномасининг шартларини тушунтириб беришни талаб қилиш;

суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

йиллик иш ҳақи миқдори камайган тақдирда, суғурта мукофотининг йиллик иш ҳақи миқдорининг камайишига ва мажбурий суғурта қилиш шартномасининг тугалланмаган даврига мутаносиб қисмини олиш.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

29. Иш берувчи:

мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича ва айрим ҳолларда аннуитетлар шартномаси бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта мукофотини тўлаши;

йиллик иш ҳақи миқдори ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда хабар қилиши;

иш берувчи томонидан амалга оширилаётган фаолият турларининг хавфлилик даражаси ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда билдириши ва зарур бўлган ҳолларда, қўшимча ҳисоблаб чиқарилган суғурта мукофотини тўлаши;

ходимларни мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан таништириши, шу жумладан, мазкур шартнома бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи

ҳақидаги барча зарур маълумотларни жабрланувчи ёки наф олувчи ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қилган санадан эътиборан икки иш куни мобайнида тақдим этиши;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса юз берганлиги ўзига маълум бўлган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда билдириши;

агар суғурта товони жабрланувчи ёки наф олувчи томонидан қилинган суиистеъмолликлар оқибатида асоссиз равишда тўланган бўлса, ортиқча тўланган суғурта товони ҳақида суғурталовчига хабар қилиши ва ортиқча тўланган маблағларни суғурталовчига қайтариш юзасидан зарур чора-гадбирларни кўриши шарт.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

30. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текширишда иштирок этиш ва зарур бўлган ҳолларда тегишли экспертларни жалб этиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисага доир ахборотни текшириш;

суғурта мукофотини аниқлаш учун суғурта хавфини баҳолаш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар бериш.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

31. Суғурталовчи:

мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан иш берувчини таништириши, шу жумладан, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган, иш берувчи ва (ёки) жабрланувчи ёхуд наф олувчи тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши;

суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, иш берувчи суғурта товонини тўлаш учун мурожаат этганидан кейин ўн беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда иш берувчига рад этиш сабабларини далиллар билан асослантирган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиши;

ушбу Қоидаларнинг 34-бандида назарда тутилган барча зарур

хужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан ўн иш кунидан кечиктирмай қарор қабул қилиши ва суғурта товонини тўлаши;

ўзи алмаштирилган тақдирда бу ҳақда иш берувчига дарҳол ёзма шаклда хабар бериши шарт.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

32. Жабрланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

иш берувчига ёки суғурталовчига ёхуд аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига суғурта товонини тўлаш ҳақида ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат этиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта товони олиш;

мажбурий суғурта қилиш шартномасининг ёки аннуитетлар шартномасининг шартлари тўғрисида иш берувчидан ёки суғурталовчидан ёхуд аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан бепул ахборот олиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани текширишда зарурият бўлганда, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи вакилларини ёхуд ўзининг ишончли шахсини жалб этган ҳолда белгиланган тартибда иштирок этиш;

иш берувчидан суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни олиш.

33. Наф олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурта товонини олиш ҳақидаги талаб билан иш берувчига ёки суғурталовчига мурожаат этиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурталовчи ва (ёки) аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан суғурта товонини олиш;

иш берувчидан, суғурталовчидан мажбурий суғурта қилиш шартнома сининг шартлари тўғрисида ҳамда аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан аннуитетлар шартномаси шартлари ҳақида бепул ахборот олиш;

ходим ўз меҳнат вазифаларини бажараётганда вафот этганлиги ҳақида иш берувчига хабар қилиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани текширишда белгиланган тартибда иштирок этиш, зарур бўлган ҳолларда касаба уюшмаси вакилларини ёки ходимларнинг бошқа вакиллик

органи вакилларини ёхуд ўзининг ишончли шахсини жалб этган ҳолда иштирок этиш;

иш берувчидан суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни олиш.

V. МАЖБУРИЙ СУГУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА СУГУРТА ҲОДИСАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

34. Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани текшириш яқунларига кўра суғурталовчига суғурта товони талабидан иборат бўлган ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қилади (ушбу Қоидаларга 4-илова), унга қуйидагилар илова қилинади:

иш берувчининг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатларига кўра етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида ушбу Қоидаларга 5 ёки 5-1-иловаларга мувофиқ шакл бўйича буйруғининг нусхаси;

ходимнинг ёки наф олувчининг етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаби кўрсатилган, иш берувчининг номига ёзилган аризасининг нусхаси;

суғурта ҳодисаси юз бергунига қадар ходим олган ўртача ойлик ёки йиллик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;

меҳнат шартномасининг (контрактнинг) нусхаси;

касб касаллигида - ходимнинг касб касаллиги тўғрисидаги тиббий хулоса;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса содир бўлганлигини ва ходим учун унинг оқибатини тасдиқловчи ҳужжатлар (ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани махсус текшириш далолатномаси, тиббий-меҳнат экспертиза комиссиясининг хулосаси, низолар юзага келган ҳолларда эса - суднинг қарори).

Ходим вафот этган тақдирда ходимнинг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси ва наф олувчининг зарарнинг ўрни қопланишига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилинади.

Ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилиш тақиқланади.

35. Ҳужжатларни қабул қилиб олган суғурталовчи иш берувчига тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхатини ва улар қабул қилиб олинган санани кўрсатган ҳолда маълумотнома бериши шарт.

36. Суғурталовчи тегишли сўровнома бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан, судлардан, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ва бошқа ташкилотлардан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса би лан боғлиқ ҳужжатларни ва хулосаларни олишга, шунингдек жабрланувчига ёхуд наф олувчига етказилган зарарнинг сабабларини, ҳолатини ва миқдорини мустақил равишда аниқлашга ҳақлидир.

37. Суғурталовчи ушбу Коидаларнинг 34-бандда кўрсатилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган санадан бошлаб ўн иш кунидан кечикмай сугурта ҳодисасини тан олиш тўғрисида қарор қабул қилиши ва суғурта товонини тўлаши шарт.

38. Суғурта ҳодисасини тан олиш ва суғурта товони миқдорини аниқлаш суғурталовчи томонидан, иш берувчи тақдим этган ҳужжатларни ўрганиш, шунингдек ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани текшириш учун жалб этилган экспертларнинг тегишли хулосалари асосида амалга оширилади.

39. Суғурта ҳодисаси тан олинганда ва суғурта товони суммаси белгиланганда суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома тузилади, у ҳар қайси томон учун бир нусхадан - икки нусхада, суғурталовчи ва иш берувчи томонидан имзоланади.

Суғурта товонини бир йилдан кўп муддат учун тўлаш зарур бўлганда суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома суғурта товонини бир йилдан кўп муддат учун асосли равишда ҳисоблаш учун иш берувчи томонидан танланган аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи иштирокида тузилади. Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома ҳар қайси томон учун бир нусхадан - уч нусхада, суғурталовчи, иш берувчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи томонидан имзоланади.

40. Суғурталовчи томонидан суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда бу ҳақда иш берувчига унинг суғурта товонини тўлаш талабидан иборат бўлган ариза билан ёзма мурожаатидан кейин ўн беш иш кунидан кечикмай рад этиш асослари кўрсатилган ҳолда хабар қилинган бўлиши керак.

VI. ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР МИҚДОРНИ БЕЛГИЛАШ ВА МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

41. Ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

Мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта товони етказилган зарар миқдоридан, лекин суғурта пули миқдоридан кўп бўлмаган миқдорда тўланади.

42. Агар суғурта ҳодисаси натижасида иш берувчида бир нафардан кўп ходим олдида жавобгарлик пайдо бўлса ва у суғурта пулидан ортиқ бўлса мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товони ҳар бир жабрланувчига ёхуд наф олувчига унинг етказилган зарар умумий миқдоридаги улушига мутаносиб равишда, лекин мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта пулидан кўп бўлмаган миқдорда тўланади.

43. Мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта товони:

жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида, унинг касбга оид меҳнат қобилятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўлов ёки касб касаллиги аниқлангунга қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланадиган ҳар ойлик тўлов;

мархумнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридаги, унинг ўзига ва қарамоғида бўлган, лекин етказилган зарарнинг ўрни қопланишига ҳақли бўлмаган, меҳнатга қобилятли шахсларга тўғри келадиган улуш чегириб ташланган ҳолдаги ҳар ойлик тўлов;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда жабрланувчига ёки наф олувчига бир йўла бериладиган нафақа тўлови;

ходим вафот этган тақдирда мажбурий суғурта қилиш шартномасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 3 бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги дафн этиш харажатлари;

иш берувчининг қўшимча харажатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация қилиш тарзида амалга оширилади.

44. Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори оширилган тақдирда, ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги муносабати билан зарарнинг ўрнини қоплашнинг белгиланган суммаси энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг оширилишига мутаносиб равишда кўпайтирилади. Бунда зарар ўрнини қоплашнинг кўпайтирилган суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш берувчи томонидан кўшимча тарзда тўланади.

45. Агар мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиш муддати тугагандан кейин, кўрсатилган шартнома амал қилган даврда рўй берган суғурта ходисаси оқибатида аниқланган зарар миқдори белгиланган тартибда қайта кўриб чиқилса, у ҳолда бундай зарарни қоплаш бўйича мажбурият иш берувчи зиммасида бўлади.

46. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товони, агар етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бир йилгача муддат учун тўловни назарда тутса, суғурталовчи томонидан жабрланувчига ёки наф олувчига тўланади. Бунда иш берувчининг талабига кўра суғурталовчи унга суғурта товони тўланганини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари нусхасини тақдим этиши шарт.

47. Суғурталовчининг жабрланувчига ёки наф олувчига мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товонини тўлаш мажбуриятлари юридик шахс - иш берувчи тугатилганда, жисмоний шахс - иш берувчи вафот этганда ёки ушбу шартнома амал қилган даврда жабрланувчи ва иш берувчи ўртасидаги меҳнат муносабатлари тўхтатилган ҳолларда сақланиб қолади.

48. Мажбурий суғурта қилиш шартномасининг иш берувчининг ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиғига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг соғлиғи ёмонлашганлиги ёхуд вафот этганлиги туфайли келиб чиққан кўшимча харажатларининг компенсация қилинишига доир қисми бўйича суғурта товони иш берувчига, у шундай харажатларни амалга оширганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида тўланади.

49. Агар етказилган зарарнинг ўрнини коплаш бир йилдан ортиқ муддат учун тўловни назарда тутса, мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товони суғурталовчи томонидан иш берувчига тўланади. Бунда иш берувчи ушбу Қоидаларнинг 52-бандига мувофиқ аннуитетлар шартномасини тузиши ва мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича олинган суғурта товонидан фақат аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта мукофотини тўлаш учун фойдаланиши шарт. Агар иш берувчининг мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича олган суғурта товони суммаси аннуитетлар шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта мукофоти миқдоридан кам бўлса, у ҳолда фарқ иш берувчи ҳисобидан қўшимча равишда тўланиши керак.

50. Иш берувчида ушбу Қоидаларнинг 49-бандига мувофиқ суғурта мукофотидаги фарқни қўшимча равишда тўлаш учун маблағлар етарли бўлмаган тақдирда аннуитетлар шартномаси мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича олинган суғурта товони пулига мутаносиб бўлган муддатга тузилади. Бунда иш берувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жабрланувчига ёхуд наф олувчига зарарнинг тегишли қисмини тўлаш бўйича жавобгарликни зиммасига олади.

51. Суғурта товонини ўтказиш бўйича харажатлар суғурталовчининг ҳисобидан амалга оширилади.

VII. АННУИТЕТЛАР ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

52. Иш берувчи мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товони пули ўзининг ҳисоб рақамига тушган кундан бошлаб етти иш куни мобайнида аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи билан аннуитетлар шартномаси тузиши шарт. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи аннуитетлар шартномасида шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига, суғурта пули доирасида тегишли равишда:

жабрланувчига у ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан

унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар учун;

ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда, суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган наф олувчига жорий тўловлар тарзида бир йилдан ортиқ муддат учун суғурта товони тўлаш мажбуриятини олади.

53. Аннуитетлар шартномаси оммавий шартномадир ва ушбу Қоидаларга 6-иловага мувофиқ шакл бўйича тузилади.

Аннуитетлар шартномаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жабрланувчига меҳнат қобилятини йўқотганлик даражаси белгиланган муддатга ёки наф олувчи суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўладиган муддатга тузилади.

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи аннуитетлар шартнома си тузиш тўғрисида ёзма ариза билан ўзига мурожаат қилган ва ушбу Қоидаларга мувофиқ ҳужжатларни тақдим этган иш берувчига аннуитетлар шартномаси тузишни рад этишга ҳақли эмас.

54. Аннуитетлар шартномаси тузиш учун иш берувчи аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига куйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) ушбу Қоидаларга 7-иловага мувофиқ шакл бўйича аннуитетлар шартномасини тузиш тўғрисидаги ариза;

б) иш берувчи паспортининг ёки унинг шахсини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатининг нусхаси (жисмоний шахснинг иш берувчиси учун);

в) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

г) жабрланувчи (наф олувчи)нинг паспорти ёки унинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатининг нусхаси;

д) иш берувчининг ушбу Қоидаларга 5 ёки 5-1-иловаларга мувофиқ шакл бўйича, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатларига кўра етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги буйругининг нусхаси.

Ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилиш тақиқланади.

55. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта полиси иш берувчига аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчининг ҳисоб рақамига аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта

мукофоти тушган кундан кейинги уч иш кунидан кечикмай берилади.

Суғурта товони жорий тўловлар тарзида икки ёки ундан кўп шахсларга тўланиши керак бўлган тақдирда аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта полиси ҳар бир бундай шахсга алоҳида-алоҳида берилади.

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта полиси йўқолган тақдирда иш берувчи ёки аннуитент унинг дубликатини олиш ҳуқуқига эгадир.

Дубликат аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига иш берувчи ёки аннуитент мурожаат қилган кундан ва у дубликатни тайёрлаш бўйича харажатларни иш берувчи ёки аннуитент мурожаат қилган санада қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг кўпи билан 10 фоизи миқдорида тўлаган кундан бошлаб икки кун муддатда берилади.

56. Аннуитетлар шартномаси тузилгандан кейин иш берувчи аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пули миқдорини аниқлаш билан боғлиқ бўлган ёлғон маълумотларни қасддан хабар қилганлиги аниқланган тақдирда аннуитетлар шартномаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳаққоний эмас деб эътироф этилиши мумкин.

VIII. АННУИТЕТЛАР ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА СУЎУРТА ПУЛИ, СУЎУРТА МУКОФОТИ ВА ҚОПЛОВ ПУЛИ

57. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пули жабрланувчига ёки наф олувчига қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрни қопланиши лозим бўлган етказилган зарар миқдорида белгиланади.

Зарар ўрнини қоплаш ноаниқ муддатга белгиланган тақдирда аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пулини ҳисоблаш учун аннуитетлар шартномаси тузилган вақтда Ўзбекистон Республикасида белгиланган аҳоли умрининг ўртача давом этиш кўрсаткичи қўлланилади. Аннуитент ўртача умр кўриш муддатини яшаган тақдирда унинг умр кўриш даврининг қолган даврида кўрилган зарар иш берувчи томонидан белгиланган тартибда қопланади.

Шу билан бирга, агар аннуитет умрининг колган даврида иш берувчи тугатилган тақдирда зарарни ундириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

58. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта мукофоти аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пулига тенг бўлиб иш берувчи томонидан аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталашнинг бутун даври учун аннуитет шартномаси тузилган муддатдан бошлаб беш иш куни мобайнида бир йўла тўланади. Энг кам ойлик иш ҳақининг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оширилган тақдирда ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказилиши билан боғлиқ ҳолда белгиланган зарарни ундириш пули энг кам ойлик иш ҳақининг ошишига мутаносиб равишда кўпаяди. Бунда кўрилган зарарни ундиришнинг кўпайтирилган суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш берувчи томонидан қўшимча равишда тўланади.

59. Қойлов пули аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта мукофотидан жорий тўловлар тарзидаги суғурта тўловлари ва аннуитетлар шартномаси бўйича ишларни юритишга исботланган харажатлар суммасини чегирган ҳолдаги суммага тенг бўлади.

IX. АННУИТЕТЛАР ШАРТНОМАСИ ТОМОНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

60. Иш берувчи қуйидагиларга ҳақлидир:
аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш;
аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда қоплов пулини талаб қилиш.
Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

61. Иш берувчи қуйидагиларга мажбур:
қонун ҳужжатларида белгиланган шартларда ва тартибда суғурта мукофотини тўлаш;
суғурта полисини аннуитентга бериш ва уни аннуитетлар шартномаси бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятлар билан таништириш;

аннуитентни аннуитет шартномаси шартларининг ўзгарганлиги тўғрисида хабардор қилиш;

аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчини аннуитетлар шартномаси тузиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотларнинг ўзгарганлиги ҳақида хабардор қилиш.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

62. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

иш берувчидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш;

жорий тўловлар тарзида суғурта товонини олиш юзасидан аннуитент ҳуқуқининг мавжудлигини текшириш;

жорий тўловлар тарзидаги суғурта тўловини, агар аннуитент бундай тўловларни олиш ҳуқуқини йўқотган бўлса, рад этиш.

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

63. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қуйидагиларга мажбур:

иш берувчига суғурта полисини бериш;

жорий тўловлар тарзида суғурта товонини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш.

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

Х. АННУИТЕТЛАР ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ЖОРИЙ ТЎЛОВЛАР ТАРЗИДА СУҒУРТА ТОВОННИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

64. Аннуитетлар шартномаси бўйича жорий тўловлар тарзида суғурта товони:

жабрланувчи учун - жабрланувчининг меҳнатда майиб бўлгунгача унинг касб бўйича меҳнат фаолияти йўқотилишининг тегишли даражасига кўра ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоизалардаги ҳар ойлик тўлови миқдорида;

наф олувчи учун - унинг ўзига ва унинг қарамоғида бўлган, лекин зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлмаган меҳнатга лаёқатли шахсларга тўғри келадиган улушни чегирган ҳолда, вафот этган

ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида белгиланади.

65. Суғурта товонини жорий тўловлар тарзида ундириш қонун ҳужжатларига мувофиқ жабрланганга ёки наф олувчига зарарни ундириш зарурлиги белгиланган давр мобайнида амалга оширилади ва у ушбу давр ўтгандан кейин ёки аннуитет вафот этган кунда тўхтатилади.

66. Аннуитетлар шартномаси амал қиладиган даврда суғурта товонини жорий тўловлар тарзида олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар сони ўзгарган тақдирда суғурта товони миқдори бундай шахслар ўртасида қайта тақсимланади. Жорий тўловлар тарзида суғурта товонининг қайта тақсимланишига олиб келадиган вазиятлар вужудга келган тақдирда аннуитент ёки иш берувчи аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчини бу тўғрида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

67. Иш берувчидан аннуитетлар шартномасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида ариза олинган тақдирда аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи зарурат бўлганда жорий тўловлар тарзида суғурта товони миқдорини қайта ҳисоблаб чиқади ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта полисини (полисларини) қайта расмийлаштиради.

68. Суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар сони ва уни олиш муддатлари ўзгариши оқибатида аннуитетлар шартномаси бўйича жорий тўловлар тарзида суғурта товони миқдори кўпайтирилган тақдирда суғурта товонининг ошган миқдорини иш берувчи аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига кўшимча равишда тўлайди. Агар ушбу вақтда иш берувчи тугатилса, жорий тўловлар тарзида суғурталовчи суғурта товонини аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пули доирасида тегишли равишда қайта ҳисоблаб чиқади. Агар аннуитетлар шартномаси амал қиладиган даврда суғурта пули миқдорини қайта ҳисоблаб чиқиш учун асос бўлган вазиятлар унинг камайишига олиб келса суғурта мукофотининг ортиқча қисми иш берувчига қайтарилади.

69. Жорий тўловлар тарзида суғурта товони аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи томонидан ҳар ойнинг 5

қунидан кечикмай аннуитентнинг аннуитетлар шартномаси тузиш тўғрисидаги аризасида кўрсатилган ҳисоб рақамига ўтказилади.

70. Жорий тўловлар тарзида суғурта товонини ўтказиш бўйича харажатлар аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчининг ҳисобидан амалга оширилади.

XI. АННУИТЕТЛАР ШАРТНОМАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА МУДДАТИДАН ОЛДИН ТЎХТАТИШ

71. Аннуитетлар шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи иш берувчига (аннуитентларга) киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда қайта расмийлаштирилган аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта полисини бериши шарт. Бунда аннуитетлар шартномаси бўйича олгари берилган суғурта полиси (полислари) ўз кучини йўқотади.

72. Аннуитетлар шартномаси қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин тўхтатилади:

а) суғурта мукофоти аннуитетлар шартномасида белгиланган муддатда ва миқдорда тўланмаганда;

б) аннуитент аннуитет шартномаси амал қилган даврда вафот этганда;

в) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

73. Аннуитетлар шартномаси муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда қоплов пули иш берувчига тўланади. Бунда иш берувчи кўрилган зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга кўрилган зарарни ундириш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Аннуитент вафот этган вақтда иш берувчи тугатилган тақдирда товон пули Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланади. Бунда аннуитентнинг вафоти муносабати билан кўрилган зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга уни тўлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

ХII. СУҒУРТАЦИЈА

74. Иш берувчи мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчи томонидан ундирилган зарарлар бўйича жавобгар бўлган шахсга нисбатан эга бўлган талаб қилиш ҳуқуқи суғурта товонини тўлашни амалга оширган суғурталовчига у тўлаган сумма доирасида ўтади.

Иш берувчи суғурта товонини олишда суғурталовчига унинг суғурта ходисаси юзага келишида айбдор бўлган шахсга нисбатан қайта талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун барча зарур ҳужжатларни бериши шарт.

Агар иш берувчи суғурталовчи томонидан ундирилган зарар юзасидан жавобгар бўлган шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки ушбу ҳуқуқни амалга ошириш иш берувчининг айбига кўра мумкин бўлмай қолса суғурталовчи иш берувчидан суғурта товонининг тўланган суммасини қайтариб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

ХIII. СУҒУРТАЛОВЧИНИ ВА АННУИТЕТЛАР ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА СУҒУРТАЛОВЧИНИ АЛМАШТИРИШ

75. Суғурталовчини ва (ёки) аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчини алмаштиришга куйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

суғурталовчи ёки аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда;

суғурталовчига ёки аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига нисбатан банкротлик таомили кўлланганда;

суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли лицензиянинг амал қилиши белгиланган тартибда тугатилганда ёки у бекор қилинганда.

Суғурталовчини ва (ёки) аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчини алмаштириш махсус ваколатли давлат органининг розилиги билан амалга оширилади.

ХIV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

76. Мажбурий суғурта қилиш бўйича конун ҳужжатларида белгиланган мажбуриятнинг иш берувчилар томонидан бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Мехнат

ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

77. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси ва (ёки) аннуитетлар шартномаси бўйича зиммага олинган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун томонлар конун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

78. Томонлар форс-мажор ҳолатлари амал қилган даврда мажбурий суғурта қилиш шартномаси ва (ёки) аннуитетлар шартномаси бўйича ўз мажбуриятларининг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун жавоб бермайдилар.

Форс-мажор ҳолатларига қуйидагилар киради: табиий ҳодисалар (зилзила, кўчки, довул, қурғоқчилик ва суғурта шартномасида назарда тутилмаган санаб ўтилмаган бошқа табиий ҳодисалар) ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар (ҳарбий ҳаракатлар, иш ташлашлар, камаллар, давлат ташкилотларининг ҳамда давлатлар ўртасидаги чекловчи ва тақиқловчи чоралар, шунингдек Ҳукумат қарорлари ва бошқалар) оқибатида келиб чиққан фавқуллодда, ушбу шароитларда баргараф этиб бўлмайдиган ва олдиндан кутилмаган вазиятлар, агар ушбу вазиятлар мажбурий суғурта қилиш шартномасини бажаришга бевосита таъсир кўрсатган бўлса.

Форс-мажор вазиятлари юзага келганда ва тўхтаганда томонлар ёзма шаклда бир-бирини хабардор қиладилар.

Форс-мажор вазиятлари юзага келган тақдирда мажбуриятларни бажариш муддатини томонлар форс-мажор вазиятлари мавжуд бўладиган вақтга мутаносиб тарзда кечиктирадилар.

79. Мажбурий суғурта қилиш шартномасидан ва (ёки) аннуитетлар шартномасидан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий суғурта қилиш
ШАРТНОМАСИ

_____ -сон

_____ шаҳри 20__ йил " __ " _____

Кейинги ўринларда "Иш берувчи" деб аталадиган _____

_____ (иш берувчининг номи)

_____ асосида ҳаракат қиладиган
(хужжатнинг номи)

_____, бир томондан ва
(Ф.И.О., лавозими)

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи томонидан 200__
йил _____ да берилган _____-сон лицензия асосида ҳаракат
қиладиган, кейинги ўринларда "Суғурталовчи" деб аталадиган

_____ (суғурталовчининг номи)

_____ асосида ҳаракат қиладиган
(хужжатнинг номи)

_____ орқали, иккинчи томондан,
(Ф.И.О., лавозими)

ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартноманинг предмети

1. Суғурталовчи ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил _____ даги _____-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига мувофиқ суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда иш берувчига, жабрланувчига ёхуд наф олувчига меҳнатда олган майиблиги, касб касаллиги ёки ходимнинг ушбу шартнома амал қиладиган даврда меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлигига етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини олади.

2. Сугурта пули ва сугурта мукофоти

2. Сугурта пули ушбу шартнома бўйича _____ сўмни,
(суммаси рақамлар ва ёзув билан)

шу жумладан дафн этиш харажатлари _____ сўмни
(суммаси рақамлар ва ёзув билан)

ташқил қилади.

3. Сугурта мукофоти ушбу шартнома бўйича _____ сўмни
(суммаси рақамлар ва ёзув билан)
ташқил қилади.

4. Сугурта мукофоти ушбу шартнома тузилган санадан бошлаб беш иш куни мобайнида бир йўла тўланади.

3. Шартноманинг кучга кириши ва амал қилиш муддати

5. Ушбу шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради ва _____ мобайнида амал қилади.

Сугурталовчининг мажбуриятлари сугурта мукофоти сугурталовчининг ҳисоб рақамига тушган кундан кейинги кундаги 00 соат 00 дақиқадан бошлаб кучга киради ва мажбурий сугурта қилиш бўйича сугурта полисида кўрсатилган сугурта даврининг охири санасидаги 24 соат 00 дақиқада тугайди.

6. Сугурта мукофоти иш берувчи томонидан сугурталовчининг ҳисоб рақамига нақд пулни ўтказиш ёки киритиш йўли билан тўланади. Пул маб лағларининг сугурталовчининг ҳисоб рақамига тушган санаси мажбурий сугурта қилиш шартномаси бўйича сугурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Иш берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

сугурталовчидан мажбурий сугурта қилиш шартномасининг шартларини тушунтириб беришни талаб қилиш;

сугурталовчининг сугурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

йиллик иш ҳақи миқдори камайганда сугурта мукофотининг йиллик иш ҳақи миқдорининг камайишига ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш шартномасининг тугалланмаган даврига мутаносиб қисмини олиш.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Иш берувчи:

мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича ва айрим ҳолларда аннуитетлар шартномаси бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта мукофотини тўлаши;

йиллик иш ҳақи миқдори ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда хабар қилиши;

иш берувчи томонидан амалга оширилаётган фаолият турларининг хавфлилик даражаси ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда билдириши ва зарур бўлган ҳолларда, кўшимча ҳисоблаб чиқарилган суғурта мукофотини тўлаши;

ҳодимларни мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан таништириши, шу жумладан, мажбурий суғурта шартномаси бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни жабрланувчи ёки наф олувчи ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қилган санадан эътиборан икки иш куни ичида тақдим этиши;

суғурталовчини ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса юз берганлиги тўғрисида ўзига маълум бўлган вақтдан бошлаб уч иш куни мобайнида ёзма шаклда хабардор қилиши;

агар суғурта товони жабрланувчи ёки наф олувчи томонидан қилинган суиистеъмоликлар оқибатида асоссиз равишда тўланган бўлса, ортиқча тўланган суғурта товони ҳақида суғурталовчига хабар қилиши ва ортиқча тўланган маблағларни суғурталовчига қайтариш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриши шарт.

Иш берувчи зиммасига қонун ҳужжатлариға мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

9. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текширишда иштирок этиш ва зарур бўлган ҳолларда тегишли экспертларни жалб этиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисага доир ахборотни

текшириш;

суғурта мукофотини аниқлаш учун суғурта хавфини баҳолаш; ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар бериш.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Суғурталовчи:

мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан иш берувчини таништириши, шу жумладан унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

Ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган, иш берувчи ва (ёки) жабрланувчи ёхуд наф олувчи тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши;

суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, иш берувчи суғурта товонини тўлаш учун муурожаат этганидан кейин ўн беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда иш берувчига рад этиш сабабларини далиллар билан асослантирган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларининг 34-бандида назарда тутилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан ўн иш кунидан кечиктирмай қарор қабул қилиши ва суғурта товонини тўлаши;

Ўзи алмаштирилган тақдирда бу ҳақда иш берувчига дарҳол ёзма шаклда хабар бериши шарт.

Суғурталовчи зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

11. Томонлар мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

6. Низоларни ҳал этиш тартиби

12. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

7. Яқуний қоида

13. Ушбу шартномани ўзгартириш, бекор қилиш ва муддатидан олдин тўхтатиш тартиби суғурта бўйича эътирозларни кўриб чиқиш тартиби, ушбу шартнома бўйича қўрилган зарар миқдорини аниқлаш ва суғурта товонини тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган, ушбу шартноманинг узвий қисми ҳисобланадиган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига мувофиқ белгиланади.

8. Томонларнинг реквизитлари:

Суғурталовчи _____
Манзили: _____
тел: _____ факс: _____
х/р _____
МФО _____ СТИР: _____

(Ф.И.О., лавозими)

Иш берувчи: _____
Манзили: _____
тел: _____ факс: _____
х/р _____
МФО _____ СТИР: _____

(Ф.И.О., лавозими)

М.Ў. (имзо)

М.Ў. (имзо)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларини олдим.

(имзо)

(Иш берувчи ваколатли шахсининг Ф.И.О.)

М.Ў.

Суғурталовчига _____
(сугурталовчининг номи)

**Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий
суғурта қилиш шартномасини тузиш тўғрисида
АРИЗА**

Иш берувчи _____
(Ф.И.О.номи)

_____ асосида ҳаракат
(хужжатнинг номи)

қилувчи _____ орқали
(ваколатли шахснинг Ф.И.О. ва лавозими)

Сиздан Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларида назарда тутилган шартларда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузишни сўрайди.

1. Иш берувчининг реквизитлари:

почта манзили: _____

телефон: _____ факс: _____ e-mail: _____

ариза берувчи-жисмоний шахснинг

20__ йил " __ " _____ да _____ берилган.

паспорти: серияси _____ номери _____

2. Иш берувчининг банк реквизитлари:

банкнинг номи: _____

ҳисоб рақами

хизмат кўрсатувчи банкнинг МФО _____ СТИР _____

3. ХХТУТ (Халқ хўжалиги тармоқларининг умумдавлат таснифи)га мувофиқ иш берувчи амалга оширадиган фаолият тури (турлари)

4. Барча ходимларнинг йиллик иш ҳақи суммаси _____ сўм.

(рақамлар ва ёзув билан)

5. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг муддати _____.

6. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) _____;

б) _____;

7. Биз ушбу аризада келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўлиқлигини тасдиқлаймиз.

_____ (имзо)

_____ (Иш берувчи ваколатли шахсининг Ф.И.О.)

М.Ў.

8. Ариза _____ томонидан қабул қилинган ва (суғурталовчи ходимининг лавозими ва Ф.И.О.)

20__ йил "___" _____ да дафтарда _____ рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

**Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий
суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта полиси
бланкасининг НАМУНАСИ**

*(Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта
қилиш шартномаси бўйича суғурта полиси бланкасининг олд
томони)*

**Ўзбекистон
Республикасининг
Давлат герби**

**Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий
суғурта қилиш шартномаси бўйича СУГУРТА ПОЛИСИ**
№ _____

Серияси _____ № _____

1. Суғурталовчининг тўлиқ номи ва реквизитлари _____

2. Иш берувчининг тўлиқ номи (Ф.И.О.) ва реквизитлари _____

3. ХХТУТ (Халқ хўжалиги тармоқларининг умумдавлат
таснифи)га мувофиқ иш берувчи амалга оширадиган фаолият тури
(турлари) _____

(тармоқнинг коди ва номи)

4. Суғурта пули _____ сўм,

(сумма рақамлар ва ёзув билан)

шу жумладан дафн қилиш харажатлари _____ сўм.
(сумма рақамлар ва ёзув билан)

5. Суғурта мукофоти _____

_____ миқдорида 20__ йил "___" _____ да тўланган.
(сумма рақамлар ва ёзув билан)

6. Суғурта даври: 20__ йил "___" _____ дан
20__ йил "___" _____ гача.

7. Ходимнинг Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси амал қиладиган даврда меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш бўйича иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигининг юз бериши ушбу полис бўйича суғурта ходисаси ҳисобланади.

(Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта полиси бланкасининг орқа томони)

8. Суғурталовчининг, шунингдек унинг иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузишга, иш берувчиларнинг ва (ёки) жабрланувчиларнинг ёхуд наф олувчиларнинг суғурта товони тўғрисидаги талабларни кўриб чиқишга ҳамда суғурта тўловини амалга оширишга вакил қилинган алоҳида бўлинмалари, улар билан боғлиқ маблағлар ва уларнинг иш вақти тўғрисидаги маълумотлар: _____

9. Алоҳида кайдлар _____

Суғурталовчининг раҳбари ёки
ваколатли шахси

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

Берилган санаси: 20__ йил " __ " _____

Суғурта полиси бланкасининг тавсифи:

Суғурта полиси бланкалари А4 (210-297 мм) катталиқда
тайёрланади.

Суғурта полиси бланкаси фони оқ рангда бўлади.

Суғурталовчига _____
(Суғурталовчининг тулик номи)

_____ дан
(Аризачининг тулик исми (номи))

Аризачи - жисмоний шахснинг паспорти: серияси: _____
номери: _____,

20__ йил "___" "___" да _____ берилган.

Аризачи - юридик шахснинг реквизитлари:

СТИР _____ хизмат кўрсатувчи банкнинг МФО _____,
х/р _____

Мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси:

серияси _____ № _____

20__ йил "___" "___" да берилган.

Суғурта товонини тўлаш тўғрисида АРИЗА

Ушбу билан иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича 20__ йил "___" "___" даги _____-сон шартномага кўра суғурта ҳодисаси деб эътироф этилиши мумкин бўлган ҳодиса юз берганлигини маълум қиламан.

Ҳодисанинг сабаблари ва ҳолатлари тўғрисида қуйидагиларни маълум қиламан:

Суғурта ҳодисаси деб эътироф этилиши мумкин бўлган ҳодисага дуч келган ходимлар:

1. _____
(ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

2. _____
(ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

Ҳодисанинг санаси ва вақти: _____

Ҳодисанинг жойи: _____

Ҳодиса тўғрисида _____ га мурожаат қилинган

Ҳодисанинг ҳолатлари: _____

Ушбу ҳодиса бўйича ҳаққоний ва менга маълум бўлган барча маълумотларни хабар қилдим.

20__ йил " __ " _____ (имзо)

_____ (аризачининг Ф.И.О)

М.Ў.

Ариза _____ томонидан
(сугурталовчи маъсул ходимнинг лавозими ва фамилияси)

қабул қилинган ва 20__ йил " __ " _____ да _____ рақами билан дафтарда рўйхатдан ўтказилган.

Ушбу аризага илова қилинган ҳужжатлар рўйхати

Т/р	Ҳужжатнинг номи	Саҳифалар сони	Ҳужжатнинг санаси ва тартиб рақами	Илова қилинмоқда (ха/йўқ)
1.	Иш берувчининг етказилган зарарни тўлаш тўғрисидаги буйруғи нусхаси.			
2.	Сугурта ходисаси юз бергунгача ходимнинг ўртача ойлик ёки йиллик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома.			
3.	Меҳнат шартномаси (контракт)нинг нусхаси.			
4.	Касбга оид касаллик мавжуд бўлганда - ходимнинг касбга оид касаллиги тўғрисида тиббий хулоса.			
5.	Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисани махсус текшириш далолатномаси.			
6.	Врачлик-меҳнат эксперт комиссиясининг хулосаси.			
7.	Суд қарори.			
8.	Ходимнинг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси ва наф олувчининг етказилган зарарни ундиришга ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар.			

(юридик шахснинг номи)

БУЙРУҚ

№ _____

_____ шаҳри 20__ йил "___" _____

**Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса
туфайли кўрилган зарарни тўлаш тўғрисида**

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туфайли _____
_____ га зарар етказилган.
(жабрланувчининг Ф.И.О.)

Ушбу бахтсиз ҳодиса 20__ йил "___" _____ да Н-1 шакл-
даги Далолатнома билан расмийлаштирилган. ТМЭКнинг 20__
йил "___" _____ даги ___-сон ҳулосасига кўра _____
(жабрланувчининг Ф.И.О.)

"___" гуруҳ ногирони деб эътироф этилган/этилмаган, _____
(кераклиси кўрсатилади)

муддатга касбга оид меҳнат қобилиятини ___% йўқотган.

Меҳнатда майиб бўлгунига қадар _____ нинг
(жабрланувчининг Ф.И.О.)

12 ойдаги ўртача ойлик иш ҳақи _____
_____ сўмни ташкил қилган.

(сумма рақамлар ва ёзув билан) _____ га асосланиб

БУЮРАМАН

1. _____ га
(жабрланувчининг Ф.И.О.)

_____ сўм миқдорида бир йўла нафақа тўлансин.
(сумма рақамлар ва ёзув билан)

2. _____ га 20__ йил "___" _____ дан
(жабрланувчининг Ф.И.О.)

20__ йил "___" _____ гача бўлган даврда ҳар ойда
_____ сўм миқдорида зарар товони тўлансин.
(сумма рақамлар ва ёзув билан)

3. Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори оширилган тақдирда етказилган зарарни тўлаш суммаси оширилган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига мутаносиб равишда қайта ҳисоблаб чиқилсин.

Юридик шахс раҳбари _____
(имзо) (Ф.И.О.)

(юримдик шахсининг номи)

БУЙРУҚ

№ _____

_____ шаҳри 20__ йил "___" _____

**Боқувчининг вафоти муносабати билан
етказилган зарарни тўлаш тўғрисида**

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса муносабати билан _____
_____ га зарар етказилган.
(жабрланувчининг Ф.И.О.)

Ушбу бахтсиз ҳодиса 20__ йил "___" _____ даги Н-1
шаклдаги Далолатнома билан расмийлаштирилган. _____
маҳалла қўмитасининг 20__ йил "___" _____ даги _____-сон
маълумотномаси асосида _____ вафот
(вафот этган ходимнинг Ф.И.О.)

этган кунда унинг қарамоғида _____ киши бўлган:

1. _____ 20__ йил "___" _____,
(қариношлиғи) (Ф.И.О.) (туғилган санаси)

мактаб (лицей) ўқувчиси ёки ишлайди (ишламайди) ёхуд шу
қабилар;

(ҳолатга боғлиқ ҳолда кўрсатилади)

2. ...

3. ...

Боқувчисини йўқотганлик бўйича етказилган зарар тўловини
олиш ҳуқуқига эга бўлганлар:

1. _____ 20__ йил "___" _____,
(қариношлиғи) (Ф.И.О.) (туғилган санаси)

мактаб (лицей) ўқувчиси ёки ишлайди (ишламайди) ёхуд шу
қабилар;

(ҳолатга боғлиқ ҳолда кўрсатилади)

2. ...

3. ...

_____нинг вафот этган кунда охириги 12 ой
(вафот этган ходимнинг Ф.И.О.)

учун ўртача ойлик иш ҳақи _____ни ташкил қилди.
(суммаси рақамлар ва ёзувлар билан)

_____га асосланиб

БУЮРАМАН:

1. _____нинг етказилган зарар тўловини
(вафот этган ходимнинг Ф.И.О.)

олиш ҳуқуқига эга бўлган қарамоғидаги шахсларга _____сўм
(суммаси рақамлар ва ёзув билан)

бир йўла нафақа тўлансин.

2. _____нинг қарамоғидагиларга боқувчисини
(вафот этган ходимнинг Ф.И.О.)

йўқотганлиги учун _____миқдоридаги
(суммаси рақамлар ва ёзув билан)

етказилган зарар тўлови ҳар ойда куйидаги даврлар учун тўлансин:

а) _____га 20__ йил "___" _____дан
(қарамоғдаги шахснинг Ф.И.О.)

20__ йил "___" _____гача (16 ёшга етгунгача), кундузги ўқув
юртида ўқишни давом эттирган тақдирда 20__ йил "___"
_____гача (18 ёшга тўлгунгача);

б) _____га 20__ йил "___" _____дан
(қарамоғдаги шахснинг Ф.И.О.)

200__ йил "___" _____гача вафот этган ходимнинг
болалари, неваралари, сингиллари уч ёшга тўлгунгача (уларни
парвариш қилаётган шахслар учун);

в) ...

3. Балоғатга етмаган қарамоғдаги шахслар учун 1 ва 2-бандлар
бўйича бир йўла нафақа ва етказилган зарар тўлови _____
(наф олувчининг Ф.И.О.)

томонидан амалга оширилсин.

4. Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори оширилган тақдирда, етказилган зарар тўлови суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг оширилган суммасига мутаносиб равишда қайта ҳисоблаб чиқилсин.

Ушбу суммани қайта ҳисоблаб чиқиш етказилган зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар сони ўзгарган тақдирда ҳам амалга оширилсин.

Юридик шахс раҳбари _____

(имзо)

(Ф.И.О.) _____

Аннуитетлар шартномаси №

_____ шаҳри 20__ йил "___" _____

Кейинги ўринларда "Иш берувчи" деб аталадиган _____

(иш берувчининг номи)

асосида ҳаракат қиладиган

(хужжатнинг номи)

_____, орқали, бир

(Ф.И.О., лавозими)

томондан, ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 200__ йил "___" _____ да берилган _____-сон лицензия асосида ҳаракат қиладиган, кейинги ўринларда "Суғурталовчи" деб аталадиган _____

(суғурталовчининг номи)

асосида ҳаракат қиладиган

(хужжатнинг номи)

(Ф.И.О., лавозими)

орқали, иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартноманинг предмети

1. Суғурталовчи ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига мувофиқ, ушбу шартнома бўйича суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, Иш берувчи суғурта мукофотини ушбу Шартномада кўрсатилган миқдорда ва муддатда тўлаганда, жорий тўловлар тарзидаги суғурта тўловини тўлаш мажбуриятини олади.

2. Суғурта пули, товон суммаси ва суғурта мукофоти

2. Ушбу Шартнома бўйича умумий суғурта пули Шартномага иловага мувофиқ _____ сўмни ташкил қилади.
(суммаси рақамлар ва ёзув билан)

3. Қоплов суммаси суғурта мукофотларидан жорий тўловлар тарзида тўланган суғурта тўлови, ва ишни юритиш учун исботланадиган харажатлар суммасини чегирган ҳолда тенг бўлади.

4. Суғурта мукофоти ушбу Шартнома бўйича, иловага мувофиқ _____ сўмни ташкил қилади.
(суммаси рақамлар ва ёзув билан)

5. Суғурта мукофоти ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб беш иш куни мобайнида бир йўла тўланади.

3. Шартноманинг кучга кириши ва амал қилиш муддати

6. Ушбу Шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчининг жорий тўловни амалга ошириш мажбуриятлари 20__ йил "___" _____ дан 20__ йил "___" _____ гача киради.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Иш берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан қабул қилган мажбуриятларининг бажарилишини талаб қилиш;
аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда товон суммасини талаб қилиш.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Иш берувчи:

қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта мукофотини тўлаши;

суғурта полисини аннуитентга бериши ва уни аннуитетлар шартномаси бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятлар билан таништириши;

аннуитентни аннуитет шартномаси шартларидаги ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилиши;

аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчини аннуитетлар шартномаси тузиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотлардаги ўзгаришлар хақида хабардор қилиш.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

9. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

иш берувчидан зиммасига қабул қилган мажбуриятларининг бажарилишини талаб қилиш;

аннуитентнинг жорий тўлов тўловлар тарзида суғурта товонини олиш ҳуқуқига эгалигини текшириш;

агар аннуитент жорий тўловларни олиш ҳуқуқини йўқотган бўлса, жорий тўловлар тарзидаги суғурта товонини тўлашни рад этиш;

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи куйидагиларга мажбур:

иш берувчига суғурта полисини бериш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ аннуитентга жорий тўловлар тарзидаги суғурта товонини тўлаш.

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

11. Томонлар аннуитетлар шартномаси бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

6. Низоларни ҳал этиш тартиби

12. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

7. Яқуний қоида

13. Жорий тўловлар тарзида суғурта товонини тўлаш, ушбу шартномани бекор қилиш ва муддатидан олдин тўхтатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил _____даги _____-сон қарори билан тасдиқланган, ушбу шартноманинг узвий қисми ҳисобланадиган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига мувофиқ белгиланади.

8. Томонларнинг реквизитлари:

Суғурталовчи _____

Манзили: _____

тел: _____ факс: _____

х/р _____

МФО _____ СТИР: _____

(Ф.И.О., лавозими)

(имзо)

М.Ў.

Иш берувчи: _____

Манзили: _____

тел: _____ факс: _____

х/р _____

МФО _____ СТИР: _____

(Ф.И.О., лавозими)

(имзо)

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил _____даги _____-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларини олдим.

(имзо)

_____ (иш берувчи ваколатли шахсининг Ф.И.О)

М.Ў.

АННУИТЕТЛАР РЎЙХАТИ

Т/р	Ф.И.О.	Жинси	Тутилган санаси	Паспорт маълумотлари	Манзили, тел.	Суғурта пули (минг сўм)	Жорий тўлов тарзидаги суғурта товони миқдори (минг сўм)	Жорий тўлов тарзида суғурта тўлови даври		Суғурта мукофоти (минг сўм)	Жорий тўлов тарзида суғурта тўлови муддати	Жорий тўлов тарзида суғурта тўловини амалга ошириш учун банк номи ва ҳисоб рақами
								бошланиши	тугashi			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1.												
2.												
3...												

ТОМОНЛАР:

Аннуитетлар шартномаси бўйича
суғурталовчи:

Иш берувчи:

Суғурталовчига _____
(суғурталовчининг номи)

**Аннуитетлар шартномасини тузиш тўғрисида
АРИЗА**

Иш берувчи _____
(Ф.И.О./номи)

_____ асосида ҳаракат
(хужжатнинг номи)

қилувчи _____ орқали
(ваколатли шахснинг Ф.И.О. ва лавозими)

Сиздан Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларида назарда тутилган шартларда аннуитетлар шартномасини тузишни сўрайди.

1. Иш берувчининг реквизитлари:

почта манзили: _____

телефони: _____ факси: _____ e-mail: _____

ариза берувчи - жисмоний шахс паспорти:

серияси _____ номери _____,

20 __ йил " __ " _____ да _____ берилган.

2. Иш берувчининг банк реквизитлари:

банкнинг номи: _____

ҳисоб рақами _____

хизмат кўрсатувчи банкнинг МФО _____ СТИР _____

3. Аннуитент (жабрланган ходим/Наф олувчи) тўғрисидаги маълумотлар Аннуитетлар шартномасини тузиш тўғрисидаги аризага иловада келтирилган.

4. Аризага қуйидаги хужжатлар илова қилинади:

а) _____ ;

б) _____ ;

7. Биз ушбу Аризада ва иловада келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаймиз.

_____ (имзо)

_____ (иш берувчи ваколатли шахсининг Ф.И.О)

20__ йил " __ " _____
М.Ў.

5. Ариза _____ томонидан қабул
(суғурталовчи ходимининг лавозими ва Ф.И.О.)
қилинган ва 20__ йил " __ " _____ да _____
рақами билан дафтарда рўйхатдан ўтказилган.

АННУИТЕНТЛАР РЎЙХАТИ

Т/р	Ф.И.О.	Жинси	Тугилган санаси	Паспорт маълумотлари	Манзили, тел.	Суғурта пули (минг сўм)	Жорий тўлов тарзида суғурта товони миқдори	Жорий тўлов тарзида суғурта тўлови даври		Суғурта мукофоти (минг сўм)	Жорий тўлов тарзида суғурта тўлови муддати	Жорий тўлов тарзида суғурта тўловини амалга ошириш учун банк номи ва ҳисоб рақами
								бошланиши	тугаши			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1.												
2.												
3.												

20 ____ йил " ____ "

(Иш берувчининг имзоси)

М.Ў.

Аннуитетлар шартномаси бўйича
суғурта полиси бланкасининг
НАМУНАСИ

Ўзбекистон
Республикасининг
Давлат герби

Аннуитетлар шартномаси бўйича
СУГУРТА ПОЛИСИ
№ _____

Серияси _____

№ _____

1. Суғурталовчининг тўлиқ номи ва реквизитлари:
2. Иш берувчининг тўлиқ номи ва реквизитлари:
3. Аннуитент:
Туғилган санаси:
Паспорти:
Манзили:
4. Суғурта пули:
5. Суғурта мукофоти:
6. Жорий тўловлар тарзида суғурта тўлови миқдори:

7. Жорий тўловлар тарзида суғурта тўловини тўлаш
муддати:

Ҳар ойда, ойнинг 5-кунигача

8. Жорий тўловлар тарзида суғурта тўловини тўлаш
даври:

20__ йил " __ " __дан
20__ йил " __ " __гача.

Аннуитет бўйича суғурталовчининг рахбари
ёки ваколатли шахси

_____(имзо) _____(Ф.И.О.)

М.Ў.

Берилган вақти: 20__ йил " __ " _____

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН
РЎЙХАТГА ОЛИНҒАН**

29.08.2012 й.

№ 2387

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ**

10.07.2012 й.

№ 200 БУЙРУҒИ

**Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

(2012 йил 8 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова), Ўзбекистон Республикасининг "Давлат санитария назорати тўғрисида"ғи (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 355-модда), "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ғи (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) ва "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ғи (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 128-модда) қонунларига мувофиқ **БУЮРАМАН:**

1. Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2000 йил 6 июндаги 300-сон "Ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриқлардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ғи буйруғи (рўйхат рақами 937, 2000 йил 23 июнь) (Ўзбекистон Республикаси вазирлиқлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 12-сон) уз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

А. Икромов

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида
2012 йил 29 августда 2387-сон билан рўйхатга
олинган Ўзбекистон Республикаси соғлиқни
сақлаш вазирининг 2012 йил 10 июлдаги
200-сон буйруғига ИЛОВА

**Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мукаддима.

I боб. Умумий қоидалар.

II боб. Тиббий кўриқни ўтказиш.

III боб. Тиббий кўриқдан ўтказиш ишларини ташкил қилиш бўйича жавобгарлик.

IV боб. Яқуний қоида.

1-илова. Таъсири натижасида ишловчи ходимлари дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказилиши шарт бўлган хавфли ва зарарли моддалар рўйхати, шунингдек ушбу моддалар таъсирида ишловчи ходимларнинг тиббий кўриқдан ўтиш муддатлари, тиббий кўриқни ўтказувчи врач ва мутахассислар тоифаси ҳамда зарур бўлган лаборатор ва функционал текширувлар, ишга қўйиш учун қаршилик кўрсатувчи тиббий монеликлар рўйхати.

2-илова. Меҳнат шароити ноқулай ишлар ва бажарилаётганида дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтилиши лозим бўлган бошқа ишлар рўйхати.

3-илова. Дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказилиши шарт бўлган озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлган ходимлар, шунингдек умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлари рўйхати.

4-илова. Далолатнома.

5-илова. Ходимларнинг тиббий кўриқдан ўтиши бўйича Календарь режа.

6-илова. Дастлабки тиббий кўриқдан ўтиш учун йўлланма.

7-илова. Хавфли, зарарли моддалар, ноқулай омиллар таъсири билан боғлиқ ишларга қўйиш учун қаршилик кўрсатувчи умумий тиббий монеликлар рўйхати.

8-илова. Далолатнома.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова), Ўзбекистон Республикасининг "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 355-модда), "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) ва "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 128-модда) қонунларига асосан ташкилотларда ходимларни дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан (бундан буён матнда вақти-вақти билан деб юритилади) тиббий кўриқдан ўтказиш тартибини белгилайди.

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом тиббий кўриқдан ўтиши шарт бўлган лавозимларга эга бўлган ташкилотларга тааллуқлидир.

2. Мазкур Низом талаблари бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ тиббий кўриқдан ўтказиладиган ходимлар тоифаси учун қўлланилмайди.

3. Тиббий кўриқлар юқумли ва паразитар касалликлар келиб чиқиши ва тарқалишига йўл қўймаслик, шунингдек касб касалликлари, заҳарланишлар ва бахтсиз ходисаларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 214-моддасига асосан иш берувчи ушбу Кодексга мувофиқ тиббий кўриқдан ўтиши шарт бўлган ходимларни, шу жумладан, мазкур Низомнинг 1, 2 ва 3-иловаларида келтирилган рўйхатларда назарда тутилган ишлардаги ходимларни тегишли равишда меҳнат шартномаси тузиш вақтида дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиши шарт.

5. Тиббий кўриқлар ташкилотга тиббиёт хизмати кўрсатувчи доволаш-профилактика муассасалари томонидан, агар улар

булмаса, ташкилот жойлашган жойдаги ҳудудий даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилади.

Вақти-вақти билан ўтказиладиган тиббий кўриклар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария, гигиена ва касб касалликлари институти ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг тегишли клиникаларида ҳам ўтказилиши мумкин.

6. Вақти-вақти билан ўтказиладиган тиббий кўриклар иш давомида ўтказилади.

7. Тиббий кўрикларни ўтказиш пайтида ходимнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланади.

II БОБ. ТИББИЙ КЎРИКНИ ЎТКАЗИШ

8. Иш берувчи ҳудудий давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари (бундан буён матнда ҳудудий ДСЭНМ деб юритилади) ва ташкилотнинг касаба уюшмаси кўмитаси билан биргаликда ҳар календарь йилнинг 1 декабригача ташкилотдаги тиббий кўриқдан ўтказилиши шарт бўлган ходимларнинг лавозим бўйича контингентини аниқлаши ва бу ҳақда мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда далолатнома тузиши лозим.

9. Иш берувчи тиббий кўриқдан ўтказилиши шарт бўлган ходимларнинг лавозим контингентидан келиб чиқиб ҳудудий ДСЭНМ ва ташкилотнинг касаба уюшмаси кўмитаси билан келишган ҳолда тиббий кўриқдан ўтиши шарт бўлган ходимларнинг рўйхатини тузади ва тиббий кўриқни ўтказувчи даволаш-профилактика муассасасига тақдим этади.

Тиббий кўриқдан ўтиши шарт бўлган ходимларнинг рўйхатида ташкилот номи, ходимнинг касби, у ишлаётган цех ёки бошка бўлинма номи, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари ҳамда ходимнинг ушбу омиллар таъсиридаги иш стажи кўрсатилади.

10. Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш мақсадида тиббий кўриқни ўтказувчи даволаш-профилактика муассасасининг раҳбари томонидан ҳудудий ДСЭНМ билан келишилган ҳолда мазкур Низомнинг 5-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ

ходимларни тиббий кўриқдан ўтказишнинг календарь режаси тузилади.

11. Агар ходим ўз соғлиғининг ҳолати меҳнат шароити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдаң ташқари тиббий кўриқдан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12. Дастлабки тарзда тиббий кўриқдан ўтиши шарт бўлган ходимлар ташкилот томонидан тиббий кўриқни ўтказувчи даволаш-профилактика муассасасига мазкур Низомнинг 6-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ тақдим этилган йўлланма асосида тиббий кўриқдан ўтказилади.

Ходим тиббий кўриқдан ўтиш учун паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжати билан келиши лозим.

13. Тиббий кўриқларни ўтказиш учун тиббий кўриқни ўтказувчи даволаш-профилактика муассасаси раҳбарининг буйруғи билан тиббий комиссия ташкил этилади.

Тиббий комиссия таркиби врач-терапевт, невропатолог, офтальмолог, дерматовенеролог, отоларинголог, психиатр, акушер-гинеколог ва жарроҳ ҳамда бошқа мутахассислардан иборат бўлиб, уларнинг тиббий комиссия таркибига киритилиши врач-терапевт томонидан мазкур Низомнинг 1, 2 ва 3-иловаларида белгиланган талаблардан келиб чиқиб ҳал этилади.

Тиббий кўриқларни ўтказиш бўйича тузилган тиббий комиссиянинг раиси профпатология ёки касб касалликлари бўйича касбий тайёргарликдан ўтган врач бўлиши лозим.

14. Аёллар йилда камида бир марта акушер-гинеколог кўригидан ўтиши лозим.

15. Аллерген моддалар таъсирига дучор бўлувчи шахслар терапевт, отоларинголог, дерматовенеролог кўригидан ўтиши ҳамда улар қонининг клиник таҳлили ўтказилиши лозим.

16. Ходимлар дастлабки тарзда тиббий кўриқдан ўтишда дерматовенеролог кўригидан мажбурий равишда ўтказилади, вақти-вақти билан дерматовенеролог тиббий кўригидан ўтишда эса, врач-терапевтнинг кўрсатмаси бўлгандагина ўтказилади.

Тиббий кўриқдан ўтувчи ходимларда психик касалликлар

(шизофрения, эпилепсия, олигофрения) мавжудлигини текшириш ходимларнинг яшаш жойидаги даволаш-профилактика муассасасининг врач-психиатри томонидан амалга оширилади.

Туман врач-психиатри бўлмаган тақдирда психиатрик текшириш туманлараро ёки вилоят (шаҳар, республика) психоневрология диспансерининг врач-психиатрлари томонидан амалга оширилади.

Агар ходим психик касалликлар бўйича диспансер ҳисобида турса, унга бу ҳақда белгиланган намунадаги маълумотнома берилади. Агар ходим психик касалликлар бўйича ҳисобда гурмаса ва унда руҳий бузилишлар аниқланмаса, унга врач-психиатрнинг имзоси қўйилган белгиланган намунадаги маълумотнома берилади.

Маълумотномалар ушбу даволаш-профилактика муассасасининг муҳри ва раҳбарнинг имзоси билан тасдиқланади.

17. Юқумли ёки паразитар касаллик ташҳисини аниқлаш учун врач-инфекционист ёки бошқа мутахассислар жалб этилади.

18. Тиббий комиссия тиббий кўрикни ўтказишда ходимнинг касбий фаолияти хусусиятлари, тегишли касб ва мутахассислик ҳамда меҳнат шароитлари билан тўлиқ танишиб чиқиши лозим.

Тиббий кўрикни ўтказувчи врач ва мутахассислар ишлаб чиқариш соҳасининг хусусиятлари ва ходимларда кузатилиши мумкин бўлган касбий патологияни чуқур билишлари шарт.

19. Тиббий комиссия томонидан ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш билан боғлиқ барча маълумотларни, шунингдек уларнинг касбий фаолият йўналишига оид маълумотларни қайд этиш мақсадида ҳар бир ходимга амбулатор тиббий карта (025-у шакли) юритилади. Амбулатор тиббий картада тиббий кўрикни ўтказишда иштирок этган ҳар бир врач ва мутахассисларнинг ходимнинг касбга яроқлилик тўғрисидаги хулосалари кўрсатилиши керак.

20. Тиббий кўриқдан ўтган ходимнинг иш жойи ўзгарган тақдирда, ходимни тиббий кўриқдан ўтказган даволаш-профилактика муассасаси томонидан унинг амбулатор тиббий картаси (025-у шакли) ходимнинг янги иш жойига тиббиёт хизматини кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасасига, агар у

бўлмаса, ташкилот жойлашган жойдаги ҳудудий даволаш-профилактика муассасасига юборилади.

21. Тиббий кўрикни ўтказишда мазкур Низомнинг 7-иловасида келтирилган хавфли, зарарли моддалар, нокулай омиллар таъсири билан боғлиқ ишларга қўйиш учун қаршилиқ кўрсатувчи умумий тиббий монеликлар инобатга олинаши лозим.

22. Тиббий кўриктан ўтказилган ходимнинг касбга яроқлилик масаласи бўйича тиббий комиссия мазкур Низомнинг 1, 2 ва 3-иловаларида белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда ўзининг хулосасини беради.

Тиббий кўрик натижасига кўра ходим хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари остида ишлашга яроқсиз деб топилганда, унга бу тўғрисида тиббий кўрикни ўтказувчи даволаш-профилактика муассасасининг тиббий-маслаҳат комиссиясининг хулосаси берилади ва ушбу хулосанинг нусхаси уч кунлик муддат ичида ходим ишлайдиган ташкилотга юборилади.

23. Тиббий комиссия томонидан ўтказилган тиббий кўрик натижасига кўра ходимга қўйидаги даволаш ва соғломлаштириш тадбирлари режалаштирилиши лозим:

келиб чиқишида касбий омил асосий ҳисобланган аъзоларда кескин бўлмаган ўзгаришлар аниқланган ходимларни динамик кузатиш ва зарур даволаш чораларини кўриш;

аниқланган касалликларнинг туридан келиб чиқиб, белгиланган тартибда ходимларни стационар ва санаторий-курортларда даволаниш учун юбориш, шунингдек дам олиш уйлари, санаторийлар ва профилакторийларга йўлланма бериш;

соғлиғи ҳолатига кўра енгилроқ ёки хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган бошқа ишга вақтинча ўтказишда, ишнинг тури ходимнинг малакасини ҳисобга олиб, иш берувчи билан келишган ҳолда тиббий кўрикни ўтказувчи даволаш-профилактика муассасасининг тиббий-маслаҳат комиссияси томонидан белгиланади.

24. Вақти-вақти билан ўтказиладиган тиббий кўрик натижаси бўйича хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсири

мавжуд ишлардаги ходимларни динамик кузатиш мақсадида ушбу ходимлар куйидаги дифференциалланган гуруҳларга ажратилади:

Д1 - зарарли ишлаб чиқариш омиллари таъсири белгилари бўлмаган гуруҳ;

Д2 - касб касалликларининг ривожланиш хавфи юқори бўлган гуруҳ;

Д3 - касб касалликлари аниқланган беморлар.

25. Вақти-вақти билан ўтказилган тиббий кўриклар натижаси бўйича тиббий комиссия томонидан мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ далолатнома тузилади.

Далолатнома тўрт нусхада тузилиб, худудий ДСЭНМ, ходим ишлайдиган ташкилот ва касаба уюшмаси кўмитасига юборилади ҳамда бир нусхаси тиббий кўрикни ўтказган даволаш-профилактика муассасасида қолади.

26. Тиббий кўриқдан ўтиш жараёнида ходимда касб касаллиги билан боғлиқ ҳолатлар аниқланган ҳолларда ушбу ходим тиббий комиссия томонидан касалликнинг касб билан боғлиқлигини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария, гигиена ва касб касалликлари институти ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг тегишли клиникаларига юборилиши лозим.

Бунда касб касаллигининг тури Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июлдаги 195-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 27-сон, 283-модда) билан тасдиқланган Меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига чалинган шахсларнинг касбий меҳнат лаёқати йўқотилиши градусини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-иловасида келтирилган Касб касалликлари рўйхатига мувофиқ аниқланади.

27. Худудий ДСЭНМлар тегишли равишда касб касаллигига чалинган ходимларнинг ҳисобини юритади.

28. Касб касаллигига чалинган ходимлар ушбу касаллик даври бўйича диспансер назоратида туради ва улар касб касалликлари клиникаларида ҳар йили даволанишлари лозим.

III БОБ. ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК

29. Тиббий кўриқнинг сифатли ўтказилишига тиббий кўриқдан ўтказувчи даволаш-профилактика муассасасининг раҳбари жавобгар ҳисобланади.

30. Тиббий кўриқдан ўтиши шарт бўлган ходимлар тиббий кўриқлардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмаслар. Тиббий кўриқдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товлаган ходимларни иш берувчи ишга қўймасликка ҳақлидир.

31. Иш берувчилар ўз ходимларининг мажбурий тиббий кўриқдан ўз вақтида ўтиши учун ва мажбурий тиббий кўриқдан ўтмаган шахсларни ишга қўйиш натижасида фуқароларнинг соғлиғига етказилган зарарли оқибатлар учун жавобгар бўладилар.

IV БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДА

32. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

**Таъсири натижасида ишловчи ходимлари дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказилиши шарт бўлган хавфли ва зарарли моддалар рўйхати, шунингдек ушбу моддалар таъсирида ишловчи ходимларнинг тиббий кўриқдан ўтиш муддатлари, тиббий кўриқни ўтказувчи врач ва мутахассислар тоифаси ҳамда зарур бўлган лаборатор ва функционал текширувлар, ишга қўйиш учун қаршилик кўрсатувчи тиббий монеликлар
РЎЙХАТИ**

1. Кимёвий бирикмалар ва элементлар.
2. Мураккаб кимёвий аралашмалар, композициялар, маълум мақсадга мўлжалланган кимёвий моддалар.
3. Фиброген ва аралаш таъсирли ишлаб чиқариш аэрозоллари.
4. Биологик омиллар.
5. Физик омиллар.
6. Меҳнат жараёни омиллари.

Т/р	Таъсири натижасида ишловчи ходимлари дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказилиши шарт бўлган хавfli ва зарарли моддалар номи	Тиббий кўриқдан ўтиш муддати	Тиббий кўриқни ўтказувчи врач - мутахассислар	Лаборатор ва функционал текширишлар	Ишга қўйиш учун қаршилик кўрсатувчи умумий тиббий монеликларга қўшимча тиббий монеликлар
1. КИМЁВИЙ БИРИКМАЛАР ВА ЭЛЕМЕНТЛАР:					
1.1.	Азотнинг ноорганик бирикмалари (аммиак, азот кислотаси ва бошқалар)	2 йилда 1 марта	Терапевт, отоларинголог	Ташқи нафас функциясини текшириш (ТНФ)	1. Юқори нафас йўллари ҳамма қисмларининг таркалган субтрофик ўзгаришлари, гиперпластик ларингит. 2. Бронх-ўпка тизимининг тез-тез қайталанувчи сурункали касалликлари.
1.2.	Алифатик (тўйинган, тўйинмаган) ва ароматик (формальдегид, ацетальдегид, акролеин, бензальдегид, фталальдегид ва бошқалар) альдегидлар (А)	1 йилда 1 марта	Терапевт, отоларинголог, невропатолог, дерматовенеролог	Лейкоцитар формула, ТНФ	1. Бронх-ўпка тизимининг тез-тез қайталанувчи сурункали касалликлари. 2. Юқори нафас йўллариининг тўлиқ дистрофия ҳолати ва аллергия касалликлари.
1.3.	Альдегидлар ва кетонлар - галоген ҳосилалари (хлорбензальдегид, фторацетон, хлорацетофенол ва бошқалар) (А)	2 йилда 1 марта	Терапевт, отоларинголог, дерматовенеролог, офтальмолог	Лейкоцитар формула, ТНФ	1. Терининг тез-тез қайталанувчи сурункали касалликлари. 2. Юқори нафас йўллариининг тўлиқ дистрофия ҳолати ва аллергия касалликлари. 3. Кўзнинг олдинги қаватининг (қовоқ, конъюнктивани, шох парда, кўз ёши ажратувчи йўллари) сурункали касалликлари.

1.4.	Аминлар, органик кислоталарнинг амидлари, анилидлар ва бошқалар (диметилфорфамид, капролактама ва бошқалар)	1 йилда 1 марта	Терапевт, отоларинголог, невропатолог, дерматовенеролог	Лейкоцитар формула (аллергик моддалар таъсири бўлса), конда билирубин ва Аланинаминатренсфер аза (АЛТ) миқдорини аниқлаш	1. Периферик нерв тизимининг сурункали касалликлари. 2. Терининг тез-тез қайталанувчи сурункали касалликлари. 3. Бронх-ўпка тизимининг тез-тез қайталанувчи сурункали касалликлари. 4. Юқори нафас йўллариининг тўлик дистрофия ҳолати ва аллергия касалликлари. 5. Яққол ифодаланган вегетатив томирлар дисфункцияси.
1.5.	Бериллий ва унинг бирикмалари (А)	1 йилда 1 марта	Терапевт, отоларинголог, дерматовенеролог	Коннинг умумий таҳлили, кўкрак кафасининг рентгенографияси - дастлабки тиббий кўриқда тўғри ва ён проекцияда, қайта рентгенограмма 3 йилдан кейин, 3 - 10 йиллик иш стажидан ҳар 2 йилда 1 марта, 10 йиллик иш стажидан кейин 1 йилда 1 марта, ТНФ	1. Аллергик касалликлар. 2. Бронх-ўпка тизимининг тез-тез қайталанувчи сурункали касалликлари. 3. Терининг тез-тез қайталанувчи сурункали касалликлари. 4. Юқори нафас йўллариининг тўлик дистрофия ҳолати ва аллергия касалликлари. 5. Гиперпластик ларингит (бериллийнинг эрувчан бирикмалари билан боғлиқ ишларда).
1.6.	Бор ва унинг бирикмалари (бор карбиди, нитриди ва бошқалар) (Ф)	2 йилда 1 марта	Терапевт, отоларинголог	Мазкур Рўйхатнинг 1.5-бандига мувофиқ	Юқори нафас йўллариининг тўлик дистрофия ҳолати ва аллергия касалликлари.
1.7.	Бороводородлар	1 йилда 1 марта	Терапевт, отоларинголог	Коннинг умумий таҳлили, билирубин ва	1. Юқори нафас йўллариининг тўлик дистрофия ҳолати ва аллергия

				АЛТ микдорини аниқлаш	касалликлари. 2. Бронх-ўпка тизимининг тез-тез қайталанувчи сурункали касалликлари.
Галогенлар:					
1.8.	Хлор, бром, йод, водород бирикмалари, оксидлари (А)	1 йилда 1 марта	Терапевт, отоларинголог, дерматовенеролог, офтальмолог	ТНФ, кўкрак кафасининг рентгенографияси	1. Юкори нафас йўллариининг тўлик дистрофия ҳолати ва аллергик касалликлари. 2. Бронх-ўпка тизимининг тез-тез қайталанувчи сурункали касалликлари. 3. Терининг тез-тез қайталанувчи сурункали касалликлари. 4. Кўзнинг олдинги қаватининг (қовоқ, конъюнктива, шох парда, кўз ёши ажратувчи йўллар) сурункали касалликлари.
1.9.	Фтор ва унинг ноорганик бирикмалари	1 йилда 1 марта	Терапевт, отоларинголог, дерматовенеролог, стоматолог, офтальмолог	Узун суякларнинг рентгенографияси, 5 йиллик иш стажидан кейин 3 йилда 1 марта (хамма рентгенограммалар сақланиши керак)	1. Сурункали субатрофик ва атрофик ринит. Гиперпластик ларингит. Бурун бўшлиғи шиллик қаватининг эрозияси. 2. Периферик нерв тизимининг сурункали касалликлари. 3. Бронх-ўпка тизимининг тез-тез қайталанувчи сурункали касалликлари. 4. Терининг тез-тез қайталанувчи сурункали касалликлари. 5. Оғиз бўшлиғи касалликлари. 6. Кўзнинг олдинги қаватининг сурункали касалликлари. 7. Таянч-ҳаракат аппарати суяк тўқимасининг зарарланиши билан кечувчи

					сурункали касалликлар.
1.10.	Фосгенлар	1 йилда 1 марта	Терапевт, отоларинголог	Мазкур Рўйхатнинг 1.5-бандига мувофиқ	Бронх-ўпка тизимининг тез-тез кайталанувчи сурункали касалликлари.
1.11.	Гидразин ва унинг ҳосилалари (фенилгидразин, боргидразин, диметилгидразин ва бошқалар)	1 йилда 1 марта	Терапевт, невропатолог, дерматолог	Қоннинг умумий таҳлили, билирубин ва АЛТ миқдорини аниклаш	1. Жигар ва ўт ажратиш йўлининг сурункали касалликлари. 2. Терининг тез-тез кайталанувчи сурункали касалликлари.
1.12.	Кадмий ва унинг бирикмалари	1 йилда 1 марта	Терапевт, отоларинголог, кўрсатма бўлса, невропатолог	Мазкур Рўйхатнинг 1.5-бандига мувофиқ ҳамда қон ва пешобнинг умумий таҳлили	1. Юқори нафас йўллариининг тўлик дистрофия ҳолати ва аллергияк касалликлари. 2. Бронх-ўпка тизимининг тез-тез кайталанувчи сурункали касалликлари. 3. Буйрақларнинг тез-тез кайталанувчи сурункали касалликлари.
1.13.	Карбониллар: никель, темир ва бошқа металлларнинг карбониллари	1 йилда 1 марта	Терапевт, отоларинголог, дерматовенеролог	Қоннинг умумий таҳлили, кўкрак қафасининг рентгенографияси	1. Юқори нафас йўллариининг тўлик дистрофия ҳолати ва аллергияк касалликлари. 2. Бронх-ўпка тизимининг тез-тез кайталанувчи сурункали касалликлари. 3. Терининг тез-тез кайталанувчи сурункали касалликлари.
1.14.	Кетонлар: алифатик ва ароматик (ацетон, метилэтилкетон, ацетофенон)	2 йилда 1 марта	Терапевт, отоларинголог, дерматовенеролог, офтальмолог	Қоннинг умумий таҳлили, кўкрак қафасининг рентгенографияси	Юқори нафас йўллариининг тўлик дистрофия ҳолати ва аллергияк касалликлари.

1.15.	Органик кислоталар (чумоли, сирка, пропион, валериан, капрон, адепин, акрил, нафтен ва бошқалар). Органик галоген ҳосилали кислоталар (хлорсирка, трихлорсирка, перфторёгли, трихлорпропион ва бошқалар). Органик ангидридларнинг кислоталари, бензой кислотасининг хлорангидриди ва бошқалар	2 йилда 1 марта	Терапевт, отоларинголог, дерматовенеролог, офтальмолог	Қоннинг умумий тахлили, кўкрак қафасининг рентгенографияси	1. Юқори нафас йўлларининг тўлик дистрофия ҳолати ва аллергия касалликлари. 2. Кўзнинг олдинги қаватининг (қовоқ, конъюнктива, шох парда, кўз ёши ажратувчи йўллар) сурункали касалликлари.
1.16.	Фтал ва терефтал кислотаси (А)	1 йилда 1 марта	Терапевт, отоларинголог, дерматовенеролог, офтальмолог	Лейкоцитар формула, ТНФ	Аллергия касалликлар
1.17.	Кобальт (А) Ваннадий, молибден, вольфрам, тантал ва уларнинг бирикмалари	1 йилда 1 марта 2 йилда 1 марта	Терапевт, отоларинголог, дерматовенеролог	Мазкур Рўйхатнинг 1.5-бандига мувофиқ ҳамда лейкоцитар формула, ЭКГ (кобальт билан ишлашда)	Нафас олиш аъзолари ва терининг тез-тез қайталанувчи сурункали аллергия касалликлари
Кремний ва унинг бирикмалари:					
1.18.	Кремнийнинг органик бирикмалари (силанлар)	2 йилда 1 марта	Терапевт, дерматовенеролог, отоларинголог	Лейкоцитар формула, ТНФ	1. Юқори нафас йўлларининг тўлик дистрофия ҳолати ва аллергия касалликлари. Гиперпластик ларингит. 2. Бронх-ўпка тизимининг тез-тез қайталанувчи сурункали касалликлари.

					3. Аллергик касалликлар. 4. Кўзнинг олдинги қаватининг (ковок, конъюнктива, шох парда, кўз ёши ажратувчи йўллар) сурункали касалликлари.
1.19.	Марганец ва унинг бирикмалари (А)	2 йилда 1 марта	Невропатолог, терапевт, дерматовенеролог, отоларинголог	Мазкур Рўйхатнинг 1.5-бандига мувофиқ	1. Юқори нафас йўлларининг тўлик дистрофия ҳолати ва аллергия касалликлари. 2. Периферик нерв тизимининг сурункали касалликлари. 3. Бронх-ўпка тизимининг тез-тез қайталанувчи сурункали касалликлари. 4. Аллергик касалликлар. 5. Марказий нерв тизимининг касалликлари.
1.20.	Мис ва унинг бирикмалари. Кумуш, олтин ва уларнинг бирикмалари	2 йилда 1 марта	Терапевт, отоларинголог	Лейкоцитар формула кўрсатма бўлса.	1. Юқори нафас йўлларининг тўлик дистрофия ҳолати ва аллергия касалликлари. 2. Юқори нафас йўлларининг сурункали касалликлари. 3. Гепатобилиар тизимининг тез-тез қайталанувчи сурункали касалликлари.
1.21.	Металлар, шу жумладан, ишқорий металллар ва уларнинг бирикмалари (натрий, калий, рубидий, цезий, натрий ва калийнинг гидроокиси). Ишқорли металллар (кальций, стронций, барий ва уларнинг	2 йилда 1 марта	Терапевт, отоларинголог, дерматовенеролог	Лейкоцитар формула, кўрсатма бўлса	1. Юқори нафас йўлларининг тўлик дистрофия ҳолати ва аллергия касалликлари. 2. Сурункали аллергия касалликлар.

	бирикмалари). Кам учрайдиган металллар (лантан, иттрий, скандий, церий ва уларнинг бирикмалари)				
1.22.	Литий ва унинг бирикмалари	1 йилда 1 марта	Терапевт, офтальмолог, отоларинголог, дерматовенеролог	Коннинг умумий таҳлили, курсатма бўлса, ЭКГ	Қуриш нерви ва тўр пардасининг касалликлари
1.23.	Мишьяк ва унинг бирикмалари	1 йилда 1 марта	Терапевт, невропатолог, отоларинголог, дерматовенеролог	Коннинг умумий таҳлили, ретикулоцитлар, билирубин, АЛТ	1. Юқори нафас йўллари­нинг тўлик дистрофия ҳолати ва ал­лергик касалликлари. 2. Бронх-ўпка тизимининг тез-тез қайталанувчи сурункали касалликлари. 3. Периферик нерв тизимининг сурункали касалликлари. 4. Терининг тез-тез қайталанувчи сурункали касалликлари. 5. Хавфсиз ўсмалар.
1.24.	Никель ва унинг бирикмалари (А)	1 йилда 1 марта	Терапевт, отоларинголог, дерматовенеролог	Мазкур Рўйхатнинг 1.5-бандига мувофиқ	1. Юқори нафас йўллари­нинг тўлик ва чегараланган дистрофик касалликлари (гипертрофик ларингит - никель билан ишлашда). 2. Противогазда ишлашга қаршилиқ кўрсатувчи нафас олиш ва юрак-кон томирлари системаларининг касалликлари. 3. Аллергик касалликлар. 4. Хавфсиз ўсмалар (ана­мнезда бўлса ҳам). 5. Бронх-ўпка тизимининг тез-тез қайталанувчи сурункали касалликлари.
1.25.	Озон	1 йилда 1 марта	Терапевт, отоларинголог	ЭКГ	1. Юқори нафас йўллари­нинг тўлик дистрофия ҳолати ва ал­лергик

					касалликлари. 2. Бронх-ўпка тизимининг тез-тез қайталанувчи сурункали касалликлари.
1.26.	Органик оксидлар ва перексидлар (этилен оксиди, пропилен оксиди, эпихлоргидрин, гидрперексидлар ва бошқалар). Ноорганик перексидлар (пергидрол) (А)	1 йилда 1 марта	Терапевт, отоларинголог, дерматовенеролог	Қоннинг умумий таҳлили	1. Терининг тез-тез қайталанувчи сурункали касалликлари. 2. Юқори нафас йўллариининг тўлиқ дистрофия ҳолати ва аллергик касалликлари.
1.27.	Қалай ва унинг бирикмалари	2 йилда 1 марта	Терапевт	-	Бронх-ўпка тизимининг тез-тез қайталанувчи сурункали касалликлари
1.28.	Платинали металллар ва уларнинг бирикмалари (рутений, радий, палладий, осмий, иридий, платина) (А)	1 йилда 1 марта	Терапевт, отоларинголог, дерматовенеролог	Лейкоцитар формула, ТНФ	1. Юқори нафас йўллариининг тўлиқ дистрофия ҳолати. 2. Бронх-ўпка тизими ва терининг тез-тез қайталанувчи аллергик касалликлари.
1.29.	Симоб ва унинг бирикмалари	1 йилда 1 марта	Невропатолог, терапевт, кўрсатма бўлса, стоматолог	Пешобда симобни аниқлаш	1. Периферик нерв тизимининг сурункали касалликлари. 2. Вегетатив нерв тизимининг яққол ифодаланган ўзгаришлари. 3. Неврозлар. 4. Тиш ва жағларнинг касалликлари (сурункали гингивит, стоматит, пародонтит).
Қўрғошин ва унинг бирикмалари:					
22.	<p>Жарроҳлик профилидаги стационарларнинг ходимлари, амбулатория-поликлиник хизмат кўрсатиш муассасаларининг жарроҳлик, травматологик ва боғлаш кабинетларининг ходимлари, стоматологлар, марказий зарарсизлантириш бўлинмалари ходимлари ва даволаш иши билан боғлиқ профессор-ўқитувчилар таркиби</p>	<p>Терапевт</p> <p>Дерматовенеролог</p> <p>Гинеколог</p> <p>Отоларинголог</p> <p>Стоматолог</p>	<p>Флюорография</p> <p>Ичак инфекцияларини аниқлаш учун қон ва нажас таҳлили</p> <p>Гельментларни аниқлаш учун нажас таҳлили</p> <p>RW ва HBs-Ag, OIBга қон текшируви</p> <p>Гонококкларга текшириш</p> <p>Стафилококк ташувчилигига текшириш</p> <p>Тишларнинг ҳолатини текшириш</p>	<p>Терапевт</p> <p>Дерматолог</p> <p>Гинеколог</p> <p>Отоларинголог</p> <p>Стоматолог</p>	<p>Флюорография</p> <p>Ичак инфекцияларини аниқлаш учун қон ва нажас таҳлили</p> <p>Гельментларни аниқлаш учун нажас таҳлили</p> <p>RW қон текшируви</p> <p>NBs-Ag, OIBга қон текшируви</p> <p>Гонококкларга текшириш</p> <p>Стафилококк ташувчилигига текшириш</p> <p>Тишларнинг ҳолатини текшириш</p>	<p>1 йилда</p> <p>1 марта</p> <p>1 йилда</p> <p>2 марта</p> <p>1 йилда</p> <p>1 марта</p> <p>1 йилда</p> <p>1 марта</p> <p>1 йилда</p> <p>1 марта</p> <p>1 йилда</p> <p>1 марта</p> <p>1 йилда</p> <p>2 марта</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Қорин тифи, паратифлар, дизентерия, сальмонеллез. 2. Гименолепидоз, энтеробиоз. 3. Сифилис (юкумли даврида). 4. Лепра билан касалланган ва бактерия ташувчилар. 5. Терининг юкумли касалликлари (қўтир, трихофития, микроспория, парша, терининг очиқ жойларига яралар билан кечувчи актиномикоз). 6. Ўпка туберкулёзининг юкумли ва деструктив шакллари, окма яралар, бактериурия, юз ва қўлларнинг туберкулёз волчанкаси билан кечувчи ўпкандан ташқари туберкулёз. 7. Гонорея (даволаниш вақтида ва бирламчи назоратда манфий натижалар олинганча). 8. Йирингли касалликлар.
23.	<p>Туғруқ комплекслари ва бўлинмаларининг тиббий ходимлари, амбулатория-поликлиник хизмат кўрсатиш муассасаларининг</p>	<p>Терапевт</p>	<p>Флюорография</p> <p>Ичак инфекцияларини аниқлаш учун қон ва нажас таҳлили</p>	<p>Терапевт</p>	<p>Флюорография</p> <p>Ичак инфекцияларини аниқлаш учун қон ва нажас таҳлили</p>	<p>1 йилда</p> <p>1 марта</p> <p>1 йилда</p> <p>2 марта</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Қорин тифи, паратифлар, дизентерия, сальмонеллез. 2. Гименолепидоз, энтеробиоз. 3. Сифилис (юкумли даврида). 4. Лепра билан касалланиш

	аёллар - маслаҳатхонаси, тиббий кўрик хоналари ходимлари, даволаш иши билан боғлиқ профессор- ўқитувчилар таркиби	Дерматовенер олог Гинеколог Отоларингол ог Стоматолог	Гельментларни аниклаш учун нажас таҳлили RW ва HBs-Ag, ОИВ га кон текшируви Гонококкларга текшириш Стафилококк ташувчилигига текшириш Тишларнинг холатини текшириш	Дерматолог Гинеколог Отоларинголог Стоматолог	Гельментларни аниклаш учун нажас таҳлили RW кон текшируви HBs-Ag, ОИВга кон текшируви Гонококкларга текшириш Стафилококк ташувчилигига текшириш Тишларнинг холатини текшириш	1 йилда 1 марта 1 йилда 1 марта 1 йилда 1 марта 1 йилда 2 марта	ва бактерия ташувчилар. 5. Терининг юқумли касалликлари (кўтир, трихофития, микроспория, парша, терининг очик жойларидаги яралар билан кечувчи актиномикоз). 6. Ўпка туберкулёзининг юқумли ва деструктив шакллари, окма яралар, бактериурия, юз ва қўлларнинг туберкулёз волчанкеси билан кечувчи ўпкадан ташқари туберкулёз. 7. Гонорея (даволаниш вакатида ва бирламчи назоратда манфий натижалар олинганча). 8. Йирингли касалликлар.
24.	Коммунал хўжалик соҳаси ходимлари, шунингдек маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш ва йўқотиш билан боғлиқ ишлар, жамоат хўжатхоналарида ишловчилар	Терапевт Инфекционис т Дерматовенер олог	Флюорография Ичак инфекцияларини аниклаш учун кон ва нажас таҳлили Гельментларни аниклаш учун нажас таҳлили RW ва HBs-Ag, ОИВга кон текшируви	Терапевт Инфекционист Дерматолог	Флюорография Ичак инфекцияларини аниклаш учун кон ва нажас таҳлили Гельментларни аниклаш учун нажас таҳлили RW кон текшируви HBs-Ag, ОИВга	1 йилда 1 марта 1 йилда 2 марта 1 йилда 1 марта 1 йилда 1 марта	1. Корин тифи, паратифлар, дизентерия, сальмонеллёз. 2. Гименолепидоз, энтеробиоз. 3. Сифилис (юқумли даврида). 4. Лепра билан касалланган ва бактерия ташувчилар. 5. Терининг юқумли касалликлари (кўтир, трихофития, микроспория, парша, терининг очик жойларидаги яралар билан кечувчи актиномикоз).

		Гинеколог Стоматолог	Гонококкларга текшириш Тишларнинг холатини текшириш	Гинеколог Стоматолог	кон текшируви Гонококкларга текшириш Тишларнинг холатини текшириш	1 йилда 1 марта 1 йилда 1 марта	6. Упка туберкулёзининг юқумли ва деструктив шакллари, оқма яралар, бактериурия, юз ва қўлларнинг туберкулёз волчанкаси билан кечувчи ўпкадан ташқари туберкулёз. 7. Гонорея (даволаниш вақтида ва бирламчи назоратда манфий натижалар олинганча).
--	--	-------------------------	--	-------------------------	---	--	---

ДАЛОЛАТНОМА

20__ йил " ____ " _____

(объект номи)

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 20__ й. " ____ " _____ даги ____-сон буйруғига мувофиқ дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтиши мажбурий бўлган контингентни аниқлаш мақсадида қуйидаги таркибдаги комиссия тузилсин:

1. Иш берувчи _____

(фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими)

2. Давлат санитария ва эпидемиология назорати маркази ходими _____

(фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими)

3. Касаба уюшмаси вакили _____

(фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими)

Тиббий кўрикдан ўтиши мажбурий бўлган ходимлар рўйхати:

N	Ташкилот (цех, бўлинма)	Ф.И.О.	Касби	Ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари	Буйруқ рақами ва санаси	Изоҳ*

**) Тиббий кўрик вақтида қўшимча врач - мутахассисларни (онколог, аллерголог ва бошқалар) жалб қилишни талаб қилувчи ишлаб чиқаришнинг кимёвий моддалари ёки физик омилларининг таъсири кузатилса, уларнинг организмга специфик таъсири характери кўрсатилади.*

Лаборатор ва функционал текширувларнинг натижалари кўрсатилади (миқдорий тавсифи).

Далолатнома _____ нусхада тузилди.

1. Иш берувчи

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

2. Давлат санитария ва
эпидемиология назорати
маркази ходими

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

3. Касаба уюшмаси вакили

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

(ташкilot номи)

ходимларининг тиббий кўриқдан ўтиши бўйича
КАЛЕНДАРЬ РЕЖА

Ташкilot номи	Цех (булинма) номи	Касби	Хавфли ва зарарли омиллар	Тиббий кўриқ ўтказиш муддати	Тиббий кўриқдан ўтувчи ходимлар сони	Тиббий кўриқни ўтказувчи врач - мутахассислар	Лаборатор ва функционал текширишлар
Масалан, "Духоба" МЧЖ	Тукув цехи	Тукувчи	Чанг ва шовқин	15 - 25 май	200, шундан 190 нафари аёл	Терапевт, невропатолог отоларинголог, офтальмолог, акушер-гинеколог (кўрсатма бўлса)	Лейкоцитар формула, рентгенография, ташки нафас функциясини текшириш (кўрсатма бўлса)

Дастлабки тиббий кўриқдан ўтиш учун ЙЎЛЛАНМА

Ташкилот штампи

Амбулатор беморнинг тиббий картасига (025 х. ш.)
кўшимча бланк

Дастлабки тарзда ўтказиладиган
тиббий кўриқка йўлланма

Дастлабки тарзда ўтказиладиган
тиббий кўриқ натижалари

Фамилияси _____

Исми _____

Отасининг исми _____

Туғилган йили _____

Иш жойининг хавfli ва зарарли омиллари

1-илова _____

2-илова _____

Имзо _____

Тиббий комиссиянинг хулосаси

_____ мутахассислиги бўйича

Фамилияси _____

Исми _____

Отасининг исми _____

Туғилган йили _____

Тиббий комиссиянинг хулосаси

мутахассислиги бўйича

Иш шароитининг нокулай омиллари таъсирида

Монеликлар йўқ

Ташкилот врачлик пунктининг врач (врач-терапевти)

Иш шароитининг нокулай омиллари таъсирида

Монеликлар йўқ

Даволаш-профилактика муассасаси бош врачн

Ташкилот врачлик пунктининг врач (врач-терапевти)

20__ йил " __ " _____

**Хавфли, зарарли моддалар, ноқулай омиллар таъсири
билан боғлиқ ишларга қўйиш учун қаршилик
кўрсатувчи умумий тиббий монеликлар
РЎЙХАТИ**

1. Функционал фаолиятнинг бузилиши билан кечувчи аъзоларнинг туғма нуқсонлари.
2. Функционал бузилишлар турғун ифодаланган марказий асаб тизимининг органик касалликлари.
3. Сурункали руҳий хасталиклар ва психо-неврологик диспансерларда албатта мажбурий динамик кузатувга муҳтож бўлган шу касалликларга тенг бўладиган ҳолатлар, пароксизмал ўзгаришлар билан кечувчи эпилепсия. Оралиқ руҳий касалликлар яққол ифодаланган ҳолатларда тегишли ишларга яроклилик масаласи психо-неврологик диспансернинг комиссияси томонидан индивидуал равишда ҳал қилинади.
4. Яққол ифодаланган ўзгаришлар билан кечувчи эндокрин тизимининг касалликлари.
5. Хавфли ўсмалар (даволангандан кейин мутлақ монеликлар бўлмаган ҳолларда, масала индивидуал ҳал қилиниши мумкин).
6. Қон тизимининг барча касалликлари (ҳамма босқичларида) (жумладан қон яратувчи тизимнинг касалликлари).
7. Гипертония касаллигининг III босқичи.
8. Қон айланиши етишмовчилиги билан асоратланган юрак касалликлари.
9. Яққол ифодаланган ўпка-юрак етишмовчилиги билан асоратланган ўпканинг сурункали касалликлари.
10. Нафас ва қон айланишининг яққол ифодаланган функционал бузилишлари билан кечувчи бронхиал астманинг оғир тури.
11. Туберкулёзнинг ҳар қандай жойлашган фаол турлари.
12. Сурункали тез-тез қайталанадиган ва асоратланишга мойил меъда ва 12 бармоқли ичакнинг яра касаллиги.
13. Жигар циррози ва фаол гепатитлар.
14. Буйрак етишмовчилиги билан асоратланган сурункали

буйрак касалликлари.

15. Коллагенозлар.

16. Касби бўйича иш бажаришга халақит берувчи турғун бузилишлари бўлган бўғим касалликлари.

17. Ҳомиладорлик ва сут ажралиш даври.

18. Фарзанд кўриш истаги бўлган аёлларда анамнезида одатдаги ҳомила нуқсонлари ва ҳомиладорликнинг охирига етмаслиги.

19. Бачадондан қон кетиши билан кечувчи ҳайз кўриш функциясининг бузилишлари.

20. Глаукома декомпенсация даврида.

20__ йил " __ " _____ шаҳри
(тумани)

ДАЛОЛАТНОМА

(вақти-вақти билан ўтказилган тиббий кўриклар натижаси бўйича)

_____ ташкилоти ходимларини вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказиш натижалари бўйича куйидаги мазмунда далолатнома тузилди:

Комиссия таркиби:

1. Ташкилот (цех, бўлинма) врачлари (врач-терапевти) _____

2. Даволаш-профилактика муассасасининг тиббий санитария қисми вакили _____

3. Давлат санитария ва эпидемиология назорати маркази ходими _____

4. Ташкилот вакили _____

5. Ташкилотнинг касаба уюшмаси вакили _____

Аниқландики:

Режа бўйича тиббий кўриқдан ўтишлари зарур бўлган ходимлар сони _____, шундан аёллар _____.

Қайта аниқланган режа бўйича _____

шундан
аёллар _____

1.1. Тиббий кўриқдан
ўтказилганлар _____

шулардан
аёллар _____

1.2. Тиббий кўриқ дан ўтказилганлар
фоиз ҳисобида _____

шундан
аёллар _____

1.3. Тиббий кўриқдан
ўтмаганлар сони _____

сабаблари _____

2. Тиббий кўриқ натижасида
қуйидагилар аниқланади: _____

2.1. Касбдан заҳарланишга ёки касб касаллигига шубҳа қилинган
ходимлар сони _____

шундан аёллар _____

(ташкилот (цеҳ, булинма), фамилияси, исми, отасиниң исми, ташхис)

2.2. Биринчи марта умумий тиббий касаллиги аниқланган ходимлар сони

(ташқилот (цех, булинма), фамилияси, исми, отасининг исми, ташхис)

2.3. Касб касаллиги бўйича биринчи марта ногиронликни олган ходимлар сони

(ташқилот (цех, булинма), фамилияси, исми, отасининг исми, ташхис, ногиронлик гуруҳи, касби)

2.4. Соғлиғига кўра вақтинча бошқа ишга ўтказилишига муҳтож бўлган ходимлар сони *(ишлаб чиқариш омилларига доир тиббий монеликлардан ташқари)*

(фамилияси, исми, отасининг исми, ташхис, монелик қилиб курсатилган омил)

2.5. Соғлиғига кўра бошқа ишга доимий муддатга ўтказилишига муҳтож бўлган ходимлар сони *(монелик қилиб курсатилган ишлаб чиқариш омилидан ташқари)*

(фамилияси, исми, отасининг исми, ташхис, монелик қилиб курсатилган ишлаб чиқариш омили)

2.6. Касб касаллигига чалингани сабабли бошқа ишга ўтказилишига муҳтож бўлган ходимлар сони

(фамилияси, исми, отасининг исми, ташхис, монелик қилиб курсатилган ишлаб чиқариш омили)

2.7. Ногиронлик гуруҳини аниқлаш учун Тиббий-меҳнат экспертиза комиссиясига юборилган ходимлар сони

(ташқилот (цех, булинма), фамилияси, исми, отасининг исми, ташхис)

2.8. Даволанишга юборилиши
зарур бўлган ходимлар сони _____

2.8.1. Стационарда
даволанишга _____

(ташкilot (цех, булинма), фамилияси, исми, отасининг исми, ташхис)

2.8.2. Санаторий-курортда даволанишга _____

(ташкilot (цех, булинма), фамилияси, исми, отасининг исми, ташхис)

2.8.3. Санаторий-профилакторийда даволанишга _____

(ташкilot (цех, булинма), фамилияси, исми, отасининг исми, ташхис)

2.9. Парҳез овқатланишга ва махсус овқатланишга муҳтож бўлган ходимлар сони _____

(ташкilot (цех, булинма), фамилияси, исми, отасининг исми, ташхис)

3. Олдинги йилги далолатнома бажарилиши
текширилди _____

далолатнома бажарилганлигининг
натижалари _____

4. Комиссия вақти-вақти билан ўтказиладиган тиббий кўрик
натижалари бўйича қуйидаги соғломлаштирувчи тадбирлар
мажмуини тавсия этади:

4.1. Ташкилот раҳбари

4.2. Касаба уюшмаси раиси

4.3. Даволаш-профилактика муассасаси
бош врачлари

Имзолар:

1. Ташкилот (цех,
бўлинма) врачлик
пунктининг врачлари (врач-
терапевти)

(Ф.И.О.)

(имзо)

2. Даволаш-профилактика
муассасасининг тиббий
санитария қисми вакили

(Ф.И.О.)

(имзо)

3. Давлат санитария ва
эпидемиология назорати
маркази ходими

(Ф.И.О.)

(имзо)

4. Ташкилот вакили

(Ф.И.О.)

(имзо)

5. Касаба уюшмаси
вакили

(Ф.И.О.)

(имзо)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ
15.09.2014 й.
N 263**

**ХОДИМЛАР МЕҲНАТИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ТЎҒРИСИДА**

1-илова. Иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом

2-илова. Иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича мутахассис малака сертификати бериш тартиби тўғрисида Низом

Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишни ташкил этишга доир амалга ошириладиган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш, уларнинг манзиллигини ва самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар:

Иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича мутахассис малака сертификати бериш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2014-2015 ўқув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб тегишли техника мутахассисликларининг ўқув дастурларига меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича махсус бўлим киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан ушбу қарор талабларига риоя этилиши юзасидан зарур назорат ўрнатсин;

иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг кадрлар таркиби тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи маълумотлар базасини марказлаштирилган тартибда шакллантириш ва юритиш йўли билан уларнинг ҳисобга олинишини ва улар тўғрисидаги маълумотларнинг тизимлаштирилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва малака ошириш дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари фаолиятида қўллаш учун меҳнат шaroитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришда жароҳатланишнинг, касб касалликларининг олдини олишнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга оширишга доир методик қўлланмаларни ишлаб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий марказига мебеллар ҳамда ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни омиллари лабораториясини жиҳозлашга мўлжалланган ўлчов асбоб-ускуналарини импорт бўйича харид қилишга зарур маблағлар ажратсин.

4. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги белгиланган тартибда:

Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий марказининг ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни омиллари лабораторияси жиҳозланадиган ўлчов асбоб-ускуналарини текширишдан ўтказсин;

Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий марказининг ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни омиллари лабораториясини аккредитациядан ўтказсин.

5. Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий маркази Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг статистик ахборотлари мажбурий тартибда юбориладиган реестрга киритилсин.

6. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. Мирзиёев

**Иш ўринларини меҳнат шaroитлари
ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги
юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

II. Аттестацияни ўтказиш

III. Аттестацияни ўтказишга тайёргарлик кўриш тартиби

IV. Меҳнат шaroитларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талабларига мувофиқлигини баҳолаш тартиби

V. Иш ўринларининг айрим турларини аттестациядан ўтказиш хусусиятлари

VI. Иш ўринларини меҳнат шaroитлари бўйича аттестациядан ўтказиш натижаларини расмийлаштириш тартиби

VII. Режадан ташқари аттестация ўтказиш тартиби

VIII. Яқунловчи қоидалар

1-илова. Меҳнат шaroитлари юзасидан аттестациядан ўтказиладиган иш ўринлари рўйхати

1а-илова. Зарарли моддалар ва устувор фиброгенли таъсирга эга аэрозоллар рўйхати

1б-илова. Ўлчамли кимёвий моддалар ва устувор фиброгенли таъсирга эга аэрозолларнинг иш ўринлари бўйича тақсимооти

2-илова. Иш жойининг меҳнат шaroитлари харитаси

3-илова. Меҳнат шaroити ноқулай ва ўзига хос

бўлган ишларда банд бўлганлик учун йиллик қўшимча таътиллارнинг давомийлиги

3а-илова. Имтиёзли пенсия таъминотига ҳуқуқни баҳолаш

4-илова. Иш ўринларини меҳнат шaroитлари юзасидан аттестациядан ўтказиш натижаларининг йиғма қайдномаси

5-илова. Иш ўринларини меҳнат шaroитлари юзасидан аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича белгиланган меҳнат шaroитлари класслари ҳамда шу муносабат билан ходимларга

белгиланиши лозим бўлган кафолатлар ва преференцияларнинг йиғма жадвали

6-илова. Меҳнат шароитларини меҳнат муҳофазаси меъёрлари, қоидалари ва йўриқномалари талабларига мослаштириш бўйича тадбирлар режаси

7-илова. Давлат экспертизаси хулосаси

8-илова. Аттестация комиссияси якуний (оралиқ-якуний) мажлисининг протоколи

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом меҳнат шароитлари, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва тифзлиги, асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлиги юзасидан иш ўринларини аттестациядан ўтказиш, унинг натижаларини расмийлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш, шунингдек аттестациядан ўтказувчи ташкилотларга қўйиладиган талабларни белгилайди.

2. Ушбу Низом барча иш берувчилар - корхоналар, муассасалар, ташкилотлар (кейинги ўринларда корхоналар деб аталади) учун мажбурий ҳисобланади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

иш ўрни - ходимларнинг меҳнат фаолияти жараёнида доимо ёки вақтинча бўлиш жойи;

ўхшаш иш ўринлари - қуйидаги белгиларнинг жами: бир номдаги касб ёки лавозим; бир хилдаги иш режимида бир типдаги технологик жараённи юритишда айнан бир хил касб вазифаларини бажариш; бир типдаги ишлаб чиқариш ускунаси, асбоблар, мосламалар, материаллар ва хом ашёдан фойдаланиш; бир ёки бир неча типдаги биноларда ёки очиқ ҳавода ишлаш; вентиляция, кондициялаштирилган ҳаво, иситиш ва ёритишнинг бир типдаги тизимларидан фойдаланиш, иш жойида объектларнинг (ишлаб чиқариш ускунаси, транспорт воситалари ва шу кабиларнинг) бир хил жойлашиши; бир класс ва даражадаги зарарли ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилларининг бир хилдаги тўплами; яқка тартибдаги ҳимоя воситалари билан бир хилда таъминланганлик билан тавсифланадиган иш ўринлари;

иш зонаси - ходимлар доимо ёки вақтинча бўладиган жойлар жойлашган пол ёки майдонча даражасидан 2 метргача баландликдаги сатҳ;

турғун бўлмаган иш ўринлари - худудий ўзгариб турадиган иш зоналаридаги иш ўринлари, бунда бир ёки бир неча ходимлар хусусиятига кўра ўхшаш иш ёки операцияни бажарадиган ишлаб чиқаришнинг зарур воситалари билан жиҳозланган иш ўрнининг бир қисми иш зонаси деб ҳисобланади;

касб касаллиги - ушбу касб учун хос бўлган ҳамда ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнининг зарарли ва хавфли омиллари таъсири натижасида ходим чалинган касаллик;

иш қобилияти - инсоннинг талаб этиладиган вақт оралиғида топширилган сифатида ишнинг аниқ миқдорини бажариш қобилиятини тавсифлайдиган организмнинг физиологик ва психологик функциялари имкониятлари билан белгиланадиган инсоннинг ҳолати;

ишлаб чиқариш муҳити - меҳнат фаолияти жараёнида ходимга таъсир кўрсатувчи кимёвий, биологик, физик ва ижтимоий омилларнинг йиғиндиси;

меҳнат шароитлари - ходимнинг иш лаёқати ва соғлиғига таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни омиллари йиғиндиси;

зарарли ишлаб чиқариш омили - таъсири ходимнинг касалликка чалинишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

хавфли ишлаб чиқариш омили - таъсири ходимнинг жароҳат олишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили. Миқдорий тавсифига ва амал қилишининг давомийлигига боғлиқ равишда айрим зарарли ишлаб чиқариш омиллари хавфли бўлиши мумкин;

меҳнатнинг хавфсиз шарт-шароитлари - зарарли ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилларининг ходимга таъсири истисно этиладиган ёхуд уларнинг таъсири даражаси белгиланган нормативлардан ортиқ бўлмаган меҳнат шароитлари ҳолати;

ишлаб чиқариш фаолияти - хом ашёнинг ҳар хил турларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни, қуришни, ҳар хил хизматлар кўрсатишни ўз ичига оладиган хатти-ҳаракатлар йиғиндиси;

ЯТХВ (якка тартибдаги химоя воситалари) - зарарли ёки хавфли ишлаб чиқариш омилларининг ходимларга таъсирининг

олдини олиш ёки камайтириш, шунингдек ифлосланишдан ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган техник воситалар (махсус кийим, махсус пойабзал ва яққа тартибдаги ҳимоянинг бошқа воситалари);

меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан иш ўринларини аттестациядан ўтказиш (аттестация) - иш жойларида меҳнат шароитларини, меҳнат жараёнларининг оғирлиги ва тигизлигини ҳамда асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолаш, зарарли ва хавfli ишлаб чиқариш омилларини баҳолаш, шунингдек меҳнат шароитларини, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва тигизлигини қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлаштириш мақсадида ўтказиладиган комплекс тадбирлар;

аттестация комиссияси - аттестациянинг барча босқичларида меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавfliлиги бўйича иш ўринларини аттестациядан ўтказишни ташкил этиш, унга раҳбарлик қилиш ва уни назорат қилиш билан боғлиқ бўлган масалаларнинг бутун комплексини амалга ошириш учун корхона раҳбарининг қарори билан ташкил этиладиган комиссия;

аттестациядан ўтказувчи ташкилот - ушбу Низомда белгиланган меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавfliлиги юзасидан иш ўринларини аттестациядан ўтказиш соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун талабларга жавоб берадиган ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома асосида ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни омилларини ўлчайдиган ва меҳнат шароитларининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлигини баҳолайдиган юридик шахс.

4. Аттестация фуқароларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талабларига жавоб берадиган соғлиғи ва меҳнатнинг хавфсиз шарт-шароитларига бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида иш ўринларидаги меҳнат шароитларини баҳолаш ҳамда ноқулай, зарарли ва (ёки) хавfli ишлаб чиқариш омилларини аниқлаш учун ўтказилади.

5. Аттестация натижаларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади ва:

меҳнат шароитларини меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талабларига мувофиқлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

оғир ишларда, ноқулай, зарарли ва (ёки) хавfli ишларда ва меҳнатнинг бошқа алоҳида шарт-шароитларида банд бўлган

ходимларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва компенсацияларни белгилаш;

ходимларни иш жойларидаги меҳнат шароитлари, соғлиққа шикаст етказишнинг мавжуд хавфи, зарарли ва (ёки) хавfli ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳимоя қилиш чора-тадбирлари ҳамда оғир ишларда, ноқулай, зарарли ва (ёки) хавfli ишларда ва бошқа алоҳида меҳнат шароитларида ишловчи ходимларга берилиши керак бўлган компенсациялардан хабардор қилиш;

иш жойларида меҳнат шароитларини назорат қилиш;

касбий хавфни баҳолаш;

ходимларни якка тартибдаги ва жамоавий ҳимоя воситалари билан таъминлаш;

меҳнат шароитларининг ҳолати тўғрисида статистика ҳисоботини тайёрлаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этишнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш;

касб касаллигига шубҳа туғилганда касалликнинг касб билан боғлиқлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш, шунингдек касб касаллиги ташҳисини аниқлаш;

ходимлар меҳнатининг хавфсиз шарт-шароитларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талабларига мувофиқ ходимларни санитария-маиший ва тиббий таъминлаш;

ходимларнинг айрим тоифалари учун меҳнатни чеклашларни асослаш, ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларни имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини берувчиларга тегишли деб топиш;

шу жумладан, меҳнатни муҳофаза қилиш фонди маблағлари ҳисобига корхонада меҳнат шароитлари ва муҳофазасини яхшилаш тадбирларини режалаштириш ва молиялаштириш;

хизматчилар ва ишчи касблари лавозимлари номларини Хизматчилар ва ишчи касблари асосий лавозимлари классификаторида ҳамда хизматчилар лавозимлари ва ишчи касбларининг тармоқ тариф-малака маълумотномаларида кўрсатилган номларга мувофиқлаштириш;

корхонада меҳнат шароитлари ва муҳофазасининг ҳолати тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш учун асос ҳисобланади.

6. Қуйидаги:

ходимларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва компенсациялар белгиланадиган ноқулай, зарарли ва (ёки) хавфли ҳамда бошқа алоҳида меҳнат шароитларига эга бўлган; уларда ногиронлар банд бўлган;

имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларида кўрсатилган;

ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ва иш излашда қийинчиликларга дуч келаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун захирага қўйилган;

хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги барча иш ўринлари ва касблар аттестациядан ўтказилиши керак.

Ушбу бандда кўрсатилмаган иш ўринларини аттестациядан ўтказиш корхона раҳбарининг хоҳиши бўйича ўтказилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари, ушбу Низом, Хизматчилар ва ишчи касбларнинг асосий лавозимлари классификатори, шунингдек санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари, қурилиш нормалари ва қоидалари, меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари тизими, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар, бошқа қонун ҳужжатлари аттестацияни ўтказишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

8. Аттестацияни ўтказиш даврийлигини корхонанинг ўзи белгилайди, бироқ у ҳар 5 йилда камида бир марта ўтказилади.

Аттестациянинг ўз вақтида ўтказилиши юзасидан масъулият корхона раҳбарига юкланади.

9. Аттестация материаллари қатъий ҳисобот бериладиган материаллар ҳисобланади ва 50 йил сақланади.

Қайта ташкил этишда аттестация материаллари тўлиқ ҳажмда қайта ташкил этилаётган корхонанинг ҳуқуқий меросхўрига, тугатилган тақдирда эса - белгиланган тартибда давлат архивига берилади.

II. АТТЕСТАЦИЯНИ ЎТКАЗИШ

10. Аттестация фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома асосида аттестация бўйича ишларни бажариш учун иш берувчи томонидан жалб этиладиган аттестациядан ўтказувчи ташкилот билан биргаликда иш берувчи томонидан ўтказилади.

11. Аттестациядан ўтказувчи ташкилот меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан иш ўринларини аттестациядан ўтказиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш учун қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

"Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, ушбу Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

штатда меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан иш ўринларини аттестациядан ўтказиш бўйича мутахассиснинг малака сертификатига эга бўлган ҳамда фаолиятни фақат ушбу аттестациядан ўтказувчи ташкилотда амалга оширувчи камида уч нафар ходимга эга бўлиш;

мулкида хўжалик юритиш, тезкор бошқариш ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосда ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни омилларини ўлчаш учун мўлжалланган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аккредитация қилинган лабораторияга (кейинги ўринларда аккредитациядан ўтказилган синов лабораторияси деб аталади) эга бўлиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг маълумотнома базасига, шунингдек аттестацияни ўтказиш учун зарур бўлган маълумотнома ҳужжатларга эга бўлиш;

аттестацияни ўтказишда олинган ахборотнинг махфийлигини таъминлаш;

аттестацияни ўтказиш бўйича шартнома мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

аттестацияни ўтказишда мустақилликни таъминлаш;

аттестация тўғрисидаги тўғри ҳисоботни тақдим этиш.

Фақат меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан иш ўринларини аттестациядан ўтказиш бўйича мутахассиснинг малака сертификатига эга бўлган шахс аттестацияни ўтказувчи ташкилотнинг раҳбари бўлиши мумкин.

12. Аттестация ўтказувчи ташкилот иш ўринларида аттестациядан ўтказилаётган корхонага нисбатан мустақил шахс бўлиши керак.

Корхона аттестация бўйича ишларни бажариш учун бир нечта аттестациядан ўтказувчи ташкилотларни жалб этишга ҳақлидир. Бунда аттестация бўйича ишлар аттестациядан ўтказувчи ташкилотлар ўртасида ҳам аттестациядан ўтказилиши керак бўлган иш ўринлари сони, ҳам иш ўринларида бажариладиган ишларнинг турлари бўйича тақсимланиши мумкин.

13. Аттестацияни ўтказишда корхона аттестацияни ўтказувчи ташкилотдан:

аттестациядан ўтказувчи ташкилот ушбу Низомда белгиланган меҳнатнинг шарт-шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан иш ўринларини аттестациядан ўтказиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш учун талабларга тўлиқ жавоб беришни ҳужжатлар билан тасдиқлашни;

ўлчашлар ва баҳолашларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ўтказишни талаб қилишга ҳақлидир.

14. Аттестацияни ўтказишда корхона:

аттестацияни ўз вақтида ва тўлиқ ўтказишда аттестацияни ўтказувчи ташкилотга ёрдам беришга, зарур ахборот ва ҳужжатларни тақдим этишга, аттестациядан ўтказувчи ташкилотнинг сўровига кўра аттестация мақсадларига тегишли бўлган масалалар бўйича оғзаки ва ёзма шаклда тушунтиришлар беришга;

аттестацияни ўтказишда таҳлил қилиниши ва баҳолалиниши керак бўлган масалалар доирасини торайтиришга, шунингдек аттестациядан ўтказувчи ташкилот томонидан сўраладиган аттестация мақсадларига тегишли масалалар бўйича ахборот ва ҳужжатларни яширишга (фойдаланишни чеклашга) атайлаб йўналтирилган хатти-ҳаракатларни қилмасликка;

ушбу Низомнинг 62-бандида кўрсатилган, аттестация комиссияси таркибига кирувчи аттестациядан ўтказувчи ташкилотнинг вакиллари томонидан имзоланмаган ҳужжатлар мавжуд бўлган аттестация тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқламасликка мажбур.

15. Аттестацияни ўтказишда аттестацияни ўтказувчи ташкилот:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, ушбу Низом асосида ўлчашлар ва баҳолашларни ўтказиш усулларини, шунингдек ўлчашлар ва баҳолашларни ўтказувчи мутахассисларнинг сони ва шахсий таркибини белгилайди;

иш ўринларида аттестация ўтказиладиган корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар

талабларини таъминлаш ишларини ташкил этиш билан боғлиқ хужжатларни тўлиқ ҳажмда ўрганиб чиқади;

аттестация давомида юзага келадиган масалалар бўйича корхонадан тушунтиришларни сўрайди ва олади;

иш ўринларида аттестация ўтказилаётган корхона томонидан зарур хужжатлар тақдим этилмаган ёки ўлчашлар ва баҳолашларни ўтказиш шарт-шароитларининг талаб қилинадиган норматив хужжатлари билан таъминлаш корхона томонидан рад этилган тақдирда аттестацияни ўтказишни рад этади.

Аттестацияни ўтказиш аттестацияни ўтказувчи ташкилот корхонанинг талабига кўра аттестация натижалари бўйича аттестациядан ўтказувчи ташкилот томонидан амалга оширилган хулосаларни асослаши шарт.

III. АТТЕСТАЦИЯНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ТАРТИБИ

16. Аттестацияни ташкил этиш ва ўтказиш учун иш ўринларида аттестация ўтказиладиган корхона раҳбарининг ёзма қарори билан доимий ишловчи аттестация комиссияси (кейинги ўринларда аттестация комиссияси деб аталади) ташкил этилади ҳамда аттестация бўйича ишларни амалга ошириш жадвали белгиланади.

Зарурият бўлганда корхонанинг таркибий бўлинмалари бўйича аттестация комиссиялари ташкил этилишига йўл қўйилади.

17. Аттестация комиссияси таркибига мажбурий тартибда бош муҳандис (бор бўлганда), меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари раҳбарлари ва ходимлари, касаба уюшмаси қўмитаси ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органи вакиллари, аттестациядан ўтказувчи ташкилот вакиллари киритилади.

Қонун хужжатларига мувофиқ кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли деб топилган корхоналарда аттестацияни ўтказишда аттестацияни ўтказувчи ташкилотнинг раҳбари, вакиллари, шунингдек бор бўлган тақдирда, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари раҳбарлари ва ходимлари, касаба уюшмаси қўмитаси ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органи раҳбарлари аттестация комиссияси таркибига мажбурий тартибда киритилади.

18. Аттестация комиссиясига иш ўринларида аттестация ўтказилаётган корхонанинг раҳбари ёхуд корхона раҳбарининг тегишли ёзма қарори билан вакил қилинган шахс бошчилик қилади.

Аттестация комиссиясининг таркиби, шунингдек аттестация бўйича ишлар жадвали корхона раҳбарининг ёзма қарори билан тасдиқланади.

19. Аттестация комиссияси (корхонанинг таркибий бўлинмалари бўйича аттестация комиссияси):

аттестациянинг барча босқичларида унинг ўтказилишини, унга раҳбарлик қилиш ва уни назорат қилишни ташкил этади;

аттестацияни ўтказиш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар комплектини, ташкилий-фармойиш берувчи ва методик ҳужжатларни шакллантиради ва уларни ўрганишни ташкил этади;

хизматчилар ва ишчи касблари лавозимлари номларини Хизматчилар ва ишчи касбларининг асосий лавозимлари классификаторида кўрсатилган номларга мувофиқлаштириш бўйича таклифларни шакллантиради;

иш ўрнининг меҳнат шароитлари харитаси билан танишади ва уни имзолайди;

ходимни ЯТХВ билан таъминлаш, меҳнат қилиш ва дам олишнинг тегишли режимини, шунингдек зарарли ва (ёки) хавfli меҳнат шароитларидаги иш учун қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа кафолатлар ва преференцияларни белгилаш юзасидан корхоналарнинг мажбуриятларига оид меҳнат шартномасига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритади (зарурият бўлганда);

аттестация натижалари бўйича меҳнат шароитларини меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талабларига мувофиқлаштириш тадбирлари режасини ишлаб чиқади.

IV. МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИНГ МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БЎЙИЧА НОРМАЛАР, ҚОИДАЛАР ВА ЙЎРИҚНОМАЛАР ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ

1-§. Меҳнат шароитларининг гигиена нормативларига мувофиқлигини баҳолаш

2-§. Иш ўринларининг жароҳатлаш хавfliлигини баҳолаш

3-§. Ходимларнинг ЯТХВ билан таъминланганлигини баҳолаш

4-§. Иш ўринларида меҳнат шароитлари ҳолатини комплекс баҳолаш

20. Корхонанинг меҳнат муҳофазаси хизмати ушбу Низомнинг I-иловасига мувофиқ шакл бўйича аттестациядан ўтказилиши керак бўлган иш ўринлари рўйхати лойиҳасини тайёрлайди.

Аттестациядан ўтказилиши керак бўлган иш ўринлари рўйхатини тузишда:

ўхшаш иш ўринлари алоҳида ажратиб кўрсатилади;

технологик жараён тавсифларидан, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари таркибидан, қўлланиладиган хом ашё ва материаллардан, зарарли ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омиллари кўрсаткичларининг олдин ўтказилган ўлчашлари натижаларидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар талабларидан, шунингдек ушбу ўлчашларни амалга ошириш жойларидан келиб чиқиб ўлчаниши ва баҳоланиши керак бўлган ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни омиллари, жароҳат етказиш хавфи ва ходимнинг ЯТХВ билан таъминланганлиги кўрсатилади.

Аттестациядан ўтказилиши керак бўлган иш ўринлари рўйхати корхонанинг таркибий бўлинмалари бўйича тузилиши керак.

Аттестациядан ўтказилиши керак бўлган иш ўринлари рўйхати корхона раҳбари томонидан тасдиқланади.

21. Ҳар бир иш ўрни бўйича:

аттестация комиссияси томонидан бериладиган ноёб тартиб рақами (кўпи билан 6 та белгидан иборат: 000 001 дан 999 999 гача) кўрсатилади. Ўхшаш иш ўринлари "а" ҳарфи билан белгиланади (берилган рақамнинг охирига "а" ҳарфи қўшилади);

хизматчи ёки ишчи касби лавозимининг номи ҳамда Хизматчилар ва ишчи касбларининг асосий лавозимлари классификаторига мувофиқ тегишли код;

ушбу иш ўрнида ишловчи ходимлар, шу жумладан, ногирон ходимлар сони;

ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнининг тегишли омили таъсир кўрсатишининг давомийлиги (% ларда ёки соатларда) кўрсатилади ёхуд иш ўрнида ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнининг ушбу омили мавжуд бўлмаган тақдирда "-" белгиси қўйилади.

Бунда зарарли моддалар (кимёвий омиллар) ва (ёки) устун даражада фиброген таъсир кўрсатувчи аэрозоллар мавжуд бўлган ва уларни ўлчаш зарур бўлган тақдирда тегишли равишда "П1а" ва (ёки) "П1б" белгиси қўйилади, қўшимча маълумот эса ушбу

Низомнинг 1а ва 1б-иловаларига мувофиқ шакл бўйича алоҳида варақларда қайд этилади.

22. Ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича тўлдирилган иш ўрнининг меҳнат шароитлари харитаси (кейинги ўринларда Меҳнат шароитлари харитаси деб аталади) меҳнат шароитларининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун асосий механизм ва ахборот манбаи ҳисобланади.

Меҳнат шароитлари харитаси иш ўрнида меҳнатнинг амалдаги шароитлари, белгиланган кафолатлар ва преференциялар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек ушбу иш ўрнида ёки ўхшаш иш ўринлари гуруҳида меҳнат шароитларини яхшилаш ва соғломлаштириш бўйича тавсиялар мавжуд бўлган ҳужжат ҳисобланади.

23. Меҳнат шароитлари харитаси аттестациядан ўтказилиши керак бўлган иш ўринлари рўйхатига киритилган ҳар бир иш ўрни бўйича тўлдирилади. Бир номдаги барча ўхшаш иш ўринларига ўхшаш иш ўринлари рўйхатидан биринчи иш ўрни учун битта харита тўлдирилади.

24. Меҳнат шароитларининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлигини баҳолаш:

меҳнат шароитларининг гигиена нормативларига мувофиқлигини баҳолашни;

иш ўринларининг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолашни;

ходимларнинг якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминланганлигини баҳолашни;

иш ўринларида меҳнат шароитларини комплекс баҳолашни ўз ичига олади.

1-§. Меҳнат шароитларининг гигиена нормативларига мувофиқлигини баҳолаш

25. Меҳнат шароитларининг гигиена нормативларига мувофиқлигини баҳолаш аттестациядан ўтказувчи ташкилотнинг мутахассислари томонидан амалга оширилади.

26. Аттестациядан ўтказишда ушбу иш ўрнида қўлланиладиган технологик жараён ва асбоб-ускуналар учун хос бўлган ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнининг иш ўрнидаги барча мавжуд омиллари баҳоланиши керак.

Баҳоланиши керак бўлган ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнининг омиллари рўйхати меҳнатни муҳофаза қилиш талабларидан, технологик жараён ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарининг тавсифларидан, қўлланиладиган хом ашё ва материаллардан, зарарли ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омиллари кўрсаткичларининг олдин ўтказилган ўлчашлари натижаларидан, шунингдек ходимларнинг таклифларидан келиб чиқиб шакллантирилади.

27. Меҳнат шароитларининг гигиена нормативларига мувофиқлигини баҳолаш штатли ишлаб чиқариш (технологик) жараёнлар ва (ёки) корxonанинг штатли фаолияти амалга оширилиши давомида ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёни омиллари даражаларини асбоблар билан ўлчаш ва баҳолаш йўли билан амалга оширилади.

Баҳолашда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ва бошқа ҳужжатларда назарда тутилган усуллардан, шунингдек белгиланган тартибда текширилган ўлчов воситаларидан фойдаланилиши керак.

28. Меҳнат шароитларининг гигиена нормативларига мувофиқлигини баҳолаш ишлаб чиқариш муҳити омилларининг зарарлилиги ва хавфлилиги кўрсаткичлари, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва жиддийлиги бўйича Меҳнат шароитлари гигиена классификацияси билан белгиланадиган мезонларга мувофиқ ўтказилади.

29. Меҳнат шароитларининг гигиена нормативларига мувофиқлигини ўлчаш ва баҳолаш натижалари Меҳнат шароитлари ҳаритаси I бўлимининг "Меҳнат шароитлари даражаси" устунининг тегишли сатрига (ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни омилларининг кичик даражасига) киритилади. Жумладан:

а) ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни омилларининг ҳар бир кичик даражасининг берилган меҳнат шароитлари даражалари асосида ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни омиллигига баҳо берилади:

 - энг юқори даража ва зарарлилик даражаси бўйича;
 - агар 3 та ва undan ортиқ омил 3.1 даражага мансуб бўлса, меҳнат шароитларини умумий баҳолаш 3.2 даражага мувофиқ бўлади;
 - икки ва undan ортиқ 3.2, 3.3, 3.4 даражалар омиллари mavjud бўлса, меҳнат шароитлари тегишли равишда бир босқич юқори баҳоланади;

б) ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни ҳар бир омилнинг меҳнат шароитларининг берилган даражалари асосида меҳ-

нат шароитларининг гигиена нормативларига мувофиқлигининг умумий баҳоси берилади:

энг юқори даража ва зарарлилик даражаси бўйича;

агар 3 та ва ундан ортиқ омил 3.1 даражага тегишли бўлса, меҳнат шароитларини умумий баҳолаш 3.2 даражага мувофиқ бўлади;

икки ва ундан ортиқ 3.2, 3.3, 3.4 даражалар омиллари мавжуд бўлса, меҳнат шароитлари тегишли равишда бир босқич юқори баҳоланади;

в) зарарли ишлаб чиқариш омиллари билан муносабатда бўлиш вақти қисқарганда (вакт билан ҳимоя қилиш) меҳнат шароитлари камроқ зарарли сифатида, бироқ 3.1 даражадан паст бўлмаган ҳолда баҳоланиши мумкин;

г) аттестациядан ўтказилаётган иш ўрнида бўлмаган ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни омиллари (кичик даражалар) Меҳнат шароитлари харитасида акс эттирмасликка йўл қўйилади. Бунда ушбу Низомда белгиланган ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни (кичик даражалар)нинг тартиб рақамлари сақланиши керак.

30. Меҳнат шароитларининг гигиеник нормативларга мувофиқлигини баҳолаш доирасида аттестациядан ўтказувчи ташкилот томонидан амалга ошириладиган ўлчашлар ўлчашлар протоколлари билан расмийлаштирилиши керак. Ўлчашлар протоколлари ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнининг ҳар бир омили бўйича расмийлаштирилади ва баҳоланиши керак бўлган меҳнат шароитлари харитасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Жумладан:

а) протоколда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

иш ўринларида аттестация ўтказилаётган корхонанинг тўлиқ ёки қисқартирилган номи;

беvosита аттестация ўтказилаётган, иш ўринларида аттестация ўтказилаётган корхонанинг ёки унинг тегишли таркибий бўлинмасининг амалдаги жойлашган манзили;

ушбу иш ўрни учун ноёб бўлиши керак бўлган протоколнинг идентификация рақами. Протоколларни кодлаштириш тизими аттестациядан ўтказувчи ташкилот томонидан белгиланади;

Хизматчилар ва ишчи касбларининг асосий лавозимлари классификаторига мувофиқ иш ўрнининг, шунингдек ушбу иш ўрнида банд бўлган ходим касбининг номи;

ўлчашлар ва баҳолашлар ўтказилган сана (уларнинг алоҳида кўрсаткичлари);

иш ўринларида аттестация ўтказилаётган корхона таркибий бўлинмасининг номи;

аттестациядан ўтказувчи ташкилотнинг номи;

аттестациядан ўтказувчи ташкилотнинг синов лабораторияси аккредитацияси тўғрисидаги маълумотлар (аккредитация аттестациясининг санаси ва тартиб рақами);

ўлчанаётган омилнинг номи;

ўлчашларнинг қўлланиладиган воситалари тўғрисидаги маълумотлар (прибор, асбобнинг номи, завод рақами, амал қилиш муддати ва текшириш тўғрисидаги гувоҳноманинг рақами);

улар асосида ушбу ўлчашлар ва баҳолашлар ўтказиладиган норматив ҳужжатлар кўрсатилган ҳолда ўлчашлар ва баҳолашларни ўтказиш усуллари;

рухсат этилган йўл қўйиладиган концентрацияларни (РЭЧК) рухсат этилган чекланган даражани (РЭЧД) тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари (ҳужжатнинг тури, уни чиқарган органнинг номи, рақами ва имзолаш санаси), шунингдек ўлчанадиган омилнинг норматив даражалари;

зарурият бўлганда, ўлчаш ўтказилаётган хонанинг эскизини илова қилиб, асбоб-ускунанинг жойлашишини кўрсатган ва унда ўлчашлар (намуналар олиш) нуктасини (нукталарини) тушириб, эскизни илова қилиб аттестациядан ўтказилиши керак бўлган иш ўринлари рўйхатига мувофиқ иш ўрни номини кўрсатган ҳолда ўлчашларни ўтказиш жойи;

ўлчанаётган омил даражасининг норматив ва амалдаги киймати ва ўлчашлар ўтказиладиган барча жойларда унинг таъсири қанча давом этиши;

ушбу омил бўйича меҳнат шароитлари даражаси;

ўлчашлар ўтказиладиган барча жойларда омилнинг амалдаги даражаси бўйича хулоса, ушбу омил бўйича меҳнат шароитларининг яқуний даражаси;

б) иш ўринлари гуруҳи учун битта йиғма протоколда ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнининг битта аниқ омили бўйича ўлчашлар натижаларини расмийлаштиришга йўл қўйилади;

в) ўлчашлар ва баҳолашлар баённомаси уларни ўтказган аттестациядан ўтказувчи ташкилотнинг мутахассислари, шунингдек

аттестациядан ўтказувчи ташкилотнинг масъул мансабдор шахси томонидан имзоланади ва аттестациядан ўтказувчи ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади.

2-§. Иш ўринларининг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолаш

31. Иш ўринларининг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолаш аттестациядан ўтказувчи ташкилотнинг мутахассислари томонидан корхона ходимлари билан биргаликда амалга оширилади.

32. Қуйидагилар:

ишлаб чиқариш ускунаси;

технологик жараёнларни амалга оширишда фойдаланиладиган мосламалар ва асбоблар;

меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича ходимларни тайёрлашнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги иш ўринларининг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолаш объектлари ҳисобланади.

33. Иш ўринларининг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолаш ушбу Низомнинг 32-бандида кўрсатилган объектларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талабларига мувофиқлиги юзасидан ўтказилади, ушбу талабларни бажармаслик ходимларнинг жароҳатланишига олиб келиши мумкин, шу жумладан:

механик таъсирлардан ҳимоя қилиш бўйича талаблар;

электр токи таъсиридан ҳимоя қилиш бўйича талаблар;

юқори ёки паст ҳароратлар таъсиридан ҳимоя қилиш бўйича талаблар;

кимёвий моддаларнинг заҳарли таъсиридан ҳимоя қилиш бўйича талаблар.

34. Ишлаб чиқариш ускунасининг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолашда:

фойдаланиш ҳужжатлари комплекти;

ишлаб чиқариш ускунасининг ҳаракатланадиган қисмлари, шунингдек сочилиб кетадиган буюмлар таъсиридан ходимларни ҳимоя қилиш воситалари;

хавф юзага келиши билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш ускунаси элементлари тўсиқларининг мавжудлиги, шу жумладан, фиксаторлар, блокировкалар, герметизацияловчи ва бошқа элементлар мавжудлиги;

сигнал бўёқлари ва хавфсизлик белгилари;

ишлаб чиқариш ускунасининг нормал ишлаши бузилишларининг сигнализаторлари, авария билан боғлиқ тўхтатиш воситаларининг мавжудлиги, шу жумладан, электр таъминоти тўлиқ ёки қисман тўхтатилганда ва кейинчалик у тикланганда хавфли вазиятлар юзага келишини истисно этишга имкон берадиган курилмаларнинг мавжудлиги, шунингдек энергия таъминотини бошқариш ҳалқасининг шикастланиши (энергия таъминотини тиклашда ўзбошимчалик билан ишга тушириш, тўхтатиш учун берилган буйруқни бажармаслик);

электр ускуналарини, электр симларини ҳар хил таъсирлардан ҳимоя қилишнинг мавжудлиги ва норматив талабларга мувофиқлиги текширилади.

35. Ишлаб чиқариш ускунасининг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолаш ишларни бажаришда хавфсизлик талаблари мавжуд бўлган техник ҳужжатларни таҳлил қилиш, штатдаги иш давомида ишлаб чиқариш ускунасини унинг ҳолати меҳнат муҳофазаси соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини ташқи кўздан кечириш йўли билан ўтказилади.

36. Асбоблар ва мосламаларнинг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолаш ташқи кўздан кечириш ва улар ҳолатининг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текшириш йўли билан ўтказилади.

37. Ишлаб чиқариш ускунасининг, шунингдек асбоблар ва мосламаларнинг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолашда хавфсизлик талабларига мувофиқлик сертификатлари (декларациялар) мавжудлиги ҳам текширилиши мумкин.

38. Жароҳатлаш хавфлилигини баҳолаш натижалари бўйича меҳнат шароитлари қуйидаги тарзда таснифланади:

жароҳатлаш хавфлилигининг 1-даражаси - мақбул (иш ўрнида меҳнат муҳофазаси бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талабларининг биронта ҳам номувофиқлиги аниқланмаган; ишлаб чиқариш ускунасини, бинолар ва иншоотларни таъмирлаш билан боғлиқ ишлар, хавфлилиги юқори бўлган ишлар ва меҳнат муҳофазаси бўйича махсус ўқитишни талаб қиладиган бошқа ишлар амалга оширилмайди ёки ишлаб чиқариш ускунаси ва асбоб мавжуд эмас);

жароҳатлаш хавфлилигининг 2-даражаси - йўл қўйиладиган (иш ўрнида меҳнат муҳофазаси бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талабларининг биронта ҳам номувофиқлиги

ходимларнинг ЯТХВ билан таъминланганлигини баҳолаш натижаларини ўз ичига олади.

47. Иш ўрнида меҳнат шaroитлари ҳолатини комплекс баҳолаш аттестация комиссиясининг хулосаси шаклида расмийлаштирилади. У Меҳнат шaroитлари харитасининг тегишли бўлимида (V бўлимда) акс эттирилади.

Иш ўрнида меҳнат шaroитлари гигиена нормативларига мувофиқ бўлганда, иш ўрнининг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолашда меҳнат муҳофазаси бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талабларига номувофиқлик аниқланмаганда ва иш ўрни ходимларнинг ЯТХВ билан таъминланганлиги талабларига мувофиқ бўлганда иш ўрни меҳнат шaroитлари комплекс баҳоланган ҳолда "меҳнат муҳофазаси бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талабларига мувофиқ" деб аттестациядан ўтказилган ҳисобланади.

Иш ўрнида меҳнат шaroитлари гигиена нормативларига номувофиқ бўлганда ва (ёки) иш ўрнининг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолашда иш ўрнининг меҳнат муҳофазаси бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талабларига номувофиқлиги аниқланганда ва (ёки) ходимларнинг ЯТХВ билан таъминланганлиги талабларига номувофиқ бўлганда иш ўрни меҳнат шaroитлари комплекс баҳоланган ҳолда "меҳнат муҳофазаси бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талабларига мувофиқ эмас" деб аттестациядан ўтказилган ҳисобланади.

48. Иш ўрнидаги меҳнат шaroитлари иш ўринларида аттестация ўтказилаётган корxonанинг хавфли меҳнат шaroитларига тегишли деб топилганда дарҳол ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнининг хавфли омиллари таъсири даражасини пасайтиришга ёхуд уларнинг таъсир кўрсатиш вақтини камайтиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

49. Аттестация комиссияси ўтказилган аттестация натижалари бўйича:

а) ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шакл бўйича иш ўринларини меҳнат шaroитлари бўйича аттестациядан ўтказиш натижаларининг йиғма ведомостини тузади. Иш ўринларини меҳнат шaroитлари бўйича аттестациядан ўтказиш натижаларининг йиғма ведомости корxonанинг таркибий бўлинмалари бўйича тузилади;

б) Ушбу Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича белгиланган меҳнат шароитлари даражаларининг йиғма жадвалини ва шу муносабат билан ходимларга белгилаш зарур бўлган кафолатлар ва преференцияларни тузади. Иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича белгиланган меҳнат шароитлари даражаларининг йиғма жадвали ва шу муносабат билан ходимларга белгилаш зарур бўлган кафолатлар ва преференциялар корхонанинг таркибий бўлинмалари бўйича тузилади.

Агар ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни омилини ўлчаш иш ўрнида ўтказилмаган тақдирда, ушбу омилга мувофиқ бўлган устун ва унда ўлчаш ва баҳолаш ўтказилган иш ўрни рақамига мос бўлган сатр бўш қолади (бунда ушбу омил бўйича ушбу иш ўрнидаги меҳнат шароитлари мақбул даражага мувофиқ деб ҳисобланади).

50. Аттестация натижалари бўйича аттестация комиссияси ушбу Низомнинг 6-иловасига мувофиқ шакл бўйича меҳнат шароитларини меҳнат муҳофазаси бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талабларига мувофиқлаштириш тадбирлари режасини ишлаб чиқади.

Меҳнат шароитларини меҳнат муҳофазаси бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талабларига мувофиқлаштириш тадбирлари режаси корхонанинг таркибий бўлинмалари бўйича ишлаб чиқилади.

Меҳнат шароитларини меҳнат муҳофазаси бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талабларига мувофиқлаштириш тадбирлари режаси касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишган ҳолда корхона раҳбари томонидан тасдиқланади.

51. Иш ўринларида аттестация ўтказилган корхонанинг аттестация материаллари меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларида давлат экспертизасидан ўтказилиши керак.

Аттестация материаллари аттестациядан ўтказувчи ташкилот томонидан меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларига киритилади.

52. Давлат экспертизаси тегишли ариза киритилган санадан бошлаб 30 календарь кун мобайнида амалга оширилади ва бепул ҳисобланади.

Кўриб чиқиш якунлари бўйича меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органи ижобий хулоса беради ёки киритилган аттестация материалларини аниқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда рад этиш сабабларини кўрсатиб қайтаради.

Аттестацияни ўтказувчи ташкилот рад этиш сабабларини баргараф этишга ёзма хабарнома олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан кейин такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақлидир.

53. Давлат экспертизасини ўтказиш ва хулоса бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланади.

54. Давлат экспертизаси ва хулоса бериш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг меҳнат муҳофазаси бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Агар аттестация ходимларнинг умумий сони 100 кишидан кам бўлган корхоналарда ўтказилган бўлса давлат экспертизасидан ўтказиш ҳамда хулоса бериш Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари томонидан амалга оширилишига йўл қўйилади.

Хулоса ушбу Низомнинг 7-иловасига мувофиқ шакл бўйича тегишли ҳимоя даражасига эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий маркази томонидан марказлаштирилган тартибда тайёрланадиган махсус бланкда расмийлаштирилади.

Хулоса бланки қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжат ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Бланклар буюртма бўйича "Давлат белгиси" давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида матбаа усулида тайёрланади.

55. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг ижобий хулосаси олинган тақдирда аттестация комиссияси раиси аттестация комиссиясининг якуний мажлисини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Корхонанинг алоҳида таркибий бўлинмаларида аттестация

натижаларини расмийлаштириш учун аттестация комиссиясининг оралик-якуний мажлисларини ўтказишга йўл қўйилади.

56. Аттестация комиссиясининг якуний (оралик-якуний) мажлиси ушбу Низомнинг 8-иловасига мувофиқ шакл бўйича аттестация комиссияси мажлисининг протоколи шаклида расмийлаштирилади.

Аттестация комиссиясининг якуний (оралик-якуний) мажлиси протоколи корхона раҳбари томонидан тасдиқланиши керак.

V. ИШ ЎРИНЛАРИНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИНИ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

57. Ўхшаш иш ўринларидаги зарарли ва (ёки) хавfli ишлаб чиқариш омилларини баҳолаш ўхшаш иш ўринлари умумий сонининг 20 фоизини, бироқ камида иккитасини аттестациядан ўтказишда олинган маълумотлар асосида амалга оширилади.

Ҳатто битта ўхшашлик белгиларига жавоб бермайдиган иш ўрни аниқланганда ушбу иш ўринларининг 100 фоизи баҳоланади. Шундай баҳолашдан кейин ўлчашлар ва баҳолашлар натижалари ҳисобга олинган ҳолда иш ўринларининг янги рўйхати аниқланади. Ўхшаш иш ўринлари учун битта Меҳнат шароитлари ҳаритаси тўлдирилади.

20% ўхшаш иш ўринларидан битта иш ўрни учун белгиланган меҳнат шароитлари ва уларни яхшилаш тадбирлари барча ўхшаш иш ўринлари учун ягона ҳисобланади.

58. Ногиронлар банд бўлган иш ўринларини аттестациядан ўтказиш ушбу Низомда назарда тутилган тартибда ўтказилади. Бунда аттестациядан ўтказилиши керак бўлган Иш ўринлари рўйхатига қўшимча равишда аттестациядан ўтказилиши керак бўлган ногиронларнинг иш ўринлари рўйхати тузилади.

Ногиронларнинг иш ўринларини аттестациядан ўтказиш донрасида:

ногиронларнинг ишлаши учун махсус мосламалар мавжудлиги, ишлаб чиқариш хоналари ногиронлар аравачаларидан фойдаланувчи шахслар, кўриш қобилияти хиралашган ва эшитиш қобилияти бузилган шахслар учун тегишли қурилмалар билан жиҳозланганлиги, шунингдек иш мебелининг антропометрик талабларга мувофиқлиги баҳоланади;

аттестация комиссияси ҳар бир ногирон ходимга гуруҳлар ва

ногиронлик сабаблари бўйича белгиланган тартибда (тиббий-меҳнат эксперт комиссияси томонидан) берилган ҳужжатлар ва маълумотномаларни тайёрлаши шарт.

59. Ногиронларнинг меҳнатидан фойдаланувчи корхона ўтказилган аттестация натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда санитария-техник ҳолатни паспортлаштириши шарт.

60. Турғун бўлмаган иш ўринларини аттестациядан ўтказиш барқарор танлаш ҳамда зарарли ва (ёки) хавfli ишлаб чиқариш омилларининг миқдори билан биргаликда типик технологик операцияларни олдиндан аниқлаш ва кейинчалик ушбу операцияларни баҳолаш йўли билан ўтказилади.

Ҳар бир операцияни бажариш вақти эксперт йўли билан, ходимларни ва уларнинг бевосита раҳбарларини сўраб чиқиш йўли билан аниқланади.

61. Иш ўрнида аниқ касб (лавозим)нинг малака тавсифида мавжуд бўлмаган, бироқ корхона раҳбарининг ёзма қарори ёки меҳнат шартномаси билан ушбу касб (лавозим) ходимининг лавозим мажбуриятларига киритилган ишларни бажаришда ушбу иш ўрнида ходим томонидан бажариладиган ишларнинг барча турлари баҳоланиши керак.

VI. ИШ ЎРИНЛАРИНИ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ БЎЙИЧА АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

62. Аттестация натижалари аттестациядан ўтказувчи ташкилот томонидан аттестация тўғрисидаги ҳисобот шаклида расмийлаштирилади, унга:

аттестация комиссиясини ташкил этиш ва аттестация бўйича ишларни бажариш жадвалини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруқ;

аттестациядан ўтказилиши керак бўлган иш ўринлари рўйхати; ўлчашлар протоколлари билан биргаликда меҳнат шароитлари хариталари;

иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестацияси натижалари йиғма ведомости;

аттестация натижалари бўйича белгиланган меҳнат шароитлари даражаларининг йиғма жадвали ҳамда шу муносабат билан

ходимларга белгиланиши зарур бўлган кафолатлар ва преференциялар;

меҳнат шароитларини яхшилаш ва соғломлаштириш тадбирлари режаси;

меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг ижобий хулосаси;

аттестация комиссиясининг якуний (оралик-якуний) мажлиси (мажлислари) протоколи (протоколлари);

аттестациядан ўтказувчи ташкилот тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, синов лабораториясининг аккредитация аттестати нусхаси.

63. Аттестация комиссияси аттестация тўғрисидаги ҳисобот тушган санадан бошлаб ўн календарь кун мобайнида:

аттестация тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқади ва уни тасдиқлаш учун корхона раҳбарига киритади;

иш ўринларида аттестация ўтказилган ходимларни тилхат ёзида иш ўринлари аттестациясининг натижалари билан таништиради;

жамоа шартномаси ва жамоа битимига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлайди.

64. Корхона раҳбари аттестация тўғрисидаги ҳисобот тушган санадан бошлаб ўн иш куни мобайнида аттестациянинг тугаганлиги ва аттестация тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида ёзма қарор қабул қилади.

65. Аттестация материаллари иш ўринларида аттестация ўтказилган корхонада ушбу Низомнинг 9-бандида белгиланган муддат мобайнида сақланади.

VII. РЕЖАДАН ТАШҚАРИ АТТЕСТАЦИЯ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

66. Режадан ташқари аттестация:

ходим, касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи тегишли иш ўрнида аттестация ўтказиш тўғрисида корхона раҳбарига ариза билан мурожаат қилган тақдирда;

аттестация ўтказиш сифатини баҳолаш мақсадида ўтказилган меҳнат шароитлари давлат экспертизаси натижалари бўйича;

меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари

томонидан корхона раҳбарига берилган кўрсатмага мувофиқ ўтказилади.

67. Режадан ташқари аттестация натижалари аттестацияга қўйиладиган ушбу Низом талабларига мувофиқ расмийлаштирилади. Бунда ҳар бир иш ўрни учун ўзгартириш ва қўшимчалар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат шароитларининг янги харитаси расмийлаштирилади.

VIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

68. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги бўйича аттестациядан ўтказиш соҳасида назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий маркази иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш соҳасидаги илмий-методик муассаса ҳисобланади.

Аттестациядан ўтказувчи ташкилотлар томонидан иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги бўйича аттестациядан ўтказиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш талабларига риоя қилинишини текшириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

69. Аттестацияни ўтказиш юзасидан масъулият корхона раҳбарига юкланади. Ўлчашлар ва баҳолашларни ўтказишнинг тўғрилиги юзасидан масъулият аттестация комиссиясига ҳамда аттестациядан ўтказувчи ташкилотнинг иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича мутахассисига юкланади.

70. Ушбу талаблар бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Корхона раҳбари лавозимининг
номи _____

(ИМЗО, фамилияси, отасининг исми)

20 ____ йил " ____ " ____

Корхонанинг номи					
Юқори турувчи корхона					
Юридик манзили					
Асосий маҳсулот тури					
СТИР		ХХТҲТ		МХБТ	

**МЕХНАТ ШАРОИТЛАРИ ЮЗАСИДАН АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИЛАДИГАН ИШ
ЎРИНЛАРИ РЎЙХАТИ**

Иш ўрни- нинг т/р	Иш ўрнининг (касб, лавозим) номи	Касб, лавозим коди	Иш- лов- чилар сони	Шундан аёллар	Баҳоланаётган омиллар				уму мий вий виб рац ия	
					таъсир қилиш вақти соатларда	кимёвий (зарарли моддалар)	биологик	шовкин		инфра- товуш

(таркибий булинма номи курсатилади)

Аттестация комиссияси раиси

(лавозим)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(сана)

Аттестация комиссияси аъзолари:

(лавозим)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(сана)

(лавозим)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(сана)

(лавозим)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(сана)

**Зарарли моддалар ва устувор фиброгенли
таъсирга эга аэрозоллار
РЎЙХАТИ***

Модданинг номи	Чегаравий концентрация миқдори, мг/куб. м	Ишлаб чиқариш шариоитида ҳаводаги устувор агрегат ҳолати	Хавфлилик классификацияси	Организмга таъсир қилиш хусусиятлари

Аттестация комиссияси раиси

_____ (лавозим)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (сана)

Аттестация комиссияси аъзолари:

_____ (лавозим)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (сана)

_____ (лавозим)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (сана)

_____ (лавозим)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (сана)

*) Меҳнат шариоитлари юзасидан шаҳодатланадиган иш ўринлари рўйхатининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Ишлаш зонаси ҳавосида зарарли моддаларнинг "Чегаравий рухсат этилган концентрация миқдорлари" гигиеник меъёрлари асосида тўлдирилади.

**Ўлчамли кимёвий моддалар ва устувор фиброгенли
таъсирга эга аэрозолларнинг иш ўринлари бўйича
ТАҚСИМОТИ**

Иш ўрнининг т/р	Модданинг номи	Таъсир қилиш давомийлиги, соатларда (смена давомийлигига нисбатан фонзда)

Аттестация комиссияси раиси

_____ (лавозим) _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.) _____ (сана)

Аттестация комиссияси аъзолари:

_____ (лавозим) _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.) _____ (сана)

_____ (лавозим) _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.) _____ (сана)

_____ (лавозим) _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.) _____ (сана)

**) Меҳнат шароитлари юзасидан аттестациядан ўтказилма-
диган иш ўринлари рўйхатининг ажралмас қисми ҳисобланади.*

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
томонидан тасдиқланадиган Ишлаш зонаси ҳавосида зарарли
моддаларнинг "Чегаравий рухсат этилган концентрация
миқдорлари" гигиеник меъёрлари асосида тўлдирилади.*

Қорхонанинг номи				
Юқори ташкилотнинг номи				
Юридик манзили				
Асосий махсулот тури				
СТИР		XXXTUT		МХВТ

**-сон ИШ ЖОЙИНИНГ
МЕХНАТ ШАРОИТЛАРИ ХАРИТАСИ***

Таркибий бўлима номи				
Аналогик иш жойларининг сони ва рақами				
Ишловчилар сони				

иш жойида

*барча аналогик иш
жойларида*

*айл-
лар*

**I. МЕХНАТ ШАРОИТЛАРИНИНГ
ГИГИЕНИК МЕЪЁРЛАРГА МУВОФИҚЛИГИНИ БАХОЛАШ***

Т/р	Мехнат жараёни ва ишлаб чиқариш муҳитининг омиллари	Гигиеник меъёр (РЭЧК, РЭЧД)	Ҳақиқий даражаси (ўлчам)	Таъсир этиш давомийлиги (соат/%)	Мехнат шарио-лари класси
-----	---	-----------------------------	--------------------------	----------------------------------	--------------------------

1.1. Зарарли моддалар, мг/куб.м

1.1.1.	1-2 класс хавфликка эга зарарли моддалар, куйида кўрсатилганлардан ташқари				
--------	--	--	--	--	--

1.1.2.	3-4 класс хавфлиликка эга зарarli моддалар, куйида кўрсатилганлардан ташқари				
1.1.3.	Кўзгатиш таъсир кучига эга, ўткир йўналтирилган механизми таъсир этувчи, ўткир захарланишнинг ривожланишига олиб келувчи хавфли моддалар				
1.1.4.	Аллергенлар				
1.1.5.	Узайтирилган таъсир кучига эга канцерогенлар, мутагенлар ва бошқалар				
1.1.6.	Аэрозоллар, асосан фиброген таъсирига эга				
1.1.7.	Ўсмага қарши доривор воситалар, гормонлар (эстрогенлар)				
1.1.8.	Наркотик аналгетиклар				
1.2. Биологик омиллар					
1.2.1.	Ута хавфли инфекцияларнинг патоген микроорганизмлари				
1.2.2.	Бошқа юқумли касалликларни кўзгатувчи патоген микроорганизмлар				
1.2.3.	Таркибида тирик хужайра ва микроорганизмлар споралари бор микроорганизмлар - продуцентлар, препаратлар; (РЭЧКдан ошиб кетиши, маротаба)				
1.2.4.	Оксил препаратлари (РЭЧКдан ошиб кетиши, марта)				
1.2.5.	Диагностика ва илмий-тадқиқот мақсадларида одамлар ва ҳайвонлардан материалларни, шунингдек ўлимтик материалларни ўрганиш ишларида				
1.3. Шовқин, инфратовуш, ультратовуш, тебраниш даражаси					
1.3.1.	Ҳар қандай октава чигидаги товуш босимининг РЭЧД максимал ошиб кетган шовқин, дБ				
1.3.2.	Шовқин товуш даражаси, эквивалент товуш даражаси, дБА				
1.3.2.	Ҳар қандай октава чигидаги товуш босимининг РЭЧД максимал ошиб кетган инфратовуш, дБ				

1.3.3.	Частотавари 1/3 октава чизиғидаги РЭЧД өстөб кеткен классификациясы ультратовуш, дБ				
1.3.4.	Контактли ультратовуш: вибротезлик. м сек: вибротезликнинг логарифмик даражаси, дБ				
1.3.5.1.	Вибротезлик буйича ҳар кандай октава чизиғидаги РЭЧД максимал ошиб кетган локал тебраниш, дБ				
1.3.5.2.	Локал тебраниш вибротезликнинг эквивалент тўғриланган даражаси, дБ				
1.3.6.1.	Вибротезлик буйича ҳар кандай октава чизиғидаги РЭЧД максимал ошиб кетган умумий тебраниш, дБ				
1.3.6.2.	Умумий тебраниш вибротезликнинг эквивалент тўғриланган даражаси, дБ				
1.3.7.	Аэроионлар (1 куб см ҳаводаги ионлар сони) минимал зарурий даража ёки максимал рухсат этилган даража				
1.4. Ионланмаган электромагнит майдонлари ва нурланишларнинг таъсири					
1.4.1.	Доимий магнит майдони, кА/м				
1.4.2.	Электростатик майдон, кВ/м				
1.4.3.	Саноат частотали (50 Гц) электр майдонлари, кВ/м				
1.4.4.	Саноат частотали (50 Гц) магнит майдонлари, кА/м				
1.4.5.	0.01 - 0.03 МГц радиочастотали диапазонда электромагнитли нурланишлар, В/м				
1.4.6.	0.03 - 3.0 МГц радиочастотали диапазонда электромагнитли нурланишлар, В/м				
1.4.7.	3.0-30.0 МГц радиочастотали диапазонда электромагнитли нурланишлар, В/м				
1.4.8.	30.0 - 300.0 МГц радиочастотали диапазонда электромагнитли нурланишлар, В/м				
1.4.9.	300.0 МГц - 300.0 ГГц радиочастотали диапазонда электромагнитли нурланишлар, мкВт/кв. см				
1.4.10.	Радиочастотали диапазонда ВДТ ва ПЭХМ юзага келтирадиган				

электромагнитли нурланишлар, В/м

1.5. Оптик диапазонда ионланмаган электромагнит нурланишлар

1.5.1. Лазер нурланиш.

1.5.2. Ультрабинафша нурланиш:
УБ-А, УБ-В, УБ-С нурланиш спектрлари доиралари учун, Вт/кв. м

**1.6. Йилнинг илиқ давридаги ишлаб чиқариш хоналари
ва очик ҳудудлар учун микроиклим**

1.6.1. Ҳаво ҳарорати, °С

1.6.2. Ҳаво ҳаракати тезлиги, м/с

1.6.3. Ҳавонинг нисбий намлиги, %

1.6.4. Иссиқлик тарқалиши, Вт/кв.м

**1.7. Йилнинг илиқ давридаги иссиқ микроиклимли ишлаб чиқариш хоналари
ва очик ҳудудлар учун WBGT-индекси (°С)**

1.7.1. Ia - 68 (58 - 77), Вт/м

1.7.2. Ib - 88 (78 - 97), Вт/м

1.7.3. IIa - 113 (98 - 129), Вт/м

1.7.4. IIб - 145 (130 - 160), Вт/м

1.7.5. III - 177 (161 - 193), Вт/м

1.8. Йилнинг илиқ давридаги ишлаб чиқариш хоналари учун микроиклим

1.8.1. Ҳаво ҳарорати, °С, Ia - категорияли ишлар учун

1.8.2. Ҳаво ҳарорати °С, Ib - категорияли ишлар учун

1.8.3. Ҳаво ҳарорати, °С, IIa - категорияли ишлар учун

1.8.4. Ҳаво ҳарорати, °С, IIб - категорияли ишлар учун

1.8.5.	Ҳаво ҳарорати, °С, II - категорияли ишлар учун				
1.8.6.	Иссиқлик тарқалиши, Вт/кв.м				
1.8.7.	Ҳаво ҳаракати тезлиги, м/с				
1.8.8.	Ҳавонинг нисбий намлиги, %				
1.9. Илнинг совук давридаги ишлаб чиқариш хоналари учун микроклим					
1.9.1.	Ҳаво ҳарорати, °С, Ia - категорияли ишлар учун				
1.9.2.	Ҳаво ҳарорати, °С, Ib - категорияли ишлар учун				
1.9.3.	Ҳаво ҳарорати, °С, IIa - категорияли ишлар учун				
1.9.4.	Ҳаво ҳарорати, °С, IIб - категорияли ишлар учун				
1.9.5.	Ҳаво ҳарорати, °С, III - категорияли ишлар учун				
1.9.6.	Иссиқлик тарқалиши, Вт/кв.м				
1.9.7.	Ҳаво ҳаракати тезлиги, м/с				
1.9.8.	Ҳавонинг нисбий намлиги, %				
1.10. Илнинг совук давридаги (киш) очик ҳудудлар, иситилмайдиган ва технологик меъёрлар бўйича совутиладиган хоналар учун микроклим					
1.10.1.	Ҳаво ҳарорати, °С				
1.11. Ишлаб чиқариш хоналарининг ёруғлик муҳити					
1.11.1.	Табиий ёруғлик (КЕО, %)				
1.11.2.	Қўшимча ёруғлик (КЕО, %)				
1.11.3.	Сунъий ёритилишида иш жойи юзасидаги ёруғлилик, (Е, лк)				
1.11.4.	Ёруғлик манбаининг кўзни камаштирадиган ярқираши (кўзни камаштириш кўрсаткичи, Р, нисбий бирлик)				
1.11.5.	Қайтарилган ярқирашлик				

1.11.6.	Эритилганлик пульсацияси (эритилганлик пульсацияси коэффициенти, Кп, %)				
1.12. Ионланган нурланиш					
1.12.1.	Ионланган нурланиш, эффективли доза				
1.13. Атмосфера босими даражаси					
1.13.1.	Кўтарилган (атм)/ГПа				
1.13.2.	Пасайган (м денгиз сатхидан)/ГПа				
1.14. Мехнат жараёнининг оғирлиги					
1.14.1.	Бир сменадаги ташки механик иш бирликларида ифодаланган жисмоний динамик оғирлик, кг. м.				
1.14.2.	Бир сменадаги ташки механик иш бирликларида ифодаланган жисмоний динамик оғирлик, кг. м, минтакавий оғирликда (асосан қўл мушаклари ва елка пояси иштирокида), юкни 1 метргача олиб боришда				
1.14.3.	Бир сменадаги ташки механик иш бирликларида ифодаланган жисмоний динамик оғирлик, кг. м, умумий оғирликда (асосан қўл мушаклари, корпус, оёқ иштирокида), юкни 1 метрдан 5 метргача олиб боришда				
1.14.4.	Бир сменадаги ташки механик иш бирликларида ифодаланган жисмоний динамик оғирлик, кг. м, умумий оғирликда (асосан қўл мушаклари, корпус, оёқ иштирокида), юкни 5 метрдан кўп масофага олиб боришда				
1.14.5.	Қўлда кўтариладиган ва ташиб ўтиладиган юкнинг оғирлиги (массаси), кг. Бошқа иш билан алмашган ҳолда (маротабали) юкни кўтариш ва ташиб ўтиш (соатига 2 мартагача)				
1.14.6.	Қўлда кўтариладиган ва ташиб ўтиладиган юкнинг оғирлиги (массаси), кг. Доимий иш сменасида (маротабали) юкни кўтариш ва ташиб ўтиш				
1.14.7.	Қўлда кўтариладиган ва ташиб ўтиладиган юкнинг оғирлиги (массаси), кг. Сменанинг ҳар соати давомида полдан, иш жойининг				

	юзасидан ташиб ўтиладиган юкларнинг жами оғирлиги (массаси)				
1.14.8.	Қолип (стереотип) иш ҳаракатлари (сменадаги микдори). Локал оғирликдаги (қўл панжаси ва бармоқлар мушаклари иштирокида)				
1.14.9.	Қолип (стереотип) иш ҳаракатлари (сменадаги микдори). Регионал оғирликдаги (асосан елка ва қўл мушаклари иштирокидаги ишларда)				
1.14.10.	Статик оғирлик. Сменада юкни кўтариб турган ҳолатда статик оғирликнинг ўлчами, зўр бериш, кгс - бир қўл билан				
1.14.11.	Статик оғирлик. Сменада юкни кўтариб турган ҳолатда статик оғирликнинг ўлчами, зўр бериш, кгс - икки қўл билан				
1.14.12.	Статик оғирлик. Сменада юкни кўтариб турган ҳолатда статик оғирликнинг ўлчами, зўр бериш, кгс - гавда ва оёқлар мушаклари иштирокида				
1.14.13.	Ишлаш ҳолати				
1.14.14.	Гавдани энгаштириш (сменада мартаба)				
1.14.15.	Горизонтал чизик бўйлаб кенг сатҳда ҳаракатланиш (смена давомида технологик жараён билан боғлиқ ҳолда), км				
1.14.16.	Вертикал чизик бўйлаб кенг сатҳда ҳаракатланиш (смена давомида технологик жараён билан боғлиқ ҳолда), км				
1.15. Мехнат жараёнининг диққатталаблиги					
1.15.1.	Интеллектуал оғирлик: ишнинг мазмуни				
1.15.2.	Интеллектуал оғирлик: сигналларни (маълумотларни) қабул қилиш (идрок қилиш) ва уларни баҳолаш				
1.15.3.	Интеллектуал оғирлик: топширикнинг мураккаблик даражаси				
1.15.4.	Интеллектуал оғирлик: бажараётган ишнинг характери				
1.15.5.	Сенсор оғирлик: эътиборни жамлаш давомийлиги (сменадаги вақтнинг фоизи)				
1.15.6.	Сенсор оғирлик: 1 соат иш вақтидаги сигналларнинг ва хабарларнинг зичлиги (ёруғлик, товушли)				

1.15.7.	Сенсор оғирлик: баравар кузатиб турадиган ишлаб чиқариш объектларининг сони				
1.15.8.	Сенсор оғирлик: кўриш анализаторига тушадиган оғирлик: фарқлаш объектининг фарқлаш ўлчами (ишлаётганнинг кўзларидан фарқлаш объектигача бўлган кўпи билан 0.5 м масофадаги), мм кузатувга эътиборни жамланган ҳолдаги давомийлиги (сменадаги вақтнинг фоизи)				
1.15.9.	Сенсор оғирлик: кўриш анализаторига тушадиган оғирлик: оптик асбоблар билан ишлашда (микроскоплар, лупалар ва бошқалар) кузатувга эътиборни жамлаш давомийлиги (сменадаги вақтнинг фоизи)				
1.15.10.	Сенсор оғирлик: кўриш анализаторига тушадиган оғирлик: видеотерминаллар экранлари орқали узлуксиз кузатиш (сменада, соат)				
1.15.11.	Сенсор оғирлик: эшитиш анализаторига оғирлик (ишлаб чиқариш зарурати туфайли сўзлашиш ёки фарқ килинган (дифференциацияланган) сигналларни идрок этиш				
1.15.12.	Сенсор оғирлик: товушлагич аппаратига оғирлик (соатларнинг жамланган ҳолдаги миқдори, ҳафтадаги гапирганлик)				
1.15.13.	Эмоционал оғирлик: масъулият даражаси; хатонинг муҳимлиги				
1.15.14.	Эмоционал оғирлик: шахсий ҳаётга хавф-хатар даражаси				
1.15.15.	Эмоционал оғирлик: бошқа шахс ҳаёти учун хавфсизлик даражаси				
1.15.16.	Оғирликнинг бир хиллиги (монотонлиги): оддий топшириқлар ёки кўп мартаба қайтариладиган операцияларнинг бажарилишида зарур бўладиган элементлар сони				
1.15.17.	Оғирликнинг бир хиллиги (монотонлиги): оддий ишлаб чиқариш топшириқларини ёки қайтариладиган операцияларни бажариш давомийлиги (секунд)				
1.15.18.	Оғирликнинг бир хиллиги (монотонлиги): фаол ҳаракатлар вақти (смена давомийлигига нисбатан, %). Қолган вақтда - ишлаб чиқариш жараёнининг боришини кузатиш				
1.15.19.	Оғирликнинг бир хиллиги (монотонлиги): ишлаб чиқариш аҳволининг бир хиллиги (монотонлиги) (технологик жараёни суи кузатув вақти, смена вақтига нисбатан, %)				

1.15.20.	Иш режими: иш кунининг хақиқий давомийлиги, соат				
1.15.21.	Иш режими: ишнинг сменалилиги				
1.15.22.	Иш режими: катъий белгиланган танаффуслар ва уларнинг давомийлиги				
Меҳнат шaroитларининг гигиеник меъёрларга мослигининг умумий баҳоси					

II. ИШ ЖОЙЛАРИНИНГ ЖАРОҲАТЛАШ ХАВФЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ

2.1. Иш жойининг шикастлаш хавфлилигини баҳолаш натижалари

Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар	Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг талаблари	Иш жойидаги шикастлаш хавфлилиги бўйича баҳоланаётган объектларининг хақиқий ҳолати	Иш жойларини шикастлаш хавфлилиги бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар талабларига мослиги	Зурурий чора-тадбирлар

2.2. Баҳолаш натижалари бўйича хулоса:

Баҳолаш объекти:	Хулоса меъёрий талабларга мос (мос эмас) (аниқланган, талабларга мос бўлмаган бандлар кўрсатилади)
Ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари	
Мослама ва асбоблар	
Уқитиш ва йўл-йўриқлар	

2.3. Иш жойидаги меҳнат шартлари шикастлаш хавфлилиги бўйича _____ классга мансуб.

III. ХОДИМЛАРНИНГ ЯТХВ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИНИ БАҲОЛАШ

3.1. Ходимга якка тартибдаги химоя воситаларини (ЯТХВ) бериш асоси:

Мажбурий тусдаги

(Зарarli ва (ёки) хавфли меҳнат шартларида банд бўлган ходимларга, шунингдек ўзига хос ҳаво ҳарорати ва ифлосланиши билан bogлиқ ишларда, сертификатланган махсус кийим, махсус пойабзал ва бо.иқа якка тартибдаги химоя воситаларини бепул бериш намунавий меъёрларининг номи)

Кўшимча

(Меҳнат шартлари бўйича иш жойлари аттестацияси ва ускуналарни шикастлаш хавфлилиги натижаларини баҳолаш бўйича)

3.2. ЯТХВни баҳолаш натижалари:

Т/р	Амалдаги меъёрларга мувофиқ ходимга белгиланадиган ЯТХВ рўйхати	Ходимда ЯТХВ мавжудлиги (бор, йўқ)	ЯТХВнинг меҳнат шартларига мослиги (мос, мос эмас)	Сертификат ёки декларация мавжудлиги (рақами ва амал қилиш муддати)
1.	Мажбурий тусдаги:			
	...			
	...			
	...			
2.	Кўшимча:			

...			
...			
...			

3.3. Иш жойи ЯТХВ билан таъминланганлик талабларига жавоб _____
(беради, бермайди)

IV. КАФОЛАТ ВА ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАР

4.1. Зарарли ва (ёки) хавфли шaroитларда ишлаш учун имтиёз ва компенсациялар

Т/р	Преференциялар турлари	Ҳақиқатда мавжудлиги (ха, йўқ)	Меҳнат шaroитларини баҳолаш натижаси бўйича:	
			ўрнатиш зарурлиги (ха, йўқ)	асос
1.	Йиллик қўшимча туланадиган таътил			
2.	Иш вақтининг давомийлиги			
3.	Даволаш-профилактика, овқатланиш			

4.2. Имтиёзли пенсия таъминотига ҳуқуқнинг _____ мавжудлиги (агар "ха" бўлса - асослаб берилсин).

4.3. Тиббий қўриқдан ўтказиш зарурати _____ мавжудлиги (агар "ха" бўлса - асослаб берилсин).

V. АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИНИНГ ХУЛОАСИ

Меҳнат шaroитлари комплекс баҳолаш бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига

_____ (мос келади, мос келмайди)

Аттестация комиссияси раиси

_____ (лавозим) _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.) _____ (сана)

Аттестация комиссияси аъзолари:

_____ (лавозим) _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.) _____ (сана)

Баҳоланган меҳнат шaroитлари натижалари билан танишдим

_____ (лавозим) _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.) _____ (сана)

**) Иш жойининг меҳнат шaroитлари харитаси рақами Меҳнат шaroитлари аттестациядан ўтказиладиган иш ўринлари рўйхатидаги рақамга мос келиши керак. юзасидан*

Мехнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлганлик учун йиллик қўшимча таътиллarning ДАВОМИЙЛИГИ

Омиллар	Мехнат шароитлари класслари						4 класс хавфли
	1 класс мақбул	2 класс йўл қўйилган	3 класс зарарли				
			3.1 1-даража	3.2 2-даража	3.3 3-даража	3.4 4-даража	
Қўшимча таътилнинг давомийлиги. кунлар ҳисобида	0	0	3	4 - 6 кунгача	7 - 12 кунгача	13 - 18 кунгача	19 - 24 кунгача

Имтиёзли пенсия таъминотига ҳуқуқни БАҲОЛАШ

Рўйхатлар	Меҳнат шaroитлари класслари
Талаб қилинадиган умумий ва махсус иш стажи бўлганда, ёшидан қатъи назар, пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг 1-РЎЙХАТИ	4
Талаб қилинадиган умумий ва махсус иш стажи бўлганда умумий белгиланган ёшдан 10 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 2-РЎЙХАТИ	3.4
Талаб қилинадиган умумий ва махсус иш стажи бўлганда умумий белгиланган ёшдан 5 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 3-РЎЙХАТИ	3.3

Корхонанинг номи													
Юқори турувчи корхона													
Юридик манзили													
Асосий маҳсулот тури													
СТИР					ХХТУТ							МХБТ	

ИШ ЎРИНЛАРИНИ МЕХНАТ ШАРОИТЛАРИ ЮЗАСИДАН АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ НАТИЖАЛАРИНИНГ ЙИГМА ҚАЙДНОМАСИ

Номи	Аттестациядан ўтган иш ўринлари сони, жами	Улардан:											Мехнат шaroитларининг 3 ва 4 класслари билан ва /ёки "ЯТХВ билан таъминланганликка мос келмайди" деб баҳоланганлари	
		меҳнат шaroитлари класслари бўйича				шикастлаш хавфлилиги класслари бўйича			ЯТХВ билан таъминланганлик талабларига мослигининг баҳоси					
		1	2	3	4	1	2	3	мос	мос эмас	ЯТХВ кўзда тутилмаган			
<i>Корхона бўйича жами</i>														
Иш ўринлари, бирлик														
Мазкур иш ўринларида банд бўлган ходимлар, нафар														
Шу жумладан, аёллар														

<i>(таркибий булинманинг номи кўрсатилади)</i>												
Иш ўринлари, бирлик												
Мазкур иш ўринларида банд бўлган ходимлар, нафар												
Шу жумладан, аёллар												

Аттестация комиссияси раиси

_____ (лавозим) _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.) _____ (сана)

Аттестация комиссияси аъзолари:

_____ (лавозим) _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.) _____ (сана)

_____ (лавозим) _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.) _____ (сана)

_____ (лавозим) _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.) _____ (сана)

Корхонанинг номи					
Юқори турувчи корхона					
Юридик манзили					
Асосий маҳсулот тури					
СТИР		ХХТУТ		МХБТ	

Иш ўринларини меҳнат шaroитлари юзасидан аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича белгиланган меҳнат шaroитлари класслари ҳамда шу муносабат билан ходимларга белгиланиши лозим бўлган кафолатлар ва преференцияларнинг ЙИҒМА ЖАДВАЛИ

Иш ўрининг т/р	Иш ўринининг (касб, лавозим) номи	Касб, лавозим коди	Меҳнат шaroитлари класслари							
			кимёвий (зарарли моддалар)	биологик	устувор фиброгенли таъсирга эга аэрозоллар	шовкин	инфратовуш	хаводаги ультратовуш	умумий вибрация	махаллий вибрация
<i>(таркибий бўлинма номи кўрсатилади)</i>										

Меҳнат шaroитлари класслари					Меҳнат шaroитларининг умумий класси	Шикастлаш хавфлиги	ЯТХВ билан таъминланганлиги	Йиллик қўшимча таътил (ха/йўқ)	Иш вақти (ха/йўқ)	Даволаш профилактика озик-овқатлари (ха/йўқ)	Имтиёзли пенсия (ха/йўқ)
нон ҳосил қилувчи нурланиш	микрo-иклим	ёруғлик муҳити	меҳнат оғирлиги	меҳнатнинг тиғизлиги							
<i>(таркибий бўлинма номи кўрсатилади)</i>											

314

Аттестация комиссияси раиси

_____ (лавозим)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (сана)

Аттестация комиссияси аъзолари:

_____ (лавозим)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (сана)

_____ (лавозим)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (сана)

_____ (лавозим)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (сана)

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
 Корхона раҳбари лавозимининг номи

(имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

20__ йил " __ " _____

Корхонанинг номи					
Юқори турувчи корхона					
Юридик манзили					
Асосий маҳсулот тури					
СТИР		ХХТУТ		МХБТ	

**Меҳнат шaroитларини меҳнат муҳофазаси меъёрлари, қондалари
 ва йўриқномалари талабларига мослаштириш бўйича
 ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Иш ўрнининг номи	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Молия-лаштириш манбаи	Тадбирни амалга ошириш учун масъул	Ижро этиш муддати	Тадбирни амалга ошириш учун жалб этиладиган бўлинмалар	Амалга оширилганлик тўғрисида белги
<i>(таркибий бўлинма номи кўрсатилади)</i>							

Аттестация комиссияси раиси

_____	_____	_____	_____
(лавозим)	(имзо)	(Ф.И.О.)	(сана)

Аттестация комиссияси аъзолари:

_____	_____	_____	_____
(лавозим)	(имзо)	(Ф.И.О.)	(сана)
_____	_____	_____	_____
(лавозим)	(имзо)	(Ф.И.О.)	(сана)
_____	_____	_____	_____
(лавозим)	(имзо)	(Ф.И.О.)	(сана)

Ўзбекистон Республикаси Герби
Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
ДАВЛАТ ЭКСПЕРТИЗАСИ ХУЛОСАСИ

XX N 00000000

20__ йил " __ " _____ ш.

Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш материаллари асосида қуйидагилар аниқланди:

1. Иш ўринлари меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказилган корхона тўғрисида маълумотлар:

Корхонанинг номи				
Юқори турувчи корхона				
Юридик манзили				
СТИР		ХХТУТ		МХБТ
Аттестациядан ўтказилган иш ўринлари сони				

2. Аттестациядан ўтказувчи ташкилот тўғрисида маълумотлар:

Ташкилот номи	
Юридик манзили	

Синов лабораториясининг аккредитация аттестатининг рақами ва санаси				
СТИР		ХХТУТ		МХБТ

3. Иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш давомида мазкур иш бўйича амалдаги нормалар ва нормативлардан четга чиқилмаган.

4. Иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича ишлар Иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ амалга оширилган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси
бошлиғи (Қорақалпоғистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазири, вилоят (Тошкент шаҳар)
меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш бош бошқармаси бошлиғи)

М.Ў.

(имзо)

Ф.И.О.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Корхона раҳбари лавозимининг номи

(имзо, фамилияси, исми, отасининг исми)

20__ йил " __ " _____

Аттестация комиссияси якуний (оралиқ-якуний) мажлисининг

ПРОТОКОЛИ

20__ йил " __ " _____ ш.

Корхонанинг номи					
Юқори турувчи корхона					
Юридик манзили					
Асосий маҳсулот тури					
СТИР		ХХТУТ		МХБТ	

20__ йил " __ " _____ даги __-сон буйрукка мувофиқ аттестация комиссияси 20__ йил " __ " _____ дан 20__ йил " __ " _____ гача иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказишни амалга оширди.

Аттестациядан ўтказиш _____

(корхона раҳбари лавозимининг номи, Ф.И.О.)

_____ томонидан 20__ йил " __ " _____ да

тасдиқланган меҳнат шaroитлари юзасидан аттестациядан ўтказиладиган иш ўринлари рўйхати асосида амалга оширилди.

Аттестация натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

меҳнат шaroитлари хариталари (ўлчаш баёнлари билан бирга);

иш ўринларини меҳнат шaroитлари юзасидан аттестациядан ўтказиш натижаларининг йиғма қайдномаси;

иш ўринларини меҳнат шaroитлари юзасидан аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича белгиланган меҳнат шaroитлари класслари ҳамда шу муносабат билан ходимлар учун белгиланиши лозим бўлган кафолатлар ва преференцияларнинг йиғма жадвали.

Аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича Меҳнат шaroитларини меҳнат муҳофазаси нормалари, қоидалари ва инструкциялари талабларига мослаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб ва касаба уюшмаси билан

келишилиб,

_____ (корхона раҳбари лавозимининг номи, Ф.И.О.)

_____ томонидан 20__ йил "___" _____ да тасдиқланди.

Аттестациядан ўтказиш материаллари давлат экспертизасидан ўтди, улар бўйича 20__ йил "___" _____ даги ___-сон хулоса олинди.

Аттестациядан ўтказиш натижаларини кўриб чиқиб, аттестация комиссияси қарор қилди:

1. Аттестациядан ўтказиш бўйича ишлар яқунланган деб ҳисоблансин.

2. ...

3. ...

Аттестация комиссияси раиси

_____ (лавозим)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (сана)

Аттестация комиссияси аъзолари:

_____ (лавозим)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (сана)

_____ (лавозим)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (сана)

_____ (лавозим)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (сана)

**Иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг
жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш
бўйича мутахассис малака сертификати бериш тартиби
тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

II. Малака талаблари

III. Малака сертификати олиш учун тақдим этиладиган
ҳужжатлар

IV. Малака имтиҳонини топширишга киритиш ёки киритишни
рад этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш тартиби

V. Малака имтиҳонини топшириш тартиби

VI. Апелляцияларни кўриб чиқиш

VII. Малака сертификатини бериш, унинг амал қилиш
муддатини узайтириш, уни қайта расмийлаштириш ва унинг
дубликатини бериш тартиби

VIII. Малака сертификатининг амал қилиш муддатини
тўхтатиш ва уни бекор қилиш тартиби

IX. Малака сертификатига эга бўлган иш ўринларини меҳнат
шaroитлари ва жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан
ўтказиш бўйича мутахассислар реестрини юритиш

X. Яқунловчи қоидалар

1-илова. Иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-
ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан
ўтказиш бўйича мутахассис малака сертификати

2-илова. Ариза

3-илова. Анкета

4-илова. Малака имтиҳонидан четлаштириш тўғрисида
далолатнома

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-
ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан

ўтказиш бўйича мутахассис малака сертификатини (кейинги ўринларда малака сертификати деб аталади) бериш, унинг муддатини узайтириш, уни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини тўхтатиш ва уни бекор қилиш тартибини белгилайди.

2. Малака сертификати шахсни махсус тайёргарликка эга сифатида эътироф этиш ҳамда унинг ушбу Низомда белгиланган малака талабларига мувофиқлигини аниқлаш, зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариши учун масъулиятини ошириш учун асос ҳисобланади.

3. Малака сертификати жисмоний шахсга иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан атгестациядан ўтказиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи ташкилотнинг ходими сифатида ишлаш ҳуқуқини беради.

4. Талабгор малака имтиҳонини муваффақиятли топширган тақдирда, унга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ушбу Низомнинг I-иловасига мувофиқ шакл бўйича малака сертификати берилади.

5. Малака имтиҳони иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан атгестациядан ўтказиш бўйича мутахассис сифатида ишлашни хоҳловчи шахсларнинг (кейинги ўринларда талабгор деб аталади) билимларини текшириш воситаси ҳисобланади.

6. Малака имтиҳони махсус идоралараро имтиҳон комиссияси (кейинги ўринларда имтиҳон комиссияси деб аталади) томонидан ташкил этилади ва ўтказилади.

7. Имтиҳон комиссияси тўғрисидаги низом, унинг таркиби ва иш регламенти Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Имтиҳон комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамда Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси, Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий маркази, "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекцияси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раҳбарлари ва ходимлари, шунингдек амалий тажрибага эга бўлган мутахассислар ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги олимлар

пул тўлаш асосида киритиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий маркази имтиҳон комиссиясининг ишчи органи (кейинги ўринларда ишчи орган деб аталади), Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари - имтиҳон комиссиясининг раиси, ишчи орган директори - имтиҳон комиссияси раисининг ўринбосари, ишчи орган директорининг биринчи ўринбосари - имтиҳон комиссиясининг котиби ҳисобланади.

8. Малака сертификатини бериш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, уни қайта расмийлаштириш, шунингдек унинг дубликатини бериш учун ушбу Низомда белгиланган миқдорда йиғим тўланади.

9. Малака имтиҳонини топширишга ушбу Низомда белгиланган малака талабларига жавоб берадиган талабгорлар кўйилади.

II. МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

10. Талабгор малака сертификатини олиш учун қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий техник маълумотнинг ёхуд хорижий давлатнинг таълим муассасасида олинган олий техник маълумотнинг (қонун ҳужжатларига мувофиқ нострификациялашдан ўтган тақдирда) ҳамда олий таълим муассасасини тамомлагандан кейин (шу жумладан, ўриндошлик бўйича) камида 3 йил амалий иш стажининг мавжудлиги;

ёхуд олий таълим муассасасини тамомлагандан кейин ишлаб чиқариш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг ёки меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ташкилотнинг ёки санитария-гигиена хизматининг ходими (шу жумладан, ўриндошлик бўйича) сифатида ёки ишлаб чиқариш участкаси (бўлинмаси) раҳбари, Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий нотехник маълумот, ёхуд хорижий давлатнинг таълим муассасасида олинган олий нотехник маълумот (қонун ҳужжатларига мувофиқ нострификациядан ўтган тақдирда)

билан охирги ўн йилдан камида 3 йил бош муҳандис, бош механик ёки бош энергетик иш стажининг мавжудлиги;

ёхуд Ўзбекистон Республикасида ёки хорижий давлатда (қонун ҳужжатларига мувофиқ нострификациялашдан ўтган тақдирда) олинган техника, физика-математика, кимё, биология, геология-минералогия, иқтисодиёт, тиббиёт ёхуд фармацевтика фанлари доктори (номзоди) илмий даражасининг мавжудлиги;

б) Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқиш ва малака ошириш дастури асосида таълим муассасаларида махсус ўқитишдан ўтганлик.

III. МАЛАКА СЕРТИФИКАТИ ОЛИШ УЧУН ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР

11. Талабгор малака сертификати олиш учун ишчи органга ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича малака имтиҳони топширишга киритиш тўғрисида ариза тақдим этади.

Малака имтиҳони топширишга киритиш тўғрисидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шакл бўйича тўлдирилган анкета;

б) маълумоти тўғрисидаги дипломнинг ёхуд фанлар номзоди ёки доктори илмий даражасини олганлик тўғрисидаги дипломнинг ҳужжатни берган муассаса томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган ёхуд дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

ёхуд хорижий давлатнинг таълим муассасасида олинган маълумот тўғрисидаги дипломнинг нусхаси ёхуд фанлар номзоди ёки доктори илмий даражасини олганлик тўғрисидаги дипломнинг нусхаси, шунингдек маълумоти ёки илмий даражаси тўғрисидаги хорижий ҳужжатнинг нострификациялангани тўғрисида ваколатли давлат органи гувоҳномасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) меҳнат дафтарчасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма (ўриндошлик бўйича иш стаж мавжуд бўлган тақдирда меҳнат дафтарчасида бу тўғридаги ёзув билан);

г) иккита фотосурат (3 x 4 см ўлчамда);

д) махсус ўқувдан ва малака оширишдан ўтганлик тўғрисидаги ҳужжатнинг уни берган муассаса томонидан, белгиланган тартибда тасдиқланган ёки ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган

нусаҳаси (ўқув тугаган санадан бошлаб ҳужжатларни топширгунгача бўлган санагача бир йилдан ортиқ вақт ўтмаган бўлса, ҳужжат ҳақиқий ҳисобланади);

е) малака сертификати берилганлиги учун ариза берилган вақтда қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида йигим тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар бир нусаҳада тақдим этилади. Ушбу бандда назарда тутилмаган қўшимча ҳужжатларнинг талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

IV. МАЛАКА ИМТИҲОНИНИ ТОПШИРИШГА КИРИТИШ ЁКИ КИРИТИШНИ РАД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

12. Ишчи орган ариза тушган кундан бошлаб беш кун муддатда малака имтиҳонини топширишга киритиш ёки киритишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда ишчи орган шу куннинг ўзидаёқ талабгорни, рад этиш учун асосларни кўрсатган ҳолда, қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.

13. Ишчи орган зарур даражада расмийлаштирилмаган ҳужжатлар тақдим этилганлиги, шунингдек талабгорнинг ушбу Низомда белгиланган малака талабларига номувофиқлиги сабабларига кўра малака имтиҳони топширишга киритишни рад этади.

Малака имтиҳонини топширишга киритишни рад этиш тўғрисидаги қарор асосланган бўлиши керак.

14. Малака имтиҳонини топширишга киритилиши рад этилган талабгор фақат ишчи орган кўрсатган камчиликлар бартараф этилгандан кейингина ариза билан такрорий мурожаат қилишга ҳақлидир. Малака имтиҳонини топширишга киритишни рад этиш учун асос бўлган камчиликларни бартараф этиш учун талабгорга кўпи билан ўн календарь кун муддат берилади.

Ҳужжатларни такрорий кўриб чиқиш уч календарь кун мобайнида амалга оширилади. Талабгорнинг аризаси қайта кўриб чиқилганлиги учун йигим ундирилмайди.

Ишчи органнинг малака имтиҳонини топширишга киритишни

рад этиш тўғрисидаги қарорида кўрсатилган муддат ўтгандан кейин талабгор томонидан берилган ариза янгидан берилган ҳисобланади ва ишчи орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

Талабгор малака имтиҳонини топширишга киритишнинг рад этилиши, шунингдек ишчи орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят билдириш ҳуқуқига эга.

15. Ишчи орган, малака имтиҳонини топширишга киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, малака имтиҳонини топширишга киритилганлар рўйхатини имтиҳон комиссиясига беради. Бунда малака имтиҳони, гуруҳларнинг шакллантирилишига кўра, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади.

Малака имтиҳонини топширишга киритилган талабгорлар малака имтиҳонининг ўтказилиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида у ўтказилгунгача ўн календарь кундан кечикмай ёзма равишда хабардор қилинади.

V. МАЛАКА ИМТИҲОНИНИ ТОПШИРИШ ТАРТИБИ

16. Талабгорлар малака имтиҳонини топширишга паспортини ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат кўрсатилган тақдирда киритилади. Ёнида паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжати бўлмаган, ёхуд малака имтиҳонига кечикиб келган талабгорлар малака имтиҳонини топширишга киритилмайди ва малака имтиҳонини навбатдаги топширишга киритилган шахслар рўйхатига ўтказилади.

Талабгор, ушбу Низомнинг 15-бандига мувофиқ хабардор қилингани ҳолда, ишчи органга ҳужжатлар тақдим этилган санадан бошлаб олти ой мобайнида малака имтиҳонини топшириш учун келмаган тақдирда тақдим этилган ҳужжатлар талабгорга қайтариб берилади. Ҳужжатларни такроран тақдим этиш ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

17. Малака имтиҳони (10 кишидан кам ва 50 кишидан ортиқ бўлмаган) талабгорлар гуруҳлари учун қуйидаги икки босқичда ўтказилади:

тест синовидан ўтказиш (4 академик соат мобайнида ёзма шаклда), унинг натижалари бўйича талабгор ёзма-оғзаки

имтиҳонга киритилади;

имтиҳон билетлари бўйича ёзма-оғзаки имтиҳон топшириш (топшириқларни ечишга ва оғзаки жавоб бериш учун тайёрланишга 3 академик соат берилади).

Малака имтиҳонининг иккала босқичини бир кун мобайнида ўтказишга йўл қўйилмайди.

18. Тест, имтиҳон билетларининг саволлари ва тўғри жавобларнинг вариантлари имтиҳон комиссияси томонидан Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва малака ошириш дастури асосида ишлаб чиқилади. Тест ва имтиҳон билетлари саволларини ишлаб чиқиш учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги мутахассислар ва олимларнинг пулли асосда жалб этилишига йўл қўйилади.

Имтиҳон комиссияси раисининг имзоси қўйилмаган тестлар ва имтиҳон билетларининг бланклари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Тестлар ва имтиҳон билетларининг мазмуни қонун ҳужжатларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилади.

19. Тест синови Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва малака ошириш дастури бўлимларини акс эттирадиган 50 та саволдан иборат бўлади.

Тест синови натижаларини ижобий деб баҳолаш учун асос ҳисобланадиган тўғри жавобларнинг сони тест синовидаги мавжуд саволлар сонининг камида 60 фоизини ташкил этиши керак.

20. Тест синови натижалари салбий деб эътироф этилган тақдирда талабгор ёзма-оғзаки имтиҳонни топширишга киритилмайди, бу ҳолда тақдим этилган ҳужжатлар унга қайтариб берилмайди.

21. Имтиҳон билети бешта бўлимдан иборат бўлади, улардан ҳар бири куйидаги йўналишлар бўйича назарий саволлар ва ёки амалий топшириқларни ўз ичига олади:

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари;

технологик жараёнлар ва асбоб-ускуналар хавфсизлигига қўйиладиган талаблар;

зарарли ишлаб чиқариш омиллари ва ходимларни уларнинг таъсиридан муҳофаза қилиш;

жамоавий ва яқка тартибда ҳимоя қилиш воситалари ва уларни қўллаш;

меҳнат муҳофазасини бошқариш.

Имтиҳон билетининг бешта қисмидан ҳар бири бўйича жавоблар (шу жумладан, топшириқларни бажариш) беш балли тизим бўйича баҳоланади.

Имтиҳон билети бўйича камида 15 балл олган талабгорлар имтиҳонни муваффақиятли топширган ҳисобланади.

22. Малака имтиҳони ўтказиладиган хонага телекоммуникация ва техника воситаларининг олиб кирилиши мумкин эмас. Малака имтиҳони вақтида бошқа талабгорлар билан мулоқотда бўлишга, малака имтиҳони жараёнига ҳалақит беришга рухсат этилмайди. Ушбу талабларни бузган талабгор аудиториядан чиқариб юборилади ва малака имтиҳонидан ўтмаган ҳисобланади. Лудиториядан чиқариб юбориш ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади.

23. Чет шахсларнинг малака имтиҳонида қатнашишига рухсат ўтилмайди.

24. Тест синовини ўтказишга ажратилган вақт тугагач, талабгорлар имтиҳон комиссиясига тест саволларини ва уларга жавобларни топшириши шарт.

Ушбу талабларни бузган талабгорлар малака имтиҳонини топширмаган ҳисобланади.

25. Малака имтиҳони натижалари имтиҳон комиссияси томонидан, у ўтказилгандан кейин уч кундан кечикмай эълон қилинади.

Малака имтиҳони натижалари имтиҳон комиссиясининг протоколи билан расмийлаштирилади ҳамда малака имтиҳони ўтказилган санадан кейин беш кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига топширилади.

26. Талабгорларнинг малака имтиҳонини топшириш бўйича ёзма ишлари (тест, билетлар саволлари ва уларга жавоблар), шунингдек имтиҳон комиссияларининг протоколлари нусхалари белгиланган тартибда ишчи органда сақланади.

27. Малака имтиҳонини топширмаган талабгорларга йиғим қайтариб берилмайди.

Малака имтиҳонини топширмаган талабгор, малака сертификати бериш учун йиғимни такроран тўлаган тақдирда, малака сертификати олиш учун ҳужжатларни такроран, лекин малака имтиҳонида қатнашган санасидан бошлаб камида бир ой муддат ўтгач, белгиланган тартибда тақдим этишга ҳақлидир.

28. Талабгорлар сони 30 нафар ва ундан кўп бўлган тақдирда, малака имтиҳонларининг республика ҳудудларида жойига борган ҳолда ўтказилишига йўл қўйилади.

VI. АПЕЛЛЯЦИЯЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

29. Малака имтиҳони натижаларидан норози бўлишган талабгорлар малака имтиҳони натижалари эълон қилинган санадан бошлаб ўттиз календарь кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига апелляция бериш ҳуқуқига эгадирлар. Апелляция ёзма шаклда тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги берилган апелляцияни икки ҳафта муддатда кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисида талабгорга ёзма шаклда хабар қилади.

Апелляцияни кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

имтиҳон комиссиясининг қарорини ўзгаришларсиз қолдириш ва апелляцияни қондиришни рад этиш;

имтиҳон комиссиясининг қарорини бекор қилиш ва такрорий малака имтиҳони тайинлаш.

30. Имтиҳон комиссиясининг қарорини ўзгаришларсиз қолдириш ва апелляцияни қондиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолатларда қабул қилинади:

апелляция ушбу Низом талаблари бузилган ҳолда тақдим этилганда;

апелляцияда келтирилган далиллар тасдиқланмаганда.

31. Имтиҳон комиссиясининг қарорини бекор қилиш ва такрорий малака имтиҳони ўтказиш тўғрисидаги қарор малака имтиҳони ушбу Низом талаблари бузилган ҳолда ўтказилган тақдирда қабул қилинади.

32. Малака имтиҳонини такрорий топшириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги малака имтиҳонини топширмаган деб эътироф этилган талабгор учун такрорий имтиҳон кунини тайинлайди.

33. Такроран берилган апелляция кўриб чиқилмайди.

VII. МАЛАКА СЕРТИФИКАТИНИ БЕРИШ, УНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ, УНИ ҚАЙТА РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ДУБЛИКАТИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

34. Малака сертификати унинг бўйича катъий ҳисобот бериладиган ҳужжат ҳисобланади, унда ҳисобга олиш серияси, тартиб рақами ва ҳимояланганлик даражаси бўлади. Бланклар ишчи органнинг буюртмасига биноан "Давлат белгиси" давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади. Ишчи орган директори сертификат бланklarининг зарур даражада ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан шахсан жавоб беради.

Малака сертификати эгасининг фотосурати ёпиштирилган ҳолда расмийлаштирилади ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида юридик кучга эга бўлади.

35. Малака сертификати 5 йил муддатга берилади.

36. Малака сертификати Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан, имтиҳон комиссиясининг протоколлари олингандан кейин ўн кун муддатда расмийлаштирилади ҳамда иш ўринларини меҳнат шароитлари ва жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича мутахассисларнинг реестрига имзо қўйилган ҳолда малака сертификати эгасига ёхуд нотариал тасдиқланган ишончнома асосида бошқа шахсга берилади.

37. Талабгор малака сертификати расмийлаштирилган санадан бошлаб уч ой мобайнида уни олишдан ихтиёрий равишда воз кечган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

38. Малака сертификатининг эгаси малака сертификатининг амал қилиш муддати тугашидан уч ой олдин, лекин малака сертификатининг амал қилиш муддати тугашигача олти ойдан эрта бўлмаган муддатда ишчи органга малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича ариза беради.

Малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шакл бўйича тўлдирилган анкета;

б) малака сертификатининг нусхаси;

в) махсус ўқувдан ва малака оширишдан ўтганлик тўғрисидаги ҳужжатнинг уни берган муассаса томонидан, белгиланган тартибда тасдиқланган ёки нотариал тасдиқланган нусхаси (у агар ўқиш тугаган санадан бошлаб ҳужжатлар топширилган санагача бир йилдан кўп вақт ўтмаган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади);

г) малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун, ариза берилган вақтда қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди йиғим тўланганини тасдиқловчи банкнинг тўлов ҳужжати.

39. Малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш ушбу Низомнинг 38-бандида кўрсатилган талабларга риоя этилганда ва малака сертификатининг эгаси малака имтиҳонини муваффақиятли равишда такроран топширганда амалга оширилади.

Малака сертификатининг амал қилиш муддати малака сертификатининг бланкасида кўрсатилган амал қилиш муддати тугаган санадан бошлаб узайтирилади.

40. Малака сертификатининг амал қилиш муддати 5 йилга узайтирилади.

41. Малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш илгари берилган малака сертификатининг бланкига махсус белги қўйиш йўли билан, белгиланган тартибда амалга оширилади.

Малака сертификатининг унинг амал қилиш муддатини узайтиришга тааллуқли бўлган бланки реквизитлари тўлдирилган тақдирда малака сертификатининг эгасига илгари берилган тартиб рақами билан янги малака сертификати берилади. Илгари берилган малака сертификатининг бланки йўқ қилинади.

42. Фамилияси (исми, отасининг исми) ёки паспортининг маълумотлари ўзгарган тақдирда малака сертификатининг эгаси тегишли ўзгартиришларни тасдиқловчи ҳужжатлар олинган кундан бошлаб ўн календарь кундан кечикмай ишчи органга малака сертификатини қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт, аризага қайта расмийлаштирилиши керак бўлган малака сертификати ва тегишли ўзгартиришларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхалари илова қилинади.

43. Малака сертификатини қайта расмийлаштириш малака сертификатининг эгаси томонидан тегишли ариза берилган кундан бошлаб ўн кун мобайнида амалга оширилади, бунда илгари берилган тартиб рақами ва илгари белгиланган амал қилиш муддати билан малака сертификатининг янги бланки берилади. Илгари берилган малака сертификатининг бланки йўқ қилинади.

44. Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган малака сертификати ўрнига эгасининг аризасига биноан дубликат берилади.

Малака сертификатининг эгаси матбуотда малака сертификатининг йўқолганлиги тўғрисида эълон бериши ва унинг тасдиғини ишчи органга тақдим этиши керак.

Малака сертификатининг дубликати айнан шу тартиб рақами ва унинг амал қилишининг илгари белгиланган муддати билан берилади, малака сертификатининг янги бланкида "Дубликат" сўзи мажбурий равишда қайд этилади.

Яроқсиз ҳолга келган малака сертификати ишчи органга қайтарилади ва йўқ қилинади.

45. Малака сертификатини қайта расмийлаштирганлик, дубликат берганлик учун ариза берилган вақтда қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

VIII. МАЛАКА СЕРТИФИКАТИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИНИ ТЎХТАТИШ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

46. Куйидагилар малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш учун асослар ҳисобланади:

малака сертификати эгасининг аризаси;

ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида қонунчилик талабларининг мунтазам равишда ёки бир марта қўпол бузилиши;

малака сертификати эгасининг оғир оқибатларга (ходимнинг ўлимига, унинг оғир тан жароҳатлари олишига ва шу кабиларга) сабаб бўлган бепарволиги, ҳаракатсизлиги;

муайян лавозимларни эгаллаш ёки меҳнат ва меҳнат муносабатлари соҳасида муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган суд ҳукмининг қонуний кучга кириши;

фуқарони муомалага ёки чекланган муомалага белгиланган

тартибда лаёқатсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги суд қарори.

Шу билан бирга, қуйидагилар фаолиятни амалга оширишда қонунчилик талабларининг малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш учун асос ҳисобланадиган бир марта қўпол бузилиши деб эътироф этилади:

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган талабларнинг бузилиши ҳолатларининг малака сертификати эгаси томонидан яширилганлиги;

ўз номидан фойдаланиши учун малака сертификатини бошқа шахсга берганлик фактининг аниқланганлиги;

малака сертификати эгасининг ўзи штатида турган ташкилот раҳбарининг тегишли рухсатсиз (буйруғсиз), назорат қилиш ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг топшириқлари бўйича ҳар хил текширишларни ўтказиш учун мутахассис сифатида иштирок этганлиги.

Малака сертификатининг амал қилиши уни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб тўхтайдди.

47. Малака сертификати қуйидаги ҳолатларда бекор қилинади:

малака сертификатини бериш тўғрисидаги қарорнинг ноқонунийлиги;

малака сертификатининг сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти.

Малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарор малака сертификати берилган санадан бошлаб амал қилади.

48. Малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш учун асослар аниқланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тегишли қарор қабул қилади.

Малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги қарор асосланган бўлиши керак. Малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги маълумотлар иш ўринларини меҳнат шароитлари ва жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича мутахассислар реестрига киритилади.

Малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги қарор беш кун муддатда малака сертификатининг эгасига ва у штатида турган ташкилотга юборилади.

Малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш ёки уни

бекор қилиш тўғрисидаги қарор иш ўринларини меҳнат шароитлари ва жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича мутахассис томонидан олинган кундан бошлаб ўн кун мобайнида сертификат уни йўқ қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қайтарилиши керак.

49. Йўл қўйилган бузилишлар учун унинг малака сертификатининг амал қилиши тўхтатилган ёки у бекор қилинган иш ўринларини меҳнат шароитлари ва жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича мутахассис малака сертификати бекор қилинган ёки унинг амал қилиш муддати тўхтатилган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида малака сертификатини такроран олиш учун малака имтиҳонини топширишга киритилмайди.

IX. МАЛАКА СЕРТИФИКАТИГА ЭГА БЎЛГАН ИШ ЎРИНЛАРИНИ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ ВА ЖАРОҲАТЛАШ ХАВФЛИЛИГИ ЮЗАСИДАН АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР РЕЕСТРИНИ ЮРИТИШ

50. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги малака сертификатиغا эга бўлган иш ўринларини меҳнат шароитлари ва жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича мутахассислар реестрини юритади, унда куйидагилар кўрсатилади:

малака сертификати олинган сана, уни олган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва имзоси;

паспортининг маълумотлари ва яшаш жойи;

иш жойи;

малака сертификатининг тартиб рақами, берилган санаси;

малака сертификатининг амал қилишини узайтириш, тўхтатиш, уни бекор қилиш, қайта расмийлаштириш ва унинг дубликатини бериш.

51. Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича мутахассислар реестридан малака сертификатининг тартиб рақами, берилган санаси, уни қайта расмийлаштириш ва амал қилишини тўхтатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва унинг

дубликатини бериш тўғрисидаги маълумотлар манфаатдор шахсларга кўчирмалар тарзида берилиши мумкин.

Х. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

52. Иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича мутахассислар малака сертификати олинган йилдан кейинги йилдан бошлаб ҳар уч йил мобайнида, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва малака ошириш дастури бўйича камида 60 соат ҳажмида малака ошириш курсларидан ўтишлари шарт.

Малака ошириш курслари штатида иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича камида уч нафар мутахассисга эга бўлган таълим муассасалари томонидан, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги назарий ва амалий билимларни чуқурлаштириш ва янгилаш, уларнинг бажарилаётган вазифалар ва функцияларга профессионал тайёрлигини таъминлаш мақсадида ўтказилади.

53. Ушбу Низомга мувофиқ ундириладиган йиғимлар ишчи органнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Ўтказилган маблағлардан ишчи органнинг таъминоти ва уни моддий-техник жиҳатдан ривожлантириш, малака имтиҳонларини ўтказиш, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш ва хизмат сафари харажатлари, малака сертификатларини ҳамда иш ўринларини аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича давлат экспертизаси хулосалари бланкларини тайёрлаш ва расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, шунингдек халқаро хизмат сафарларини, иш билан таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги илмий, методологик, амалий ва бошқа ишланмаларни молиялаштириш учун фойдаланилади.

54. Малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тўхтатиш ва уни бекор қилиш масалалари бўйича қарорлар юзасидан манфаатдор шахслар томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят билдирилиши мумкин.

Олд томони

Ўзбекистон Республикасининг Герби

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги

ИШ ҲАМКАМЛАРИНИ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ ВА АСБОБ-
УСКУНАЛАРНИНГ ЖАРОҲАТЛАШ ХАВФЛИЛИГИ
ЮЗАСИДАН АТТЕСТАЦИЯДАН
ЎТКАЗИШ БҲЙИЧА МУТАХАССИС МАЛАКА
СЕРТИФИКАТИ

1-бет.

Ўзбекистон Республикасининг Герби

**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги**

**Иш ўринларини меҳнат шaroитлари
ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлиги
юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича
мутахассис
МАЛАКА СЕРТИФИКАТИ**

Сурат

N _____

Тошкент ш.

20__ йил " __ " _____

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан

га

_____ (кимга - Ф.И.О.)

_____ (паспорт рақами ва серияси, қачон ва ким томонидан берилган))

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш ўринларини меҳнат
шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлиги
юзасидан аттестациядан ўтказиш соҳасида фаолият кўрсатувчи
ташкilot ходими сифатида ишлашга рухсат берилади.

Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирининг
биринчи ўринбосари

М.Ў.

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

2-бет.

**Малака сертификатининг амал қилиш муддати
узайтирилди:**

20__ йил " __ " _____ дан 20__ йил " __ " _____ гача

Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирининг
биринчи ўринбосари

М.Ў.

**Малака сертификатининг амал қилиш муддати
узайтирилди:**

20__ йил " __ " _____ дан 20__ йил " __ " _____ гача

Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирининг
биринчи ўринбосари

М.Ў.

**Малака сертификатининг амал қилиш муддати
узайтирилди:**

20__ йил " __ " _____ дан 20__ йил " __ " _____ гача

Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирининг
биринчи ўринбосари

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирлигига**

_____ дан

АРИЗА

Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг
жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича
мутахассис малака сертификатини олиш учун малака имтиҳони
топширишга рухсат беришингизни сўрайман.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

- 1.
- 2.
- 3.

ва бошқалар

20__ йил " __ " _____

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

АНКЕТА

1. Фамилияси _____

Неми _____

Отасининг исми _____

2. Туғилган санаси: _____

(сана, ой, йил рақамларда ёзилади)

3. Паспорт серияси _____ N _____

Берилган вақти _____

Ким томонидан
берилган _____4. Маълумоти: _____
(олий таълим муассасаси)

фикультети _____

олириган йили _____ Диплом N _____

Диплом бўйича мутахассислиги _____

Илмий даражаси, илмий унвони _____

5. Меҳнат дафтарчасидаги иш стажига доир маълумотлар:

Г/р	Сана		Иш жойи	Лавозими
	ишга кирган	ишдан бўшаган		
1.				
2.				
3.				
4.				
...				

6. Дониий пропискадан ўтган манзили
_____7. Янаш манзили:
_____8. Алоқа телефони: _____
(код) (номер)

9. Анкета тўлдирилган сана: 20__ йил " __ " _____

Шихсий имзо
_____

Малака имтиҳонидан четлаштириш тўғрисида ДАЛОЛАТНОМА

Ўтказиш жойи: _____ 20__ йил "___" _____

Гуруҳ _____

Биз, куйида имзо кўювчилар, талабгор _____
(фамилияси, исми, отасининг исми)

(қандай қоида бузилганлиги кўрсатилади)

сабабли _____ соат _____ дақиқада малака имтиҳонидан четлатилганлигини тасдиқлаймиз.

1. Аудитория раҳбари: _____ Имзо: _____
(фамилияси, исми, отасининг исми)

2. Имтиҳон комиссияси вакили: _____ Имзо: _____
(фамилияси, исми, отасининг исми)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ
22.09.2016 й.
N ЎРҚ-410**

**"МЕХНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
ТЎҒРИСИДА"ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР
КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 10 мартда қабул
қилинган Сенат томонидан 2016 йил 25 августда
маъқулланган**

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган "Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги 839-ХII сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, N 5, 223-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, N 5-6, 102-модда; 2001 йил, N 5, 89-модда; 2002 йил, N 1, 20-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги тахрири тасдиқлансин (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти вазифасини бажарувчи**

Ш. Мирзиёев

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

МЕХНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА (янги таҳрири)

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Ушбу Қонуннинг амал қилиш соҳаси

Ушбу Қонун:

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) билан, шунингдек алоҳида ёлловчилар билан меҳнат муносабатларида бўлган ходимларга;

ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган олий таълим муассасалари талабаларига, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларига, бошқа таълим муассасалари тингловчиларига;

ташкилотларда ишлаш учун жалб этиладиган ҳарбий хизматчиларга;

муқобил хизматни ўтаётган фуқароларга;

суд ҳукмига кўра жазони ўтаётган шахсларга улар жазони ижро этиш муассасалари томонидан белгиланадиган ташкилотларда ишлаши даврида, шунингдек маъмурий қамоққа олиш тарзидаги маъмурий жазо қўлланилган шахсларга, бошқа турдаги ишларни бажаришга, шу жумладан жамият ва давлат

манфаатларини кўзлаб ташкил этиладиган ишларни бажаришга жалб этиладиган шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Қонун иш берувчиларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар бундан буён матнда ходимлар деб аталади.

4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

жамоавий ҳимоя воситалари — тузилиши ёки вазифаси жиҳатидан ишлаб чиқариш биноси ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган, ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган техник воситалар ва бошқа воситалар;

зарарли ишлаб чиқариш омили — таъсири ходимнинг касб касаллигига чалинишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

иш ўрни — меҳнат фаолияти жараёнида ходимнинг доимий ёки вақтинчалик бўлиш жойи;

ишлаб чиқариш фаолияти — маҳсулот ишлаб чиқариш, хом ашёни қайта ишлаш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш чоғида амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса — ходимнинг иш берувчининг худудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда, шу жумладан иш берувчи томонидан берилган транспортда иш жойига келаётган ёки ишдан қайтаётган вақтда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруратига, у касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки тургун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

касб касаллиги — ходимнинг унга зарарли ишлаб чиқариш омили ёки хавфли ишлаб чиқариш омили таъсири натижасида юзага келган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёхуд тургун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллиги;

меҳнат шароитлари — меҳнатни амалга ошириш чоғидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омиллари йиғиндиси;

меҳнатни муҳофаза қилиш — меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақланишини таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизими;

меҳнатда майиб бўлиш — ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотиши;

ноқулай ишлаб чиқариш омиллари — зарарли ишлаб чиқариш омилнинг ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилнинг мавжудлиги;

хавфли ишлаб чиқариш омили — таъсири ходимнинг шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

шахсий ҳимоя воситалари — ходимга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимояланиш учун фойдаланиладиган техник воситалар ва бошқа воситалар.

5-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлигини таъминлаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

барча ташкилотлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги талабларни белгилаш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга ошириш;

ходимларни ҳимоя қилувчи хавфсиз техника, технология ва воситаларнинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини рағбатлантириш;

фан, техника ютуқларидан ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш

бўйича илғор миллий ва хорижий тажрибадан фойдаланиш;
ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жабрланган ёки касб касаллигига чалинган ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш;
халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

6-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш

Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қонун ҳужжатларига мувофиқ айрим ваколатларга эга бўлган бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;
меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва амалга оширади;
давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлайди;
меҳнат шароитларининг давлат экспертизасини ўтказиш тартибини белгилайди;
ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текшириш ҳамда ҳисобга олиш тартибини белгилайди;
ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш тартибини белгилайди;
меҳнатни муҳофаза қилиш учун иш берувчи томонидан маблағлар ажратиш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармаларини тузиш ва уларнинг маблағларидан фойдаланиш тартибини белгилайди;
меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги:

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади, келишиб олади ҳамда тасдиқлайди;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши, шу жумладан ноқулай ва алоҳида меҳнат шароитларида ишлаганлик учун ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар берилиши юзасидан давлат назорати ҳамда текширувини амалга оширади;

меҳнат шароитларининг давлат экспертизаси ўтказилишини таъминлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ҳамкорлик қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиларининг ягона реестрини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда юритади;

меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати мониторингини ўтказади;

ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишларнинг сабабларини таҳлил қилади ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларига,

махаллий давлат ҳокимияти органларига, юридик ва жисмоний шахсларга бундай жароҳатланишларнинг олдини олиш бўйича тақлифлар киритади;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг махсус текшируви ўтказилишини ва ҳисобга олинишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

ҳодимларнинг дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриқларини ўтказиш тартибини белгилайди;

ишлаб чиқариш муҳити омилларининг зарарлилиги ва хавфлилиги, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва тиғизлиги кўрсаткичлари бўйича санитария қоидаларини, нормаларини ва гигиена нормативларини белгилайди;

меҳнат шароитлари ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга бериладиган сутни (шунга тенг бўлган бошқа озик-овқат маҳсулотларини), даволаш-профилактика озик-овқатини, тавсияланган тузли сувни (иссиқ цехларда ишловчилар учун) бериш нормативларини белгилайди;

ҳодимни енгилроқ ишга ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсирини истисно этадиган ишга ўтказиш учун тиббий ва бошқа кўрсаткичлар рўйхатини тасдиқлайди;

ҳодим касб касаллигига чалинган деб гумон қилинганда унинг меҳнат шароитларининг санитария-гигиена тавсифини тузишга доир талабларни белгилайди;

касб касалликларини аниқлаш ва ходимларнинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлиги даражасини аниқлаш учун нуъланма бериш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10-модда. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги тармоқ мақсадли ва махсус дастурларни тасдиқлайди ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

тизимидаги ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

тизимидаги ташкилотларда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг ва ходимлар соғлиғига бошқача шикаст етказилишининг текширувдан ўтказилиши ҳамда ҳисобга олинишини ташкил этади ва таъминлайди;

тизимидаги ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассисларининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича тайёрланиши, қайта тайёрланиши, малакаси оширилиши ва билимлари текширилишини ташкил этади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳудудий дастурларни тасдиқлайди ва амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тегишли ҳудудий бўлинмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12-модда. Ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари

Ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ташкилотнинг мустақил таркибий бўлинмалари бўлиб, улар бевосита ташкилот раҳбарига бўйсунди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати мутахассислари меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларига барча ходимлар томонидан риоя этилишини назорат қилиш, таркибий бўлинмаларнинг раҳбарларига аниқланган қоидабузарликларни баргараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузётган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида ташкилот раҳбарига тақдимномалар киритиш ҳуқуқига эга.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифалари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал инштирокчилари томонидан шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

13-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида шартнома асосида хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиларидир.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари:

ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини амалга ошириши;

иш ўринларининг меҳнат шaroитлари бўйича аттестациясини ўтказиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаши ва уларнинг малакасини ошириши;

ташкилотда меҳнатнинг муҳофаза қилинишини бошқариш тизими аудитини ўтказиши мумкин.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиларига ва улар томонидан хизматлар бажарилишига доир талаблар, шунингдек уларнинг ягона реестрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

14-модда. Иш ўринларининг меҳнат шaroитлари бўйича аттестацияси

Иш ўринларининг меҳнат шaroитлари бўйича аттестацияси меҳнат шaroитларининг, иш ўринларидаги меҳнат жараёни оғирлиги ва тиғизлигининг ҳамда уларнинг жароҳатланиш жиҳатидан хавфлилигининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш, зарарли ишлаб чиқариш омилини ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган тадбирлар мажмуидир.

Иш ўринларининг меҳнат шaroитлари бўйича аттестациясидан қуйидагилар ўтказилиши керак:

меҳнат шaroитлари бўйича ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзлар ва компенсациялар назарда

тутилган иш ўринлари;

погиронлар банд бўлган иш ўринлари;

имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларида кўрсатилган иш ўринлари;

хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги иш ўринлари.

Қонун ҳужжатларида, шунингдек жамоа шартномалари ва келишувларида бошқа иш ўринларининг ҳам меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилиши назарда тутилиши мумкин.

Иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестацияси белгиланган тартибда иш берувчининг ўзи томонидан ўтказилади. Иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациясини ўтказиш даврийлиги қонун ҳужжатларида белгиланади, бироқ беш ишда камида бир марта ўтказилади.

15-модда. Ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг аудити

Ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг аудити меҳнатни муҳофаза қилиш тизимининг ҳолатини баҳолаш бўлиб, ушбу аудит иш берувчининг қарорига биноан ўтказилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник ҳисобдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини текшириш;

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг ишлаш шартларини, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ва касб касалликларининг олдини олишга, даражасини камайтиришга қаратилган тадбирлар самарадорлигини баҳолаш;

аниқланган камчиликларни бартараф этишга, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ва касб касалликларининг олдини олишга қаратилган таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг аудити меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан шартнома асосида амалга оширилади.

16-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишни молиялаштириш

Меҳнатни муҳофаза қилишни молиялаштириш қуйидагилар ҳисобидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағлари;

иш берувчининг ўз маблағлари;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилган меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармаларининг маблағлари;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш учун бюджет маблағлари тегишли (республика ва маҳаллий) бюджетларда алоҳида қайд билан ажратилади, бу маблағлардан бошқарув органларининг, назорат қилувчи ва текширувчи органларнинг таъминоти, илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш, меҳнатни муҳофаза қилишга оид давлат дастурларини ва бошқа дастурларни бажариш учун фойдаланилади.

Ҳар бир иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган маблағларни қонун ҳужжатларида, жамоа шартномасида, шунингдек жамоа келишувларида ёки бошқа ички норматив ҳужжатларда белгиланадиган миқдорда ажратади. Ходимлар ана шу мақсадлар учун бирор-бир чиқим қилмайдилар.

Ташкилотлар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамғармани ўзининг тижорат фаолияти ва бошқа фаолиятидан олинадиган фойда (даромадлар), шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ташкил этишга ҳақлидир.

Меҳнатни муҳофаза қилишга мўлжалланган маблағлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланилиши мумкин эмас.

Меҳнатни муҳофаза қилиш учун иш берувчи томонидан маблағлар ажратиш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамғармаларни ташкил этиш ва уларнинг маблағларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси иштирокида белгиланади.

17-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларнинг тайёрланиши белгиланган тартибда таъминланади.

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари институтининг турли тармоқларидаги ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий соҳа хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда талабалар ва ўқувчилар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш курси мажбурий ўрганилишини ташкил этиши керак.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда иш берувчилар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар қайта тайёрланишини ва уларнинг малакасини оширилишини таъминлайди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

18-модда. Ходимларни сут, даволаш-профилактика озик-овқати, газланган тузли сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш

Меҳнат шaroитлари нокулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут (шунга тенг бўлган бошқа озик-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озик-овқати, газланган тузли сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, махсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланади. Бундай ишларнинг рўйхати, уларни бериш нормалари, улар билан таъминлаш тартиби ва шартлари жамоа шартномалари ҳамда келишувларида белгиланади, агар улар тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишувга кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ белгиланади.

Ходимларнинг шахсий ҳимоя воситаларини олиш, сақлаш, ювиниш, тозалаш, таъмирлаш, дезинфекция қилиш ва ширарсизлантириш иш берувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

19-модда. Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва улардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш ва таъмирлаш чоғида меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларни таъминлаш

Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва улардан фойдаланишга, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш ва таъмирлашга, технологияларни жорий этишга, шу жумладан хориждан олинганларини жорий этишга йўл қўйилмайди.

Йўл қўйиладиган энг юқори нормативлари (концентрациялари) белгиланган тартибда ишлаб чиқилмаган ва тегишли экспертизалардан ўтказилмаган зарарли моддаларнинг ишлаб чиқаришда қўлланилиши тақиқланади.

20-модда. Ташкилотларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш ва ишлаб чиқариш борасидаги фаолиятини рағбатлантириш

Ташкилотлар фойдасининг меҳнатни муҳофаза этишга оид адабиётларни, плакатларни, бошқа тарғибот воситаларини нашр этиш ҳисобидан ҳосил бўлган қисмига, шунингдек илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари фойдасининг жамоавий ҳимоя воситалари ва шахсий ҳимоя воситаларининг, ишлаб чиқариш муҳитини назорат қилиш асбоблари ва дозиметрия воситаларининг янгиларини яратиш, мавжуд воситаларни ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш ҳисобидан олинган қисмига қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзли солиқ солиш белгиланиши мумкин.

21-модда. Ишга қабул қилишда ва бошқа ишга ўтказишда меҳнатни муҳофаза қилишга бўлган ҳуқуқнинг кафолатлари

Меҳнат шартномасининг шартлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа шартномалари, шунингдек жамоа келишувлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги бошқа ички норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Фуқароларни соғлиғининг ҳолатига кўра ўзига тўғри келмайдиган ишга қабул қилиш ва ходимларни бошқа шундай ишга ўтказиш тақиқланади.

Фуқароларни соғлиғи ва ҳаётига юқори даражада хавф туғдириши мумкинлиги олдиндан аён бўлган ишга қабул қилиш ҳамда ходимларни бошқа шундай ишга ўтказиш чоғида иш берувчи уларни бу ҳақда огоҳлантириши шарт.

Соғлиғининг ҳолатига кўра енгилроқ ишга ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсирини истисно этадиган ишга ўтказишга муҳтож ходимларни иш берувчи ана шундай ишга уларнинг розилиги билан, тиббий хулосага мувофиқ вақтинча ёки муддатини чекламай ўтказиши шарт.

Соғлиғининг ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини истисно этадиган кам ҳақ туланадиган ишга ўтказишда ходимларнинг аввалги ўртача ойлик иш ҳақи Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига белгиланган тартибда ва муддатларда сақланиб қолади.

22-модда. Ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Ходим куйидаги ҳуқуқларга эга:

меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мос бўлган иш ўрнига эга бўлиш;

иш берувчидан меҳнат шароитлари тўғрисида, шу жумладан касб касалликлари ва бошқа касалликларга чалиниш эҳтимоли мавжудлиги, шу муносабат билан ўзига берилиши лозим бўлган имтиёзлар ва компенсациялар, шунингдек шахсий ҳимоя воситалари ва жамоавий ҳимоя воситалари ҳақида ахборот олиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид белгиланган нормалар ва талабларга мувофиқ иш берувчининг маблағлари ҳисобидан шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат томонидан мажбурий ижтимоий суғурта қилиниш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талаблар бузилганлиги оқибатида ўз ҳаёти ва соғлиғи учун хавф юзага келган тақдирда,

агар шундай ҳолатлар меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ҳамда текширувини амалга оширувчи органлар томонидан тасдиқланса, ишларни бажаришни бундай хавф бартараф этилгунига қадар рад этиш;

ўз иш ўрнидаги меҳнат шароитлари ҳамда муҳофазаси меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи орган томонидан текширишдан ўтказилиши учун сўровнома бериш;

иш берувчининг маблағлари ҳисобидан меҳнатнинг хавфсиз услублари ва усуллари бўйича ўқиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва компенсацияларни олиш;

ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етиши муносабати билан ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини иш берувчидан ундириш;

ўз иш ўрнида меҳнат қилиш учун хавфсиз шароитлар таъминланиши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқиладиганда ва ўзи билан содир бўлган бахтсиз ҳодиса ёки унинг касб касаллиги текшириладиганда шахсан ўзи иштирок этиш ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиш;

тиббий тавсияларга мувофиқ навбатдан ташқари тиббий кўриқдан ўтиш, ушбу тиббий кўриқдан ўтиш вақтида унинг иш жойи (лавозими) ва иш ҳақи сақланиши;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талаблар бузилганлиги оқибатида иш ўрни тугатилган тақдирда иш берувчининг маблағлари ҳисобидан қайта тайёргарликдан ўтиш.

Ходим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ходим:

меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиши;

шахсий ҳимоя воситаларини тўғри қўллаши;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар олиши, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан ва малака оширишдан ўтиши;

одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирувчи ҳар

қандай вазият тўғрисида, шунингдек иш жараёнида ёки у билан боғлиқ ҳолда содир бўлган ҳар қандай бахтсиз ҳодиса ҳақида иш берувчини дарҳол хабардор қилиши шарт.

Ходимнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

23-модда. Иш берувчининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Иш берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳодимлардан меҳнатни муҳофаза қилишга ҳамда ишларни қанфсиз олиб боришга доир нормалар, қоидалар ва нуриқномаларга риоя этишни талаб қилиш;

ҳодимларнинг алкоғолли ичимликдан, гиёҳвандлик моддаси ёки токсик модда таъсиридан маст ҳолатда эканлигини аниқлаш учун уларни текширувдан ўтказиш;

ҳодимлар ишлаб чиқаришда олган жароҳатланишларнинг оғирлик даражаси, ходимларда уларнинг жароҳатланишига олиб келиши мумкин бўлган касаллик мавжудлиги тўғрисида, шунингдек уларнинг алкоғолли ичимликдан, гиёҳвандлик моддаси ёки токсик модда таъсиридан маст ҳолатда эканлиги ҳақида маълумотлар олиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бевосита судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этганлик учун ходимларни тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини кўриш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларни бузганликда айбдор ходимларни интизомий жавобгарликка тортиш.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Иш берувчи:

ҳар бир иш ўрнида меҳнат шароитларининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаши;

бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналардан фойдаланиш,

технологик жараёнларни амалга ошириш чоғида, шунингдек ишлаб чиқаришда хом ашё ва материалларни қўллаш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш чоғида ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаши;

иш ўринларида меҳнат шароитларининг ҳолати, айниқса зарарли ишлаб чиқариш омиллари ва хавfli ишлаб чиқариш омиллари юзасидан назоратни амалга ошириши;

меҳнат шароитлари тўғрисида, шу жумладан касб касалликлари ва бошқа касалликлар хавфи мавжудлиги, муайян иш ўринларида ва ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати ҳақида, шунингдек шу муносабат билан ходимларга берилиши лозим бўлган имтиёзлар ва компенсациялар, шахсий ҳимоя воситалари тўғрисида ходимларни ўз вақтида хабардор қилиши;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматини ташкил этиши;

ходимларни белгиланган нормалар бўйича сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув, шахсий ҳимоя ҳамда гигиена воситалари билан таъминлаши, шунингдек жамоавий ҳимоя воситалари қўлланилишини таъминлаши;

ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар олишини, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан, қайта тайёргарликдан ўтишини, малака оширишини ва билимлари текширилишини таъминлаши;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқувдан ўтмаган, йўл-йўриқлар олмаган ва билимлари текширилмаган шахсларни ишга қўймаслиги;

ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар белгиланадиган, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳукуки бериладиган, ногиронлар банд бўлган зарарли, хавfli ва бошқача меҳнат шароитларига эга иш ўринларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациясини ўтказиши;

дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриқлар белгиланган тартибда ўтказилишини ташкил этиши;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи

органларга, шунингдек касаба уюшмаларига ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларига уларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати, бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текшириши юзасидан назоратни, текширишни ва мониторингни амалга ошириши учун зарур бўлган ахборот ва материалларни тақдим этиши;

авария вазиятларининг олдини олиш, бундай вазиятлар юзага келганда ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, шу жумладан жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар кўриши;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органларнинг кўрсатмаларини бажариши ҳамда касаба уюшмаларининг ва ходимлар бошқа вакиллик органларининг тақдимномаларини кўриб чиқиши;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан давлат томонидан мажбурий ижтимоий суғурта қилинишини, шунингдек иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилинишини таъминлаши;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини белгиланган тартибда текширувдан ўтказиши, шунингдек уларнинг ҳисобини юритиши шарт.

Иш берувчининг зиммасида конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

24-модда. Мажбурий тиббий кўриклар

Иш берувчи ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг ва умумий белгиланган пенсия ёшига етган шахсларнинг, ногиронларнинг, шунингдек бир қатор касблар ва ишлаб чиқаришлар ходимларининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклардан ўтказилишини ташкил этиши шарт.

Тиббий кўриклар ташкилотларга тиббий хизматлар кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасалари томонидан, бундай муассасалар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ташкилот жойлашган ердаги ҳудудий даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилади.

Конун хужжатларига мувофиқ мажбурий тиббий кўриклардан ўтиши лозим бўлган шахслар бошқа ишга ўтказилган тақдирда ҳам тиббий кўрикларни ўтказиш мажбурияти иш берувчининг зиммасига юклатилади.

Тиббий кўриклардан ўтилиши муносабати билан ходимлар чиқимдор бўлмайдилар.

Ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмас.

Ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бўйин товлаган ёки улар ўтказилган текширувлар натижаларига кўра тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажармаган тақдирда иш берувчи уларни ишга қўймасликка ҳақли.

Агар ходим ўз соғлигининг ҳолати меҳнат шароитлари билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўрик ўтказилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Тиббий кўрикларни ўтказиш вақтида ходимнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

25-модда. Ходимларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар бериш ва уларни ўқитиш

Иш берувчи барча янги ишга кираётган, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар бериши, ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усулларини ҳамда бахтсиз ҳодисалардан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга ўқитишни ташкил этиши шарт.

Хавфлилиги юқори бўлган ишлаб чиқаришга ишга кираётган ёки касбий танлов талаб этиладиган ишга кираётган ходимлар учун ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усулларига дастлабки тарзда тайёрлаш, касб бўйича имтиҳонлар топширган ҳолда бир ой мобайнида стажировка ва сўнгра меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича даврий аттестация ўтказилади.

Ташкилотларнинг ходимлари, шу жумладан раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари учун меҳнатни муҳофаза қилишнинг давлат бошқарувини амалга оширувчи давлат органлари томонидан белгиланган тартибда ҳамда муддатларда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан ўтиши, йўл-йўриқлар олиши, билимлари текширилиши ва аттестациядан ўтиши керак.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тартибда ўқувдан ўтмаган, йўл-йўриқлар олмаган ва билимлари текширилмаган шахсларни ишга қўйиш тақиқланади.

26-модда. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текшириш ҳамда ҳисобга олиш

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва ходимларнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши, шунингдек касб касалликлари белгиланган тартибда текширилиши ҳамда ҳисобга олинishi шарт.

Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ишлар бажарувчи (хизматлар кўрсатувчи) шахсларга нисбатан ҳам ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ҳамда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши, касб касалликлари белгиланган тартибда текширилиши ва ҳисобга олинishi шарт.

27-модда. Ходимларнинг айрим тоифалари учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Меҳнат шароити оғир, зарарли ва хавfli ишларда банд бўлган ходимлар, шунингдек ходимларнинг айрим тоифалари (аёллар, ўн саккиз ёшдан кичик бўлган шахслар, меҳнат қобилияти чекланган шахслар) учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

28-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текшируви

Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текшируви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари томонидан амалга оширилади.

Меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

назорат ва текширув вазифаларини бажариш учун зарур бўлган

хужжатларни, тушунтиришларни, ахборотни ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан сўраш ва олиш; ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни махсус текширишлардан ўтказиш ёки текширишда иштирок этиш;

ташкилотларнинг раҳбарларига ва бошқа мансабдор шахсларига меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф қилиш ҳақида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни тақдим этиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор мансабдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўриш ҳақида тақдимномалар киритиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга мувофиқ бўлмаган шахсий ҳимоя воситаларидан ва жамоавий ҳимоя воситаларидан фойдаланишни тақиқлаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларини бузганликда айбдор шахсларни белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш;

меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ҳамда ходимларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф тугдирадиган ташкилотларнинг фаолиятини ёки асбоб-ускуналардан фойдаланишни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатиб қўйиш;

қурилиши, реконструкцияси тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссия ишида иштирок этиш ва улар меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаган тақдирда тегишли хулосалар бериш;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳамда ишлаб чиқаришда ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги даъволар юзасидан судда эксперт сифатида иш юритиш.

Меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текшируви қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари томонидан ҳам амалга оширилади.

29-модда. Меҳнат шароитларининг давлат экспертизаси

Меҳнат шароитларининг давлат экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг меҳнат шароитлари бўйича давлат экспертлари томонидан амалга оширилади.

Меҳнат шароитларининг давлат экспертизаси:

иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациясини ўтказиш сифатини;

ходимларга зарарли ва (ёки) хавфли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун кафолатлар ҳамда компенсациялар берилишининг тўғрилигини;

ходимларнинг ҳақиқий меҳнат шароитларини баҳолаш мақсадида амалга оширилади.

Меҳнат шароитлари бўйича давлат экспертлари куйидаги ҳуқуқларга эга:

назорат ва текширув вазифаларини бажариш учун зарур бўлган ҳужжатларни, тушунтиришларни, ахборотни ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан сўраш ва олиш;

ташкилотларнинг раҳбарларига ва бошқа мансабдор шахсларига меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф қилиш ҳақида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни тақдим этиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор мансабдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўриш ҳақида тақдимномалар киритиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга мувофиқ бўлмаган шахсий ҳимоя воситаларидан ва жамоавий ҳимоя воситаларидан фойдаланишни тақиқлаш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларни ва шартларни бузганликда айбдор шахсларни белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш;

меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ва ходимларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирадиган ташкилотларнинг фаолиятини ёки асбоб-ускуналардан фойдаланишни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатиб қўйиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳамда ишлаб чиқаришда ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги даъволар юзасидан судда эксперт сифатида иштирок этиш.

Меҳнат шароитлари бўйича давлат экспертлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Меҳнат шароитларининг давлат экспертизасини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

30-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашдаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этиши, меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашда иштирок этувчи давлат органларига ва бошқа органларга кўмаклашиши, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда иштирок этиши мумкин.

31-модда. Касаба уюшмаларининг, ходимлар бошқа вакиллик органларининг меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги ҳуқуқлари

Касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида вакилликни, шунингдек ходимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни амалга оширади.

Касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари, шунингдек ходимларнинг ўзи меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этган шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ташкилотларнинг раҳбарларидан ва бошқа мансабдор шахсларидан меҳнат шароитлари ва муҳофазаси тўғрисида, шунингдек ишлаб чиқаришдаги барча бахтсиз ҳодисалар ҳамда

касб касалликлари ҳақида ахборот олиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текширишда иштирок этиш;

ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилган ҳолларда ишларни тўхтатиб туриш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларнинг бузилишларини бартараф этиш тўғрисида иш берувчига таклифлар киритиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ўрганиш, иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш;

ишлаб чиқариш объектларини ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида мустақил эксперт сифатида иштирок этиш, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида иштирок этиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларни бузганликда, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар фактларини яширганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги талаблар билан тегишли органларга мурожаат қилиш;

меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун ҳамда ходимларнинг соғлиғи ва меҳнати муҳофаза қилинишига бўлган ҳуқуқлари чекланган бошқа ҳолларда ходимнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга мурожаат этиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конун ҳужжатлари, жамоа шартномаларида ва келишувларида назарда тутилган мажбуриятлар бузилганлиги, шунингдек меҳнат шароитларининг ўзгариши билан боғлиқ меҳнат низоларини кўриб чиқишда иштирок этиш.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этилган шахсга ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши учун ҳар ҳафтада камида икки соат иш вақти ажратилади ва бу вақт учун иш жойи (лавозими) бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

Касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик

органлари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ижтимоий шерикликни амалга оширади, бош келишувлар, тармоқ ва ҳудудий (минтақавий) жамоа келишувлари, жамоа шартномалари тузиши мумкин.

Касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари, шунингдек ходимларнинг ўзи меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

32-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга жавоб бермайдиган, ишлаб чиқариш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқарганлик ва сотганлик учун жавобгарлик

Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга жавоб бермайдиган, ишлаб чиқариш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқарганлик ва етказиб берганлик истеъмолчиларга етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга мувофиқ бўлмаган ишлаб чиқариш воситаларини, шахсий ҳимоя воситаларини ва жамоавий ҳимоя воситаларини, шу жумладан чет эллардан олинган шундай воситаларни сотиш, тарқатиш ва реклама қилиш тақиқланади ҳамда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

33-модда. Ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги

Иш берувчи ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши туфайли унинг ҳаёти ва соғлиғига ўзи етказган зарарнинг ўрнини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда қоплаши шарт.

Ходимнинг соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш жабрланувчининг меҳнатда майиб бўлишига қадар бўлган ўрғача ойлик иш ҳақиға нисбатан жабрланувчи томонидан касбга оид меҳнат қобилятини йўқотиш даражасига мувофиқ бўлган фоизлардаги ҳар ойлик тўловдан, шунингдек ходимнинг бир

йиллик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда бир йўла бериладиган нафақа тўловидан ҳамда ходимнинг соғлиғи шикастланишидан келиб чиққан қўшимча харажатларни (агар у даволаниш, протез қўйдириш ва тиббий ҳамда ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларига муҳтож деб топилган бўлса, ушбу тадбирлар билан боғлиқ харажатлар, шунингдек жабрланувчининг қайта тайёргарлиги ва тиббий хулосага мувофиқ ишга жойлашиши учун харажатлар ва бошқа харажатлар) компенсация қилишдан иборатдир.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида ходим вафот этган тақдирда, зарарнинг ўрни қопланиши ҳуқуқига эга бўлган шахсларга боқувчининг вафоти билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар ойлик тўловлар амалга оширилади, шунингдек вафот этган ходимнинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти бараваридан кам бўлмаган миқдорда бир йўла бериладиган нафақа тўланади ва дафн этиш харажатларининг ўрни қопланади.

Вояга етмаган ходимнинг соғлиғига зарар етказилган тақдирда зарарнинг ўрнини қоплаш унинг аввалги иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳисоблаб чиқарилади.

34-модда. Ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини юридик шахс қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда қоплаш

Ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун белгиланган тартибда жавобгар деб топилган юридик шахс қайта ташкил этилган тақдирда зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича тегишли тўловларни тўлаш мажбурияти унинг ҳуқуқий вориси зиммасида бўлади. Зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаблар ҳам унга тақдим этилади.

Ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар бўлган, қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг маблағлари мавжуд бўлмаган ёки етарли бўлмаган тақдирда тегишли суммалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат томонидан тўланади. Мазкур суммалар қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам

давлат томонидан тўланади.

Ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун белгиланган тартибда жавобгар деб топилган юридик шахс тугатилган тақдирда тегишли тўловлар уларни жабрланувчига тўлаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда капиталлаштирилиши керак.

Тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки мавжуд бўлмаганлиги ёки етарли бўлмаганлиги сабабли тўловларни капиталлаштириш мумкин бўлмаган ҳолларда тегишли суммалар жабрланувчига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат томонидан тўланади.

35-модда. Низоларни ҳал этиш

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

36-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.



04.04.2017 йил

№ 6-44 “с”

Ўзбекистон Ресубликасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” янги таҳрирдаги Қонуни ижроси юзасидан касаба уюшмалари тизимидаги қайта ишлаб чиқилган норматив ҳужжатлар тўғрисида

Ўзбекистон Ресубликасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш юзасидан қабул қилинган Федерация Кенгаши Раёсатининг 2016 йил 18 октябрдаги 4-4-сонли қарори билан тасдиқланган Ишчи гуруҳ томонидан Федерация тизимида амалда бўлган меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид барча норматив ҳужжатлар хатловдан ўтказилди.

Хатлов якуни бўйича тақдим этилган таклифлар асосида тизимдаги айрим норматив ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, тегишли ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Федерация тизимидаги ташкилотларнинг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатнинг назоратини самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Касаба уюшмаларининг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги хизмати тўғрисидаги Низом (янги таҳрирда) **1-иловаға;**

Касаба уюшмаси кўмитасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссияси тўғрисида Низом **2-иловаға;**

Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш бўйича тавсиялар **3-иловаға** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тармоқ касаба уюшмалари Республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари мазкур қарор билан тасдиқланган ҳужжатларни барча бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларига етказсин ва ижросини таъминлаш чораларини кўрсин.

3. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 26 январдаги **9-23-сонли**, 1996 йил 23 сентябрдаги **10-10-сонли**, 2012 йил 3 сентябрдаги **8-25 “о”-сонли** ва 2015 йил 5 февралдаги **21-10 “с”-сонли** қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг ўринбосари Б.Махмадалиевга юклатилсин.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси раиси**

К.Рафиқов

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги хизмати тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикасида 2017-2020 йилларга мўлжалланган Муносиб меҳнат Дастури ҳамда меҳнат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган.

2. Низом Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси (кейинги ўринларда – **Федерация**) тизимида барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотлари (кейинги ўринларда – **касаба уюшмалари**)нинг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда – **Хизмат**) фаолиятини тартибга солиди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар фаолияти шўҳида ҳужжат билан тартибга солинади.

II. Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги хизмати

3. Хизмат Федерация тизими ташкилотларининг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилишини текшириш ва назорат қилишни амалга ошириш мақсадида ташкил этилади.

4. Хизмат ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, Федерация ва тармоқ касаба уюшмалари Уставлари, тегишли сайлаб

қўйиладиган қасаба уюшмалари органларининг қарорлари ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

5. Хизмат Федерация тизимида барча даражадаги қасаба уюшмалари ташкилотлари тузилмасига қирадиган таркибий бўлинма ҳисобланади.

6. Хизмат ўз фаолиятини тегишли қасаба уюшмаси ташкилоти раҳбари (раҳбар ўринбосари) бошчилигида амалга оширади ва ҳисобот беради.

7. Хизмат ўз фаолиятини қасаба уюшмаларининг таркибий бўлинмалари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, меҳнат ва аτροφ-муҳит муҳофазаси, саноат ва экология хавфсизлиги соҳасида давлат назорати ва текшируви органлари, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари ҳамда бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда олиб боради.

Қасаба уюшмалари ташкилотларига жамоатчилик назоратини амалга оширишда ёрдам беради, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар ўқувини ўтказишда иштирок этади.

8. Хизмат ходимлари ўз ваколатларини амалга оширишда:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан мустақилдирлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига амал қилишга;

ваколат доирасида меҳнатни муҳофаза қилишга оид амалдаги қонун ҳужжатлари талабларини пухта эгаллаш, эришилган ютуқларни, аниқланган камчиликларни таҳлил қилиб, улар асосида таклиф-тавсиялар тайёрлаш, ўз малака ва билимларини доимий тарзда ошириб бориш ҳамда қасаба уюшмаси ишида фаол қатнашиш ва қасаба уюшмасига зарар келтирадиган ҳаракатларга йўл қўймасликка мажбурдирлар.

III. Хизматнинг асосий вазифалари ва функциялари

9. Қуйидагилар Хизматнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги тизимини жорий этиш, унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлашда иштирок этиш;

меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги устидан қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигига оид қонун ҳужжатлари талаблари бузилиши ҳолатини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш;

меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигига оид қонун ҳужжатлари талаблари бузилишига оид маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

корхона, ташкилот ва муассасалардаги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар ва комиссиялар ишини ташкил қилиш ва фаолиятини олиб боришда амалий ёрдам бериш;

жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳаларини экспертиза қилишда иштирок этиш;

ҳодимларнинг хавфсиз меҳнат шароитлари билан таъминланиши, уларнинг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги масалаларига оид қонун ҳужжатлари талабларини тушунтириш.

10. Хизмат ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

а) меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги тизимини жорий этиш, унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш соҳасида:

касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона сиёсатини амалга ошириш;

манфаатдор вазирлик, кўмита, идора ва ташкилотлар, Федерациянинг тегишли бўлинмалари билан биргаликда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлиги соҳасида ҳамда жамоат назоратини амалга ошириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қайта кўриб чиқиш ҳамда ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқишда, қайта кўриб чиқишда ва келишиб олишда иштирок этиш;

меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги тизими ҳамда жамоат назоратини амалга ошириш бўйича норматив-ҳуқуқий, норматив-техник ҳужжатларнинг ҳуқуқий тарғиботини белгиланган тартибда амалга ошириш;

корхона, ташкилот ва муассасалардаги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар ва комиссиялар фаолиятига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш;

меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги тизимидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга оид таклифларни ишлаб чиқиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

б) меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги устидан қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасида:

меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳамда жамоа шартномалари талабларининг бажарилиши устидан текшириш, мониторинг ўтказиш ва бошқа тадбирларда қатнашиш;

қуйидагиларни назорат қилиш:

– меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигига оид аввалги аниқланган қонун ҳужжатлари талаблари бузилишини бартараф этилиши;

– меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ўрганиб, иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятлари бажарилиши;

– ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни ўз вақтида тўланиши;

– ходимларнинг белгиланган нормалар бўйича сут (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланганлиги, уларнинг сақланиш ҳолати (ремонт, ювиш, киёвий тозалаш, чангдан ҳоли қилиш ва б.) ва гигиена воситалари (совун, ювиш ва зарарсизлантириш воситалари) билан бепул таъминланиши;

– ходимларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар берилгани, ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усулларига ҳамда бахтсиз ҳодисалардан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга ўқитишни ташкил этилгани;

– хавфлилиги юқори бўлган ишлаб чиқаришга ишга кирган ёки касбий танлов талаб этиладиган ишга кирган ходимлар учун ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усулларига дастлабки тарзда тайёрлангани, касб бўйича имтиҳонлар топширгани ҳолда бир ой мобайнида стажировка ва сўнгра меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича даврий аттестация ўтказилгани;

– иш ўринларининг меҳнат шароитлари, иш ўринларидаги меҳнат жараёни оғирлиги ва тифизлигининг ҳамда уларнинг жароҳатланиш жиҳатидан хавфлилиги бўйича аттестация ўтказилганлиги ҳамда ҳаққонийлиги, ноқулай ва алоҳида меҳнат шароитларида ишлаганлик учун ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар берилиши, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг 1,2,3-рўйхатларининг тўғри қўлланилиши;

– раҳбар ва ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўз вақтида ўқувдан ўтиши, йўл-йўриқлар олиши, билимлари текширилиши ва аттестациядан ўтиши;

– тиббий хизмат кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасаларининг ходимларни дастлабки тарзда ва даврий тиббий кўриқдан ўтказиш якуний хулосаларида белгиланган кўрсатмаларнинг иш берувчилар томонидан бажарилиши (тиббий кўриқ хулосаларини муҳокама қилишда қатнашиш);

қуйидагиларда иштирок этиш:

– ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текширишда;

– иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш комиссияси таркибида;

– ишлаб чиқариш объектларини ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида мустақил эксперт сифатида;

– янги курилаётган, қайта курилаётган ишлаб чиқариш объектлари лойиҳаларини, янги технологиялар, ускуналар, машина ва механизмлар, транспорт воситаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва меъёрлари талабларига мос келишини экспертизадан ўтказишда ваколат доирасида;

– тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида;

– меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигига оид масалалардаги билимлар синови комиссияларида;

– меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа шартномаларида ва келишувларида назарда тутилган мажбуриятлар бузилганлиги, шунингдек меҳнат шароитларининг ўзгариши билан боғлиқ меҳнат низоларини кўриб чиқиш комиссияларида;

– меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш комиссияларида;

в) меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигига оид қонун ҳужжатлари талаблари бузилиши ҳолатини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш соҳасида:

ташкilotларнинг раҳбарларидан ва бошқа мансабдор шахсларидан меҳнат шароитлари ва муҳофазаси тўғрисида, шунингдек ишлаб чиқаришдаги барча бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликлари ҳақида ахборот олиб, таҳлили асосида, уларни олдини олиш ва тегишли чоралар кўришни талаб этиш;

ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилган ҳолларда ишларни тўхтатиб туриш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларнинг бузилишларини бартараф этиш тўғрисида иш берувчига таклифлар киритиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларни бузганликда, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар фактларини яширганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги талаблар билан тегишли органларга мурожаат қилиш;

меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун ҳамда ходимларнинг соғлиғи ва меҳнати муҳофаза қилинишига бўлган ҳуқуқлари чекланган бошқа ҳолларда ходимнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга мурожаат этиш;

г) меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигига оид қонун ҳужжатлари талаблари бузилишига оид маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш соҳасида:

ишлаб чиқаришдаги барча бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликлари ҳақида маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, юридик ва жисмоний шахсларга бундай жароҳатланишларнинг олдини олиш бўйича таклифлар киритиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши, меҳнат шароитларининг гигиеник меъёрларга мувофиқлиги, иш жойларининг жароҳатлаш хавфлилиги, ходимларнинг яқка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминланганлигини, шу

жумладан ноқулай ва алоҳида меҳнат шароитларида ишлаганлик учун ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар берилишини таҳлил қилиш;

меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш, меҳнат муҳофазаси талабларига риоя этилиши устидан жамоат назоратини олиб бориш самарадорлигини оширишга оид таклифларни ишлаб чиқиш;

д) корхона, ташкилот ва муассасалардаги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар ва комиссиялар ишини ташкил қилиш ва фаолиятини олиб боришда амалий ёрдам бериш соҳасида:

касаба уюшмалари ташкилотларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

меҳнат муҳофазаси ва шароитлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича, шунингдек жамоа шартномаси ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича битим чора-тадбирларини амалга оширишда бошланғич касаба уюшма ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатиш;

корхона, ташкилот ва муассасалардаги меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар, комиссияларга ўз фаолиятларини олиб боришларида услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш;

меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларни ўқитиш, билимлар синовини ўтказиш учун тахминий саволлар рўйхатини тузиб, тасдиқлаш, билимлар синовини ташкил этиб, ўтказиш, тегишли гувоҳномалар билан таъминлаш;

билимлар синовини ўтказиш санаси, жойи ва вақтини белгилаш ҳамда бу ҳақда билимлар синови комиссияси аъзоларига ва меҳнат муҳофазаси бўйича вакилга хабар бериш;

белгиланган шаклда гувоҳномани расмийлаштириш ва эгаларига топшириш;

меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар ҳамда комиссиялар реестрини юритиш;

корхона, ташкилот ва муассасалардаги меҳнат муҳофазаси бўйича комиссиялар ишларини мақсадли ўрганиш;

Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақида Низом (рўйхат рақами 196, 1995 йил 18 декабрь) талабларининг бажарилишини назорат қилиш;

жамоа шартномалари ва меҳнат муҳофазаси бўйича битимларда назарда тутилган меҳнат муҳофазаси ҳолати ва шароитларини яхшилаш бўйича чора-тадбирларнинг иш берувчилар томонидан бажарилишини назорат қилиш;

е) жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳаларини экспертиза қилишда иштирок этиш бўйича:

жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳаларига меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигига оид ходимлар манфаатларини акс эттирувчи нормаларни киритиш;

жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳаларини янги макетларини ишлаб чиқиш ҳамда қайта кўриб чиқишда иштирок этиш;

жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳаларини такомиллаштиришга оид таклифларни ишлаб чиқиш;

тузилган жамоа шартномалари ва келишувлари бажарилишини текшириб туриш.

ж) ходимларга хавфсиз меҳнат шароитлари таъминланишига кўмаклашиш, уларнинг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги масалаларига оид қонун ҳужжатлари талабларини тушунтириш бўйича:

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш;

манфаатдор вазирлик, кўмита, идора ва ташкилотлар билан биргаликда меҳнат шароитлари, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва тигизлиги, асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан иш ўринларини аттестациядан ўтказиш, унинг натижаларини расмийлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш, шунингдек аттестациядан ўтказувчи ташкилотларга кўйиладиган талаблар бажарилиши юзасидан мақсадли ўрганишлар ташкил этиш, якуни бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳамда жойларда амалий ёрдам кўрсатиш;

меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигига оид тармоқ, ҳудуд ва давлат дастурларини шакллантиришда, ишлаб чиқаришда жароҳат олганлар ва касб касаллигига чалинганларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишда иштирок этиш;

касаба уюшмаси аъзоларининг мурожаатларини ўз ваколати доирасида кўриб чиқиш ҳамда ечими бўйича амалий тавсиялар бериш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг махсус текшируви ўтказилишида иштирок этиш ва Федерация томонидан белгиланган тартибда ҳисобга олиншини таъминлаш;

меҳнат муҳофазаси ойлиги, хавфсизлик кунлари, меҳнат муҳофазаси ва шароитларини яхши ташкил этиш бўйича кўриктанловлар ўтказилишини ташкил этиш;

оммавий ахборот воситалари орқали ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, меҳнат муҳофазаси ва шароитларини яхшилаш бўйича илғор тажрибаларни тарғиб қилиш.

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Хизмат белгиланган тартибда ўзига юкланган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

Хизмат ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ўз таркибий бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари орқали амалга оширади.

IV. Жамоатчилик назорати

11. Хизмат касаба уюшмалари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуи, назоратга олинган субъектнинг меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатларига риоя этиши, жамоа шартнома (келишув)ларида назарда тутилган талабларнинг бажарилиши, хавфсиз меҳнат шароитлари яратилишида мансабдор шахслар ва бошқа ходимларнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)ни қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоланиши жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Жамоатчилик назорати, шунингдек кузатувга оид чора-тадбирлар, таҳлил, ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш ва хавфсизлиги таъминлаш талабларига жавоб беришини баҳолаш, коллегиял органлар, комиссиялар ишида иштирок этиш ҳамда қонун ҳужжатларида ва жамоа шартнома (келишув)ларида кўзда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилиши мумкин.

12. Жамоатчилик назорати қуйидаги принциплар асосида амалга оширилади:

инсон ҳуқуқларининг устуворлиги;
жамоат назоратида иштирок этишнинг эркинлиги;
очиқлик ва шаффофлик;
қонунийлик ва холислик;
ижтимоий шериклик.

13. Жамоатчилик назорати қуйидаги шаклда амалга оширилади:

ўз вазифаларини амалга оширишни таъминлаш мақсадида Федерациянинг бўлинмаларидан, бошқа ташкилотлар ва ходимлардан белгиланган тартибда ахборотлар, маълумотлар ва тушунтиришлар сўраш ва олиш;

ташкилотларнинг раҳбарларидан ва бошқа мансабдор шахсларидан меҳнат шароитлари ва муҳофазаси тўғрисида, шунингдек ишлаб чиқаришдаги барча бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликлари ҳақида ахборот олиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида вакилликни амалга ошириши, шунингдек ходимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлигига оид жамоат назоратини ўтказиш масалаларига тегишли бўлган ҳужжатлар ва бошқа материалларни белгиланган тартибда ўрганиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича битим, комиссия, вакил фаолиятига оид тегишли ҳужжатларни юритиш, уларни рўйхатга олиш ҳамда белгиланган тартибда сақлаш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текширишда иштирок этиш;

ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилган ҳолларда ишларни тўхтатиб туриш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларнинг бузилишларини бартараф этиш тўғрисида иш берувчига таклифлар киритиш;

камчиликларни бартараф этиш ҳақида ёзма кўрсатма бериш ва бу камчиликларни бартараф этиш учун муддатлар белгилаш;

иш берувчилар, мулкдорлар ёки улар вакил қилган бошқарув идораси ва мансабдор шахслар томонидан меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси қоида ва меъёрлари талабларининг бажарилиши бузилганда, аниқланган қоидабузарликларни

(камчиликларни) бартараф этиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

ходимлар ҳаёти ва соғлиғига таҳлика солаётган меҳнатни муҳофаза қилиш коида ва меъёрлари талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш, устахоналар, ишлаб чиқариш участкалари, дастгоҳлар, машиналар, транспорт воситалари ва бонқа ускуналар ишини вақтинча тўхтатиб қўйишни иш берувчидан талаб қилиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ўрганиш, иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш;

ишлаб чиқариш объектларини ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида мустақил эксперт сифатида иштирок этиш, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида иштирок этиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларни бузганликда, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар фактларини яширганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги талаблар билан тегишли органларга мурожаат қилиш;

меҳнат вазибаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун ҳамда ходимларнинг соғлиғи ва меҳнати муҳофаза қилинишига бўлган ҳуқуқлари чекланган бошқа ҳолларда ходимнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга мурожаат этиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа шартномаларида ва келишувларида назарда тутилган мажбуриятлар бузилганлиги, шунингдек меҳнат шароитларининг ўзгариши билан боғлиқ меҳнат низоларини кўриб чиқишда иштирок этиш;

касаба уюшмалари органларига Хизмат фаолиятига боғлиқ масалалар бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда киритиш;

Ўз вазифаларини амалга оширишни таъминлаш мақсадида Федерация, шунингдек бошқа вазирлик, кўмита, идора ва ташкилотларнинг юқори малакали ходимларини жалб қилган ҳолда белгиланган тартибда йиғилишлар ўтказиш, ишчи гуруҳлар ва комиссиялар ташкил этиш;

касаба уюшмалари органларитопшириғига кўра турли мажлис ва йиғилишларда, комиссиялар ишида иштирок этиш;

Хизмат вазифаларига боғлиқ масалалар бўйича белгиланган тартибда миллий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш ва ривожлантиришда иштирок этиш;

белгиланган тартибда норматив ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва натижалар асосида таклиф, фикр-мулоҳаза ёки хулоса тайёрлаш;

қонун ҳужжатлари талаблари бузилган ҳолда келиб тушган ҳужжатларни қайтариш.

14. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун Хизмат ходимларига (меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллардан ташқари) мазкур Низомнинг 1-илоvasида келтирилган шаклда, Федерация Кенгаши томонидан рўйхатга олинadиган гувоҳнома берилади.

15. Гувоҳнома жамоатчилик назоратини ўтказиш учун 5 йилга берилади.

Гувоҳнома Федерация Кенгаши раиси томонидан имзоланади, муҳр билан тасдиқланади ва ходимнинг шахсий имзосини олиб тақдим этилади.

V. Хизмат фаолиятини ташкил қилиш

16. Хизмат ходимларини танлаш, тайинлаш ва вазифасидан озод қилиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда, қоида тартиқасида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги хизматининг:

Федерация Кенгаши аппарати бўлими мудирини лавозимига – олий-техник маълумотга ва соҳада камида 7 йил меҳнат стажига эга шахслар;

Федерация Кенгаши аппарати бош мутахассиси лавозимига – олий-техник маълумотга ва соҳада камида 5 йил меҳнат стажига эга шахслар;

Федерация Кенгаши аппарати етакчи мутахассиси лавозимига – олий-техник маълумотга ва соҳада камида 4 йил меҳнат стажига эга шахслар;

касаба уюшмалари ташкилотлари худудий бирлашмаси кенгаши аппарати бўлими мудири ёки тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши аппарати бош мутахассиси лавозимига – олий-техник маълумотга ва соҳада камида 5 йил меҳнат стажига эга шахслар;

касаба уюшмалари ташкилотлари худудий бирлашмаси кенгаши аппарати етакчи мутахассиси лавозимига – олий-техник маълумотга ва соҳада камида 4 йил меҳнат стажига эга шахслар тайинланади.

Мазкур банднинг иккинчи қисмида белгиланган талабларга нисбатан истиснолар Федерация Кенгаши аппарати учун Федерация раҳбарияти томонидан, хизматнинг бошқа бўғинлари учун буйсунув бўйича юқори турувчи касаба уюшмаси ташкилоти томонидан белгиланиши мумкин.

17. Хизмат ходимлари ҳар икки йилда камида бир мартаба ёки зарурат туғилганда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Ўқув марказида малакаси оширилади.

Хизмат ходимлари ҳар беш йилда аттестациядан ўтказилади. Аттестациядан ўтган ходимларга мазкур Низомнинг 14-бандида қайд этилган ягона намунадаги гувоҳнома берилади.

18. Корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва меъёрларига риоя қилинишини текшириш хизмат ходими томонидан шахсини тасдиқловчи гувоҳномани кўрсатган ҳолда, текшириш (ўрганиш) тўғрисидаги тегишли касаба уюшма ташкилотининг режа-жадвали ҳамда фармойишига асосан ўтказилади.

19. Ҳар бир текшириш (ўрганиш) натижалари хизмат ходими томонидан уч нусхада маълумотнома ёки 2-иловада келтирилган тақдимнома шаклида расмийлаштирилади ҳамда корхона раҳбари ва касаба уюшмаси кўмитаси раисига ёки уларнинг ваколатли вакилларига бир нусхадан берилади.

20. Корхона раҳбари маълумотнома ёки тақдимноманинг бажарилиши ҳақида уларда кўрсатилган санагача текширини (ўрганиш) ўтказган хизмат ходимига ёзма равишда ахборот беради.

21. Хизмат ходими берилган ёзма ахборотдан қоникмаса, маълумотнома ёки тақдимнома ҳақиқатда бажарилганлигини жойига чиқиб, кўриши мумкин.

VI. Якуний қондалар

22. Касаба уюшмалари ташкилотлари меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича фаолиятларини мазкур Низомга мувофиқ амалга оширадилар ва қуйида кўрсатилган муддатларда:

бошланғич касаба уюшма қўмитаси (ташкilotи) соҳа бўйича туман (шаҳар) Кенгашига жорий йилнинг ҳар чораги (уч, олти, тўққиз ва ўн икки ой) якуни бўйича маълумотни 3-, 4-, 5-иловаларга мувофиқ;

соҳа бўйича туман (шаҳар) кенгаши Республика ҳамда ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашига жорий йилнинг ҳар чораги (уч, олти, тўққиз ва ўн икки ой) якуни бўйича маълумотни 3-, 4-, 5-иловаларга мувофиқ;

Республика ҳамда ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши жорий йилнинг ҳар чораги (уч, олти, тўққиз ва ўн икки ой) якуни бўйича маълумотларни 3-, 4-, 5-, 6-иловаларга мувофиқ Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига йил бошидан ортиб борувчи якун тарзида умумлаштириб, таҳлил этган ҳолда тақдим этиб борадилар.

23. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари хизматга юклатилган вазифа ва функцияларнинг ҳамда ўз мажбуриятларининг самарали бажарилишига жавобгардирлар, мазкур Низом талаблари бажармаганлиги ёки старли даражада бажармаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун
Хизмат ходимларига бериладиган гувоҳнома
ШАКЛИ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари
Федерацияси

_____ (қасаба уюшма ташкилотининг номи)

Расм _____
_____ ГУВОҲНОМА № _____
_____ (Ф.И.О.)

Мазкур гувоҳнома эгаси Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси 9, 223-моддалари ва Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонуни 31-моддасига асосан меҳнатни муҳофаза қилишнинг норма ва қоидаларига риоя этилиши устидан жамоат текширувини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари
Федерациясида _____ 20__ йил
“___” _____ да рўйхатга олинган.

Федерация раиси _____
М.Ў. _____ (имзо) _____ (Ф.И.Ш.)



**Ўзбекистон қасаба
уюшмалари Федерацияси**

**Меҳнат муҳофазаси ва
хавфсизлиги хизмати**

Ўлчами:

узунлиги (бир томони) – 95 мм;

эни – 70 мм

расм – 20x30 мм

ТАҚДИМНОМА ШАКЛИ

(касаба уюшмаларининг номи)

(меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимининг исми, шарифи)

Кимга: _____

(иш берувчи ёки масъул ходимнинг мансаби ва исми, шарифи)

Нусҳаси: Касаба уюшма кўмитаси раиси _____ га (назорат учун)

“ _____ ” 20 _____ йил _____ сонли

ТАҚДИМНОМА

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 9 ва 223-моддалари ҳамда “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонуни”нинг 11-моддасига асосан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва меъёрларига риоя этиш бўйича аниқланган қуйидаги камчиликларни бартараф этишингизни сўрайман:

Т/р	Аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича талаблар	Бажариш муддати	Изоҳ

Тақдимноманинг бажарилганлиги тўғрисида унда кўрсатилган муддатларда ёзма ахборотни юборишингизни сўрайман.

(Касаба уюшмаларининг номи ва меҳнатни муҳофаза қилиш хизматидаги ходимнинг лавозими)

(имзо)

(исми, шарифи)

Тақдимномани олдим:

(Мансабдор шахс)

(имзо)

(исми, шарифи)

(корхона, ташкилот ва муассасанинг тўлиқ номи)

бошланғич касаба уюшма кўмитаси (ташкilotи) нинг 20__
 йилнинг _____ давомида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги
 бўйича олиб борган ишлари ҳақида

МАЪЛУМОТ

Корхона, ташкилот ва муассасадаги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар сони _____ нафар.

т/р	Кўрсаткичлар	Жами
1.	Касаба уюшмасига аъзолар сони	
2.	Жамоа шартномаларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича режалаштирилган тадбирлар сони тадбирларга сарфланадиган маблағ миқдори (минг. сўм)	
шу жумладан:		
2.1.	меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (меҳнатни муҳофаза қилишга доир тадбирлар режаси ва сарф-харажатлар сметасига кўра) битимдаги тадбирлар сони битим бўйича сарфланадиган маблағ миқдори (минг. сўм)	
2.2.	махсус кийим, махсус пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари учун маблағ миқдори (минг сўм)	
2.3.	сут (ёки шунга тенг бошқа сут маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқатлари учун маблағ миқдори (минг сўм)	
2.4.	гигиена воситалари (совун, ювиш ва (ёки) парасизлантириш воситалари) учун маблағ миқдори (минг сўм)	
2.5.	иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича сарфланадиган маблағ (минг сўм), улардан: суғурталанадиган ходимлар сони	
2.6.	дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклар ўтказилишига сарфланадиган маблағ (минг сўм)	
3.	Жамоа шартномаларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бажарилган тадбирлар сони уларга сарфланган маблағ миқдори (минг. сўм),	

шу жумладан:		
3.1.	мехнатни муҳофаза қилиш бўйича (мехнатни муҳофаза қилишга доир тадбирлар режаси ва сарф-харажатлар сметаси) битимдаги тадбирлар сони битим бўйича сарфланган маблағ миқдори (минг сўм)	
3.2.	махсус кийим, махсус пойабзал ва шахсий химоя воситалари учун маблағ миқдори (минг сўм)	
3.3.	сут (ёки шунга тенг бошқа сут маҳсулотлари), даволаш-профилактика озик-овқатлари учун маблағ миқдори (минг сўм)	
3.4.	гигиена воситалари (совун, ювиш ва (ёки) зарарсизлантириш воситалари) учун маблағ миқдори (минг сўм)	
3.5.	иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича сарфланган маблағ (минг сўм), улардан: суғурталанган ходимлар сони	
3.6.	дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (мехнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклар ўтказилишига сарфланган маблағ (минг сўм)	
4.	Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳар бир ходимга сарфланган маблағ миқдори (минг сўм)	
5.	Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш комиссияларида иштирок этилди	
6.	Ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар сони, жами:	
6.1.	Ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар сони, улардан: қўмита йиғилишида кўриб чиқилганлари	
6.2.	Оқибати оғир бахтсиз ҳодисалар сони, улардан: қўмита йиғилишида кўриб чиқилганлари	
6.3.	Мехнат қобилиятини йўқотганлик даражаси белгиланган ходимлар сони	
6.4.	Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар туфайли меҳнат лаёқатини вақтинчалик йўқотган ходимлар сони меҳнатга лаёқатсизлик кунлари сони	
7.	Ишлаб чиқаришдаги касб касалликларини текшириш комиссияларида иштирок этилди, уларда: аниқланган касб касалликлари сони	
8.	Гиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида иштирок этилди	

	меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси белгиланган кодимлар сони	
9.	Иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш комиссиясида иштирок этилди аттестациядан ўтган иш ўринлари сони	
10.	Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича сайланган вакиллар сони шу жумладан: ўқитилганлари	
11.	Меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар томонидан аниқланган ва касаба уюшма қўмитаси ёки иш берувчига йўлланган қонун, қоида ва меъёрлар талабларининг бузилишлари сони бартараф қилинганлари	
12.	Қонун, қоида ва меъёрлар талаблари бузилишларининг бартараф этилиши юзасидан юқори касаба уюшмалари ташкилотларига ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг қолати устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органларга қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўриш учун топширилган ҳужжатлар сони белгиланган тартибда чора кўрилганлари	

**Касаба уюшма қўмитасининг
раиси**

_____ (имзо)

_____ (исми шарифи ва фамилияси)

« ____ » _____ 20__ йил

(тармоқ, худудий касаба уюшмалари ташкилотлари тўлиқ номи)

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими (бош мутахассиси)нинг 20__
 йилнинг _____ давомида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги
 бўйича олиб борган ишлари ҳақида
 МАЪЛУМОТ

Т/р	Кўрсаткичлар	Жами
1.	Касаба уюшмасига аъзо ташкилотлар сони	
	Касаба уюшмасининг аъзолари сони	
1.1.	Тармоқ (тариф) келишувлари сони	
	Худудий келишувлари сони	
1.2.	Тармоқ (Худуд) келишувларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича режалаштирилган тадбирлар сони	
	уларга ажратилган маблағ (минг сўм)	
1.3	Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бажарилган тадбирлар сони	
	уларга сарфланган маблағ (минг сўм)	
1.4.	Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳар бир ходимга сарфланган маблағ (минг сўм)	
2.	Фаолияти ўрганилган касаба уюшма кўмити (ташкилот)лари сони	
3.	Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича аниқланган қонун, қоида ва меъёрлар бузилишлари сони	
4.	Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан иш берувчиларга киритилган тақдимномалар	
	улардаги бандлар сони	
5.	Касаба уюшмаларининг аралашуви билан бартараф қилинган камчиликлар сони	
6.	Корхоналарнинг юқори бошқарув идораларига ва давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органларга қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўриш учун топширилган ҳужжатлар сони	
	белгиланган тартибда чора кўрилганлари	
7.	Ишлаб чиқаришда жароҳат олган ходимлар ва боқувчисини йўқотган оилаларга берилган ҳуқуқий маслаҳатли ёрдамлар сони	

8.	Ходимларга етказилган зарарни иш берувчи томонидан ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши бўйича келиб чиққан меҳнат низолари меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари иштирокида суд жараёнида кўриб чиқилган ишлар сони	
9.	Ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланишга қабул қилиш давлат комиссиялари ишида иштирок этилди	
	шундан қабул қилинган ишлаб чиқариш воситалари сони	
10.	Ишлаб чиқаришдаги касб касалликларини текшириш комиссияларида иштирок этилди	
	касб касалликлари белгиланганлар сони	
11.	Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларни текшириш комиссияларида иштирок этилди	
	ишлаб чиқариш билан боғлиқ деб топилди	
12.	Тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида иштирок этилди	
	меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси белгиланган ходимлар сони	
13.	Ходимларнинг меҳнати муҳофаза қилинишига доир ҳуқуқлари камситилган ҳолларда қасаба уюшмалари ўз ташаббуси билан ёки ходимларнинг аризаларига биноан уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судга киритган даъво аризалари сони	
	шундан қаноатлантирилганлари	
14.	Меҳнат муҳофазаси ҳолати устидан уч босқичли маъмурий-жамоат назорати йўлга қўйилган жами корхоналар сони	
	шундан ҳисобот даврида йўлга қўйилганлари	
15.	Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг техник ҳолати ва соғломлаштириш мавсумига тайёргарлигини ўрганишлар сони	
	берилган тақдимномалар сони	
16.	Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида аниқланган камчиликлар сони	
	улардан бартараф этилганлари	
17.	Меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган вакиллар сони	
	шу жумладан ўқитилганлари	
18.	Меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар томонидан	

	аниқланган ва касаба уюшма кўмиталари ёки иш берувчиларга йўлланган қонун, қоида ва меъёрлар талабларининг бузилишлари сони	
	бартараф қилинганлари	
19.	Касаба уюшма органларининг мажлиси ва йиғилишларида кўриб чиқиш учун меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати томонидан тайёрланган ҳужжатлар сони, шу жумладан:	
	худудий тармоқ Кенгаши мажлиси, Кенгаш Раёсати йиғилишларида кўриб чиқиш учун тайёрланган ҳужжатлар сони	
20.	Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича уч босқичли назорат тизими йўлга қўйилган корхоналар сони	

**Меҳнатни муҳофаза
қилиш бўлими мудири
(бош мутахассис)**

(имзо)

(исми шарифи ва
фамилияси)

“ _____ ” _____ 20__ йил

КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ МЕХНАТНИ МУХОҒАЗА ҚИЛИШ БЎЙИЧА КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотлари (бундан буён матнда **касаба уюшмаси ташкилоти**) томонидан тузиладиган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссиялар (бундан буён матнда **комиссия** деб юритилади) фаолиятини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги ва “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунлари, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган талаблар асосида комиссиянинг фаолияти ташкил этилади.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Комиссия касаба уюшмаси ташкилотининг сайланма органи ҳисобланиб, касаба уюшмаси ташкилоти ваколатли бўлган даврда ташкил этилади ва фаолият олиб боради.

Тармоқнинг хусусияти ва ходимлар сонидан келиб чиқиб, Комиссия таркиби (раис ва аъзолари) ва сони касаба уюшмаси ташкилоти томонидан тасдиқланади.

Ташкилотда касаба уюшмаси аъзолари сони 15 нафардан кам бўлган тақдирда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссиянинг вазифалари меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил зиммасига юкланади.

2. Комиссиянинг асосий вазифаси:

иш берувчининг қонунлар ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

мазкур соҳада касаба уюшмалари аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш.

3. Комиссиянинг аъзолари меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик хизмати ҳамда бошқа хизматларда иш берувчининг вакили сифатида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлиги масалаларида ташкилий-бошқарув ва назорат функцияларини бажармайдиган, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш бўйича вазифалар лавозим йўриқномаларида белгиланмаган **тажрибали ходимлар** – **касаба уюшмалари аъзолари** бўлиши мумкин.

Комиссиянинг ҳар бир аъзоси касаба уюшмаси ташкилотининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича вакили ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги ва “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (31-моддаси) қонунлари доирасида, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва касаба уюшмалари Уставлари асосида ваколатларга эга бўлади.

4. Касаба уюшмаси ташкилоти аъзоларидан бири Комиссия раиси этиб сайланади. У бир вақтнинг ўзида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил ҳам ҳисобланади.

5. Комиссия ўз фаолиятида меҳнат қонунчилиги, Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонунлари бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва касаба уюшмалари Уставларига амал қилади.

6. Комиссия касаба уюшмаси ташкилоти тасдиқлаган иш режага мувофиқ фаолият юритади.

7. Комиссиянинг мажлислари ҳар чоракда камида бир маротаба ўтказилади.

8. Комиссиянинг мажлиси ярмидан кўп аъзолари иштирок этганда қонуний ҳисобланади.

Комиссия қарорлари кворум мавжуд бўлган ҳолда кўпчилик овоз бериш йўли билан қарор шаклида қабул қилинади.

9. Комиссия мажлисининг баёни эркин ёзилган шаклда бўлиб, тавсиявий хусусиятга эга ҳамда у иш берувчига ва бошқа манфаатдор шахсларга амалиётга тадбиқ этиш учун тақдим этилади.

Энг муҳим ва принципиал масалалар бўйича Комиссия касаба уюшмаси ташкилотига материалларни кўриб чиқиб, қарор қабул қилиш учун киритади.

10. Комиссия раиси ва аъзолари ташкилотнинг таркибий бўлинмалари ва хизматлари, давлат бошқаруви ва назорат қилувчи органлар, тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари, суғурта компаниялари Федерация Кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлиги хизмати ходимлари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб боради.

11. Комиссия ўз фаолияти юзасидан касаба уюшмаси ташкилоти ёки Раёсатида ярим йил ва йиллик (заруратга қараб бошқа муддатда, тез-тез) ҳисобот беради.

12. Иш берувчи ўз ҳисобидан касаба уюшмаси ташкилоти билан Комиссия аъзолари ўқувини ташкил этади, меҳнатни муҳофаза қилишга оид тегишли воситалар ва меъёрий ҳужжатларга маблағ ажратади, шунингдек ўқув даврида иш жойи (лавозими) бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақланади, юклатилган жамоатчилик вазифаларни бажариши учун ҳар ҳафтада камида икки соат иш вақти ва (ёки) жамоа шартномасида белгиланган иш вақти ажратилади.

II. КОМИССИЯНИНГ ФАОЛИЯТИ

13. Комиссия касаба уюшмаси ташкилоти ваколатларини амалга оширишида “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги конунлари бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва касаба уюшмалари Уставларида белгиланган талабларни бажариш учун кўмаклашади.

14. Шу мақсадларни амалга ошириш учун:

меҳнат шароитлари ва хавфсизлиги ҳолатини, санитария-маиший хоналар, жамоавий ҳимоя воситалари, меҳнат шароитлари ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут (шунга тенг бўлган бошқа озик-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озик-овқати, газланган тузли сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, махсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена (ювиш ва зарарсизлантириш) воситалари билан бепул таъминланганлиги, мажбурий тиббий кўриқдан ўтказилганлигини, ходимларнинг

шахсий ҳимоя воситаларини олиш, сақлаш, ювиш, тозалаш, таъмирлаш, дезинфекция қилиш ва зарарсизлантириш иш берувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилганлигини текширади;

жамоа шартномасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими”ни шакллантиришда иштирок этади, иш берувчи билан меҳнат шароитларини белгиланган меъёрларга мувофиқлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилишини текширади;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса ва касб касалликлари сабабларини таҳлил қилади, огоҳлантирувчи профилактик тадбирларни қабул қилиниши бўйича иш берувчига таклифлар тайёрлайди, шунингдек Н-1 шаклидаги далолатнома белгиланган тартибда асосиз тузилмаганда ходимнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади;

махсус текшириш комиссияси томонидан аниқланган ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ходиса ва касб касалликлари сабабларини бартараф этилишини, иш берувчи томонидан ўрнатилган тартибда рўйхатга олинниши ва ҳисоботлар тақдим қилинишини назорат қилади;

хар бир касб тури бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномалар, меҳнат муҳофазаси бўйича бошқа ҳужжатлар ўз вақтида ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини, ходимларни йўриқдан ўтказиш дафтари юритилишини, дастгоҳларнинг даврий техник кўриқдан ўтказиш дафтарлари ҳамда механизмлар, хавфи юқори бўлган асбоб-ускуналар ва бошқа ҳужжатларнинг қоида ва талабларга жавоб беришини текшириб боради;

аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар меҳнатини муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари талаблари бажарилишини назорат қилади ҳамда ушбу масалаларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади;

иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказишда уларнинг меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги, оғир ва зарарли меҳнат шароитларида ишловчиларга имтиёз ва товон пуллари берилишида қонун талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб боради, айрим шахсларга қўшимча имтиёз белгилаш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

ишлаб чиқаришда жабрланган ходимларга ёки вафот этган ходимларнинг оила аъзоларига қонун ҳужжатларида белгиланган тарзда товон пулларини, бир йўла тўланадиган нафақа ва бошқа хил суғурта тўловларини ёки ижтимоий ёрдамни ўз вақтида ҳамда тўлиқ ундирилишида кўмаклашади;

иш берувчи томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонун талаблари ва жамоа шартномаси шартлари бузилганлиги сабабли ходим ўз меҳнат шартномасини бекор қилганда ишдан бўшатиш нафақаси тўловларини ундирилишида ёрдам беради;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар ишларини ташкил этади ва назорат қилади;

меҳнат муҳофазаси хонасини ташкил қилишда, шунингдек уни самарали ишлашида, меҳнат муҳофазаси бўйича бурчаклар, стендлар ва бошқа тарғибот қилувчи воситаларнинг мавжудлиги ҳамда ҳолати юзасидан жамоатчилик назоратини олиб боради; иш берувчи билан ҳамкорликда корхонадаги меҳнат муҳофазаси ҳолати юзасидан кўрик-танлов ташкил қилади;

корхонанинг касаба уюшма ташкилоти раисига ишлаб чиқаришдаги меҳнат шароитларини мустақил равишда экспертизадан ўтказиш, белгиланган дастгоҳларнинг хавфлилиги, механизмлар, асбоб-ускуналар, бинолар ва қурилмаларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга, янги қурилган ёки қайта таъмирланган объектларнинг лойиха ҳужжатларига мослигини текшириш каби масалаларни кўтаради.

15. Комиссия раиси ёки аъзоларидан бири касаба уюшмаси билан келишган ҳолда қуйидаги ишларда иштирок этади:

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса ёки касб касаллигини текшириш комиссияларида;

иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказишда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқлигини ўрганиш комиссияларида;

раҳбар ва ходимларнинг ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усуллари, ўз касблари ва иш турлари бўйича

меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари юзасидан билимлари текширилиши ва аттестациядан ўтказиш комиссияларида;

фойдаланишга топширилаётган, янги ёки қайта таъмирланган ишлаб чиқариш ёки ижтимоий-маданий аҳамиятга эга объектларни меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлигини текшириш бўйича қабул қилиш комиссияларида;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат назорат органлари, касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари томонидан ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш шароитларини комплекс ўрганиш ёки текшириш комиссиялари ишларида.

16. Комиссия раиси ва (ёки) аъзолари меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган бошқа ишларни ҳам амалга оширади.

17. Комиссиянинг раиси ва (ёки) аъзоларидан бири корхонанинг касаба уюшмаси ташкилоти раисига ишлаб чиқаришда содир бўлган гуруҳий, оқибати оғир ва ўлим билан тугаган ҳар бир бахтсиз ходисалар ҳақидаги хабарни юқори турувчи касаба уюшмалари органларининг махсус текширишда белгиланган тартибда иштирок этишлари учун етказди.

III. КОМИССИЯНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

18. Комиссия тўсқинликсиз иш вақти давомида куннинг хохлаган вақтида қуйидагиларни текшириш ҳуқуқига эга:

меҳнат шароитлари ва хавфсизлиги, санитария-маиший хоналар ҳолати;

жамоавий ҳимоя воситаларининг мавжудлиги ва белгиланган меъёрларга мувофиқлиги;

меҳнат шароитлари ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, махсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена (ювиш ва зарарсизлантириш) воситалари билан бепул таъминланганлиги;

мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилганлиги;

ходимларнинг шахсий ҳимоя воситаларини олиш, сақлаш, ювиш, тозалаш, таъмирлаш, дезинфекция қилиш ва зарарсизлантириш иш берувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилганлигини, шунингдек жамоа шартномасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимида кайд этилган мажбуриятларнинг бажарилиши.

19. Шунингдек, комиссия ўз ваколати доирасида:

меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигига таалукли барча масалаларда иш берувчига тақдимнома киритади ҳамда ундан аниқ ва тўлиқ жавоб олади;

иш берувчидан ходимлар ҳаётига ёки соғлига хавфли бўлган иш жойларида, ишлаб чиқариш участкаларида, цех ва бошқа тизим бўлинмаларидаги ишларни зудлик билан тўхтатишни талаб қилади;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар ва касб касалликларини келиб чиқиши сабаблари ва шароитлари, шунингдек ушбу ходисаларда масъул раҳбар ходимлар томонидан ўз вақтида чора кўрмаганлиги ва лоқайдлик қилингани натижасида содир бўлган ҳолатларда ўз хулосаларини беради;

комиссия ваколати доирасида иш берувчи, амалдор шахслар ва ишчи-ходимлардан зарур маълумотларни, ҳужжатларни ва тушунтиришларни олади;

ўз мажлисларида иш берувчи вакили ҳисоботларини эшитади ва муҳокама қилади.

20. Корхонанинг касаба уюшма қўмитаси комиссия раиси ёки комиссия аъзоси томонидан берилган тақдимномани агар қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига ва ходимларнинг ҳуқуқи ҳамда манфаатларига зид бўлса қайтариши мумкин.

IV. ЖАВОБГАРЛИК

21. Комиссия раиси ва аъзолари ушбу низомда назарда тутилган тегишли вазифаларни бажармаганлиги учун белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши, шу жумладан вазифасидан четлатилиши мумкин.

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТАДБИРЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

I. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Мазкур Тавсиялар қасаба уюшмаларининг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигига доир фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” (янги таҳрири) Қонунининг **5-моддасига** мувофиқ, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ходимнинг ҳаёти ва соғлиги устуворлигини таъминлашдан иборат.

Мазкур Қонуннинг **23-моддасига** кўра иш берувчи ҳар бир иш ўрнида меҳнат шaroитларининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаши зарур ва бунинг учун у бир қатор чора-тадбирларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси **211-моддасига** асосан, барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шaroитлари яратилган бўлиши керак. Бундай шaroитларни яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятига киради деб белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Меҳнат кодексининг **216-моддасида** меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш учун белгиланган тартибда маблағлар ва зарур материаллар ажратилиши белгиланган. Бу маблағ ва материалларни бошқа мақсадларга сарфлаш ман этилади. Мазкур маблағ ва материаллардан фойдаланиш тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, - иш берувчи ва қасаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш – меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақланишини

таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизимидир.

II. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш бўйича тавсиялар (матнда кейинги ўринларда – **Тавсиялар**) Ўзбекистон Республикасининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга асосан тайёрланган.

2. Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар корхона, таъкилот ва муассаса (матнда кейинги ўринларда – **таъкилот**)ларнинг иш берувчилари меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда мазкур Тавсиялардан амалда фойдаланишлари мумкин.

3. Режа мазкур Тавсияларга мувофиқ ишлаб чиқилади ва таъкилотнинг қасаба уюшма ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа таъкиллик органи билан келишилади ва иш берувчи томонидан тасдиқланади. Мазкур режа жамоа шартномасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими” қисми ва (ёки) жамоа шартномасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича битими (матнда кейинги ўринларда – **Битим**) кўринишида расмийлаштирилиши мумкин.

Битим – бажариш муддатлари ва масъул шахсларни кўрсатган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни режалаштириш ва амалга оширишнинг ҳуқуқий шаклидир.

Битим тарафлар (иш берувчилар ва қасаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа таъкиллик органлари) томонидан имзоланган кундан ёхуд, битимда белгиланган кундан бошлаб кучга киради. Битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тарафларнинг ўзаро келишуви орқали амалга оширилади. Битимнинг бажарилишини назорат қилиш бевосита тарафлар ёки уларнинг ваколатли таъкиллари томонидан амалга оширилади. Назоратни амалга оширишда тарафлар бунинг учун мавжуд бўлган барча зарур ахборотларни тақдим этишлари шарт.

4. Режа меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация ва бошқа тадбирларни қамраб олади.

5. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларга сарфланган харажатлар ҳақидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган шаклда тўдирилади.

6. Технологияларнинг таракқий этиши билан боғлиқ ҳолда маҳсулотнинг ҳажми ва турининг ўзгариши, ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ошиши ва бошқалар билан боғлиқ техник қайта таъминлаш ва қайта қуриш тадбирлари режага киритилмайди.

III. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

ТАДБИРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ

7. Режага киртиладиган меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларининг ишлаб чиқиш ва режалаштириш (матнда кейинги ўринларда – **тадбир**), иш берувчи ёки унинг вакили ҳамда касаба уюшмалари ёки ходимларнинг вакиллик органи билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Мазкур ишларни амалга ошириш учун ташкилотнинг тегишли хизмат ва бўлимлари жалб этилади.

8. Тадбирларда қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилади:

ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар олиши, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан, қайта тайёргарликдан ўтиши, малака ошириши ва билимлари текширилиши;

иш ўринларида меҳнат шароитларининг ҳолати, айниқса зарарли ишлаб чиқариш омиллари ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари ҳақида, шу жумладан касб касалликлари ва бошқа касалликлар хавфи мавжудлиги, муайян иш ўринларида ва ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати ҳақида, шунингдек шу муносабат билан ходимларга берилиши лозим бўлган имтиёзлар ва компенсациялар, шахсий ҳимоя воситалари тўғрисида ходимларни ўз вақтида хабардор қилиш;

бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналардан фойдаланиш, технологик жараёнларни амалга ошириш чоғида, шунингдек ишлаб чиқаришда хом ашё ва материалларни қўллаш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш чоғида ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаши, касбий хавфни бартараф этиш;

зарарли ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омиллари таъсирида, оғир жисмоний меҳнат қилаётган ходимлар сонини камайтириш;

ходимларни белгиланган нормаларга мувофиқ санитария-маиший хоналар билан таъминлаш ва тегишли мосламалар билан жиҳозлаш;

шахсий химоя воситалари (уларнинг сақланиши), гигиена (ювиш ва зарарсизлантириш) воситалари билан таъминлаш;

дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриқлар белгиланган тартибда ўтказилишини ташкил этиш;

9. Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларинин ишлаб чиқиш ва режалаштириш меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга асосан ҳамда ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати ҳақидаги маълумот (хулоса)ларга мувофиқ амалга оширилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларинин ишлаб чиқиш ва режалаштириш маълумот (хулоса)ларга қуйидагилар киради:

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, касб ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ касалликлар ҳолати ва сабаблари таҳлили;

ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар белгиланадиган, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи бериладиган, ногиронлар банд бўлган зарарли, хавфли ва бошқача меҳнат шароитларига эга иш ўринларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестацияси натижалари;

ходимларни тегишли химоя воситалари билан таъминланган иш ўринлари, шунингдек йўл-йўриқлар олгани, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан, қайта тайёргарликдан ўтгани, малака оширгани ва билимлари текширилгани ҳолати таҳлили;

техник кўриб чиқиб, текширувдан, синовдан, объект (бино, иншоот, қурилма, машина, механизм ва бошқалар)нинг техник ҳолати экспертизадан ўтказилгани, ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига оид бошқа ҳужжатлари (буйруқ, фармойиш, далолатнома, баённома, маъмурий-жамоатчилик журналлари ва бошқалар), шунингдек ташкилотда фойдаланилаётган асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарганларнинг эксплуатация (фойдаланиш) ва ремонт (тузатиш) қилиш ҳужжатлари, хавфсизлик талаблари;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши бўйича назорат ва текширув асосида махсус ваколатли давлат органлари, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари, иш берувчининг бошқа хизматларининг тақдимномалари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мутахассисларининг хулосалари, ҳамда касаба уюшмаларининг ва ходимлар бошқа вакиллик органларининг тақдимномалари;

ташкилотнинг таркибий тузилмаси ва хизматлари, касаба уюшмалари, ҳамда алоҳида ходимларнинг таклифлари.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни тахминий рўйхати мазкур Тавсияларнинг 1-иловасида келтирилган.

IV. МЕҲНАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВА МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

10. Меҳнатни муҳофаза қилишни молиялаштириш куйидагилар ҳисобидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағлари;

иш берувчининг ўз маблағлари;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилган меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармаларининг маблағлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

11. Меҳнатни муҳофаза қилиш учун бюджет маблағлари тегишли (республика ва маҳаллий) бюджетларда алоҳида қайд билан ажратилади, бу маблағлардан бошқарув органларининг, назорат қилувчи ва текширувчи органларнинг таъминоти, илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш, меҳнатни муҳофаза қилишга оид давлат дастурларини ва бошқа дастурларни бажариш учун фойдаланилади.

12. Ҳар бир иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган маблағларни қонун ҳужжатларида, жамоа шартномасида, шунингдек жамоа келишувларида ёки бошқа ички норматив ҳужжатларда белгиланадиган миқдорда ажратади. Ходимлар ана шу мақсадлар учун бирор-бир чиқим қилмайдилар.

13. Ташкилотлар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамғармани ўзининг тижорат фаолияти ва бошқа фаолиятидан олинадиган фойда (даромадлар), шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ташкил этишга ҳақлидир.

14. Меҳнатни муҳофаза қилишга мўлжалланган маблағлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланилиши мумкин эмас.

15. Меҳнатни муҳофаза қилиш учун иш берувчи томонидан маблағлар ажратиш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамғармаларни ташкил этиш ва уларнинг маблағларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси иштирокида белгиланади.

V. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТАДБИРЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ МУДДАТЛАРИ

16. 1 йилдан 3 йилгача муддатда амалга ошириладиган ишлар Тадбирларда режалаштирилади.

17. Ташкилотнинг бюджети келгуси даври учун лойиҳа тайёрланаётганда Тадбирларни режалаштириш амалга оширилади.

18. Тадбирларни режалаштириш якуни “Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитларини яхшилаш тадбирлари режаси” шаклида расмийлаштирилади.

Таклиф этилаётган режа шакли мазкур Тавсияларнинг 2-шловасида келтирилган.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

19. Иш берувчи ёки унинг вакили ҳамда касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи иштирокидаги комиссия томонидан ҳар бир амалга оширилган тадбирлар далолатнома билан расмийлаштирилади. Далолатномада бошқа кўрсаткичлар билан бир қаторда амалга оширилган тадбирга тегишли ҳужжатлар асосидаги сарфланган ҳақиқий харажатлар суммаси кўрсатилади.

20. Режани назорат қилишни жамоа шартномасининг томонлари, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли ва бошқа ваколат берилган давлат органлари, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари, касаба уюшмаларининг юқори турувчи органлари ваколат доирасида амалга оширадилар.

МЕҲНАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАРНИНГ ТАХМИНИЙ РЎЙХАТИ

№	Тадбир номи	Асос
1.	Ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар белгиланадиган, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи бериладиган, ногиронлар банд бўлган зарарли, хавfli ва бошqача меҳнат шароитларига эга иш ўринларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациясини ўтказиш	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 2014 йил 15 сентябрь 263-сон
2.	Ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар олиши, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан, қайта тайёргарликдан ўтиши, малақа ошириши ва билимлари текширилиши	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 215-модда Ўзбекистон Республикаси Қонуни 17-, 25-моддалари, 2016 йил 22 сентябрь ўРҚ-410 Адлия вазирлигида 1996 йил 14 август 272-, 273-сон билан рўйхатга олинган буйруқлар
3.	Дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклар белгиланган тартибда ўтказилиши	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 214-модда Ўзбекистон Республикаси Қонуни 24-моддаси, 2016 йил 22 сентябрь ўРҚ-410 Адлия вазирлигида 2012 йил 29 августда 2387-сон билан рўйхатга олинган буйруқ
4.	Зарарли ва (ёки) хавfli ишлаб чиқариш	Ўзбекистон

	омиллари, хавфли меҳнат шароитлари, шунингдек алоҳида температура ва иқлим ёки атроф-муҳит ифлосланган шароитда банд бўлган ходимларни сертификатлаштирилган махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, гигиена (ювиш ва зарарсизлантириш) воситалари билан таъминлаш	Республикаси Қонуни 18-моддаси, 2016 йил 22 сентябрь ЎРҚ-410 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, 2000 йил 12 июль 267-сон, 2010 йил 20 июль 153-сон
5.	Бино, иншоот ва хоналарни белгиланган меъёрларга мувофиқ ҳолатга келтириш	Давлат стандартлари 12.2.003-91, 12.2.009-99, 12.2.049-80, 12.2.061-81
6.	Ишлаб чиқариш воситаларини автоматизациялаш ва ходимларга хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш мақсадида ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари, технологик жараёнлар, юк кўтариш ва транспорт ускуналарини масофадан туриб (дистанцион) бошқариш	Давлат стандартлари 12.2.049-80, 12.2.061-81, 12.2.062-81, 12.2.064-81, 12.2.072-98, 12.3.002-75, 12.4.026-76
7.	Иш жойларида хавфли ва зарarli ишлаб чиқариш омиллари устидан назорат қилувчи ва огоҳлантирувчи автоматик тизимини, шунингдек технологик ва энергетик жиҳозларнинг носоз ҳолларда фавқулодда ўчирилишини таъминлайдиган блокировка қурилмаларини такомиллаштириш	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 211-модда
8.	Ишловчиларни электр токи таъсирдан ҳимоя этувчи техник воситаларининг амалдаги давлат стандартлари ҳамда “Электроқурилмаларини ўрнатиш қоидалари” талабларига асосан тадбиқ этиш ва такомиллаштириш	Давлат стандартлари 12.1.018-93, 12.1.019-79, 12.1.030-81, 12.1.038-82, 12.1.045-84, 12.2.007.0-75, 12.2.007.14-75
9.	Буғ, сув, газ, кислота ва бошқа коммуникация ҳамда ишлаб чиқариш иншоотларини хавфсиз эксплуатациясини таъминлаш мақсадида сақлагич	Давлат стандартлари 12.2.016-81, 12.2.052-81, 12.2.063-81, 12.2.085-2002,

	аппаратларини, химоя ва оғоҳлантириш воситаларини амалдаги давлат стандартлари талабларига асосан ўрнатиш	12.3.001-85
10.	Ишлаб чиқаришда қўлланадиган захарли, агрессив, тез ўт олувчи ва ёнувчи суюқликларни силжийдиган ва стационар резервуар (идиш)ларда саклаш, кўчириш, тўлдириш ва бўшатиш билан боғлиқ қуйиш ва транспортировка қилиш технологик жараёнларини амалдаги давлат стандартлари талабларига асосан механизациялаш ва автоматлаштириш	Давлат стандартлари 12.1.004-91, 12.1.007-76, 12.1.010-76, 12.2.022-80, 12.3.020-80, 12.4.026-76
11.	Иш жойларда иш зонаси ҳавосида зарарли моддаларни ҳамда салбий таъсир этувчи механик тебранишлар (шовкин, вибрация, ультратовуш ва х.к.) ва нурланишлар (ион, электр, лазер, ультрабинафша нурлари ва х.к.) даражасини ўрнатилган меъёрларга қадар амалдаги давлат стандартлари талабларига асосан пасайтириш	Давлат стандартлари 12.1.006-84, 12.1.012-2004, 12.1.040-83, 12.1.045-84
12.	Ходимларни хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларидан химоялайдиган жамоавий химоя воситаларини амалдаги давлат стандартлари талабларига мувофиқлаштириш	Давлат стандартлари 12.4.011-89, 12.4.120-83, 12.4.125-83
13.	Иш ва хизмат кўрсатиш зоналарида нормал иссиқликка оид тизимни ва микроиклимни таъминлаб бериш мақсадида ишлаб чиқариш ва маиший хоналарда иситиш ва шамоллатиш системаларини, иссиқлик ва ҳаво никобларини, аспирация ва чанггазютувчи қурилмаларни амалдаги давлат стандартлари ҳамда “Иситиш, шамоллатиш ва конденсирлаш” талабларига мувофиқлаштириш	Давлат стандартлари 12.1.005-88, 12.2.028-84 Қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҚМҚ 2.04.05-97
14.	Иш жойи, цех, маиший хона, оммавий ўтадиган йўлакча ҳамда майдонларда сунъий ва табиий ёруғликни амалдаги “Табиий ва сунъий ёритиш” қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига асосан таъминлаш	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҚМҚ 2.01.05-98

15.	Ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқаришга оид асбоб-ускуналар жойланишини амалдаги давлат стандартлари талаблари мувофиқлаштириш	Давлат стандартлари 12.3.002-75, 12.4.120-83
16.	Огоҳлантирувчи ҳамда хавфсизлик белги ва рангларни амалдаги давлат стандартлари талабларига асосан ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари (бошқарув ва назорат органлари, мослама таркибий қисмлари)га, коммуникация ва бошқа объектларига жорий қилиш	Давлат стандартлари 12.4.026-76, 12.4.040-78, 14202-69
17.	Хомашё, тайёр маҳсулот ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини омборга жойлаштириш ва транспорт воситасида ташиш ишларини амалдаги давлат стандартлари талабларига асосан механизациялаштириш	Давлат стандартлари 12.2.022-80, 12.3.009-76, 12.3.020-80
18.	“Иситиш, шамоллатиш ва конденциялаш” қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига асосан ишлаб чиқариш хоналарини, зарарли ва хавфли хомашё манбалари бўлган ишлаб чиқариш чиқиндиларини ўз вақтида чиқариб ташлаш ва зарарсизлантириш, ҳаво юритиш ва шамоллатиш қувурларни, ёруғлик лампаларни, деразаларни тозалашни механизациялаштириш	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҚМҚ 2.04.05-97
19.	Бино (ишлаб чиқариш, маъмурий, маиший, оммавий, омбор)ларни, иншоотларни, хоналарни, қурилиш ва саноат майдончаларини амалдаги “Қорхоналарнинг маъмурий ва маиший бинолари” қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҳамда “Инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитини ногиронлар эҳтиёжлари ва аҳолининг камҳаракатланувчи гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига мос ҳолга келтириш	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҚМҚ 2.09.04-09 Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ШНҚ 2.07.02-07
20.	Санитария-маиший хона (гардероб, душ,	Қурилиш меъёрлари

	ювиниш, ҳожат, аёллар гигиенаси, исситиш ёки совитиш, ишлов бериш, махсус кийимларни сақлаш ва тарқатиш хона)ларини амалдаги “Корхоналарнинг маъмурий ва маиший бинолари” қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига мувофиқлаштириш	ва қоидалари ҚМҚ 2.09.04-09
21.	“Корхоналарнинг маъмурий ва маиший бинолари” қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига асосан газли сув тайёрлаш учун сатуратор автоматларини сотиб олиш ва ўрнатиш, иш жойларига ичимлик ва газли сувлар, чой ҳамда витаминли шарбатларни иш жойларига етказиб берилишини ташкил этиш	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҚМҚ 2.09.04-09
22.	“Корхоналарнинг маъмурий ва маиший бинолари” қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига асосан объектларда дам олиш, дармон кўриш, психологик бўшаниш, исиниш хоналарни ҳамда очик ҳавода ишлаш пайтида куёш нурлари ва кор-ёмғирлардан сақланиш ва пана жойларини янгитдан қуриш ёки қайта қуриш ва жиҳозлаш	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҚМҚ 2.09.04-09
23.	Ходимларни белгиланган нормалар бўйича сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув, шахсий ҳимоя ҳамда гигиена воситалари билан таъминлаши, шунингдек жамоавий ҳимоя воситалари қўлланилишини таъминлаш	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 217-модда Ўзбекистон Республикаси Қонуни 18-,23-моддалари, 2016 йил 22 сентябрь ЎРҚ-410
24.	Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан давлат томонидан мажбурий ижтимоий суғурта қилиш, шунингдек иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш	Ўзбекистон Республикаси Қонунлари 2008 йил 10 сентябрь ЎРҚ-174, 2009 йил 16 апрель ЎРҚ-210
25.	Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бурчаклар, кабинет, кўчма лабораторияларни ташкил этиш, уларни	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 211-модда

	<p>Ўзбекистон Республикаси Қонуни 23-моддаси, 2016 йил 22 сентябрь ЎРҚ-410</p>
<p>26. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни нашр этиш (қўпайтириш) ҳамда меҳнат муҳофазаси соҳасида адабиётларни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни сотиб олиш</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 211-молда Ўзбекистон Республикаси Қонуни 23-моддаси, 2016 йил 22 сентябрь ЎРҚ-410</p>

Изоҳ:

Асос қилиб келтирилган ҳужжатлардан ташқари, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник эҳтиётдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам асос бўлиши мумкин.

Иш берувчилар, касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг хоҳишига кўра меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларга ҳодимларни соғломлаштириш ва меҳнат шaroитларини яхшилашга қаратилган бошқа ишларни ҳам киритиши мумкин.

Ноишлаб чиқариш тармоқлари (савдо, маданият ташкилотлари, давлат муассасалари ва бошқалар), шунингдек электр қурилмалар, телерадио ва алоқа корхоналарига хизмат кўрсатиш, улардан фойдаланиш, таъмирлаш, йиғиш ва барпо этиш жараёнлари ҳамда транспортировка қилиш, сақлаш ва ташиш жараёнлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларнинг мазмуни ушбу Тавсияларда кўрсатилган тадбирлардан фарқ қилиши мумкин.

Келишилди

Касаба уюшма кўмитаси

Баённома № _____

20 ____ йил _____

имзо, мухр

Тасдиқлайман

Ташкилот раҳбари

20 ____ йил _____

имзо, мухр

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ТАДБИРЛАРИ РЕЖАСИ

№	Асосий зарарли ва (ёки) хавfli ишлаб чиқариш омиллари	Тадбир мазмуни	Ижро механизми	Сарфланадиган маблағ (минг сўм)	Бажариш муддати	Масъул ижрочи	Кутилаётган натижа				назорат
							меҳнат шароити меҳнатни муҳофаза қилишга оид норматив талабларига мувофиқлаштирилган, <i>ҳодимлар сони</i>		Зарарли ва (ёки) хавfli ишлаб чиқариш омиллари мавжуд меҳнат шароити ҳамда оғир жисмоний ишдан озод этилган, <i>ҳодимлар сони</i>		
							жами	улардан, аёллар	жами	улардан, аёллар	



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ**

2014 йил 26.08

№ 304

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги
даволаш профилактика муассасалари ва ташкилотларида
меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги
бўйича ишларини ташкил этиш тўғрисида.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1996 йил 14 августда 273-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги намунавий низомга ҳамда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 14-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги идоралар, муассасаларда меҳнат муҳофазаси бўйича ишларини янада такомиллаштиришда муассаса раҳбарлари, муҳандис-техник ва тиббиёт ходимларининг жавобгарлигини ошириш мақсадида,

Б У Ю Р А М А Н :

1. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши билан келишилган ҳолда «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги низом 1-иловага, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитилишни ташкил қилиш ва билимларини текшириш тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қарақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармалари, тизимидаги Олий ва ўрта -махсус билим юртлари ва республика тасарруфидаги тиббиёт муассасалари раҳбарларига;

2014 йилнинг 1 сентябригача бўлган муддатда жойларда «Меҳнат муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлиги бўйича ишларини

001481 7

ташқил этиш тўғрисида”ги ўз низомларини қасаба уюшма қўмиталари билан келишилган ҳолда ишлаб чиқиб тасдиқлаш;

вазирлик тизимидаги барча ташкилот ва муассаса раҳбарлари қасаба уюшма қўмиталари билан келишилган ҳолда меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар низом ва лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиш ҳамда низом асосида барча ходимлар лавозим йўриқномаларига меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли ўзгартиришлар киритиш топширилсин.

3. Мазкур буйруқнинг бажарилиши бўйича вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассаса раҳбарлари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган маълумотларни 2014 йилнинг 1-октябргача Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Комплекс фойдаланиш бошқармасига тақдим этилсин.

4. Мазкур буйруқнинг чиқарилиши муносабати билан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1994 йил 7 ноябрдаги тасдиқланган “Ўзбекистон Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги корхона, муассаса, ташкилотларда меҳнат муҳофазаси бўйича ишларини яхшилаш тўғрисида”ги 504-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Ш.Х.Тиллаев зиммасига юклатилсин.

Вазир



А.Алимов

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнги хавфсизлиги бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида

Н И З О М

Мазкур “Меҳатни муҳофаза қилиш ва ёнги хавфсизлиги бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида”ги Низом (бундан буён Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 14.08.96 й. 273-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги намунавий низомга асосан тайёрланди.

Низом Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этишнинг асосий тамойиллари ва мақсадларини, шунингдек хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашга доир ишларнинг таркиби ва вазифаларини ўзгартирмайди, балки Низом Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларининг хусусиятига дахлдор айрим талабларига аниқлик киритади.

Низом Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш шакллари ва услубларини белгилаб беради.

Низом, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати, иш берувчи, техник раҳбар ва хавфсиз меҳнат шароитларини ташкил қилиш ҳамда таъминлашга оид муассасадаги бошқа ходимларнинг асосий вазифаларини белгилайди, идоровий ва тезкор назоратнинг тузилиш схемаси, тезкор иш режаларининг шакллари ва меҳнат муҳофазаси ҳолати устидан уч босқичли назоратни ташкил этиш ва ўтказиш услубиятини ўз ичига олади.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча таркибий бўлинмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармалари, соғлиқни сақлаш тизимидаги Олий ва Ўрта тиббиёт билим юрти ва Республика тасарруфидаги соғлиқни сақлаш муассасалари, Тиббиёт илмий текшириш институтлари, даволаш масканлари, ташкилотлар, муассасалар, жамоа ташкилотлари улардаги барча ишловчилар, шу жумладан айрим ёлловчилар билан меҳнат

муносабатиди турганлар амал қилиши ҳамда бажариши учун норматив ҳужжат ҳисобланади.

Низом Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касабиди уюшмасиди Марказий кенгашининг таклифлариниди ҳисобга олган ҳолда “ Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиғиди” томонидан тайёрландиди.

ЎЗБЕКИСТОН СОЎЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ БЎЙИЧА ВАЗИФАСИ.

I-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидағиди давлат сиёсатиди қуйидағиди тамойилларга асосланади:

-муассасанинғ фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинғ ҳаёти ва соғлиғиди устуворлиғиди;

-меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидағиди фаолиятни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинғ бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириш;

-мулк ва ҳўжалик юритиш шаклларида қатъий назар барча муассасалар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасиди ягона талабларни белгилаш;

-меҳнатнинғ экология жихатидан хавфсиз шароитлари яратилишиниди ва иш жойларида атроф-муҳит ҳолатиди мунтазам назорат этилишиниди таъминлаш;

-муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари ҳамма жойда бажарилишиниди назорат қилиш;

-хавфсиз техника, технологиялар ва ходимларни химоялаш воситалари ишлаб чиқилиши ва тадбиқ этилишиниди рағбатлантириш;

-меҳнатни муҳофаза қилиш бўйида фан, техника ютуқлари ҳамда илғор маҳаллий ва хорижий тажрибадан кенг фойдаланиш;

-ходимларни маҳсус кийим ва пойабзал, шахсий химоя воситалари, даволаш-профилактика озик-овқатлари билан бепул таъминлаш;

- ҳар бир бахтсиз ходиса, ҳар бир касб касалликни текшириш ва қайд этиш зарурлиги ҳамда шунга асосланиб жароҳатланиш ва касб касаллигининг даражаси тўғрисида аҳолига ахборот бериш;

- бахтсиз ходисаларда жароҳатланган ва касб касаллик ортирган ходимларнинг манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилиш;

-касаба уюшмалар ва бошқа жамоат бирлашмалари, муассасалар ҳамда алоҳида шахсларнинг меҳнатни муҳофаза қилишни янгилашга йўналтирилган фаолиятларини ҳар томондан қўллаб-қувватлаш;

-меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал қилишда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

1.2. Меҳнат соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг давлат меҳнат техника инспекцияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари: Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари давлат меҳнат техника инспекциялари орқали амалга оширади.

1.3. Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин ҳавфсизлиги қоидалари ва меъёрларига риоя қилиниши устидан назорат ва текширувни қуйидагилар амалга оширади:

-махсус ваколатга эга давлат органлари ва уларнинг инспекциялари;

1.3.1.Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрларига риоя қилиниши устидан жамоатчилик назоратини касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари амалга оширади.

1.4. Муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонун ва бошқа меъерий ҳужжатларга риоя қилиниши устидан жамоат назоратини муассаса жамоаси ва касаба уюшма ташкилотининг умумий мажлисида сайланган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил томонидан амалга оширилади.

1.5. Махсус тайёргарликдан ўтган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил иш жойларидаги меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини тўсқинликсиз текшириш, аниқланган камчиликларни баргараф этиш ва бунга айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка

тортиш тўғрисида таклифлар киритиш ҳуқуқига эга. Меҳнат муҳофазаси бўйича вакилга ўз вазифаларини бажариши учун ҳар ҳафтада иш пайтида камида икки соат вақт ажратиб берилади ва ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланади.

1.6. Ҳалқаро шартномалар ва битимлар асосида Ўзбекистон Республикаси нинг муассасалари ва фуқаролари томонидан ишлар бажарилганда, уларда назарда тутилган меҳнатни муҳофазати қилишга оид талаблар, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, шунингдек техник андозаларга мувофиқ қўлланилади.

1.7. Муассаса бошқарувининг турли сатҳида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилиниши учун раҳбар(бош шфокор, директор ва х.в.о) жавобгар ҳисобланади.

II – БОБ.

ХОДИМЛАРНИНГ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР

2.1. Меҳнат муҳофазаси тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қиладиган, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техник, санитария-гигиена, даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

2.2. Меҳнат жараёнида хавфсизлик, саломатлик ва иш қобилиятини таъминлаш учун қуйида келтирилган ўзаро боғлиқ вазифалар мажмуасини ҳал қилиш зарур.

Қуйида берилган ҳар бир вазифани шу гуруҳга киритилган барча талаблар бажарилгандагина ҳал қилиш мумкин.

2.2.1. Ходимларни касбий маҳоратига кўра танлаш.

Маҳоратига кўра танланиши зарур бўлган касб ва мутахассисликларни белгилаш.

Ишга янги кираётганларнинг руҳий-жисмоний текширувдан ўтказиш ва касбга мойиллигин баҳолаш.

Касб маҳорати танловидан ўтган кишиларнинг касбга кўникиши устидан назорат қилиш.

2.2.2. Ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш.

Кириш йўриқдан ўтказиш.

Иш жойидаги дастлабки йўриқдан ўтказиш.

Иш жойидаги даврий йўриқдан ўтказиш.

Навбатдан ташқари ва жорий йўриқдан ўтказиш.

Иш жойидаги стажировка.

Ҳар йили ўқитиш, ходимларнинг билимларини текшириш.

Техник-муҳандис ходимлар (ТМХ) ни даврий шаҳодатдан ўтказиш.

Давлат назорати органлари назорати остидаги объектларга хизмат кўрсатадиган ходимларнинг билимларини текшириш.

Ўта хавфли ишга қираётган ходимларни ўқитиш.

Бахтсиз ходисаларда жароҳатланган кишиларга биринчи ёрдам кўрсатишни ўргатиш.

2.2.3. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид тарғиботни таъминлаш.

Бўлимларни ахборот стендлари ёки хавфсизлик техникаси ва ённинг қарши хавфсизлик бурчаклари билан таъминлаш.

Меҳнатни муҳофаза қилишга оид илғор тажрибани ўрганиш, тарғибот қилиш ва татбиқ этиш.

Меҳнатни муҳофаза қилишга ва ённинг хавфсизлигига оид кўргазмалар ташкил этиш.

”Чакмоқ”лар чиқариш ва деворий нашрда мақолалар бериш.

2.2.4. жиҳозларининг хавфсизлигини таъминлаш.

Жиҳозларининг хавфсизлик андозаларига мувофиқлигини таъминлаш.

Жиҳозларнинг меъёрий-техник ҳужжатлари меҳнат хавфсизлиги андозалари тизими (МХАТ) нинг талабларига мувофиқлигини таъминлаш.

Жиҳозларга тўғри хизмат кўрсатилишини таъминлаш.

Даврий таъмирлаш ишлари ўтказилишини таъминлаш.

Режадаги таъмирлаш ишлари бажарилишини таъминлаш.

Даврий кўриклар ўтказилишини таъминлаш.

Иш жойларини меҳнатни муҳофаза қилиш ва ённинг хавфсизлиги меъёрлари ва қоидалари талабларига мувофиқ ташкил этиш.

Хавфли ва зарарли омиллари манбаларини аниқлаш ва баътаф этиш.

Хавфли блоклар ва участкаларни зичлаш (герметизациялаш) ҳамда ажратиб қўйиш мақсадида технологик жараёнларни оқилона ташкил этиш ва жиҳозларни такомиллаштириш.

Иссиқлик манбаларини ажратиб қўйиш ва ҳимоялаш экранларини ўрнатиш.

2.2.5. Технологик жараёнлар хавфсизлигини таъминлаш.

Технологик жараёнларнинг МХАТ талабларига жавоб беришини таъминлаш.

Технологик жараёнлар регламентига риоя қилинишини таъминлаш.

Портлайдиган ва ёнгин жиҳатдан хавфли моддаларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнгин хавфсизлиги меъёрлари ҳамда қоидалари талабларига мувофиқ сақланиши, ташилиши ва ишлатилишини таъминлаш.

Йўл қўйилган меъёрлари чегараси ишлаб чиқилмаган ва белгиланган тартибда экспертизадан ўтмаган зарарли моддалардан фойдаланишни тақиқлаш.

Зарарли, токсик, ионланган ва бошқа хавфли моддалардан фойдаланиладиган технологик жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш.

2.2.6. муассаса бинолари ва иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш.

Бинолар ва иншоотларнинг ҚМҚ ва МХАТ талабларига жавоб беришини таъминлаш.

Бинолар ва иншоотларнинг потенциал хавфли элементларини аниқлаш ҳамда баргараф этиш.

Бинолар ва иншоотларнинг жорий ва тўла таъмирини ўтказиш.

2.2.7. Меҳнатнинг санитария-гигиена шароитларини меъёрларига етказиш.

Бўлимлар ва хоналарда санитария-гигиена талабларига жавоб берувчи хавонинг намлиги ва ҳароратини яратиш.

Шамоллатиш мосламалари, кондиционерлар, иситиш тизимларини ушбу технологик жараёнга қўйиладиган талабларга мувофиқ равишда сақлаш ва фойдаланиш.

Сунъий ёриткичларни тоза ва соз ҳолда сақлаш.

Хоналарини ўз вақтида тозалаш.

Иш жойлари ҳамда хоналарининг жойлашиши ва ранги эстетика ва дизайн қоидаларига жавоб бериши керак.

2.2.8. Ишчиларни шахсий ҳимоя воситалари (ШХВ) билан таъминлаш.

ШХВ га бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва ўз вақтида буюртмаларни тузиш.

ШХВ ни сақлаш, қабул қилиш ва берилишини ташкил этиш.

ШХВ ни таъмирлаш, кимёвий тозалаш ва ювишни ташкил этиш.

ШХВ ни синаш ва ундан тўғри фойдаланишни таъминлаш.

2.2.9. Ходимларнинг меҳнат қилиши ва дам олишининг энг қулай тартибини таъминлаш.

Меҳнат қилиш ва дам олишнинг белгиланган тартибларига риоя қилинишини таъминлаш.

Меҳнат қилиш ва дам олиш тартибларини оқилона ташкил этиш.

2.2.10. Ходимларга даволаш-профилактика хизматини кўрсатиш. Дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш.

Зарарли омиллар таъсир қиладиган ишчиларнинг саломатлигини кузатиб бориш.

Касбий касаллик белгилари бўлган кишиларни текшириш ва даволаш.

Даволаш-профилактика тадбирларини таъминлаш.

Ходимларни профилактика ва махсус озиқ-овқат билан таъминлаш.

Ходимларни биринчи ёрдамни кўрсатишга ўргатиш.

Барча хоналарини дори тўпламлари ва биринчи ёрдам кўрсатишнинг бошқа воситалари билан таъминлаш.

2.2.11. Ходимларнинг санитария-маиший таъминотини меъёрига етказиш.

Меъёрларга мувофиқ ишчиларни санитария-маиший хоналари, шу жумладан аёлларнинг гигиена хоналари билан таъминлаш.

Санитария-маиший хоналар ва қурилмаларни гигиеник талабларга мувофиқ сақлаш.

Муассасалар ва бўлимларда ходимларни махсус овқатланиш жойлари билан таъминлаш.

Ходимларни дам олиш жойлари билан таъминлаш.

III- БОБ.

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИДА МЕХНАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Вазирликда меҳнатни муҳофаза қилишга доир ишлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши билан келишилган ҳолда тасдиқланган низомларга биноан мувофиқлаштирилади.

3.2. Вазирлик тизимида меҳнат жараёнида хавфсизлик, саломатлик ва иш қобилиятини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, техникавий, санитария-гигиена ва ташкилий тадбирларни режа асосида амалга ошириш ва қонун ҳужжатларига риоя қилиш меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш бўйича асос бўлиб ҳисобланади.

3.3. Раҳбар ўзига мазкур Низом билан юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал қилишга доир мажбуриятларни қўл остидаги ходимларга уларнинг вазифалари ва масъулияти доирасини аниқ белгилаган ҳолда тақсимлаши керак.

МЕХНАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ИШИГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ

Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича умумий раҳбарлик ва жавобгарлик қуйидагича юкланади:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида - вазир ўринбосарларидан бирига:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бошқармаларида бошқарма бошлиғига:

Соғлиқни сақлаш муассасаларида иш берувчиларига:

Муассаса ва ташкилотларнинг таркибий бўлинмаларида (бўлимлар, лабораториялар ва шу каби) бўлим мудирларига.

1§. РАҲБАРЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

-мехнатни муҳофаза қилиш соҳасида Давлат сиёсати тамойилларига риоя қилиниши ва бажарилиши устидан ички муассасавий назоратни ташкил этади ва амалга оширади;

-экологик хавфсиз меҳнат шароитларини ва атроф-муҳит ҳолати устидан доимий назоратни таъминлайди;

- ҳар беш йилда камида бир марта Меҳнат шароитларига баҳо беришнинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган услубият асосида иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича шаҳодат (аттестация)дан ўтказилишини доимий назоратни таъминлайди.

-муассасарда меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари ҳар томонлама бажарилиши устидан назорат ва текширувни амалга оширади;

-ходимларни бепул махсус кийим ва пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари, даволаш-профилактика озиқ-овқати билан таъминлайди;

- ҳар бир бахтсиз ҳодиса ва ҳар бир касб касаллиги текширилиши ҳамда ҳисобга олинишини назорат қилади ва шунинг асосида жароҳатланиш ҳамда касб касалликларининг даражаси тўғрисида ходимларни хабардор этади;

- бахтсиз ҳодиса туфайли жароҳат олган ёки касб касаллигига чалинган ходимлар манфаати ижтимоий ҳимояланишини таъминлайди;

-меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига доир муассасанинг меъёрий ҳужжатлари, қоидалари, намунавий йўриқномалари, ходимларни ўқитиш дастурларини белгиланган тартибда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

-конун ҳужжатлари, давлат назорат органлари, касаба уюшма ташкилотларининг таклифларини ҳисобга олган тарзда меҳнат шароитларини яхшилашнинг умумий режаларини ишлаб чиқади, уларнинг тадбиқ этилиши ва назорат қилинишини ташкил этади, улар бажарилиши учун моддий-техник ва молиявий манбаларни кўзда туттади;

-муассасалар ва иншоотларни лойиҳалаш, куриш ва фойдаланишда, тиббиёт ускуналарини ва воситаларини таъмирлашда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари бажарилишини назорат қилади ва таъминлайди;

-ишчиларни касб маҳоратига кўра танлаш устидан назоратни амалга оширади;

-меҳнатни муҳофаза қилиш тизимида ишлаш учун мутахассислар ўқитилишини таъминлайди.

-меҳнатни муҳофаза қилиш ходимларининг малакасини ошириш тизимини таъминлайди.

-меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича марказлаштирилган жамғармалар тузилиши ва ишлатилишини назорат қилади.

2 §. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2.1. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг 14 - моддасига биноан “Ходимлар сони 50 нафар ва ундан ортиқ бўлган Муассасаларда махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати тузилади (лавозим жорий этилади), 50 ва ундан ортиқ транспорт воситаларига эга Муассасаларда эса, бундан ташқари, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тузилади (лавозимлар жорий этилади).

2.2. Ходимлар сони ва транспорт воситаларининг миқдори камроқ Муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилга юклатилади. Унинг вазифалари ва мажбуриятлари “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги низомда белгилаб берилган.

2.3 Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари касаба уюшма кўмитаси билан келишилган низомларга биноан иш юритади ва ўз мақоми бўйича Муассасанинг асосий хизматларига тенглаштирилади ҳамда унинг раҳбарига бўйсунди.

2.4 Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларининг мутахассислари ўз лавозим мажбуриятларига алоқадор бўлмаган ишларни бажаришга жалб қилинмайди.

Муассасадаги ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароитлари меҳнатни муҳофаза қилишга оид андозалар, қоида ва меъёрларнинг талабларига жавоб бериши керак.

2.5 Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари Муассаса ўз фаолиятини тўхтатган ҳолдагина тугатилади.

2.6. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларининг вазифалари.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг мутахассислари:

-барча ходимлар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларига риоя қилинишини назорат қилиш;

-тузилма бўлинмаларининг раҳбарларига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

-меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида Муассаса раҳбарларига таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

-муассасалар ва ташкилотларда меҳнат, меҳнатни муҳофаза қилиш, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратишга доир иш шакллари ва услубларини такомиллаштириш тўғрисидаги қонунларга риоя қилиш устидан услубий раҳбарлик ва назоратни амалга оширади;

-ҳар беш йилда камида бир марта Меҳнат шароитларига баҳо беришнинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган услубият асосида иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича шаҳодат (аттестация)дан ўтказилишини доимий назоратни амалга оширади;

-жароҳатланиш ва касб касаллигининг ҳолати ҳамда сабабларини таҳлил қилади;

-бошқа бўлинмалар билан ҳамкорликда бахтсиз ходисалар ва касб касалликларининг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқади, шунингдек кўрсатилган тадбирларнинг тадбиқ этилишини ташкил қилади;

-тегишли муассасалар томонидан ишлаб чиқилган меҳнат хавфсизлиги андозалари, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва

меъёрларининг лойиҳаларини кўриб чиқади ва келишади, улар бўйича хулосалар беради ва уларни тадбиқ қилиш ишларини ташкил этади;

-меҳнатни муҳофаза қилишга оид тугалланган илмий-тадқиқот ишлари бўйича хулосалар беради ва уларни тадбиқ қилиш чора-тадбирларини ташкил этади;

-рахбар ва техник-муҳандис ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва билимларини текширишни таъминлайди;

-меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ахборот маълумотномалари ва ўқув материалларини, таклифлар, хулосалар ва қарорларнинг лойиҳаларини тайёрлайди;

-муассасаларни меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича меъёрий ва услубий ҳужжатлар билан таъминлашни ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади;

-ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича ходимлардан келган хатлар, аризалар ва шикоятларни ўрнатилган тартибда кўриб чиқади, улар бўйича тегишли чоралар қабул қилади;

-тасдиқланган иш рўйхатига биноан иш юритишни ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўрнатилган статистик ҳисоботни олиб боради.

IV БОБ. МУАССАСАЛАРДА МЕҲНАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

4.1. Муассаса меҳнатни муҳофаза қилиш учун жамоа шартномасида белгиланган миқдорларда, агар жамоа шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ёки ишчиларнинг бошқа ваколатли органи ўртасидаги келишувга кўра керакли маблағни ажратади.

4.2. Муассасалар хўжалик, тижорат, ташқи иқтисодий ва бошқа фаолиятлардан тушадиган даромад (фойда) ҳисобидан, шунингдек бошқа манбалар ҳисобидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича марказлаштирилган жамғармаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган “Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом”га биноан тузиши мумкин.

Меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасига ажратиладиган даромаддан солиқ олинмайди.

Меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағлар бошқа мақсадга ишлатилиши мумкин эмас.

4.3. Меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бажармаганлик учун муассасалар бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан ижтимоий суғурта қилиш мақсадларига юқори тарифлар бўйича маблағлар ажратади, бу тарифлар меҳнат шароитларининг ҳолати, бажарилаётган ишларнинг хавфлилиги, зарарлиги ва оғирлигига қараб вақти-вақти билан қайта кўриб чиқади.

Муассасаларнинг ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ва талаблар асосида бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликларидан суғурта қилинишлари лозим.

4. 4. Иш берувчи (муассаса раҳбари) нинг вазифалари

Бош шифокор:

- соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларининг яратиш ишларига умумий раҳбарлик қилади ва шахсан жавобгар ҳисобланади;

- муассасанинг омбор, транспорт ва бошқа ёрдамчи хўжаликларидagi иш жараёнлари ҳамда айрим ишларнинг тўғри ташкил этилишини таъминлайди;

- бино ва иншоотлардан қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ фойдаланиш, бир маромда ишлаш ва маиший-санитария хоналари ҳамда қурилмаларидан мақсадли фойдаланиш ишларини ташкил қилади;

- янги ва қайта қурилган бўлимлар ҳамда иншоотларни фақат махсус комиссия томонидан қурилиш меъёрлари ва қоидаларига биноан қабул қилингандан сўнг ишга туширилишини таъминлайди;

- меҳнат тўғрисидаги қонунлар, хавфсизлик қоидалари ва меъёрларига риоя қилинишини, шунингдек ҳукумат, касаба уюшма кўмиталарининг ёки бошқа юқори ташкилот ходимлари ва вакиллик органларининг қарорлари бажарилишини таъминлайди;

- намунавий ва тармоқ қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилган ички меҳнат тартиби қоидаларини касаба уюшма ташкилоти билан келишган ҳолда тасдиқлайди;

- ҳар беш йилда камида бир марта Меҳнат шароитларига баҳо беришнинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини

ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган услубият асосида иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича шаҳодат (аттестация)дан ўтказилишини таъминлайди;

-техник-муҳандис ходимлар ва ишчиларнинг хавфсизлик коидалари ҳамда ишлаб чиқариш санитарияси ва меҳнат интизоми меъёрларига риоя қилиш, меҳнат муҳофазаси бўйича белгиланган тадбирлар ва давлат назорат идоралари ҳамда касаба уюшма ташкилотларининг кўрсатмалари (таклифлари)ни ўз вақтида бажариш учун масъулиятларини ошириш чораларини кўради;

-ишчиларга шахсий ҳимоя воситалари берилишини, уларнинг сақланиши, ишлатилиши, тозаланиши ва таъмирланишини таъминлайди ҳамда назорат қилади;

-меҳнат шароитлари хавфли ва зарарли бўлган , шунингдек алоҳида хаво ҳарорати шароитида бажариладиган ишларда белгиланган меъёр бўйича ювиш ва дезинфекция қилиш воситаларини, сут ёки бошқа озик-овқат маҳсулотларини, даволаш-профилактика озик-овқатини бепул беришни таъминлайди ҳамда назорат қилади;

-меҳнат шароитларини яхшилаш ва соғломлаштириш тадбирлари ишлаб чиқилишини ташкиллаштиради, шу тадбирларни ўтказиш режаларини тасдиқлайди, белгиланган тадбирлар ўз вақтида амалга оширилишини ташкиллаштиради ва назорат қилади, тадбирларни ўтказиш учун маблағ ажратилиши ва шу мақсадларга ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланиши устидан назоратни таъминлайди;

-меҳнат шароитларини яхшилаш ва соғломлаштириш умумий режасининг бажарилишини кўриб боради (йил чорагида камида бир марта);

-меҳнатни муҳофаза қилиш хонасини ташкил қилади ва уни керакли қўлланмалар, ўқитиш воситалари билан жихозланишига доир тадбирларни амалга оширади;

-муассасанинг барча ходимларини, жумладан раҳбарларини ҳам ўқитиш, йўриқдан ўтказиш, билимларини текшириш ва шаҳодатдан ўтказиш ишларини ташкил қилади ҳамда амалга оширади;

-ходимларни касбига оид техник тайёрлаш ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш ҳамда ишловчиларни хавфсиз ишлаш услубларига ўқитишга умумий

раҳбарлик қилади;

-соғлиқни сақлаш идоралари томонидан белгиланган тартибга биноан қатор касблардаги ходимларни (шартнома тузиш вақтида) дастлабки ва (шартноманинг амал қилиш муддати мобайнида) даврий тиббий кўриқдан ўтказиб туришни ташкиллаштиради;

-ходимларни касб касаллигига чалиниши хавфи юқори бўлган ишга қабул қилаётганда, раҳбар уни бу ҳақда огохлантириши керак;

-“Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»ги низом талабларига мувофиқ юз берган бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида ва тўғри текширилиши ҳамда жароҳатланишнинг олдини олиш ҳақида тезкор ахборотни таъминлайди;

-гуруҳий, ўлим билан тугаган ва оқибати оғир бахтсиз ҳодисалар тўғрисида дарҳол давлат меҳнат техника инспекторига, юқори турувчи ташкилотига, Қорақалпоқистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига, бахтсиз ҳодиса юз берган жой прокуратурасига, жабрланувчининг асосий иш жойига, «Саноатконтехназорат» агентлигининг маҳаллий органига, агар Муассаса унинг назорати остида бўлса, шунингдек Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қорақалпоқистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича масъул ташкилотчиларига, агар бахтсиз ҳодиса Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига аъзо ташкилотда юз берган бўлса, хабар қилади;

-гуруҳий, ўлим билан тугаган ва оқибати оғир бахтсиз ҳодисаларни текширишда ва уларнинг олдини олишга доир тадбирларни ишлаб чиқишда қатнашади;

-бахтсиз ҳодисалар тўғрисидаги Н-1 шаклидаги далолатномаларни кўриб чиқади, тасдиқлайди ва тегишли идораларга юбориш учун меҳнатни муҳофаза қилиш хизматига топширади;

-юқори турувчи ташкилотга (бирлашмага) бахтсиз ҳодисада жабрланганлар тўғрисидаги ҳисоботларни ўрнатилган шаклда тушунтириш хати билан бирга ўз вақтида топширилишини таъминлайди;

4.5. Бош мутахассис (бош муҳандис, бош механик)

-тиббий муассаса ва ташкилотларда ускуналар, техникалар, механизмлар ва асбоблардан фойдаланиш чоғида рўй берини мумкин бўлган фалокатлар ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш тадбирлари, илгор иш усулларини жорий этиш ҳамда таъминлаш ишлари уюштирилишини такоминлаштириш тадбирлари ишлаб чиқилишини ва улар амалга оширилишини ташкил қилади.

- ускуналардан ва техникалардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш, техника қаровдан ўтказиш юзасидани услубий кўрсатмаларини, шунингдек мураккаб агрегатлар ва ускуналарни ишлатишга доир намунавий йўриқларни ишлаб чиқади.

- техника жихатидан қоникарсиз ахволда бўлган технологик ускуналарни, юкларни кўтариб тушувчи мосламаларни ҳамда бошқа турдаги ускуналарни аниқлаб, улардан фойдаланишни тақиқлайди. Уларни меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрлар ҳамда қоидалардаги талабларга мос ҳолга келтириш чораларини кўради.

- вазирликни бошқа бўлинмалари билан биргаликда фойдаланиш ва уларни таъмирлаш хусусидаги қоидалар, намунавий йўриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар андозаларнинг лойиҳалари бўйича хулосалар беради. Ушбу ҳужжатлар жорий қилинишини назорат остига олади.

- хавф-хатарсиз меҳнат қилиш талабларига жавоб бермайдиган ускуналарни алмаштириш ҳамда уларни янгилаш соҳасида ишлар олиб борилишини таъминлайди.

- ускуналар техникалар ва мосламаларнинг янги турларини тайёрлаш, жорий этиш ва улардан фойдаланишда тармоқ корхоналарга ва муассасаларга техник ҳамда услубий ёрдам кўрсатади.

- бехатар меҳнат талабларини ҳисобга олган ҳолда даволаш муассасаларда ускуналар, техникаларни таъмирланиши ва улардан фойдаланиш устидан услубий раҳбарлик ҳамда назорат қилади.

- тиббиёт муассасалар ва ташкилотларда техник ҳолати, текширувдан ўтказилишини ташкил қилади ҳамда хавф-хатарсиз меҳнат талабларига мувофиқ улардан фойдаланиши назорат қилиб туради.

- раҳбар ходимлар бўлими билан биргаликда хавф-хатарлик варақаси юқори бўлган иншоотларда ишловчи ходимларни ўқитишни ва уларни аттестациядан ўтказишни уюштиради.

4.6. Бош мутахассис (Бош энергетик, муҳандис-энергетик)

- вазирлик тизимидаги даволаш муассасалари ва ташкилотлардаги юқори босимда ишлайдиган идишлар, юк кўтарувчи механизмлар ва қурилмалар, сув иситиш газ қозонлари бўйича жавобгарлик ишлари Бош энергетик ёки Бош мутахассис (муҳандис-энергетик)га юклатилади.

- беҳатар ва соғлом меҳнат шароитларини таъминлаш, электр ускуналар, энергетика мосламалари, электр тармоқлари ва алоқа бўлимида фалокатларнинг олдини олишга доир чора-тадбирларни тузиш ва уларни жорий этиш ишларини ташкил қилади.

- ишларни тайёрлаш ва жорий этиш ишларини уюштиради.

- жароҳатланиш, ёнғин чиқиши портлаш хавфи бўлган иш жойларида назорат қилувчи, тартибга солиб турувчи замонавий асбобларни, технология жараёнларини бошқарувчи автомат қурилмалари;

- иш жараёнларини автоматик тарзда назорат қилувчи ҳамда хавфли вазият рўй бергани хусусида ходимларга хабар берувчи асбоблари;

- хавфсизлик қоидалари бузилган тақдирда технологик ускуналарга электр қуввати ўтишини тўхтатиб қўядиган ҳимоя қурилмалари ва тусиқларини ўрнатиш ҳамда жорий этишни уюштиради.

- техника жиҳатидан қоникарсиз ҳолатда бўлган электр қурилмаларини, энергетика ускуналарини, тармоқлар ва алоқа бўлиmlарни аниқлаб, улардан фойдаланишни тақиқлайди. Уларни Меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги меъёрлари ва қоидалари талабларига мос ҳолга келтириш юзасидан чора-тадбирлар қўради.

- эскириб қолган энергетика ускуналарини, тармоқларини алоқа йўллари шунингдек ёнғин ва портлаш хавфи бўлган

даволаш муассасалар ва ташкилотлардаги ускуналарнинг ўрнатилишига доир амалдаги қоидаларда баён қилинган талабларга жавоб бермайдиган автоматика ва асбоблар воситаларини алмаштириш, уларни замонавийлаштиришни ишларини ташкил қилади.

- меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги хизмати бўйича андозалар, қоидалар, намунавий йўриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг лойihalари юзасидан хулосалар бериши. Уларнинг жорий этилишини назорат қилиб туради.

- энергетика ускуналари, электр аппаратлар, кабеллар тармоқларидан фойдаланиш, уларни таъмирлаш ва олдиндан бўладиган текширувдан ўтказиш ишига раҳбарлик қилади ҳамда бу ишларни назорат остига олади.

- хавф-хатарлик даражаси юқори бўлган иншоотларидан энергетика ускуналари, тармоқлар ва алоқа йўлларининг техника ҳолати текшириб турилишини уюштиради, бехатар меҳнат талабларига мувофиқ уларни ишлатишни назорат қилади.

Шу ишларга алоқадор бошқармалар (бўлимлар) билан биргаликда хавф-хатарлик даражаси юқори бўлган иншоотларда ишловчи ходимларни ўқитиш ва аттестациядан ўтказишни уюштиради.

4.7. Таркибий бўлинмалар(бўлим мудирлари) бошлиғининг вазифалари

- ишлар, технологик жараёнлар хавфсизлик қоидалари ҳамда ишлаб чиқариш санитарияси меъёрларига биноан тўғри олиб борилишини ташкил қилади. Заҳарли, ўювчи, портлайдиган ёнувчан моддаларнинг хавфсизлик қоидалари талабларига мувофиқ сақланиши, транспортировка қилиниши, қўлланилиши ва зарарсизлантирилишини ташкиллаштиради;

- жиҳозлар, механизмлар, тўсиқ мосламалари ва эҳтиёт қурилмалари, шунингдек ёрдамчи хоналарнинг соз ҳолатда бўлиши ҳамда улардан хавфсиз фойдаланишни таъминлайди;

- давлат назорат идоралари, касаба уюшмаларининг меҳнат муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимларининг буйруқ ҳамда кўрсатмалари,

тиаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил ва ишчиларни тинчлиф-мулоҳазаларини белгиланган муддатларда бажаради;

- хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш ва таъминлаш ишига барча муҳадис-техник ходимларни ҳамда бевосита иш ижрочиларини жалб қилади;

- ходимларга меъёрлар ва қоидалар бўйича берилиши керак бўлган махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, сут, совунга бўлган эҳтиёжларини аниқлайди ва таъминлайди, шунингдек махсус кийим ва махсус пойабзаллар ўз вақтида ювилиши ҳамда таъмирланишини таъминлайди.;

- бўлим ва бўлинмаларда меҳнат қилиш шароитларининг ҳолатини, жиҳозлар, механизмлар, мосламалар ва ускуналардан, шамоллатиш қурилмалари, иситиш ва ёритиш тизимлари, тўсиқ ва эҳтиёт қурилмалари, автоматик назорат ва сигнализация мосламаларидан тўғри фойдаланилишини, ерга уланган ҳимоя қилувчи симларнинг борлиги ва созлигини ҳар ҳафтада текширади;

- меҳнат муҳофазаси вакили, бригадирлар ва айрим ишчилар иштирокида усталарнинг тезкор йиғилишини ҳар ойда ўтказади. Бундай йиғилишларда текширув натижалари, объектлардаги ишларнинг ҳолати тўғрисидаги усталарнинг ахборотлари кўриб чиқилади, хавфсизлик қоидалари бузилган айрим ҳолатлар муҳокама қилинади. Хавфсизлик қоидалари қўпол тарзда бузилган ёки қайта қоидабузарлик ҳолатларини тегишли ходимларининг иштирокида муҳокама қилади;

- бўлинма ва бўлимларда меҳнат шароитлари ҳолати тўғрисида ҳар ойда иш беручига маълумот беради;

- ўқитиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ходимлар хавфсиз иш услубларига ўз вақтида ва сифатли ўқитиш ишларини ташкиллаштиради ҳамда ўтказади.

- ишчиларни ўз вақтида ва сифатли йўриқдан ўтказишларини назорат қилади;

- ҳар бир муассаса бўлинмаси учун ишларни хавфсиз олиб боришга доир керакли йўриқномаларнинг рўйхатини тайёрлайди, керакли йўриқномаларни ишлаб чиқади ва қайта кўриб чиқади;

- ишга қабул қилинаётган ходимлар билан дастлабки йўриқни ўтказади. Янги ишчиларни стажировка учун малакали ишчиларга

бўйруқ асосида бириктириб қўяди. Стажировка муддатини белгилайди ва унга масъул шахсни тайинлайди;

- иш жаойларини йўриқларининг дастурларини ишлаб чиқариш ва иш беручи ёки бош муҳандис тасдиқлагандан сўн ходимларниларни улар билан таъминлайди, ходимларнинг билимларини текшириш учун саволномаларни ишлаб чиқади;

- ходимларнинг билимларини текшириш жадвалларини тасдиқлайди. Комиссияга раҳбарлик қилади, ходимларнинг билимларини текширади, натижаларини расмийлаштиради ва ходимларга билимлари текширилгани тўғрисида гувоҳнома беради ёки гувоҳномага тегишли ёзувларни ёзади;

- меҳнат шароитини соғломлаштириш, ҳаво муҳитини ёруғликнинг, ҳарорат ва сув ичиш тартибининг меъёрида бўлиши, шовқин ва тебраниш даражасини камайтириш чораларини кўради;

- меҳнат шароитларини яхшилаш ва соғломлаштириш бўйича аниқ тадбирларни ишлаб чиқади ва тегишли режаларга киритиш учун уларни иш берувчига таъдим этади. Режалаштирилган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини ташкиллаштиради ва амалга оширади;

- содир бўлган бахтсиз ҳодиса тўғрисида дарҳол раҳбарларидан бирига, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматига ҳамда касаба уюшма кўмитасига хабар беради;

- меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил ва меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассис билан ҳамкорликда:

- бахтсиз ҳодиса сабабларини аниқлайди;

- бундай ҳолларнинг олдини олиш тадбирларини белгилайди;

- Н-1 шаклидаги далолатномада кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлайди ва уларнинг бажарилганлиги ҳақида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматига хабар қилади;

- муассасанинг бошқа бўлимлари, бўлимларида ёки бошқа кохоналарда содир бўлган бахтсиз ҳодиса тўғрисида ходимларни хабардор қилади. Ўхшаш сабабларга кўра юз бериши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида белгиланган муддатларда объектлар ва иш жойларини текширишни ташкил қилади.

4.8. Муассаса ходимнинг вазифалари

Ходим:

- тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатлар, жамоа шартномаларида ўрнатилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қоида ва меъёрлар талабларига риоя қилиши шарт;

- меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича андозалар, қоидалар, меъёр ва йўриқномаларга мувофиқ иш жойини ташкил этади;

- меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари, ички меҳнат тартиби ва меҳнат интизоми қоидаларига риоя қилади;

- шахсий ва жамоа ҳимоя воситаларини билиши, улардан фойдаланиши керак;

- шахсий гигиена талабларига риоя қилади;

- унинг касби ва иш тури учун ўрнатилган муддатларда ўқиши, йўриқдан ва билимларини текширишдан ўтиши шарт;

- бахтсиз ҳодиса юз берганида биринчи ёрдамни кўрсатиш қоидаларини билиши ва амалда қўллаш олиши керак.

- иш жойидаги меҳнат шароитлари меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича андозалар, қоида ва меъёрлар талабларига жавоб беришини Муассаса маъмуриятдан, ишга ёлловчидан, хусусий мулк эгасидан талаб қилиши керак;

- муассаса маъмуриятдан, ишга ёлловчидан, хусусий мулк эгасидан иш жойидаги меҳнат шароити ва меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати тўғрисида ахборот беришини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

- агар саломатлиги ёмонлашишини меҳнат шароитлари билан боғлиқ деб ўйласа, навбатдан ташқари тиббий кўриқдан ўтказилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга;

- кишиларнинг саломатлиги ва ҳаётига хавф солаётган ҳар қандай вазият ҳақида, шунингдек иш давомида ёки иш билан боғлиқ ҳолда юз берган бўлган ҳар қандай бахтсиз ҳодиса ҳақида ўзининг бевосита раҳбарига зудлик билан хабар бериши шарт;

- ўз иш жойида бўлиши лозим бўлган шахсий ҳимоя воситаларини талаб қилиш ҳуқуқига эга;

- ушбу иш жойи учун бериладиган имтиёзлар ва компенсациялар тўғрисида хабардор бўлиш ҳуқуқига эга;

- бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан албатта суғурта қилиниши лозим.

5 - БОБ. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҲОЛАТИНИ НАЗОРАТ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Назорат - меҳнат муҳофазасини бошқаришда муҳим вазифа хисобланади.

5.1. Қуйидагилар назорат қилиниши керак:

- иш жойларининг ҳолати, уларнинг меҳнатни муҳофазат қилиш талабларига жавоб бериши;
- меҳнат тўғрисидаги қонунлар, директив органларнинг қарорлари, меҳнатни муҳофазат қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар, давлат андозалари ва қоидаларига риоя қилиниши;
- меҳнат муҳофазасини бошқариш вазифаларини амалга ошириш бўйича ишларнинг бажарилиши;
- бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида ва тўғри текширилиши;
- меҳнатни муҳофазат қилиш бўйича буйруқлар, фармойишлар, ёзма кўрсатмалар, комплекс, жорий ва тезкор чора-тадбирлар режаларининг амалга оширилиши;
- меҳнатни муҳофазат қилишга ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланиши.

5.2. Ички назоратнинг асосий турлари:

- иш раҳбари ва бошқа мансабдор шахсларнинг тезкор назорати;
- маъмурий-жамоат (уч босқичли) назорат;
- меҳнатни муҳофазат қилиш хизмати томонидан амалга ошириладиган назорат;
- бош мутахассислар хизмати томонидан амалга ошириладиган назорат;
- жамоат назорати.

5.3. Назорат тизими, асосан муассаса ва бўлимларнинг хизматлари, усталар, бригадирлар ва муайян иш бажарувчилар томонидан меҳнатни муҳофазат қилиш бўйича ўз вазифаларини бажаришларини текширишга йўналтирилиши лозим.

Назоратнинг барча кўринишлари фақат меҳнатни муҳофазат қилиш бўйича андозалар, қоида ва меъёрлардан четга чиқилганини аниқлаш эмас, балки қоидабузарликни келтириб чиқарган сабабларни таҳлил қилиш, шунингдек уларни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқишни ўз ичига олиши керак.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини назорат қилиш метрологик таъминотни кўзда тутиши, у эса ўз навбатида меҳнат шароитларининг ўлчамлари, жиҳозлари ва технологик вараёнларнинг хавфсизлиги, ишловчиларнинг химоя воситалари сифатини назорат қилиш учун ўлчов воситалари ва услубларини ўзига олади.

5.4. Меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини таҳлил қилиш учун қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

- бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари тўғрисидаги материаллар (Н-1 шаклидаги далолатномалар);

- касалланиш ва вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш тўғрисидаги маълумотлар (меҳнатга лаёқатсизлик варақалари);

- авариялар, ёнғинлар, вайроналар ва шунга ўхшашларни текшириш далолатномалари;

- назорат органлари, меҳнат техника инспекцияси, давлат меҳнат шароитлари экспертларининг ёзма кўрсатмалари;

- иш жойларини шаҳодатдан ўтказиш материаллари;

- цехларнинг санитария-техник ҳолати паспортларининг маълумотлари;

- меҳнат муҳофазаси ҳолати устидан назоратнинг 1- ва 2-босқичларини қайд этиш дафтарлари, 3- босқич далолатномалари.

5.5. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни таҳлил қилиш учун қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

- меҳнатни муҳофаза қилиш ишларининг режалари (келгуси, жорий, тезкор) ва уларни бажариш бўйича ҳисоботлар;

- меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалар дафтарлари;

- ишчилар ва муҳандис-техник ходимларнинг меҳнат муҳофазаси қоида ва меъёрлари бўйича билимларини шаҳодатдан ўтказиш баённомалари;

- назоратнинг 2- ва 3- босқичларини ўтказиш жадваллари;

- меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўтказилган мажлислар баённомалари;

- жиҳозларни режавий-огоҳлантирув таъмирлаш ва синаш жадваллари;

- меҳнат муҳофазасини моддий таъминлаш учун буюртмалар ва бошқа ҳужжатлар.

5.6. иш хусусиятларига, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланадиган ходимларнинг тайёрлигига қараб, Муассасада меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини баҳолаш учун кўрсаткичларнинг турли тизимлари ишлаб чиқилиши ва ишлатилиши мумкин.

Шундай қилиб, бўлимлардаги меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини баҳолаш учун иш жойларидаги меҳнат шароитларини таърифлайдиган кўрсаткичлардан, ишловчиларнинг меҳнат хавфсизлиги талабларига риоя қилишларидан, маъмурият ва муҳандис-техник ходимларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича ижрочилик фаолиятдан фойдаланиш тавсия этилади.

6 - БОБ. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҲОЛАТИ УСТИДАН УЧ БОСҚИЧЛИ НАЗОРАТНИ ЎТКАЗИШ ВА ТАШКИЛ ҚИЛИШ УСЛУБИЯТИ

6.1. Умумий қоидалар

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги бошқаруви тизимидаги уч босқичли маъмурий-жамоат назорати ташкилот, муассасаларнинг, мулкчилик шаклидан қатъий назар (кейинчалик «муассаса» деб аталади), маъмурияти ва касаба уюшма кўмиталарининг иш жойидаги муассасаларидаги меҳнат шароитлари ва хавфсизлиги ҳолати устидан, шунингдек барча хизматлар, мансабдор шахслар ва ишловчилар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги бўйича қонуни ҳужжатлари, меҳнат хавфсизлиги андозалари, қоидалар, меъёрлар, нормалар ва бошқа техник-меъёрий ҳужжатларнинг талабларига риоя этишларини назорат қилишнинг асосий шакли ҳисобланади.

Уч босқичли назорат муассаса раҳбарлари ва муҳандис-техник ходимларнинг лавозим вазифаларига мувофиқ маъмурий назоратини, шунингдек жамоат назоратини ўтказишни истисно этмайди.

Ишлаб чиқариш хусусиятлари, муассаса тузилмаси ва унинг бўлимлари кўламига қараб меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги ҳолати устидан уч босқичли назорат:

биринчи босқичда – муассасада, смена ёки бригадада;

иккинчи босқичда - муассасада, ишлаб чиқаришида ёки лабораториясида;

учинчи босқичда - бутун муассасада утказилади.

Ишлаб чиқариш бўлинмаларининг уч босқичли назорат объектларига дахлдорлиги муассаса маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси томонидан ўрнатилади.

Уч босқичли назоратни ташкил қилишга рахбарликни муассаса рахбари ва касаба уюшма кўмитасининг раиси амалга оширади.

6.2. Уч босқичли назоратнинг биринчи босқичи

Назоратнинг биринчи босқичи маълум муассаса рахбари (муассаса бошлиги) ва меҳнат муҳофазаси бўйича вакил томонидан ҳар иш кунининг бошланишида, зарур бўлганида эса (юқори хавфга эга ишлар ва ҳоказо) - иш куни мобайнида ҳам амалга оширилади.

Уч босқичли назоратнинг 1- босқичида қуйидагиларни текшириш тавсия этилади:

- олдинги текширишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирларнинг бажарилиши;

- иш жойларининг ҳолати ва тўғри ташкил қилиниши (керакли асбоблар, мосламалар, ярим тайёр маҳсулотларнинг жойлашиши ва мавжудлиги);

- ўтиш жойлари, йўлаклар, транспорт ўтиш йўллариининг ҳолати;

- технологик жихозлар, юк кўтариш ва транспорт воситаларининг хавфсизлиги;

- электр қурилмаларда ва электр асбоблари билан ишлашда ишловчилар томонидан электр хавф сизлиги қоидаларига риоя қилиниши;

- ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотларни тахлаш қоидаларига риоя қилиниши;

- киритиш ва тортиш шамоллатиш тизими, маҳаллий сўргичлар, чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмаларнинг сизлиги;

- зарарли ва портлаш-ёниш хавфи бўлган моддалар ҳамда материаллар билан ишлашда хавф сизлик қоидаларига риоя қилиниши;

- меҳнатни муҳофаза қилишга доир йўриқномаларнинг мавжудлиги ва ишловчилар томонидан уларга риоя қилиниши;
- шахсий ҳимоя воситаларининг мавжудлиги ва ишловчиларнинг улардан тўғри фойдаланишлари;
- ишловчиларда хавфсизлик техникаси бўйича гувоҳномалар, ўта хавфли ишларни бажариш учун рухсат наряди бўлиши.

Текширув натижалари уч босқичли назоратнинг биринчи босқичи дафтарига ёзилади ва у муассаса раҳбарига сақланиши керак.

Изоҳ: Текшириш давомида аниқланган камчиликлар ва бузилишларни бартараф этиш тадбирлар, бажариш муддати ва масъул шахслар белгиланади.

Аниқланган бузилишлар, одатда, бевосита участка раҳбарининг назорати остида дарҳол бартараф этилиши керак. Агар текширишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун муассасанинг кучи етмаса, унинг раҳбари кўрикни тугатгандан сўнг тегишли чора кўриш учун бу ҳақда юқори турувчи бошликка хабар бериши керак.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги қоида ва меъёрлари кўпол равишда бузилиши ишловчиларнинг саломатлигига зарар етказиши ёки аварияга олиб келиши мумкин бўлса, бу бузилиш бартараф этилгунича иш тўхтатилади.

Муассаса раҳбари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил назоратнинг биринчи босқичидаги текширув натижасида аниқланган бузилишлар ва кўрилган чора-тадбирлар ҳақида ўз жамоаларининг смена йиғилишларида ахборот беришлари керак.

Муассаса раҳбари ҳар куни охирида ишлаб чиқариш муассасадаги меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати тўғрисида раҳбариятига ҳисобот бериши керак.

6.3. Уч босқичли назоратнинг иккинчи босқичи

Назоратнинг иккинчи босқичи муассаса бошлиғи ва муассасанинг меҳнатни муҳофаза

қилиш ва ёнғин хавфсизлиги бўйича катта вакили раҳбарлигидаги комиссия томонидан ойига камида икки марта ўтказилади. Комиссия таркибига муассасанинг техника хизматлари раҳбарлари (вакиллари), муассасанинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги бўлими муҳандиси ва муассасага бириктирилган тиббий ходим киради.

Текширув жадвали муассасанинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги бўйича катта вакили билан келишган ҳолда муассаса бошлиғи томонидан ўрнатилади ва барча раҳбарларига берилади.

Уч босқичли назоратнинг иккинчи босқичида қуйидагиларни текшириш тавсия этилади:

- назоратнинг биринчи босқичи ишларининг ташкил қилиниши ва натижалари;

- назоратнинг иккинчи ва учинчи босқичларини ўтказиш натижасида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши;

- муассаса раҳбари ва бўлим бошлиғининг буйруқ ва фармойишлари, касаба уюшма кўмитаси қарорлари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар таклифларининг бажарилиши;

- назорат ва текширув органларининг ёзма кўрсатмалари бўйича тадбирларнинг бажарилиши;

- бахтсиз ҳодисаларни текшириш материаллари бўйича тадбирларнинг бажарилиши;

- транспорт воситаларининг ишлаб чиқариш жиҳозлари созлиги ҳамда уларнинг ва технологик жараёнларнинг меҳнат хавфсизлиги андозалари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бошқа меъёрий-техник ҳужжатлар талабларига жавоб бериши;

- электр мосламалари ва электр асбоблари билан ишлаганда ишловчилар томонидан электр хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши;

- ишлаб чиқариш жиҳозлари, шамоллатиш ва аспирациялаш тизимлари ҳамда мосламаларини режавий-огоҳлантирув таъмирлаш жадвалларига, технологик тартиб ва йўриқномаларга риоя қилиниши;

- ўтиш йўллари ва галереяларнинг ҳолати;

- хавфсизлик техникаси бурчагининг ҳолати, меҳнатни муҳофаза қилиш плакатлари, сигнал ранглари ва хавфсизлик белгиларининг мавжудлиги ҳамда ҳолати;

- ҳимоя, сигнал ва ёнғинга қарши воситалар ва қурилмалар, назорат ўлчов асбобларининг мавжудлиги ҳамда ҳолати;

- зарарли ва портлаш-ёниш хавфи бўлган моддалар ҳамда материаллар билан ишлаганда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиниши;

- ишловчиларни меҳнат хавфсизлиги бўйича йўриқномадан ўз вақтида ва сифатли ўтказиш;

- шахсий ҳимоя воситаларининг мавжудлиги ва ишловчиларнинг улардан тўғри фойдаланишлари;

- ишловчиларни даволаш-профилактика овқати, сут ва бошқа профилактика воситалари билан таъминлаш;

- маиший-санитария хоналари ва қурилмаларининг ҳолати;

- муассасадаги меҳнат шароитларининг техник-санитария ҳолати паспортининг тўғри тўлдирилиши;

- ўрнатилган дам олиш ва меҳнат интизоми тартибига риоя қилиниши.

Текширув натижалари уч босқичли назоратнинг иккинчи босқичи дафтарига ёзилади ва у муассаса бошлиғида сақланиши керак.

Изоҳ:

Комиссия чора-тадбирларни белгилаб беради, муассаса бошлиғи эса ижрочи ва ижро муддатини тайинлайди.

Агар белгиланган тадбирларни муассаса кучи билан бажаришнинг имкони бўлмаса, муассаса бошлиғи бу ҳақда комиссия ишини тугатгандан сўнг тегишли чора-тадбирлар қабул қилиши учун юқори турувчи бошлиққа хабар бериши керак.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги қоида ва меъёрлари кўпол равишда бузилиши ишловчиларнинг саломатлигига зарар етказиши ёки аварияга олиб келиши мумкин бўлса, комиссия бу камчиликлар бартараф этилгунга қадар ишни тўхтатиб қўяди.

Муассаса бошлиғи назоратнинг иккинчи босқичида комиссия томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги бўйича аниқланган камчилик ва бузилишларни бартараф этиш чора-тадбирлари бажарилишини ташкил қилиши керак.

Бу чора-тадбирларнинг бажарилиши устидан назоратни меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими муҳандиси ва муассасанинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича катта вакили амалга оширадilar.

Муассаса бошлиғи ва муассасанинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги бўйича катта вакили ҳар ойда муассасадаги меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати ҳамда уч босқичли назоратнинг иккинчи ва учинчи босқичи комиссиялари томонидан

белгиланган чора-тадбирлар бажарилишининг бориши тўғрисида ўз жамоаларига ахборот беришади.

Муассаса бошлиғи оёига бир марта муассасадаги меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги ҳолати ҳақида муассаса раҳбари ва касаба уюшма кўмитасига ҳисобот бериши лозим.

6.4. Уч босқичли назоратнинг учинчи босқичи

Назоратнинг учинчи босқичи муассаса раҳбари ёки бош муҳандиси ва касаба уюшма кўмитасининг раиси раҳбарлигидаги комиссия томонидан камида йил чорагида бир марта (одатда, бир ойда бир марта) ўтказилади.

Комиссия таркибига меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги бўйича бош муҳандис ўринбосари (меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари), касаба уюшма кўмитасининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги комиссияси раиси, техник хизматларнинг раҳбарлари ва бинодан фойдаланиш учун масъул шахс киради. Назорат қилишга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилларни жалб этиш тавсия этилади.

Текширув текшириладиган бўлинманинг раҳбари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавф сизлиги бўйича катта вакили иштирокида ўтказилади.

Бир мартада текшириб чиқишнинг имкони бўлмаган йирик муассасаларда текшириш йиллик жадвалга кўра алоҳида муассасалар (объектлар) бўйича амалга оширилади. Бу жадвал ҳар бир муассаса йил давомида камида тўрт мартаба, юқори даражадаги хавфга эга ва меҳнат хавфсизлигига кўра ноқулай муассасалар камида олти мартаба текширилишини ҳисобга олиб тузилган бўлиши керак.

Текширув жадвали касаба уюшма кўмитаси билан келишилади, муассаса раҳбари томонидан тасдиқланади ва муассасанинг барча бўлимлари ҳамда техник хизматлари рабарларига, шунингдек муассасаларнинг касаба уюшма кўмитасига берилади.

Муассасанинг алоҳида объектларида текширув ўтказиш учун назоратнинг учинчи босқичи комиссияси бош мутахассислар ёки бош муҳандис ўринбосарлари раҳбарлиги остидаги кичикрок комиссияларга бўлиниши мумкин.

Уч босқичли назоратнинг учинчи босқичида қуйидагиларни текшириш тавсия қилинади:

- назоратнинг биринчи ва иккинчи босқичи ташкил этилганлиги ва улар ишининг натижалари;

- назоратнинг учинчи босқичи ўтказилиши натижасида белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши;

- меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича юкори ташкилотларнинг буйрук ва фармойишлари, касаба уюшма органларининг қарорлари, назорат ва текширув органларининг ёзма кўрсатмалари ва кўрсатномалари, муассаса раҳбарининг буйруклари ва касаба уюшма кўмитасининг қарорлари бажарилиши;

- меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги бўйича комплекс режалар, жамоа шартномалари, битимлар ва бошқа ҳужжатларда назарда тутилган чора-тадбирларнинг бажарилиши;

- гуруҳий, ўлим билан тугаган ва оқибати оғир бахтсиз ҳодисалар ва аварияларни текшириш материаллари бўйича чора-тадбирларнинг бажарилиши;

- муассаса (бўлим)даги меҳнат шароитларининг санитария-техник ҳолати паспорти мавжудлиги ва унинг тўғри юритилиши;

- меҳнат хавфсизлиги андозаларини тадбик этишни ташкил қилиш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича меъёрий-техник ҳужжатлар талабларига мувофиқ бинолар, иншоотлар, муассаса хоналари ва улар атрофидаги ҳудудларнинг техник ҳолати ва сақланиши, йўлнинг пиёдалар юрадиган ва қатнов қисми, тонеллар, ўтиш жойлари ва галереялар ҳолати;

- технологик, юк кўтариш, транспорт, энергетика ва бошқа жиҳозларнинг меҳнат хавфсизлиги андозалари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги бўйича бошқа меъёрий-техник ҳужжатлар талабларига жавоб бериши;

- киритиш ва тортиш шамоллатиш тизими, чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмаларнинг самарадорлиги;

- ишлаб чиқариш жиҳозларини режавий-огоҳлантирув таъмирлаш жадвали бажарилиши, коммуникациялар ва энергетика асбобларини ёқиш схемаларининг мавжудлиги;

- ишловчиларнинг махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши, уларнинг тўғри берилиши, сақланиши, уларни ювиш, тозалаш ва таъмирлаш ташкил этилганлиги;

- ишловчиларнинг маиший-санитария хоналари ва мосламалари билан таъминланганлиги;

- ишловчиларга даволаш-профилактика хизмати ташкил этилганлиги;

- меҳнатни муҳофаза қилиш хоналарининг ҳолати;

- меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнгин хавфсизлиги бўйича стендларнинг ҳолати, уларнинг ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилиши;

- меҳнат муҳофазаси ва ёнгин хавфсизлиги бўйича ходимларни ўқитиш ва йўриқдан ўтказиш ташкил этилганлиги ва сифати;

- муассаса ходимларининг авария шароитида ишлашга тайёрлиги;

- ўрнатилган меҳнат ва дам олиш тартибига, меҳнат интизомига риоя қилиниши.

Текширув натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади ёки уч босқичли назоратнинг учинчи босқичи дафтарига ёзилади ва бир ҳафта муддат ичида касабга уюшма фаоллари иштирокида муассаса раҳбари ҳузуридаги йиғилишда муҳокама қилиниши керак.

Муассаса раҳбари ҳузуридаги йиғилишда барча муассаса ва бўлимлар раҳбарлари қатнашишлари шарт.

Йиғилишда меҳнат шароитлари қоникарсиз ҳолда деб топилган, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнгин хавфсизлиги қоида ва меъёрлари бузилишига йўл қўйилган муассаса (бўлим) бошлиқлари тингланади.

Йиғилишни аниқланган камчилик ва бузилишларни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳамда ижро муддатлари ва масъул шахслар кўрсатилган баённома билан расмийлаштирган ҳолда ўтказиш тавсия этилади. Зарур ҳолларда муассаса раҳбари томонидан буйруқ чиқарилади.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазири



 _____ А.В.Алимов

КЕЛИШИЛГАН

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва
фармацевтика ходимлари касаба
уюшмаси Республика кенгаши
раиси



 _____ Ф.Ханәпиев

КЕЛИШИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат
ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирлиги Меҳнатни
муҳофаза қилиш бошқармаси
бошлиғи



 _____ Н.Холмуродов

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
тасарруфидаги муассасаларда меҳнатни муҳофаза
қилиш бўйича ўқитишни ташкил қилиш ва
билимларни текшириш тўғрисида**

Н И З О М

Тошкент

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
тасарруфидаги муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш
бўйича ўқитишни ташкил қилиш ва билимларни текшириш
тўғрисида
Н И З О М**

Мазкур Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитишни ташкил қилиш ва билимларни текшириш тўғрисида Низом (кейинчалик “Низом” деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 14.08.96 йил 272-сонли рўйхатдан ўтказилган «Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ва билимларни текширишни ташкил этиш тўғрисида»ги намунавий низомига асосан ишлаб чиқилган.

Низом Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча таркибий бўлинмалар, Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармалари, соғлиқни сақлаш тизимидаги Олий ва ўрта махсус касб-хунар коллежлари ва Республика тасарруфидаги соғлиқни сақлаш муассасалари, Тиббиёт марказлари, илмий текшириш институтлари, даволаш масканлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар барча даволаш-профилактика муассасалари ва уларнинг бўлинмаларидаги (кейинчалик “муассасалар” деб аталади) барча ходимлари (раҳбарларни ҳам инобатга олган ҳолда) уларнинг касби ва иш турлари учун тегишли хизматлар (бошқармалар, бўлимлар) ва давлат назорати идоралари томонидан белгилаб берилган ҳажмда ва муддатларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш, инструктаждан ўтказиш, билимларни текшириш ва қайта шаҳодатдан ўтказиш тартибини белгилаб беради.

Низом шунингдек, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча муассасаларда қўлланилиши мажбурий бўлган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш, билимларини текшириш, назорат ва ҳисобга олиш хужжатларининг керакли ягона шакллариغا эгадир.

Низом Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг таклифларини ҳисобга олган ҳолда “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги” томонидан тайёрланди.

1. Умумий қисм

1.1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги муассасаларнинг барча ходимлари, раҳбарларини ҳам ҳисобга олган ҳолда, уларнинг касблари ва иш турлари учун мазкур Низомда кўрсатилган давлат назорат ва текширув идоралари ва хизматлари томонидан белгиланган тартибда ҳамда муддатларда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари (“Ўзбекистон Республикасининг меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнғин хавфсизлигини ҳисобга олган ҳолда) бўйича ўқитиш (инструктаж қилиш), билимларини текшириш ва қайта шаҳодатдан ўтишлари шарт.

1.2. Мазкур Низоми Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги муассасалар ва уларнинг мулкчилик шакли ва ишлаб чиқариш усулидан қатъи назар, тузилмавий бўлинмалари ходимлари, раҳбарлари, муҳандис-техник ходимлари ва мутахассисларининг лавозим вазифалари ҳамда бажараётган ишларининг хусусиятлари билан белгиланадиган малакавий талаблар ҳажмида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш, билимларини текширишнинг мажбурий тартибини белгилаб беради.

1.3. Муассасага ишга кирган ходимлар ишларни хавфсиз олиб бориш бўйича йўриқлардан, тегишли стажировка ва билимлар текширувидан ўтганларидан сўнггина мустақил ишга қўйиладилар.

1.4. Ўта хавфли ишларга ва буғ ҳамда сув иситиш қозонларига, юк кўтариш кранлари, босим остида ишлайдиган идишлар, электр қурилмалар, махсус механизмлар ва машиналарга хизмат кўрсатиш ишларига тегишли махсус ўқув тўғрисидаги ҳужжатга эга бўлган кишилар қабул қилиниши мумкин.

1.5. Ходимлар хавфсиз ишлаш услубларига ўқитишни тўғри ташкил этиш ва ўт-казиш учун умумий раҳбарлик қилиш ҳамда

масъулият муассаса раҳбарларининг ўринбосарлари ва Муассаса техник раҳбарига (бош муҳандисларга) юклатилади.

Ходим ва усталарни бўлинма (лаборатория) ларда хавфсиз ишлаш услубларига ўқитиш шу бўлинмаларнинг раҳбарларига юклатилади.

1.6. Ходимларни хавфсиз ишлаш услубларига ўз вақтида ва сифатли ўқитиш устидан назорат қилиш меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати зиммасига юклатилади.

2. Ходимларни ўқитиш ва билимларини текшириш

2.1. Ходимларнинг йўриғи.

Ходимларнинг йўриғи кириш йўриғи ва иш жойидаги йўриқдан иборатдир. Иш жойидаги йўриқ эса ўз навбатида бирламчи, даврий ва навбатдан ташқари йўриқлардан иборат бўлади.

2.1.1. Кириш йўриғи.

2.1.1.1. Муассасага ишга кирган барча ходимлар, бошқа ташкилотларнинг шу муассасада ишлаш учун сафарбар қилинган ходимлари (малакаси, иш стажи ва тажрибасидан қатъи назар), шунингдек амалиётчилар ва шогирдлар мустақил ишни ёки стажировкани бошлашга қадар кириш йўриғидан ўтадилар.

2.1.1.2. Ходимларни кириш йўриғидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг ходими ёки унинг вазифалари юклатилган бошқа ходим ўтказиши лозим.

2.1.1.3. Жабрланганларга биринчи тиббий ёрдамгача бўлган ёрдамни кўрсатиш тўғрисидаги йўриқ, ёнғин хавфсизлиги ва бошқа махсус масалалар бўйича йўриқлар те-гишли мутахассислар томонидан ўтказилади.

2.1.1.4. Кириш йўриғи ўқув материалининг аниқ мазмуни ва ишлаб чиқариш талабларига тўғри келадиган замонавий техник воситалар, кўргазмали куроллар ва адабиётлардан фойдаланилган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш хонасида ўтказилиши лозим.

2.1.1.5. Кириш йўриғи бир гуруҳ ходимлар билан ҳам, алоҳида-алоҳида ходимлар билан ҳам ўтказилиши мумкин. Гуруҳ таркиби одатда 10 кишидан ошмаслиги керак.

2.1.1.6. Кириш йўриғини ўтказганлик тўғрисида кириш йўриғини рўйхатга олиш дафтарига ёзиб қўйиш ва ходимни қабул

қилиш хатида тегишли белгиларни қўйиш лозим. Дафтарнинг шакли 1-иловада берилган.

2.1.2. Иш жойидаги йўриқ.

2.1.2.1. Кириш йўриғидан ташқари барча ходимлар иш жойидаги йўриқдан ўтиш-лари лозим.

2.1.2.2. Иш жойидаги йўриқни ўтказишдан мақсад - ҳар бир ходимни меҳнат қилишнинг тўғри ва хавфсиз усуллари ҳамда услубларига ўқитишдир. Йўриқ жараёнида ходимни асбоб-ускуналар механизмлар, мосламалар, уларнинг тавсифи ва тузилиш хусусиятлари, юз бериши мумкин бўлган хавфлар, ишлашнинг хавфсиз услублари ва усуллари ҳамда иш жойини тайёрлаш тартиби билан таништириш керак.

2.1.2.3. Иш жойидаги йўриқни ўтказиш ходим бевосита бўйсунадиган бўлим раҳбарига юклатилади. Зарур ҳолларда йўриқ тегишли мутахассислар (механиклар, энергетиклар ва бошқа мутахассислар) иштирокида ўтказилади.

2.1.2.4. Электротехник бўлмаган ходимларга электр хавфсизлигига доир йўриқ ўтказиш ва малака гуруҳини бериш ишларини бош энергетик хизмати ходими амалга оширади.

2.1.2.5. Бевосита иш жойидаги йўриқ ишларни хавфсиз бажариш қоидалари ва йўриқномалари асосида цех, участка бошлиқлари томонидан ишлаб чиқилган ва муассаса бош муҳандиси томонидан тасдиқланган дастурлар бўйича ўтказилади. Бундай йўриқномалар ва уларнинг рўйхати муассаса бош муҳандиси томонидан касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

2.1.2.6. Ишларни хавфсиз бажариш йўриқномаларини ишлаб чиқиш ва ишлаётганлар ҳамда иш жойларини улар билан таъминлаш участкалар, цехларнинг раҳбарларига юклатилади.

2.1.2.7. Дастлабки йўриқ.

2.1.2.7.1. Дастлабки йўриқ бевосита иш жойида амалий ўқитиш (стажировка) билан биргаликда ходимларни мустақил ишлашга қўйишдан олдин, бошқа ишга ёки бошқа турдаги иш участкасига ўтказишда (ишлаб чиқариш шартлари ўзгарганда) ўтказилиши лозим.

2.1.2.7.2. Муассасага ишга кираётган шахс амалий ўқитиш (стажировка)ни тажрибали ва малакали ходим қўлида ўтиши керак. Стажировка учун ходимни кимга бириктириш масаласи

муассаса раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади, буйруқда ўқитиш муддати ва доимий назоратни олиб бориши лозим бўлган масъул шахс (уста) кўрсатилиши шарт.

2.1.2.7.3. Дастлабки йўриқни ўтказганлик тўғрисидаги маълумот иш жойидаги йўриқларни рўйхатга олиш дафтарига ёзиб қўйилади. Дафтар 2-иловада кўрсатилган шаклда юритилиши лозим.

2.1.2.8. Даврий йўриқ.

2.1.2.8.1. Касби бўйича иш стажи ва малакасидан қатъи назар, ходимлар камида ҳар 3 ойда бир марта ишларни хавфсиз бажариш бўйича даврий йўриқдан ўтишлари керак.

2.1.2.8.2. Даврий йўриқдан мақсад - ходимлар томонидан бажариладиган асосий ва бошқа ишларни хавфсиз бажариш бўйича ходимларнинг билимини белгиланган муддат ўтганидан сўнг янгилаб ва тўлдириб туриш.

2.1.2.8.3. Даврий йўриқ алоҳида ёки гуруҳ билан (бир турдаги касблар ва айрим иш турлари бўйича) бўлинма ёки муассаса амалиётидан олинган мисолларни суҳбат тарзида батафсил муҳокама қилиган ҳолда ўтказилиши мумкин.

2.1.2.8.4. Бирон-бир сабабга кўра (таътил, касаллик, хизмат сафари ва ҳоказо) белгиланган вақтда йўриқдан ўтмаган ходимлар ишга чиққан куни йўриқдан ўтишлари шарт.

2.1.2.8.5. Даврий йўриқ ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот иш жойидаги йўриқларни рўйхатга олиш дафтарига ёзиб қўйилиши лозим.

2.1.2.9. Навбатдан ташқари йўриқ.

2.1.2.9.1. Ишларни хавфсиз бажариш бўйича ходимларни қуйидаги ҳолларда нав-батдан ташқари йўриқдан ўтказиш керак:

- ишлаб чиқариш жараёни ўзгариши, бир асбоб бошқа турдаги асбоб билан ўзгартирилиши ва ҳоказолар натижасида меҳнат қилиш шароитлари ўзгарган ҳолларда;

- бўлинмада, участкада, бригадада бахтсиз ҳодиса ёки авария рўй берганда;

- ишларни хавфсиз бажариш бўйича янги қоидалар ва йўриқномалар киритилишидан келиб чиқадиган қўшимча талабларни ходимларга етказиш зарур бўлганда;

- кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан, меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнгин хавфсизлиги, санитария қоидалари ва йўриқномалари, ишлаб чиқариш интизоми бузилган ҳолларда;

- меҳнат хавфсизлиги бўйича кўшимча (юқори) талаблар қўйиладиган ишларда 30 календар куни ва ундан ортиқ, қолган ишларда - 60 кун ва ундан ортиқ танаффус вужудга келганида.

2.1.2.9.2. Навбатдан ташқари йўриқ ўтказилганда дастлабки йўриқ дастури билан бевосита боғлиқ бўлган қисминигина кўриб чиқиш лозим.

2.1.2.9.3. Ходимларни навбатдан ташқари йўриқдан ўтказиш дастлабки ва даврий йўриқлардагидек бевосита бўлинма раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

2.1.2.9.4. Навбатдан ташқари ўтказилган йўриқ ҳақида худди дастлабки ва даврий йўриқлар каби, фақат сабаби ва кўрилган хавфсизлик чора-тадбирлари кўрсатилган ҳолда йўриқларни рўйхатга олиш дафтарида расмийлаштирилади.

2.2. Ходимларнинг билимини текшириш.

2.2.1. Дастлабки йўриқ ва стажировкадан сўнг ходимлар (мустақил ишга қўйилишидан олдин ёки бир ишдан бошқасига ўтказилганда) ишларни хавфсиз бажариш бўйича қоидалар ва йўриқномаларни билишлари текширилиши лозим.

2.2.2. Билимларни текшириш дастлабки, даврий ва навбатдан ташқари текширишлардан иборат.

Билимларни текшириш муассаса раҳбарининг буйруғи билан тайинланган комиссия томонидан амалга оширилади. Маълум бир шароитдан келиб чиққан ҳолда, комиссия таркибига механиклар, энергетиклар ёки бошқа мутахассислар киритилиши мумкин.

Зарур ҳолларда, асосий иш бўйича қоидалар ва йўриқномаларни билишини текшириш билан бир қаторда, Давлат техник нозорат вакили билан бирга ходимнинг хавfli меҳнат шароитларида ишлашни билиши ҳам текширилиши мумкин.

2.2.2.1. Дастлабки билимлар текшируви.

Ходимнинг билими дастлаб текширилгандан сўнг унга билими текширилгани тўғрисида 3-иловада кўрсатилган шаклда гувоҳнома берилади.

Ходимларнинг билимини текшириш иш жойидаги йўриқномалари асосида бўлинма, участка бошлиқлари ва

мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган саволномалар бўйича ўтказилади.

2.2.2.2. Даврий билимлар текшируви.

Барча ходимлар ҳар бир иш йилидан сўнг (жадвалга кўра) даврий билим текширувидан ўтишлари лозим. Жадваллар ҳар йили бўлинма, участка бошликлари томонидан тузилади ва раҳбар томонидан тасдиқланади. Жадвал 4-иловада кўрсатилган шаклда бўлиши лозим.

2.2.2.3. Навбатдан ташқари билим текшируви.

Навбатдан ташқари ходимларнинг билимини текшириш куйидаги ҳолларда ўтказилади:

- ишлаб чиқариш жараёни ўзгарганда;
- янги асбоблар ва механизм тадбиқ қилинганда;
- меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича янги қоида ва йўриқномалар кучга кирганда;
- меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қоида ва йўриқномаларга риоя қилинмаганда;
- коидалар ва йўриқномаларни ходимлар томонидан етарли даражада билмаслик ҳоллари аниқланганда муассаса раҳбарияти, давлат назорат идораларининг талаби ва фармойишига биноан навбатдан ташқари билим текшируви ўтказилади.

2.2.3. Билимлар текширувининг натижалари ходимлар билимини текширишни рўйхатга олиш дафтарида расмийлаштирилади ва бир вақтнинг ўзида гувоҳномада акс эттирилади. Текширилаётган ходимнинг билимини баҳолашдан ташқари (яхши, қониқарли, қониқарсиз) ходимни мустақил ишга қўйиш мумкинлиги тўғрисида хулоса берилади.

Дафтар 5-иловада кўрсатилган шаклда юритилиши лозим.

2.2.4. Агар текширув вақтида ходимнинг билими қониқарсиз эканлиги аниқланса, у мустақил ишга қўйилмайди ва икки ҳафталик муддат ичида қайта текширувдан ўтказилади.

2.2.5. Узрсиз сабабли қайта билим текширувига келмаслик ёки текширувга тайёрланмасдан келиш меҳнат интизомини бузиш сифатида кўрилади. Бундай қоида бузарликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан меҳнат қонунлари ва ички меҳнат тартиби қоидаларида назарда тутилган жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

3. Раҳбарлар ва мутахассисларни ўқитиш ҳамда билимларини текшириш

3.1. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича раҳбарлар ҳамда мутахассисларнинг билим савиясини ошириш учун бошқарув идоралари ва муассасаларда давлат назорат идоралари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг давлат меҳнат техника инспекцияси, олий ўқув даргоҳлари ва 6-иловага мувофиқ бошқа мутахассисларини жалб этган ҳолда курслар, семинарлар, лекциялар, маслаҳат бериш ишлари ташкил қилинади.

3.2. Ходимлар ишга тайинланганда юқори лавозимдаги шахс томонидан куйидагилар:

- унга топширилган бўлинмада (участка, объект, муассасада) меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати билан;

- ходим ва хизматчиларни хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларидан ҳимоялашда қўлланиладиган ҳимоя воситалари тўғрисида;

- ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларини таҳлил қилиш;

- меҳнат шароитларини ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилашга доир керакли чора-тадбирларнинг рўйхати, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалий материаллар ва лавозим мажбуриятлари билан таништирилиши лозим.

3.3. Раҳбарлар ва мутахассисларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича билимларини текширишни бошқарув идоралари, муассасалар ва вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар) меҳнат бошқармаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича имтиҳон комиссиялари ўтказди. Бу текширув меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимлар текширувидан ўтиши лозим бўлган раҳбар ва мутахассисларнинг лавозим рўйхатига мувофиқ ўтказилади (6-илова). Комиссия таркиблари юқорида қайд этилган ташкилотларнинг раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

3.4. Бошқарув идоралари ва муассасаларнинг имтиҳон комиссияларига уларнинг раҳбарлари бошчилик қилади.

Муассасада билими текширилиши лозим бўлган ходимларнинг сони кўп бўлса, бир нечта имтиҳон комиссиялари тузилиши мумкин. Бундай ҳолларда меҳнатни муҳофаза қилиш

хизматларининг бош муҳандислари, муҳандислари, раҳбарлари ва шу муассаса раҳбарларининг ўринбосарлари раис этиб тайинланиши мумкин.

3.5. Имтиҳонларни ташкил этиш ва ўтказиш бошқарув идоралари, муассасалар раҳбарларига ва имтиҳон комиссияси раисларига юклатилади. Имтиҳонлар тасдиқланган жадвалга кўра қабул қилинади. Бу жадвал имтиҳонлар бошланишидан бир ой олдин барча имтиҳон комиссияларининг аъзоларига юборилган бўлиши лозим.

Имтиҳонларнинг ўтказилиш куни ва жойи тўғрисида имтиҳон топширувчи камида 15 кун олдин огоҳлантирилиши лозим.

Комиссия таркиби уч кишидан кам бўлган ҳолларда имтиҳонларни ўтказиш мумкин эмас.

3.6. Имтиҳон комиссияларининг таркибига киритилган муассаса раҳбарлари ва мутахассислари бошқарув идораларининг комиссияларида ёки давлат меҳнат техник инспекциясининг ҳудудий комиссияларида имтиҳонлардан ўтганларидан сўнг ўз муассасаларининг комиссиялари таркибида иштирок этишлари мумкин.

3.7. Имтиҳон комиссиялари раҳбар ва мутахассисларининг куйидаги масалалар бўйича билимлари текширилади:

Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодекси ва меҳнат муҳофазаси бўйича бошқа қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар;

- меҳнат хавфсизлиги стандартларининг тизими;
- аварияларнинг олдини олиш ва чеклашнинг тизимлари;
- электр билан жароҳатланишнинг олдини олишга доир асосий талаблар;

- ёнғин хавфсизлиги, ёнғинлар, портлашлар, аварияларни бартараф этиш усуллари ва воситалари, табиий офатлар юз берганда ходимларнинг ҳатти-ҳаракатлари;

- ишлаб чиқариш санитарияси ва шахсий гигиенанинг асосий талаблари;

- меҳнат муҳофазаси ҳолатининг давлат, муассасавий назорати ва жамоат назорати тўғрисидаги низомлар;

- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низом;

- технология тартибига риоя қилиниши ва ишлаб чиқариш жараёнларини хавфсиз бажаришни таъминлайдиган лавозим йўриқномалари, паспортлар, схемалар ва технологик иш тартиблари;

- шахсий ҳимоя воситалари (ШХВ) ни тайинлаш ва қўллаш, ШХВ ни бериш тартиби ва меъёрлари, улардан фойдаланиш муддати;

- меҳнат шартномаси, иш вақти ва дам олиш вақтининг тартиби, аёллар ва 18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатини муҳофаза қилиш билан боғлиқ имтиёзлар ва тўловлар;

- жабрланувчиларга биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш усуллари.

3.8. Имтиҳон билетлари муассасанларнинг хусусиятлари раҳбар ва мутахассисларга қўйиладиган малакавий талаблар, маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади ва доимий ишлайдиган имтиҳон комиссияларининг раислари томонидан тасдиқланади.

3.9. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир билимларни текширишнинг қуйидаги турлари белгиланади:

дастлабки, даврий, навбатдан ташқари.

3.9.1. Дастлабки билимлар текшируви раҳбар ва мутахассислар лавозимига ишга тайинланганларидан сўнг камида бир ой муддат ичида, улар тегишли имтиҳон комиссияси томонидан меҳнат муҳофазасига доир билимларининг дастлабки текширувидан ўтишлари .

3.9.2. Даврий билимлар текшируви усталар (механиклар)да бир йилда камида бир марта ва раҳбарлар ҳамда бошқа мутахассислар (бош механик, энергетик, бўлинма (участка бошликлари) учун уч йилда камида бир марта ўтказилиши лозим.

3.9.3. Навбатдан ташқари билимлар текшируви.

6- илованинг 4- бандига мувофиқ лавозимлар рўйхатига киритилган раҳбарлар ва мутахассислар қуйидаги ҳолларда:

- меҳнат муҳофазасига доир янги ёки қайта ишланган меъёрий ҳужжатлар кучга кирганда;

- янги асбоб-ускуналар ишга туширилганда ёки янги технологик жараёнлар тадбиқ қилинганда;

- ходим меҳнат муҳофазаси бўйича қўшимча билимга эга бўлиши кераклиги талаб қилинадиган бошқа ишга ўтказилганда ёки бошқа лавозимга тайинланганда;

- гуруҳли, ўлим билан тугаган ёки оқибати оғир бахтсиз ҳодисаларга йўл қўйилганда, шунингдек авариялар, портлашлар, ёнғин ёки заҳарланиш ҳоллари юз берганда;

- давлат назорат идораларининг талабига кўра;

- ишда бир йилдан ортиқ танаффус бўлганда меҳнат муҳофазаси бўйича навбат-дан ташқари билимлар текширувидан ўтишлари керак.

Навбатдан ташқари билимлар текшируви ушбу текширувни ўтказиш учун кўрсатма берадиган инстанция томонидан белгиланадиган айрим ҳужжатларнинг талаблари доирасида ўтказилади.

3.10. Билимлар текширувининг натижалари баённомаларда расмийлаштирилади, имтиҳон комиссиясининг раиси ва аъзолари томонидан имзоланади (5-илова).

Билимлар текширувининг баённомалари меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ёки ходимлар (кадрлар) бўлимида камида 6 йил сақланади.

3.11. Бошқарув идоралари ва юқори хавфга эга муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари бўйича имтиҳонлардан ўтган кишиларга гувоҳномалар берилади. Бу гувоҳномалар имтиҳон комиссиясининг раиси (раис ўринбосари) ва комиссия аъзоси - давлат назорат идорасининг инспектори томонидан имзоланади (3-илова).

3.12. Меҳнатни муҳофаза қилиш имтиҳонларидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳ-номанинг борлиги раҳбар ёки мутахассисни мазкур Низомнинг 3.7 бандида кўрсатилган саволлар бўйича танлов асосида унинг билимини текширишдан озод этмайди.

3.13. Меҳнатни муҳофаза қилиш имтиҳонларида қониқарсиз жавоб берган ходим - муассаса раҳбари ёки мутахассиси, бир ой муддат ичида имтиҳонларни қайта топшириш шарти билан ўз лавозимида қолдирилиши мумкин.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қайта имтиҳонлардан ўтмаган ходимларнинг ҳужжатлари муассасанинг аттестация

комиссиясига топширилади ва бу комиссия уларнинг эгаллаб туган лавозимларига мос келиш-келмасликлари масаласини ҳал қилади.

Имтиҳон комиссияларининг қарори билан боғлиқ бўлган баҳсли масалалар Давлат меҳнат техника инспекцияси, суд орқали кўриб чиқилади.

3.14. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир билимлар текширувини ташкил қилиш ва ўтказиш бошқарув идораларининг раҳбарлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларига юклатилади. Давлат меҳнат техника инспекцияси ва назорат остидаги объектлар бўйича Давлат назорати органлари назорат қилиш ҳуқуқига эгалар.

3.15. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларни текширишдан бўйин товлаган раҳбарлар ва мутахассислар ишдан четлатилади ҳамда уларга нисбатан мазкур Низомнинг 3.13-бандида кўзда тутилган чоралар қўлланилади.

4. Кириш йўриғининг намунавий дастури

4.1. Муассаса тўғрисидаги умумий маълумотлар.

4.2. Меҳнатни муҳофаза қилиш қонун тўғрисида.

Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизимининг (МХСТ) стандартлари тўғрисида умумий маълумот. Иш вақти ва дам олиш вақти. Аёллар ва ёшлар меҳнатини муҳофаза қилиш. Давлат назорати, ички муассасавий ва жамоат назорати. Ишлаб чиқаришдаги ва иш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларни текшириш тартиби. Ички меҳнат тартиби қоидалари.

4.3. Хавфсизлик техникаси.

- Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари ҳамда улардан ҳимояланиш усуллари. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касалланишларнинг асосий сабаблари.

- МХСТ стандартларидан ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ва ишлаб чиқариш жараёнларига қўйилган талаблар. Асбоб-ускуналардан фойдаланишдаги асосий хавфсизлик қоидалари.

- Эҳтиёт тўсиғи, сигнал мосламалари. Хавфсизлик ранглари ва белгилари.

- Электр қувватининг инсон организмга таъсири. Жароҳатланиш турлари. Электр қуввати билан жароҳатланиш

хавфини оширадиган вазият. Электр жароҳатларининг олдини олишга доир асосий чора-тадбирлар.

- Иш жойини ташкил қилиш ва сақлашдаги хавфсизлик талаблари.

- муассаса ичида ҳаракатланадиган транспортларнинг иши билан болиқ ҳолатларнинг асосий қоидалари.

4.4. Ишлаб чиқариш санитарияси:

- Ишлаб чиқариш муҳитининг асосий санитария-гигиена омиллари.

- Меҳнат шароитини яхшилашга доир асосий тадбирлар (техник ва ташкилий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика). Шамоллатиш қурилмасининг моҳияти ва уни ўрнатиш. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир тадбирларнинг умумий тизимида ёритгичларнинг ўрни.

- Шовқиннинг зарарли таъсирини камайтиришга оид даволаш-профилактика тадбирлари.

4.5. Ишловчиларнинг алоҳида ҳимояланиш воситалари, улардан фойдаланиш меъёрлари ва қоидалари. МХСТ стандартларининг ҳимоя воситаларига талаблари.

- махсус кийим, махсус пойабзал.

- қўллар, бош, юз-кўз, нафас олиш йўлларини ҳимоялаш воситалари. Шовқиндан ҳимоялаш воситалари. Эҳтиёт мосламалари.

4.6. Санитария кийими санитария пойабзали ва санитария жиҳозларига қўйиладиган талаблар. Шахсий гигиена қоидалари.

4.7. Муассасадаги асосий ёнғин хавфсизлиги талаблари.

4.8. Механик жароҳатлар, иссиқликдан куйиш, кислота ва ишқорлардан кўйиш, заҳарланиш, электр жароҳатларида жабрланувчига биринчи ёрдам кўрсатиш.

4.9. Хавфсизлик техникаси йўриқномасининг талабларини бузганлиги учун ходимнинг жавобгарлиги.

5. Иш жойидаги йўриқнинг намунавий дастури

5.1. Ушбу бўлинмадаги технологик жараён ва асбоб ускуналар тўғрисида умумий маълумот. Асосий хавфли ва зарарли омиллари.

5.2. Иш жойини хавфсиз ташкил қилиш ва сақлаш.

5.3. Асбобларни ўрнатиш, асбобнинг хавфли қисмлари, эҳтиёт мосламалари ва тўсиқлари, блокировка ва сигнализация тизимлари.

5.4. Ишга тайёрланиш тартиби (асбоб-ускуналар, ишга тушириш асбоблари, асбоб ва мосламалар, ерга улаш блокировкалари ва бошқа ҳимоя воситаларининг созлигини текшириш).

5.5. Хавфсиз иш усуллари ва услублари; хавфли вазият юз берганда ҳаракат қилиш тартиби.

5.6. Ушбу иш жойидаги махсус кийим ва шахсий ҳимоя воситалари ҳамда улардан фойдаланиш қоидалари.

5.7. Ходимларни электрдан ҳимоялаш бўйича асосий талаблари.

5.8. Муассаса, бўлинма (участка) ҳудудида ишловчиларнинг хавфсиз ҳаракатланиш схемаси.

5.9. Юкларни ортиш-тушириш ва транспортда жўнатиш, юк кўтарадиган транспорт воситалари ва механизмларидан фойдаланишдаги хавфсизлик талаблари.

Титул варағи

Бирлашма (бошқарма) _____
 Муассаса, ташкилот _____

Кириш йўриғини рўйхатга олиш
 дафтари
 20__йил”____”____ бошланган

Йўрик ўтказиш санаси	Йўриқдан ўтаётганнинг фамилияси, исми-шарифи	Касби, лавозими	У юборилаётган булимнинг номи	Йўриқдан ўтаётган- нинг	Йўрик ўтказаёт- ганнинг
				имзолари	
1	2	3	4	5	6

Титул варағи

Бирлашма (бошқарма) _____
 Муассаса, ташкилот _____

Иш жойидаги йўриқларни рўйхатга олиш
 дафтари

_____ (участка, объект, бригада ва ш.к. номи)

20__йил”____”____ бошланган

_____ ходимларининг рўйхати

Фамилияси, исми-шарифи	Касби, лавозими	Йўриқларни ёзиш бети рақами	Изоҳ
1	2	3	4

2-50- бетлар

Фамилияси, исми-шарифи _____

Касби (лавозими) _____

Йўриқни ўтказиш санаси, тури, сабаби	Йўриқ мавзуи (йўриқ қайси масалага оид)	Имзолар	
		Йўриқдан ўтаётган- ники	Йўриқ ўтказает- ганники
1	2	3	4

3-илова

1-бет

_____ (муассаса,

ташкilotнинг номи)

Гувоҳнома

Ф.И.Ш. _____

Қоидалар, йўриқномаларни билиши текширувидан ўтди ва _____
_____ касби (лавозими) бўйича _____ да

(булинма, участка, қурилма, партия, бригада ва ш.у.)

мустақил ишлашига рухсат берилди.

М.Ў. _____ Комиссия раиси _____
(имзо, ф. и. ш.)

Берилган вақти 20 ____ й.” ____ ” _____

Бошақ ишга ўтказилгани тўғрисида маълумот

Сана	қаерга ўтказилган?	Касби (лавозими)	Цех бошлиғининг имзоси

Билимларни текшириш

1. Асосий касбига доир қоида ва йўриқномалар

Сана	Баённома рақами	Баҳо, хулоса	Комиссия раисининг имзоси

2. Босим остида ишлайдиган идишларнинг тузилиши
ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари

Сана	Баённома рақами	Баҳо, хулоса	Комиссия раисининг имзоси

3. Газ хўжалигида хавфсизлик қоидалари

Сана	Баённома рақами	Баҳо, хулоса	Комиссия раисининг имзоси

4. Сув иситиш ва буғ қозонларининг тузилиши ва
хавфсиз фойдаланиш қоидалари

Сана	Баённома рақами	Баҳо, хулоса	Комиссия раисининг имзоси

5. Юк кўтариш кранларининг тузилиши ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари

Сана	Баённома рақами	Баҳо, хулоса	Комиссия раисининг имзоси
------	-----------------	--------------	---------------------------------

8-бет

6. Истеъмолчиларнинг электр қурилмалардан ТФ ва истеъмолчиларнинг электр қурилмалардан фойдаланишдаги ХТ

Сана	Дафтардаги ёзув рақами	Баҳо, малакавий гуруҳ, хулоса	Раиснинг имзоси
------	---------------------------	----------------------------------	--------------------

9-бет

Курсларда ўқитиш

Сана	Курсларнинг номи	Соатлар сони	Техникавий ўқитиш учун масъул шахс- нинг имзоси
------	------------------	-----------------	--

10-бет

Ходим учун қўлланма

1. Иш жойида ходимнинг гувоҳномаси ўзида бўлиши шарт.
2. Хавфсиз ишлаш усулларининг қоидаларини билишлари ходим ва усталардан ҳар йили, муассаса раҳбарлари ва боша МТХ лардан 3 йилда 1 марта текширилади.
3. навбатдан ташари билимлар текшируви қуйидаги ҳолларда ўтказилади:
 - технологик жараён ўзгарганда, янги асбоб-ускуналар тадбиқ қилинганда, шунингдек меҳнат хавфсизлиги бўйича янги қоидалар ва йўриқномалар жорий этилганда;

- ходим томонидан хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмаганда ва Низомда кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

4. Комиссия раисининг имзоси бўлмаган, шунингдек навбатдаги текширувнинг муддати ўтиб кетган гувоҳнома бекор деб ҳисобланади.

4-илова

Тасдиқлайман

20 __ йил” ____ ” _____

20 __ йил учун билимларни текшириш

Ж А Д В А Л И

Фамилияси, исми, шарифи	Касби (лавозими)	Текширув санаси			Изоҳ
		Олдинги	Режа бўйича	Амалда	
1	2	3	4	5	6

5-илова

Титул варағи

Бирлашма (бошқарма) _____
Муассаса, ташкилот _____

Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва йўриқномалари
бўйича билимлар текширилганини рўйхатга олиш

дафтари

200 __ йил” ____ ” _____

бошланган

Билимларни текшириш комиссияси мажлисининг

Б А Ё Н И

20 __ йил” ____ ” _____

_____ сон

_____ ш.

Комиссия таркиби (фамилияси, исми-шарифи, лавозими кўрсатилади)

Комиссия раиси _____

Аъзолар:

1. _____

2. _____

3. _____

4. _____

Билимлар текшируви _____
(ким томонидан, қачон)

томонидан тасдиланган дастурга мувофиқ ўтказилди.

Текширув натижалари

Фамилияси, Исми-шарифи	Лавозими, касби, ушбу касб бўйича иш стажи	Олдинги текширув санаси	Баҳо, хулоса	Билими тек- ширилаётганнинг имзоси
1	2	3	4	5

қоникарли баҳо олган кишилар мустқайл ишлашга, тегишли ишларни бажаришга (рахбарлик илишга) қўйилади.

Имзолар:

1. _____

2. _____

3. _____

4. _____

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимлар текширувидан
ўтиши шарт бўлган раҳбарлар ва мутахассислар лавозимларининг
Р Ў Й Х А Т И

Т/р.	Имтиҳон комиссияларининг номи ва улар-нинг таркиби	Меҳнат муҳофазаси бўйича билимлар тек-ширувидан ўтиши шарт бўлган раҳбар ва муҳандис-техник ходимларнинг рўйхати
1.	<p>Вазирликлар, идоралар ва боша бошқарув органларининг Республика имтиҳон комиссиялари</p> <p>Аъзолар:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Раҳбарнинг биринчи ўринбосари 2. Давлат меҳнат техника инспекцияси вакили 3. «Саноатконтехназорат» агентлиги вакили 4. ИИБ Давлат ёнғин назорати вакили 5. Санитария-эпидемиология маркази вакили 6. Давлат энергия назорати вакили 	<p>Раҳбарнинг ўринбосарлари ва ишлаб чиқариш масалалари билан шуғуллана-диган бўлинма раҳбарлари, уюшма ва бошқа бошқарув идораларининг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари.</p> <p>Илмий ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқа-риш бирлашмалари, трестлари, уларга тенглаштирилган бошқарув идораларига эга бўлган ташкилотлар раҳбарлари.</p> <p>Билимлари текширувдан ўтадиган раҳбарларнинг рўйхати бошқарув идораларининг биринчи раҳбарлари томонидан Давлат меҳнат техника инспекцияси ва тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши билан келишилган ҳолда тасдиланади.</p>
2.	<p>Вилоят (шаҳар) имтиҳон комиссияси</p> <p>Раис: Вилоят (шаҳар) бўйича бош давлат меҳнат техника инспектори</p> <p>Раис ўринбосари: «Саноатконтехназорат» агентлиги вакили</p>	<p>Илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари раҳбарлар ўринбосарлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбарлари</p> <p>Муассаса раҳбарлари, меҳнатни муҳофаза қилиш</p>

	<p>Аъзолар:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Давлат энергия назорати вакили 2. Давлат ёнгин назорати вакили 3. Вилоят (шаҳар) санитария эпидемиология маркази вакили 4. Тармоқ касаба уюшмалари РК вакили 5. Худуд муассасаларининг вакиллари 	<p>хизмати раҳбарлари, ҳамда шу кор-хоналарнинг доимо фаолиятдаги комиссиялари аъзолари</p>
3.	<p>Туман комиссиялари. Комиссия таркиби вилоят (шаҳар) давлат меҳнат техника инспекцияси қарори билан тасдиланади.</p>	<p>Жойлардаги муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари (иш берувчилари), раҳбар ўринбосарлари, бош мутахассислари. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбарлари ва мутахассислари</p>
4.	<p>Муассасалар (ишлаб чиқариш бирлашмалари)нинг комиссиялари. Комиссия таркиби муассаса раҳбарининг қарори билан тасдиқланади.</p>	<p>Муассасаларнинг муҳандис-техник ходимлари, мутахассислари ва бошқа ходимлари, меҳнат жамоалари (касаба уюшма ташкилотлари)нинг меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллари</p>

Қайдлар учун

Теришга 09.05.2017 йилда берилди. Босишга 18.05.2017 йилда
рухсат этилди. Бичими: 60x84 1/16. Офсет босма. Times гарнитураси.
Шартли б.т. 27.4. Нашр б.т. 24,9. Адади: 5500. Буюртма № 370.

“Sano-standart” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.
Телефон: (371) 228-07-94

